

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Р.Х. ДУШАНОВ, Ё. А. ФАРФИЕВ

КАСБИЙ ПСИХОЛОГИЯ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан
Вазирлик олий таълим муассасалари учун
дарслик сифатида рухсат этилган*

Тошкент 2014

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Т а қ р и з ч и л а р:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети психология кафедрасининг мудир
психология фанлари доктори, профессор **Э. Ғ. Ғозиев**;
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
профессор, психология фанлари номзоди **Ғ. Б. Шоумаров**;
юримдик фанлари номзоди, доцент **Д. М. Миразов**

Д-86 Душанов Р.Х.

Касбий психология: Дарслик / Р. Х. Душанов, Ё. А. Фарфиев.
– Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – 346 б.

Мазкур дарслик таълим стандартлари ҳамда «Касбий психология» фанининг ўқув дастури асосида давлат тилида тайёрланган дастлабки ишлардан бири бўлиб, унда ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг психологик жиҳатлари батафсил ёритилган.

Юриспруденция ва юримдик психология соҳаларида ички ишлар ходимлари фаолияти психологиясини ўрганаётган тингловчи ва талабалар, уни тадқиқ этиш билан шуғулланаётган тадқиқотчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларга, шунингдек, ички ишлар органларининг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

ББК 88.4я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014

К И Р И Ш

Бугунги кунда мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятимизда адолат ҳамда қонун устуворлигига эришиш ички ишлар идоралари ходимлари, қолаверса, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Мамлакатимизда ички ишлар идоралари соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги ҳамда давлат келажаги учун жонкуяр, олижаноб, фидойи, ўз хизмат бурчини сидқидилдан бажарадиган виждонли ходимларни тарбиялаб етиштириш вазифасини кўймоқда. Чунки бугунги мураккаб шароитда ички ишлар идоралари ходимларининг халқ олдидаги нуфузини кўтариш, унга бўлган ишончини мустаҳкамлаш бевосита ана шу ислоҳотлар самарасига боғлиқ.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги касб масъулиятига оид қуйидаги фикрлари диққатга сазовордир: «Бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал касб ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши муболағасиз бутун ҳокимиятнинг обрўси, кишилари-мизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди»¹. Шу боис ички ишлар идоралари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда ўзларига берилган ваколатларни суиистеъмол қилмасликлари, аксинча ҳар бир ҳуқуқ ва ваколат ортида халқ ҳамда давлат олдидаги бурч, масъулият туришини тўлиқ англаб етишлари зарур.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи омиллар, шунингдек, ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шу орқали бу фаолиятни такомиллаштиришнинг

¹ Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 189.

психологик механизмларини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш давр талабидир.

Ҳар қандай инсон кундалик ҳаётида одамлар билан учрашиб, мулоқотга киришади ва бу мулоқот жараёнида ҳар икки томон ўзининг ички ва ташқи руҳий оламини намоён қилади. Ана шу руҳий ҳолатларнинг барчаси инсоннинг психикасини ташкил қилади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Чунки улар доимий равишда турли тоифадаги одамлар билан учрашадилар, мулоқотга киришадилар. Бу эса ходимдан касбий психология фанини, жумладан ички ишлар идоралари фаолиятида юз берадиган психик ҳолат ва жараёнларни яхши билишни, уларга қарши доимо тайёр туришни талаб қилади. Ана шу нуқтаи назардан касбий психология фан сифатида ўрганилади.

Ушбу дарслик айнан шу мақсадни кўзда тутган бўлиб, Давлат таълим стандартлари ҳамда касбий психология фанининг ўқув дастури асосида тайёрланди. Уни тайёрлашда психолог олимлар – М. И. Еникеев, А. М. Чуфаровский, Э. Ғ. Ғозиев, В. М. Каримова, С. В. Асямов ва бошқаларнинг илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш жоизки, дарслик ушбу йўналишда давлат тилида яратилган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги боис, унда айрим камчиликлар, жузъий хатолар бўлиши табиий. Муаллифлар дарслик юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда уни тўлдириш, такомиллаштириш борасидаги таклифларни бажонидил қабул қилдилар ва келгуси ишларида албатта инобатга оладилар.

I-БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ

1. Касбий психология фанининг объекти ва предмети

Ички ишлар идоралари ходими фуқароларнинг хавфсизлиги, тинчлиги, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлашга масъул бўлган давлат хизматчиси ҳисобланади. Ана шу масъулият ходимдан биринчи навбатда ўз касбининг билимдони, устаси бўлишни талаб қилади.

Ўз касбининг билимдони бўлиш учун нафақат юридик фанларни, балки шахсларнинг руҳий ҳолати ва кечинмаларини ҳам яхши билиш керак бўлади. Бу эса ҳар бир ички ишлар идораси ходимидан психология илмининг сир-асрорларидан хабардор бўлиш ва шу асосда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов: «Психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб, одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак»¹, – деган эди. Ушбу фикр касбий психология фанининг методологик асосларидан бирини ташкил қилади.

Ҳар қандай инсон кундалик ҳаётида одамлар билан учрашиб, мулоқотга киришар экан, у ўзининг босиқ ёки қизиққон, бепарво ёки қизиқувчан, меҳрибон ёки бағритош, жаҳлдор ёки босиқ ва ҳоказолардан иборат ички ва ташқи руҳий оламини намоён қилади. Бу руҳий ҳолатлар онгли ва онгсиз тарзда намоён бўлади. Ана шу ҳолатларнинг барчаси инсоннинг психикасини ташкил қилади.

Инсон психикаси моддий ва маънавий борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни жонли инъикос этувчи мураккаб жараён бўлиб, у

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. –Т. 14. – Т., 2006. – Б. 121–122.

инсониятнинг узок давом этган физиологик ривожини уйғунлигининг маҳсули ҳисобланади.

Хўш, психика нима?

Психика – юқори даражада ташкил топган материянинг тизимли хоссаси (хусусияти), субъект томонидан объектив борлиқни фаол акс эттириш, мазкур борлиқ манзараларини субъект ўзидан узоклаштирмай ифодалаши, худди шу аснода ўз хулқи ва фаолиятини шахсан бошқаришдир. Психикада ўтмишнинг, ҳозирги давр ва келгуси замоннинг ҳодисалари ифодаланган, тартибга солинган¹. Психиканинг асосий вазифалари – акс эттириш – фаолият ва хатти-ҳаракатларни бошқаришдир.

Унинг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги психик (билиш) жараёнлар (сезги, идрок, хотира, тафаккур, хаёл, нутқ ва диққат), психологик ҳолатлар (ҳиссиёт, эмоция, эътиқодлилик, бардамлик, тетиклик, қизиқувчанлик, ҳайратланиш, ишончлилик, ижодий руҳланиш), шахснинг хусусиятлари (йўналишлар, темперамент, характер, қобилият, иқтидор, ақлий салоҳият, хулқ мотивацияси, иш услуби, масъулият)да кузатилади.

Психология – психиканинг келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятлари, шунингдек инсондаги онглилик ва онгсизлик феноменларининг хилма-хил кўринишларини ўрганувчи фан.

Психология юнонча «psychologos» сўзидан олинган бўлиб, «жон», «руҳ» ҳақидаги фан, таълимот деган маънони англатади. Бироқ ҳозирги давр илмида «жон» тушунчаси ўрнига «психика» атамасини қўллаш қабул қилинган. Чунки лингвистик нуқтаи назардан «жон», «психика» тушунчалари айнан бир маънони билдиради. Лекин «психика» атамаси бугунги кунда «жон»га нисбатан кенгроқ маънога, кўламга эга бўлиб, инсон руҳиятининг ҳам кўзга кўринувчи, ҳам кўзга кўринмас томонларини ўзида акс эттиради.

Психология фанининг объектига психика, онг ва онгсизлик, шахс ва унинг фаоллиги кирса, унинг предметини ана шу объект ҳақидаги муайян билимлар ташкил қилади (Объект – кишиларнинг диққатини ўзига тортадиган моддий ва маънавий борлиқ. Предмет – моддий ва маънавий борлиқ ҳақидаги билимлар мажмуаси ва ўрганиладиган масалалар).

¹ Қаранг: *Фозиев Э. Умумий психология.* – Т., 2002. – Б. 25.

Психология фани: умумий психология, ижтимоий психология, педагогик психология, зоопсихология, ёш даврлари психологияси, муҳандислик психологияси, юридик психология, ҳарбий психология, тиббиёт психология, савдо психологияси каби тармоқларга бўлинади. Бунда:

– умумий психология психик фаолиятнинг умумий қонуниятлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганадиган махсус соҳа ҳисобланади;

– педагогик психология кишига таълим ва тарбия беришнинг психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;

– ёш даврлари психологияси турли ёшдаги одамларнинг туғилганидан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини индивиднинг ёшига мос тарзда ўзгариши тамойилларини ўрганади;

– ижтимоий психология одамларнинг жамиятда биргаликда фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинма ва хулқ-атворларни ўрганади;

– муҳандислик психологияси автоматлаштирилган бошқарув тизимлари операторларининг фаолиятини, *одам-техника* ўртасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштиришнинг хусусиятларини ўрганади;

– ҳарбий психология кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган хулқ-атворини, зобитлар билан оддий аскарлар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;

– савдо психологияси – жамиятда тижоратнинг психологик шарт-шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга, жинсга оид хусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди;

– тиббиёт психологияси шифокор фаолияти психологиясини, бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади.

Шунингдек, психологияда этнопсихология, оилавий ҳаёт психологияси, бошқарув психологияси, шахс психологияси, спорт психологияси, психодиагностика, сиёсий ва ташкилий психология каби кўплаб соҳалар мавжудки, уларнинг ҳар бири жамиятдаги реал эҳтиёжлар ва уларни қондиришда психологиянинг фан сифатидаги ўрни ва мақсадидан келиб чиқади¹.

¹ Қаранг: *Каримова В.* Психология: Ўқув қўлланма. – Т., 2002. – Б. 20–21.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти жамиятда мавжуд бўлган барча касблардан, биринчидан, давлат томонидан қатъий белгилаб берилган қонунлар, буйруқлар, низом ва йўриқ-номалар асосида иш кўриши; иккинчидан, бевосита жинойтчилар дунёси билан ишлаши; учинчидан, ҳаётининг доимо хавф-хатар остида бўлиши; тўртинчидан, давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иш кўриши билан ажралиб туради. Ана шу фаолият маълум психологик қонунлар, усуллар асосида иш кўришни талаб этади. Бу эса ички ишлар идоралари фаолиятида юз берадиган психик ҳолат ва жараёнларни алоҳида фан – касбий психология сифатида ўрганишни тақозо этади.

Хўш, касбий психология фанининг баҳс мавзуи нима?

Касбий психология, ўз моҳиятига кўра, юридик психология фани таркибига киради. Шу нуқтаи назардан қараганда *касбий психология* ўзига хос *предмет* бўлиб, юриспруденция ва психологиянинг нозик томонларини қамраб олади. Яъни бу фан ҳуқуқ билан психология соҳаларининг кесишувида юзага келади. Ҳуқуқ инсоннинг хулқ-атворини, хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ жараёнларни ўрганади. Психология эса муайян шахс, унинг жамиятдаги хулқ-атвори ва турли фаолиятларининг ўзига хос томонларини ўрганади. Бундан кўринадики, ҳар иккала фаннинг объекти ва субъекти шахс, инсон ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, касбий психология юридик психология таркибида юзага келган бўлиб, аниқ фаолият, яъни ички ишлар идоралари фаолиятидаги психологик жиҳатларнинг муҳим томонларини ўрганишга бағишланган фан ҳисобланади.

Касбий психология илмий-амалий фан бўлиб, умумий психологиянинг қонуниятларини ўрганади ва бу фанни самарадорлигини ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқади.

Касбий психология фани ҳуқуқ доирасидаги муносабатлар, одамларнинг психик фаолиятини ҳуқуқий бошқариш механизмлари ва қонуниятларини ўрганувчи фандир. Бунда гувоҳлар, холислар, жабрланувчи, гумонланувчиларнинг кўрсатмалари ҳамда сўроқ олиб боришнинг психологик асосларини ўрганиш *мақсад* қилиб қўйилган.

Касбий психология фанининг мақсади – ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг тараққиёт қонуниятлари, турли тоифадаги шахслар билан ўзаро муносабатлар жараёнида психологик билим-

лардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборатдир.

Шу маънода, касбий психология фанининг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, файласуф-алломаларнинг психология фанига оид ғоя ва назариялари ҳамда ҳукумат қонунлари, Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва кўрсатмалари ташкил этади.

Касбий психология фанининг предмети қуйидагилардан иборат:

– ички ишлар идоралари ходимларининг психикасини ҳар томонлама ўрганишдан ҳосил бўлган билимлар;

– жабрланувчи, айбдор, гувоҳ, гумон қилинувчи ва ҳоказоларнинг онги, руҳияти, онглилик ва онгсизлик ҳолатидан ҳосил бўлган хулосалар;

– жиноятчи шахсининг тузилиши, унинг фаолияти ва фаоллигини ўрганиш орқали олинган назарий ва амалий хулосалар.

Барча фанлар сингари касбий психология фанининг ҳам ўз объекти мавжуд, улар қуйидагилардан иборат:

– ички ишлар идоралар ходимларининг психологияси;

– жабрланувчи, айбдор, гувоҳларнинг психологияси;

– фуқароларнинг онглилик ва онгсизлик ҳолатлари;

– шахсининг тузилиши;

– шахсининг фаолияти;

– шахсининг фаоллиги ва унинг шакллари.

Шундай қилиб, касбий психология фани ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги психика, онг, онгсизлик каби феноменларнинг келиб чиқиши, ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи фандир.

2. Касбий психология фанининг юридик психология тизимида тутган ўрни

Юридик психология кўпгина соҳаларни ўз ичига қамраб олувчи амалий фан ҳисобланиб, бир томондан психология, иккинчи томондан умумий ҳуқуқшунослик фанлари доирасига киради. Бу фан ижтимоий-гуманитар фанларнинг интеграллашуви жараёнларининг маҳсули сифатида XVIII асрдан бошлаб пайдо бўла бошлаган.

Юридик психология ўз ичига суд, криминал ва ҳуқуқ психологияси йўналишларини қамраб олади. Гуманистик нуқтаи назардан суд психологияси муаммоларини М. М. Шербатов (1733–1790) ўргана бошлаган. XIX аср охири ва XX аср бошларида И. М. Сеченов, С. М. Бехтеров, А. Ф. Кони фаолият юритган давр юридик психологиянинг ўсиш даври ҳисобланади. Жиноятчи шахс психологияси устидаги изланишлар натижа бера бошлайди ва айти шу даврда юридик психологияни мустақил фан сифатида қабул қилиш зарурати туғилади.

Ганс Гроснинг 1898 йилда чоп этилган «Криминал психология»си кўплаб психолог олимларнинг машаққатли меҳнатларини ўзида акс эттирган биринчи илмий адабиёт саналади.

Альфред Бине 1900 йилда нашр эттирган «Таъсир этиш» асарида ёш болаларнинг гувоҳлик беришида таъсир кўрсатишнинг муҳимлиги муаммосини ўрганган.

1925 йилда биринчи бўлиб Россия давлатида Жиноят ва жиноятчиликни ўрганиш институти ташкил этилади.

1964 йилда «Юридик психология» фани ҳуқуқшунослик йўналишидаги барча институтларнинг ўқув дастурларига киритилади.

1970 йилда Америка миллий руҳий соғломлаштириш марказида ўтказилган 45 та изланиш натижалари асосида «Жиноий хромосома аномалияси» мавжудлиги ҳақида маъруза қилинади. Криминал психология назариясига кўра, Клайнфельтер гипотезаси таҳлил қилинади ва 5242 нафар жиноятчи (айнан бўйи баландлари) тажрибадан ўтказилади. Олинган натижаларга кўра, баланд бўйли эркак жинсига мансуб шахсларнинг 2 % да, ўрта бўйли шахсларнинг 0,7 % да, қонунга итоаткор деб топилган шахсларнинг 1,0 % да тажовузкор хулқнинг шаклланишига боғлиқ хромосомалар аниқланган.

Юридик психология фанининг ривожланишига С. С. Романов, М. И. Еникеев, В. Л. Васильевлар катта ҳисса қўшганлар. Шу маънода юридик психология психик қонуниятларнинг ҳуқуқий фаолият ва ҳуқуқий тартибга солиш жараёнларида пайдо бўлиши ҳамда амалда қўлланишини ўрганувчи фандир¹.

Юридик психология илмий-амалий фан сифатида биринчидан, қонунга итоатгўйлик хулқи (ҳуқуқий онг, ахлоқ, ижтимоий фикр, ижтимоий стереотиплар); иккинчидан, жиноий хулқ (жиноятчи

¹ Қаранг: *Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 5.

шахсининг хулқ-атворидаги оғишлар, жиноий стереотип, жиноий гуруҳ таркиби, тузилиши, криминоген вазият, жабрланувчининг шахси, хулқ-атвори ва уларнинг жиноий хулқ генезисдаги роли); учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти (профилактик фаолият психологияси, тергов фаолияти психологияси, суд-психологик экспертиза); тўртинчидан, ҳуқуқбузарларни ресоциализация қилиш (жиноий жазони ижро этувчилар психологияси, озодликка чиққанлар психологияси); бешинчидан, вояга этмаганлар кабиларнинг психологик асосларини ишлаб чиқади.

Юридик психология бир қатор вазифаларни, жумладан, ҳуқуқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида алоҳида шахс, гуруҳ ва жамоаларга таъсир қилишнинг психологик қонуниятларини ўрганиш; иккинчидан, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишларининг самарадорлигини ошириш, жиноятга яраша жазо тайинлаш, жиноий йўлга кирганларни қайта тарбиялаш бўйича илмий тавсияларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни ҳал қилади.

Юридик психология фанининг таркибий қисмларига қуйидагилар киради.

- 1) криминал психология;
- 2) суд психологияси;
- 3) жиноий жазони ижро этиш психологияси;
- 4) фуқаролик ҳуқуқларини тартибга солиш психологияси;
- 5) суд-психологик экспертиза;
- 6) адвокатлик ишлари психологияси;
- 7) нотариал ишлар психологияси;
- 8) ички ишлар идоралари фаолияти психологияси.

Юридик психологиянинг таркибий қисмларини тизимлаштирадиган бўлсак, у қуйидаги кўринишда бўлади.

Ҳуқуқий психология: муҳим ҳодисаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан индивид ва жамият олдидаги инъикоси бўлмиш ҳуқуқий психология; шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви, ҳуқуқий ижод ва ҳуқуққа муносабат психологияси; ҳуқуқни тушуниш ва ҳуқуқий онг психологияси; ҳуқуқни ижро этиш хатти-ҳаракати психологияси.

Криминал психология: жиноий хатти-ҳаракатнинг социогенетик детерминантлари. Шахс жиноийлашувининг биологик ва ижтимоий омиллари; «жиноятчи шахс» тушунчаси; айрим тоифадаги жиноятчиларнинг типологик тавсифи. Жиноий қилмиш психологияси,

виктим хулқ, гуруҳий ва уюшган жиноятчилар психологияси. Айб ва жавобгарлик психологияси.

Суд психологияси икки қисмдан иборат. 1. *Дастлабки тергов психологияси*: жиноят процесси иштирокчиларининг психологияси; суриштирув-тергов фаолияти ва айрим тергов ҳаракатларининг психологик асослари; низоли вазиятларда жиноят процесси иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари психологияси; суд-психологик экспертиза. 2. *Суд муҳокамаси психологияси*: суд процесси иштирокчиларининг психологик тавсифи; суд тергови ва суд музокаралари психологияси; прокурор ва ҳимоячининг фаолияти, суд қарорларини қабул қилиш психологияси.

Ахлоқ тузатиш психологияси: жазо ва пушаймонлик психологияси; қайта ижтимоийлашувнинг психологик муаммолари; ахлоқ тузатиш муаммолари психологияси; маҳкумлар ҳаёти ва фаолияти психологияси. Қамокдан озод этилган шахсларнинг қайта ижтимоий мослашуви ҳамда жиноий рецидивларнинг олдини олиш муаммолари. Пенитенциар экспертиза.

Фуқаровий-ҳуқуқий тартибга солиш психологияси: фуқаровий судловнинг психологик жиҳатлари; фуқаровий судловда суд психологик экспертиза; суд қарорларини қабул қилиш психологияси; фуқаролик судининг когнитив (билиш) ва ишонч ҳосил қилиш фаолияти; ҳакамлик суди фаолияти психологияси.

Юридик психология фани ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги касбий психология фани учун методологик асос вазифасини ўтайди. Юридик ва касбий психология фанлари ўртасидаги умумий томонлар қуйидагилардан иборат:

1) юридик психология ҳам, касбий психология ҳам психология ва юридик фанлар интеграциялашуви жараёнида пайдо бўлган бўлиб, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимига киради;

2) юридик психология ва касбий психологиянинг умумий ўрганиш объекти ва предмети бир хил, яъни ходим шахсининг психик ҳолати, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ҳисобланади;

3) юридик психология ва касбий психологияни ўқитишни амал қилиш доирасига кўра давлат томонидан белгилаб қўйилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида иш кўради;

4) юридик психологиянинг ҳам, касбий психологиянинг ҳам бош мақсади фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда қонунийликнинг самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Юридик психология ва касбий психология ўртасида фарқ қилувчи томонлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1) касбий психология фанининг кўлами юридик психологияга қараганда торроқ, чунки у суд жараёни, адвокатлик, нотариал ҳолатлар психологияси билан шуғулланмайди;

2) касбий психология фанида назарияга қараганда амалий ҳолатлар кўпроқ, бу бевосита жиноятчини қўлга олиш билан боғлиқ психик жараёнларнинг ўзига хослиги билан ифодаланади;

3) касбий психология фанининг ишлаш методлари аксарият ҳолларда «махсуслик» характериға эға;

4) касбий психологиянинг иш услуби тезкорлик хусусиятиға эға;

5) касбий психология катта психологик стресс ҳолатларини ҳам ўз ичига олади;

6) касбий психология ички ишлар идоралари ходимларининг психологиясини шакллантириш ва ривожлантириши билан ажралиб туради.

Касбий психология фани юридик психология каби бир неча тармоқларға бўлинади. Булар:

1) профилактика фаолияти психологияси;

2) дастлабки тергов фаолияти психологияси;

3) тезкор-қидирув фаолияти психологияси;

4) эксперт-криминалист фаолият психологияси.

Профилактика фаолияти психологияси. Ушбу фаолият психологиясининг предмети ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнида турли тоифадаги фуқаролар билан психологик мулоқот ўрнатиш ва ҳуқуқий нормалар орқали таъсир этиш усулларини ўрганишдан иборат бўлиб, мақсади ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда тингловчиларда психологик билимлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат. Унинг асосий вазифаси ички ишлар идоралари фаолиятида психопрофилактик ишларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ҳамда профилактика хизмати ходимларининг касбий сифатлари ва маҳоратларини шакллантиришнинг психологик шарт-шароитлари билан таништириш ҳисобланади.

Дастлабки тергов фаолияти психологияси жиноятларни тергов қилиш жараёнида иштирокчиларнинг ўзига хос психологик жиҳат-

ларини ўрганади. Жиноятларни тергов қилиш жараёнида зарур психологик билимлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантиради. Тергов фаолиятининг психологик тузилиши ҳақидаги тасаввурларни ҳамда тергов жараёнида психологик билимлардан фойдалана олиш малакаларини ривожлантиради, фуқаролар билан алоқа ўрната олиш қобилиятини такомиллаштиради.

Тезкор-қидирув фаолияти психологияси тезкор вазиятларда ходимларнинг турли тоифадаги шахслар билан алоқа ўрнатиши ва керакли маълумотлар олишининг психологик жиҳатларини ўрганади. Турли тоифадаги шахслар билан алоқа ўрнатиш ва керакли маълумотларни олишда психологик билимлардан фойдалана олиш кўникмаларини, психологик алоқа ва керакли маълумотлар олишнинг психологик асослари ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради.

Эксперт криминалистик фаолияти психологиясининг ҳам мақсад ва вазифалари ҳар хил турдаги жиноятларни криминалистик экспертизадан ўтказишда эксперт криминалистик фаолиятнинг психологик тузилишини, экспертиза ўтказишда психологик билимлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини, шунингдек суд психологик экспертизаларнинг моҳияти ва уларнинг психологик асослари борасидаги тасаввурларни ҳамда эксперт-криминалистларнинг шахсий-касбий сифатларини ўстириш ва касбий маҳоратларини такомиллаштиришдан иборат. Шундай қилиб, юридик психология касбий психология учун методологик таянч бўлса, касбий психология юридик психология учун амалий асос бўлиб хизмат қилади. Касбий психология ва юридик психология бир-биридан ажралмайдиган, бир-бирини тўлдириб борадиган фанлар ҳисобланади.

3. Касбий психология фанининг қонуниятлари, методлари ва принциплари

Касбий психология фани ҳам маълум бир психологик қонуниятларни ўрганади ва уларни амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади.

Психологик қонуният у ёки бу руҳий ходисани келтириб чиқарувчи ва ривожлантирувчи сабаб билан натижанинг ички боғлиқлигидан иборатдир. Бундай психологик қонуниятлардан

бири маълум шароитда у ёки бу руҳий ҳодисанинг такрор намоён бўлишидир. Психологик қонуниятларни билиш – муайян психик ҳодисани тушуниш, олдиндан кўра олиш ва уларни қайта тиклаш имконини беради. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларига фуқароларнинг руҳий фаолиятлари умумий хусусиятларини чамалаб кўришга, фикр юритиш ва хулқ-атворларини белгилашга, айниқса, жиноятчи шахсининг қилмишларини очиш ишларини ташкил қилишда хатога йўл қўймасликларида ёрдам беради. Ҳар бир ходим шахснинг индивидуал хусусиятларини, соф тасодифий ҳолатларни келтириб чиқарадиган бошқа нарсаларни ҳаммаша ўрганиб бориши ва ҳисобга олиши шарт. Психологик қонуниятлар умумий ва жузъий бўлиши мумкин. Умумий қонуниятлар ҳамма шахсларга ёки кўпчиликка алоқадор бўлиши мумкин. Масалан, ҳамма шахсларда сезгиларнинг интенсивлиги (тез, жадал) кўзга-тувчининг кучига нисбатан (ўртача кучига нисбатан) логарифма мутаносиблигида ўсиб боради.

Жузъий қонуниятлар баъзи ёшдаги касб эгалари ва баъзи тоифадаги шахсларга хос қонуниятлардир. Масалан, ўсмирларда абстракт фикрлашнинг тезлик билан ривожланиши ҳамма шахсларга эмас, фақат ўсмирларга хос бўлган жузъий қонуниятдир. Психологик қонуниятларни жиддий ўйлаб ташкил қилинган ҳамда режали равишда олиб бориладиган текширишлар орқали аниқлаш мумкин. Қанчалик мураккаб бўлишидан қатъи назар, кўпгина психологик текширишлар мутахассис учун тушунарлидир ва уларни муваффақиятли равишда амалга ошириш мумкин.

Психологик қонуниятлар жараёнини баъзи асосий босқичларга ҳам бўлиш мумкин.

1. *Масаланинг қўйилиши.* Ҳар қандай илмий-текшириш ишлари каби, психологияда олиб бориладиган илмий текшириш ишлари ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалани аниқлашдан, шунингдек, бу масала фанда қанчалик ўрганилганлигини билиш учун мазкур мавзуга оид адабиётларни ўрганишдан бошланади.

2. *Текшириш методикасини танлаш.* Психологик кузатишлар турли методлар (бу методлар ҳақида қуйида батафсил фикр юритилади) билан олиб борилади. Ишнинг муваффақиятли чиқиши кўп жиҳатдан методни танлашга боғлиқ бўлади.

3. *Аниқ маълумотларни тўплаш.* Маълумотлар, И. П. Павлов таъбири билан айтганда, олим учун гўё ҳаводек зарур нарсадир.

Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган муаммога мос келиши зарур. Илмий маълумотларга бўлган асосий талаб – уларнинг тўлиқ ва изчил бўлишидир. Тўпланган маълумотлар ўрганилаётган масалани ҳар жиҳатдан тавсифлаб бериши керак.

4. *Аниқ маълумотларни ишлаш.* Тўпланган маълумотларни математик ва мантикий жиҳатдан ишлаб чиқиш умумийликни, типикликни топиш ва уларни тасодифий материаллардан ажратиш имконини беради. Бунда тўпланган материалларнинг ўртача миқдори (арифметик, квадрат ва ҳ.к.), фоизи ва бошқалар аниқланади, сонга оид маълумотлар жадвалларга жойлаштирилади, график, диаграмма кўринишларида акс эттирилади. Мураккаб мутаносибликдаги маълумотларни аниқлашда эса вариацион статистика методлари қўлланади.

5. *Қонуниятнинг ифодаланиши.* Бу текширишнинг энг қийин ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Чунки бу босқичда маълумотларнинг моҳиятини чуқур тушуниш, уларнинг ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш керак бўлади, бинобарин, битта маълумотдан турлича хулоса чиқариш мумкин. Кўпинча чиқарилган хулосалар тахминий хусусиятга эга бўлиб, кейинги текширишлар, аниқлашлар учун асос бўлади.

Қонуниятни амалда қўллаш. Аниқланган қонуният маълум бир амалиёт соҳасида, масалан, тергов жараёнида гумон қилинувчини сўроқ қилиш психологиясини ўрганишдан тўпланган тажриба кейинги тергов жараёни учун керак бўлади. Кўпгина ходимлар амалий фаолиятларида ҳамиша шахсий ҳамда бошқаларнинг тажрибаларини умумлаштирадилар. Лекин, шундай бўлса ҳам, ҳар ҳолда бундай умумлаштиришлар илмий жиҳатдан етарли асосланган бўлмайди, бошқача қилиб айтганда муҳим аниқлик ва теранлик билан ажралиб турмайди.

Касбий психология фани ўрганиши керак бўлган қонуниятларни куйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ички ишлар идоралари ходимларининг шахси ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган психик қонуниятлар;

2) жинойтчи шахсининг психикасини ўрганишга қаратилган психологик қонуниятлар;

3) ички ишлар идораларига ҳар хил сабаблар билан мурожаат қиладиган фуқароларнинг психологиясини ўрганишга қаратилган психологик қонуниятлар. Ҳозирги кунда ўзбек психолог олимлари ушбу муаммолар устида илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Касбий психологиянинг ўзига хос принциплари мавжуд. Ҳар қандай усулда ўтказиладиган психологик текширишлар қатор принципларга риоя қилишни талаб этади. Масалан: субъектив (психологик) асосга нисбатан объектив (моддий) асоснинг бирламчилиги, психиканинг тараққиётида фаолиятнинг етакчилик роли, психик ҳодисаларнинг ўзига хос боғлиқлиги принципи, психологик фаолиятни ўрганишда объективлик принципи, назария билан амалиётнинг боғлиқлиги принципи.

Субъектив асосга нисбатан объектив асоснинг бирламчилиги принципи психика моддий бўлмаса ҳам моддийликдан айри ҳолда яшай олмаслигидан келиб чиқади. Шахсни ўрганишда биз психик фаолиятнинг кўплаб ташқи кўринишларига дуч келамиз. Улардан асосийлари:

– оғзаки ва ёзма нутқ. Психолог учун шахснинг ўзи (шахсий ҳисобот маълумотлари) ҳақидаги мулоҳазалари ғоят муҳим ҳисобланади. Нутқ орқали шахсларнинг фикрлари, ҳиссиётлари, қарашлари, интилишлари, билими ва бошқалар ҳақида хулосага келиш мумкин;

– шахс фаолиятининг маҳсули. Шахслар психикаси ҳақида уларнинг ўз кўллари билан ясаган буюмлар, асбоб-ускуналар, турли ясамалар, расмлар ва бошқалар аниқроқ маълумот беради;

– психик фаолиятнинг ташқи кўриниш ва танада намоён бўлиши. Бу кўз қарашининг маънодорлиги, юз мимикаси, имо-ишора, нафас олиш ва қон айланишининг ўзгариши, мия электр фаоллигининг ўзгариши ва ҳоказо.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, бундай ҳолатда фақат психиканинг ташқи намоён бўлишигина эмас, балки психиканинг ўзи ташқи намоён бўлишига қараб ҳам ўзгаради. Агар терговчи ёки айбдор масалан, сўз ёзишда хатога йўл қўйди. Ушбу фактни аниқлаш (бир ҳарф ўрнига бошқа ҳарф ёзилган)дан аввал хатонинг сабабларини билиш лозим.

Психикани ташқи намоён бўлиш шакли орқали ўрганиш воситали билиш дейилади. Психология фани тарихида узоқ йилларга қадар психикани ўрганишнинг асосий методи сифатида ўз-ўзини кузатиш (интроспенция) методидан фойдаланиб келинган. Биз ўз ички дунёмизни бевосита ҳис қиламиз. Психология учун ўз-ўзини кузатиш методи ўта қулай туюлади. Лекин масалага бундай қараш хатодир, чунки ўз-ўзини кузатиш кўпинча умумийдан оддий ёки

тасодифийни фарқлаш имконини бермайди, психик фаолият жараёнини нотўғри кўрсатади.

Психика тараққиётида фаолиятнинг етакчи ўрин тутиши принципи инсон психикасининг меҳнатда юзага келиши ва фаолиятда таркиб топишидан келиб чиқади. Шунга кўра, психикани кишининг амалий фаолиятидан айри ҳолда ўрганиш мумкин эмас.

Психик ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлик принципи бизнинг ички дунёмиз ягона, бир бутун эканлигидан, маълум шарт-шароитларда шаклланган, муайян шахсларга хос миянинг маҳсули эканлигидан келиб чиқади. Шу жиҳатдан шахсларнинг айрим томонларини, унинг психикасини ўрганишнинг ўзи асосий мақсад бўлиб қолмаслиги керак. Ҳар бир текширишда бирор психик ҳодисанинг бошқа психик ҳодисалар билан узвий алоқасини ва таъсирини ҳисобга олиш лозим бўлади.

Психик фаолиятни ўрганишда объективлик принципи бошқа текширувчилар қатори психологдан ҳам ҳодисанинг аниқ тафсилотларини ўрганишни, реал ҳолатни ифодаламайдиган шошилишнинг умумлаштириш ва хулосаларга йўл қўймасликни талаб қилади.

Назария билан амалиётнинг боғлиқлиги принципи назария амалиёт учун асос эканлигини, у ўз қобиғига ўралиб олмасдан амалиёт учун янги-янги йўналишлар кўрсатишни англатади.

Касбий психология фанининг бу принциплари биргаликда қўлланилади ва улар ҳар бир аниқ психологик методнинг асосини ташкил қилади.

Касбий психология фанининг ўзига хос илмий ўрганиш методлари мавжуд. Психология фанини илмий ўрганиш методлари («метод» грекча сўз бўлиб, «бирор нарсага бориш йўли» деган маънони англатади) психик жараёнлар, ҳолатлар ва индивидуал хусусиятлар тўғрисидаги билимларни эгаллашда қўлланиладиган назарий тадқиқотлар ҳамда амалий ҳаракат қилиш усуллари ва уларнинг йиғиндиси дир.

Касбий психология юриспруденция ва психология соҳасининг объектив қонуниятларини ўрганишда унинг методларидан кенг фойдаланади. Ушбу методлар ўзининг мақсади ва йўналишига қараб таснифланади. Тадқиқот мақсадига кўра суд психологияси методи қуйидаги уч гуруҳга бўлинади.

Илмий тадқиқот методи. Ушбу метод ёрдамида шахсларнинг ҳуқуқ нормаларига нисбатан муносабатининг психик қонуниятлари

ўрганилади, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолияти билан шуғулланувчи амалиёт ходимлари учун илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Шахсга психологик таъсир этиш методи. Бу метод жиноятчиликка қарши кураш олиб боришда раҳбар ходимлар томонидан қўлланилиб, жиноят-процессуал қонунчилик ва этикага риоя этилган ҳолда олиб борилади. Ушбу методнинг асосий мақсади жинойи фаолиятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ва унинг сабабларини аниқлаш; жиноятчиларни қайта тарбиялаш, уларни кундалик ижтимоий муҳитда нормал яшаш шароитларига мослаштиришдан иборат. Бу методлар, жиноят-процессуал қонунларда тартибга солинишидан ташқари, психологиянинг илмий усулларига асосланган бўлиб, криминалистика, криминология, ахлоқ тузатиш ва меҳнат педагогикаси ҳамда бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқ.

Суд-психологик экспертиза методи. Тергов ёки суд идораларининг қарори бўйича психолог-эксперт томонидан ўтказиладиган суд-психологик экспертиза энг тўлиқ ва холисона тарзда ўтказиладиган тадқиқотдир. Ушбу тадқиқотда қўлланиладиган методлар доираси экспертиза ўтказилишини тартибга солувчи қонунчилик талаблари билан чекланган.

Суд-психологик тадқиқотда қўлланиладиган асосий методлар қуйидагилардан иборат:

- жиноят иши материалларини психологик таҳлил қилиш методи;
- анамнестик (биографик) метод;
- кузатиш ва табиий эксперимент методлари;
- шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини ўрганишнинг инструментал (тест, анкета ва бошқ.) методлари.

Ушбу методларнинг қўлланиши экспертдан тергов мулоқоти вақтидаги зиддиятли вазиятларда субъектнинг хатти-ҳаракати, эмоционал ҳолатлари, тафаккури ва шу кабиларни қайд этишнинг замонавий йўллари билишни, шунингдек, индивидуал хатти-ҳаракат феноменологиясини таҳлил қилиш кўникмаларини талаб этади.

Индивидуал-психологик хусусиятларни ўрганишнинг инструментал методларига аввало эксперимент методининг турли вариантлари, шунингдек, ҳар хил тестлар ўтказиш, анкеталар,

сўровномалар киради. Уларнинг мазмуни психодиагностикага оид асосий қўлланмаларда берилган.

Методларнинг ушбу гуруҳи инсоннинг айрим рухий хусусиятларининг доимийлиги ёки ўзгарувчанлиги даражаси, тузилишини аниқлаш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Бироқ, суд-психологик экспертиза ёрдамида олинган материалларда айрим хатолар ҳам бўлиши муқаррар. Ушбу хатолар инсон шахсини психологик ўрганишнинг ўзига хос «артефактлари» ҳисобланади. У эксперимент тадқиқотининг барча босқичларида махсус ўрганиш ва ҳисобга олишни талаб қилади.

Ҳар бир муайян экспертизанинг сифати кўп жиҳатдан тадқиқот методларининг тўғри танланишига боғлиқ. Аммо суд-психологик эксперимент (СПЭ)да фойдаланиладиган методларнинг ҳеч бири эксперт олдида турган саволларга бевосита жавоб топишга олиб келмайди. Экспериментал, тестга оид, анкеталаштириш ва бошқа методларни биргаликда қўллаш, олинган маълумотларни ўзаро солиштириш экспертиза предметининг ҳар томонлама тавсифланишини таъминлайди. Шу муносабат билан асоссиз танқидга учрамаслик учун, психолог-экспертлар ушбу экспертиза актларида нафақат уларнинг диагностик (ташхис қўйиш) имкониятларини кўрсатишлари, балки турли психик (рухий) ҳодисаларнинг яхлит манзарасини тиклашга имкон берувчи тизимли тавсифлар соҳасида ҳам назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлишлари зарур.

Психолог-эксперт экспертиза тадқиқотида психодиагностиканинг етарлича синовдан ўтмаган методларини қўллашга ҳақли эмас. Экспертиза предметини ўрганиш учун қўлланиши ниҳоятда зарур бўлган айрим ҳолатларда ҳар бир янги метод СПЭ далолатномасида диагностик имкониятлари ва ўлчовларининг ишончилигига оид маълумотлар кўрсатилган ҳолда батафсил баён этилиши лозим.

СПЭни ташкил қилиш ва ўтказишнинг методологик принципларидан бири психологик жараёнларни ҳамда экспертизадан ўтказилаётган шахснинг жиноят ҳодисаси юз беришидан аввалги, жиноят пайтидаги ва бевосита ундан кейинги ҳолатини қайта тузиш (реконструкция қилиш), ушбу жараёнларнинг психологик хусусиятлари ва динамикасини (ўзгариш суръатини) аниқлаш принциpidир.

Бир қатор муаллифлар жамиятга қарши ҳаракат (иш)нинг шаклланишида уч босқични ажратадилар: 1) ғайриижтимоий йўналишга (мойилликка) эга бўлган шахснинг шаклланиши; 2) субъ-

ектда ғайриижтимоий ҳаракат содир этиш бўйича аниқ қарорнинг шаклланиши; 3) ушбу қарорнинг амалга ошиши, жумладан ножўя ҳаракатнинг содир этилиши ва зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши. Психолог-эксперт олдида ҳар бир босқичдаги психологик детерминантлар (омиллар)ни ажратиш вазифаси туради. Биринчи босқичда ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи баҳолашнинг шаклланиши, ҳақиқий ҳаётий қадрият ва ахлоқий-меъёрий йўналтиришларнинг ривожланиш хусусиятларини таҳлил қилиш зарур. Экспертизадан ўтказилаётган шахснинг индивидуал-типологик хусусиятларини таҳлил қилиш ҳам муҳим ўрин тутаяди. Иккинчи босқичда экспертизадан ўтказилувчининг қарор қабул қилишининг ўзига хос томонлари тадқиқ этилади. Қарор қабул қилиш субъектнинг шахсий жиҳатлари, хатти-ҳаракат мотивларининг объектив ташқи вазият билан ўзаро таъсир жараёни сифатида баҳоланади.

Ғайриижтимоий ҳаракат содир этиш ҳақидаги қарорнинг шахсий сабабларга эгаллиги муаммолари – психиканинг индивидуал хоссалари қандай роль ўйнаши, шунингдек, улар қарор қабул қилиш жараёнини тартибга солиш-солмаслигига оид масаладир. Агар биринчи босқичда психолог-эксперт шахснинг индивидуал хусусиятларини ўрганса, иккинчи босқичда аниқланган шахсий хусусиятларни объектив ташқи вазият билан солиштириши зарур бўлади. Ушбу масалаларни ҳал қилиш жараёнида шахснинг ҳаётдаги қийинчилик туғдирувчи ҳолатларга нисбатан муносабатини тадқиқ этиш талаб этилади. Ҳар бир шахс қийинчиликдан чиқишга имкон берувчи йўллارни индивидуал ҳал қилиши билан ажралиб туради ва бу йўллارни мослашиш шакли сифатида баҳолаш мумкин. Қандайдир тўсиқ ва қарши таъсир натижасида мотив амалга ошмаса ёки амалга ошиш жараёнида тўхтаган тақдирда юзага келадиган онг ва фаолиятнинг тарқоқлик (дезорганизация) ҳолати «фрустрация» деб аталади. Инсоннинг фрустрация ҳолатини олдиндан башорат қилиш учун уни эҳтиёжлари, мақсадлари, ҳаракатлари тўсилган вазиятда кузатиш керак. Фрустрациянинг реакциялари икки асосий йўналишга эга: импульсивлик ёки толерантлик (барқарорлик). Психолог-эксперт экспертизадан ўтказилаётган шахснинг фрустрацияга нисбатан муносабатини экспериментал психологик метод (Розенцвейг тести), биографик метод ва кузатиш методи ёрдамида таҳлил қилади.

Ғайриижтимоий ҳаракат (иш) шаклланишининг учинчи босқичи, яъни унинг амалга ошиши, жумладан ножўя ҳаракатнинг содир этилиши ва зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши ҳозирги вақтда юридик фанда етарлича тўлиқ ўрганилган. Бироқ, СПЭни ўтказишда эксперт экспертизадан ўтказилаётган шахснинг ножўя ҳаракат (иш)га муносабатини, қилмишни англаш даражасини, руҳий стресс даражасини, психологик ҳимояланишининг намоён бўлишини инобатга олиши лозим. *Психологик ҳимоя* – низонинг англаниши билан боғлиқ хавотир ҳиссини бартараф этиш ёки энг кам даражага етказишга қаратилган шахсни барқарорлаштиришнинг махсус изга тушириш тизими. Психологик ҳимоянинг вазифаси онгни салбий, шахсни жароҳатловчи кечинмалардан «тўсиш»дан иборат. Ҳимоя механизмлари орасида воқеликни рад этиш, орзу-хаёллар, рационаллаштириш (оқилоналаштириш), проекция, сиқиб чиқариш ва бошқалар ажралиб туради. Симулятив ва диссимулятив хатти-ҳаракатда ҳимоянинг мураккаброқ шакллари кузатилади. Психологик ҳимоя механизмлари қадриятлар тизимининг англанадиган ва англамайдиган таркибий қисмларининг қайта ташкил этилиши (реорганизацияси), шунингдек, индивидуал-психологик ва ёш хусусиятларига ҳам боғлиқ. Масалан, текширилган жабрланувчи аёлда унга нисбатан кўп бора содир этилган гуруҳ бўлиб зўрлаш оқибатида экстремал таъсирларга ҳиссий жавоб шакллари: ўй-хаёлга ботиш, ўзи билан ўзи бўлиб қолиш, низони ўзгаларнинг ёрдамсиз мустақил ҳал қилишни исташ, вазиятни яшириш кузатилган. Экспертизадан ўтказилаётган шахснинг бундай хатти-ҳаракатини омадсизлик ҳиссини енгиллаштириш, хавотир ва руҳий жароҳатларни бартараф этиш мақсадида стресс вазиятларга нисбатан ҳимояланиш мажмуи сифатида баҳолаш мумкин. Жабрланувчи аёлнинг муҳим ҳимоя механизми бўлиб, бир томондан, бошидан кечирган воқеани рационаллаштириш (оқилона деб тушуниш), яъни ўзини оқлаш мақсадида ҳаракати оқилона, шу боис жамият томонидан маъқулланадиган эканлигини исботлашга уриниш хизмат қилди. Бошқа томондан, экспертизадан ўтказилувчи аёлнинг муҳим ҳимоя механизмини ҳиссий ажралиш, яъни ўз-ўзи билан бўлиб қолиш ва етказилган озордан ҳимояланишда пассивлик ташкил этди.

Шундай қилиб, психолог-эксперт олдида турган вазифаларнинг кенг қамровлиги ва хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда,

экспертизадан ўтказилувчининг шахсини бир марта текшириш эмас, балки унинг ривожланиш жараёнини ўрганиш, турли шароитларда ўзини намоён этишини таҳлил қилиш зарур. Ҳеч бир психологик метод шахс ҳақида мутлақо тўғри маълумот олинишини кафолатламайди. Шахсни самарали психологик тадқиқ этишнинг муҳим томони – стандарт ва ностандарт тадқиқотлар маълумотларини, экспериментал ва ноэкспериментал методларни қўшиш ҳисобланади.

Касбий психологиянинг ўзига хос методларига жинойт ишини психологик таҳлил қилиш киради. Бу ўринда қарор қабул қилиш муаммосини тадқиқ этиш айниқса самарали ҳисобланади (бу билан криминал психология, тергов психологияси, суд жараёни психологияси, жабрланувчининг психологияси кабилар шуғулланади).

Касбий психологиянинг ўрганиш соҳаларига, жумладан, текширилаётган шахс – жабрланувчи, жинойтчи, гувоҳ-шоҳид, фавқулодда шароитлар ва ҳолатлар киради. Шахс ҳаракат қиладиган бу шароитлар (криминоген вазият, криминал вазият, тергов вазияти ва ҳ.к.) шахснинг одатдаги тадқиқот шароитида ё аниқлаш жуда қийин бўлган, ё умуман кўринмайдиган томонларини кўрсатади.

Шахснинг онг ости ҳолатини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга имкон берадиган психоанализ методи касбий психология учун муҳим ҳисобланади. Психоанализ жинойт хатти-ҳаракат мотивлари, мураккаб низоларнинг ҳақиқий сабабларини тадқиқ этиш даражасини аниқлашда кенг қўлланилади.

Суд психологияси қуйидаги тадқиқот методларига эга.

Кузатиш методининг асосий жиҳати шундаки, тадқиқот жараёнида инсоннинг одатий фаолият тарзи бузилмайди. Ушбу метод орқали объектив натижаларга эришиш учун бир қатор шартларга риоя этиш зарур: қайси қонуниятлар қизиқтираётганлигини олдиндан белгилаш, кузатиш дастурини тўғри тузиш, асосийси, кузатувчининг ўрганилаётган шахслар муҳитидаги ўрнини аниқлаб олиш зарур. Ушбу талабларга риоя этиш суд психологиясида ўрганиладиган вазиятлар учун жуда муҳим ҳисобланади. Кузатиш натижаларини қайд этишда техник воситалар, биринчи навбатда, кузатилаётган шахснинг нутқини магнит тасмасига ёзишдан фойдаланиш мумкин. Баъзи ҳолларда фотосурат ва кинотавсирга олишни ҳам қўллаш яхши самара беради. Дастлабки терговда техник воситалардан фақат процессуал

қонун доирасида фойдаланиш мумкин. Тергов ҳаракатининг шу тариқа олинган ва қайд этилган натижалари айни вақтда далилларни мустаҳкамлаш методи ҳамда муайян шароитларда шахснинг хатти-ҳаракатини кузатишнинг қайд этилган натижаси сифатида баҳоланиши мумкин. Масалан, айбланувчини сўроқ қилишда амалга оширилган магнитофон ёзувини эшитиб, унинг ҳиссий ҳолатига доир маълумотларни аниқлаш мумкин.

Кузатиш нафақат психолог-тадқиқотчи, балки таҳлил маълумотларидан жиноятчиликка қарши курашда фойдаланиш учун тегишли ахборот олиши зарур бўлган ҳар қандай мансабдор шахс томонидан ўтказилиши мумкин. Хусусан, кузатишни терговчи шахсга тўғри ташхис қўйиш (уни диагностика қилиш) мақсадида қўллаши мумкин.

Сўроқ қилинаётган шахснинг жиноят ҳодисасига алоқаси бўлиши мумкинлигига доир ахборотни олишда унинг мимикаси ва имо-ишорасини кузатиш катта аҳамиятга эга. Бундай кузатиш натижаларини бир томонлама субъектив баҳоланишнинг олдини олиш учун кузатув ҳолисона ўтказилиши, кузатиш чоғида олинган барча фактлар қайд этилиши ва кузатиш натижалари етарлича илмий талқин этилиши керак.

Терговчи тинтув қилинаётган шахснинг хатти-ҳаракатини кузатиш ва ушбу кузатиш натижаларини таҳлил қилиш орқали жуда муҳим маълумотларга эга бўлиши мумкин.

Эксперимент методи. Ушбу методдан фойдаланганда эксперимент ўтказувчи руҳий жараёнлар хусусиятларининг текшири-лаётган шахсга таъсир кўрсатувчи ташқи стимул (рағбатлантирувчи омил)ларга боғлиқлигини ўрганади. Эксперимент ташқи стимуляция (қўзғовчи)га аниқ белгиланган дастур бўйича ўзгарадиган қилиб ўтказилади. Экспериментнинг кузатишдан асосий фарқи шундаки, кузатишда тадқиқотчи у ёки бу руҳий ҳодисанинг юз беришини кутиши керак, экспериментда эса у ташқи вазиятни ўзгартириш орқали керакли руҳий жараённи атайин келтириб чиқариши мумкин. Суд-психологик тадқиқотлар амалиётида лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент кенг тарқалган.

Лаборатория эксперименти асосан илмий тадқиқотларда, шунингдек, суд-психологик экспертиза ўтказишда кенг қўлланилади. Унга анча мураккаб лаборатория асбоб-ускуналари (кўп каналли осциллографлар, тахистаскоплар ва бошқ.)нинг қўлланиши хосдир.

Лаборатория эксперименти ёрдамида, хусусан, терговчиларнинг диққат, кузатувчанлик каби касбий хислатлари тадқиқ этилган. Лаборатория экспериментининг камчиликларига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг амалий фаолияти шароитида техникадан фойдаланиш қийинчиликларини, шунингдек, лаборатория шароитларида руҳий жараёнлар кечишининг одатдаги шароитларда кечишидан фарқли томонларини киритиш лозим. Бу камчиликлар табиий эксперимент усулидан фойдаланишда бартараф этилади. Биринчи навбатда, бу гап жабрланувчилар, гувоҳлар ва бошқа шахсларнинг муайян психофизиологик хислатларини аниқлаш мақсадига эга бўлган тергов экспериментларини ўтказишга тааллуқлидир. Мураккаб вазиятларда тергов экспериментларини ўтказишда мутахассис-психологни таклиф этиш тавсия қилинади.

Анкета методи. Бу методга тадқиқотчини қизиқтирувчи фактлар ҳақида бир қатор материаллар олиш учун нисбатан кўп сонли шахслар гуруҳига бериладиган саволларнинг бир хиллиги хос. Материалларга статистик ишлов берилади ва таҳлил қилинади. Суд психологияси соҳасида анкетали метод жиноий қасднинг ҳосил бўлиш механизмининг текширишда кенг тарқалган (давлат мулкани талон-торож қилувчилар, безориларнинг кўпчилиги ўртасида анкеталаштириш ўтказилган). Анкетали метод терговчининг профессиограммасини, касбий жиҳатдан ярқилилиги ва касбий деформацияси (бузилиши)ни тадқиқ этишда анча кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда анкетали методни амалиёт ходимлари жиноятчилик сабабларининг баъзи жиҳатларини тадқиқ этишда қўллай бошладилар.

Сухбат (интервью) методи. Ушбу ёрдамчи метод тадқиқотнинг энг бошида умумий йўналиш олиш ва ишчи фаразларни яратиш мақсадида қўлланилади. Бу эркин, мажбурий бўлмаган сухбат бўлиб, унинг давомида терговчи сухбатдошининг шахсига хос асосий хусусиятларини ўрганади, индивидуал ёндашув ишлаб чиқади ва сўроқ қилинаётган шахс билан мулоқотга киришади. Бундай сухбат жуда кўп ҳолларда сўроқ қилишнинг асосий қисмидан аввал бўлиб ўтади ва асосий мақсади жиноят ҳодисаси ҳақида холисона ва тўлиқ маълумот олишдир.

Сухбат (интервью) анкета тадқиқотларидан кейин ҳам қўлланиши мумкин. Бунда анкета тадқиқотлари натижалари сухбатлашиш орқали чуқурроқ ўрганилади. Сухбатга тайёргарлик жараёнида саволларни беришга катта эътибор қаратиш лозим. Саволлар қисқа, аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Сўнги йилларда психодиагностика ўтказишда компьютердан фойдаланишга қизиқиш кескин ошди. Автоматлаштирилган психологик тизимларнинг дастлабки вариантлари мамлакатимизда XX асрнинг 60-йилларидаёқ ишлаб чиқилган эди. Аммо улар, ЭХМлардан фойдаланиш қийинлиги ва уларнинг қиммат туриши сабабли, оммавий тарзда ёйилмади. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталаридан бошлаб эса компьютер тизимлари тест ўтказиш амалиётига кенг татбиқ этила бошланди.

Компьютерлаштиришдан аввал психологик тест ўтказиш узоқ давом этадиган, бир хил тусдаги бир мунча мураккаб иш бўлган. Тестдан ўтаётган шахс жуда кўп саволларни ўқир ҳамда махсус жадвалларнинг катта қоғоз «чойшаб»ларини тўлдирад эди. Тўлдирилган жадвалларга «қўлда» ишлов бериш айниқса қийин ва катта ҳажмли иш бўлган. Психолог ёки унинг ёрдамчилари жавобларни гуруҳларга ажратар (ёрдамчи жадвалларга ёзиб қўяр ёки махсус траферталардан фойдаланар), ҳар бир гуруҳдаги жавобларни ҳисоблар ва аниқ психологик кўрсаткичларни аниқлар эдилар. Бундай психологик диагностика қуйидаги сабабларга кўра амалда кониқарсиздир:

– тестларда кам сонли хоҳловчиларнинг иштирок этиши, жавобларга ишлов беришнинг ниҳоятда қийинлиги статистик жиҳатдан ишончли натижага эришиш учун зарур бўлган маълумотларни шакллантиришга имкон бермаслиги;

– жараённинг тестдан ўтказилаётган шахс руҳияти ва ҳис-туйғуларига таъсири, натижада унинг психологик ҳолатини бузиб кўрсатиши;

– жавоблар ишлови ҳажмининг катталиги муқаррар равишда ҳисоб-китоб хатолигига олиб келиши;

– кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, тест ўтказувчи психологнинг субъектив қарашлари ва тест натижаларини амалий қилиши.

Ҳозирги вақтда тест ўтказиш жараёни компьютерда эркин суҳбат шаклида олиб борилади. Саволларнинг бир хилдаги кетма-кетлигига барҳам берилган. Ҳар бир савол экранда пайдо бўлади ва жавоб киритилганидан кейин йўқ бўлади. Сўнгра кейинги савол пайдо бўлади ва ҳоказо. Вазият узлуксиз ўзгариб туради. Тестдан ўтаётган шахснинг ўзи суҳбат (диалог) суръатини, ҳиссий бойлигини белгилайди. Буларнинг бари шахснинг суҳбатда ўзини тўлиқ намоён этишига ёрдам беради.

Ҳозир компьютерларда психологик параметрларни ҳисоблаш ҳамда тестдан ўтаётган шахс жавобларининг бутун мажмуи бўйича бериш жараёни бир неча сония вақт талаб қилади. Психолог тест ўтказиб бўлинган заҳоти асосий психологик кўрсаткичларнинг тўлиқ тўпламига эга бўлган тайёр психокартани олади. У фақат мутахассис сифатида ишлайди. Асосий кўрсаткичлар мажмуи дастлабки тарзда баҳоланганидан сўнг анча ихтисослашган дастурлар бўйича қўшимча тест тайинланиши мумкин. Бундай дастурлар блоки ишлаб чиқилган, йўлга қўйилган ва амалда фойдаланилмоқда.

Психокарталарнинг тўпланиб боровчи массиви компьютерда кейинчалик ишлов бериш – умумий статистик қонуниятларни (мутахассиснинг психологик портрети хусусиятларига жинс, ёш, иш стажи, касб ва бошқа омилларнинг таъсирини) аниқлаш учун фойдаланилади.

Тестдан ўтиш 90 дақиқадан ошмаслиги керак. Асосий тестдан кейин текширилувчи шахс ўзининг индивидуал-типологик ва шахсига хос хусусиятларни рақамлар кўринишида ифодаловчи махсус психограммаларни олади. Психолог-мутахассис яқка тартибдаги суҳбатда текширувчига тест натижаларини тушунтириб беради. Таъкидлаш жоизки, баъзи тест ўтказиш тизимларида компьютерда текширилувчиларга ўз шахсини тест маълумотлари бўйича тавсифлаш таклиф этилади. Бундай характеристикалар (тавсифлар) расмий (формал) хусусиятга эга, уларда олинган эмпирик маълумотлар инобатга олинмайди. Бундан ташқари, тест ўтказиш тизими ўз-ўзича эмас, балки инсон фаолиятини яхшилаш учун зарур. Олинган маълумотларни психолог муайян мақсадга йўналтирилган суҳбат, кузатиш кабиларнинг натижалари билан солиштиради.

Психолог тест натижалари бўйича индивидуал маслаҳат жараёнида психик адаптация (мослашув) хусусиятлари, ҳиссий-иродавий ҳолати, шахснинг тузилиши ва эҳтиёж йўналишларини таҳлил қилади.

Юридик психологияда муаммоли вазиятда ҳуқуқий оқибатларга эга бўладиган шахс хатти-ҳаракатининг психик қонуниятларини тадқиқ этиш жуда самарали ҳисобланади. Бундай ёндашув қонунга итоаткор хатти-ҳаракатнинг руҳий қонуниятларини ўрганиш учун ҳам, ғайриқонуний хатти-ҳаракат механизмлари ва уларнинг турли

оқибатларини (жиноятни очишдан тортиб жиноятчининг қайта ижтимоийлашувигача) аниқлаш учун ҳам самаралидир.

Шундай қилиб, тизимли ёндашув психология ва ҳуқуқшуносликнинг турли усуллари билан бирга, фаолият жараёнининг асосий психологик қонуниятлари, шахснинг тузилиши ва ҳуқуқий нормалар тизимининг ўзаро таъсирини етарлича чуқур таҳлил этиш ва аниқлашга, ушбу ўзаро таъсирнинг барча иштирок этувчи элементларини инобатга олган ҳолда аниқ тавсифлаш ва муҳим хусусиятларини ажратишга имкон беради.

4. Касбий психология фанининг асосий вазифалари

Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг бориши ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига бир қатор янги вазифаларни юклайди.

Касбий психологиянинг асосий вазифаси шахснинг ички ҳис-туйғуларини ўрганиш, жиноятнинг келиб чиқишининг субъектив ва объектив сабабларини ўрганишдир.

Шу билан бирга бу фанни ўрганиш жараёнида қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир:

- жиноятчиликнинг олдини олиш;
- жиноятчиликни батамом тугатиш;
- юридик шахслар ўртасида мулоқот маданиятини шакллантириш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий билимдонлигини ошириш;
- инсон омилини биринчи ўринга олиб чиқиш.

Касбий психология фанини ўқитишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

- бўлғуси ҳуқуқшунос мутахассисларни касбий психологик билимлар билан қуроллантириш;
- касбий вазифаларни ҳал этишда олинган назарий билимлардан моҳирона фойдаланиш ва уларни ҳаётга, амалиётга татбиқ этиш;
- ҳуқуқ мутахассислигига хос замонавий касбий фазилатларни ҳар томонлама шакллантириш;
- ҳуқуқ йўналишида таълим олаётган мутахассисларнинг касбий қобилиятларни ҳар томонлама ривожлантириш;
- касбий сезгирлик, хотира, тафаккур, фуқаролар билан мулоқотда бўлиш ва психологик алоқа ўрнатиш маҳоратига эга бўлиш.

Касбий психология фани ана шу вазифаларнинг мақсади ва кўламидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги бир қатор вазифаларни бажаради.

1) ҳуқуқий ва психологик билимларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни илмий жиҳатдан синтезлаш;

2) юридик тушунча ва категорияларнинг юридик-психологик моҳиятини очиб бериш;

3) ички ишлар идоралари ходимларига асосий объект – инсон хулқ-атворининг руҳий жиҳатларини тушунтириш;

4) ҳуқуқий муносабатларга киришаётган субъектлар ўртасидаги психик жараёнларни ўрганиш ва уларнинг руҳий ҳолатларини кўрсатиш;

5) жамиятнинг ижтимоий ҳолатини тартибга солишни янада такомиллаштириш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

6) ички ишлар идоралари ходимлари учун психологик хизмат кўрсатиш тактикаси ва методикасини ишлаб чиқиш.

Шу маънода, ички ишлар идоралари ходимлари учун психологик билимлар жиноий-ҳуқуқий категориялар (айб, мотив, мақсад, жиноятчи шахс ва бошқ.)ни ва алоҳида ҳуқуқий вазифалар, яъни суд-психологик экспертизасини тайинлаш, жиноят таркибини классификация қилиш (енгиллаштирувчи ҳолатлар, ЖКнинг 55, 98, 106-моддалари)да муҳим аҳамиятга эга.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Касбий психологияни фан сифатидаги аҳамиятини айтиб беринг.
2. Касбий психология фанининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
3. Касбий психология фани методларини тавсифланг.
4. Касбий психология фанининг қонуниятлари ва ўзига хос томонлари нималарда кўринади?
5. Касбий психология фани қайси фанлар билан узвий боғлиқ?
6. Юридик психологиянинг асосий йўналишлари қайсилар?
7. Дастлабки тергов фаолияти психологиясининг долзарб муаммолари нималардан иборат?
8. Профилактик фаолият психологиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?
9. Тезкор-қидирув фаолияти психологиясининг муҳим жиҳатларини кўрсатинг.
10. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида психологик билимларнинг ўрни ва аҳамияти қандай?

II БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМИ ШАХСИГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ

1. Психологияда «шахс» тушунчаси. ички ишлар идоралари ходими шахсини ўрганишнинг психологик муаммолари

«Шахс» тушунчаси кенг ва кўп қирралидир. Шахсни у ёки бу йўналишда бир қатор фанлар: фалсафа, тарих, педагогика, социология, тиббиёт ва психология ўрганади. Психология фани бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, шахснинг ички дунёсини, бошқача қилиб айтганда, унинг рухий жараёнларини, ҳиссий-иродавий ҳолатларини, индивидуал психологик хусусиятларини тадқиқ қилади.

Психология фанида шахс муаммосини ўрганиш бўйича турли назариялар мавжуд бўлиб, уларга биогенетик, социогенетик, психогенетик, когнитивистик, психоаналитик, бихевиористик каби қарашлар, ёндашувлар қиради.

Биогенетик назария негизида инсоннинг биологик ривожланиши бош омил сифатида қабул қилинган бўлиб, қолган жараёнларнинг тараққиёти ихтиёрий хусусият касб этади, улар билан ўзаро алоқалар тан олинади, холос. Мазкур назарияга биноан, тараққиётнинг бош мақсади – биологик детерминантларга (аниқловчиларига) қаратилади ва уларнинг моҳиятидан социал-психологик хусусиятлар келиб чиқади.

Тараққиёт жараёнининг ўзи аввал биологик ривожланишнинг универсал босқичи сифатида шарҳланади ва талқин қилинади.

Биогенетик қонуният Ф. Мюллер ва Э. Геккеллар томонидан кашф қилинган бўлиб, улар ушбу қонуният тараққиёти назариясини ташвиқот қилиш ҳамда антидарвинчиларга қарши курашда муайян даражада тарихий роль ўйнаган. Бироқ, инсон организмнинг индивидуал ва тарихий тараққиёти муносабатларини тушунтиришда кўпол хатоларга йўл қўйилган. Жумладан, биогенетик қонуниятга кўра, шахс психологиясининг индивидуал тараққиёти (онтогенез) бутун инсоният тарихий тараққиётининг (филогенез) асосий босқичларини қисқача такрорлайди, деган ғоя ётади.

Психология тарихида биологизмнинг яққол кўриниши 3. Фрейднинг шахс талқинида ўз ифодасини топган. Унинг таълимотига биноан, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари (хулқи) онгсиз биологик майллар ёки инстинктлар билан шартланган, айниқса, у жинсий (сексуал) майлга (либидога) боғлиқдир. Бунга ўхшаш биологизаторлик омиллари инсон хулқини белгиловчи бирдан-бир мезон ёки бетакрор туртки вазифасини бажара олмайди.

Социогенетик назария. Биогенетик назариянинг қарама-қарши кўриниши социогенетик назария ҳисобланади. Социогенетик ёндашувга биноан, шахсда рўй берадиган ўзгаришлар жамиятнинг тузилиши, ижтимоийлашиш (социализация) усуллари, уни қуршаб турган одамлар билан ўзаро муносабати воситаларидан келиб чиққан ҳолда тушунтирилади. Ижтимоийлашув назариясига кўра, инсон биологик тур сифатида туғилиб, ҳаётнинг ижтимоий шарт-шароитларининг бевосита таъсири остида шахсга айланади.

Когнитивистик йўналиш. Когнитивистик йўналишнинг асосчилари қаторига Ж. Пиаже, Дж. Келли ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ж. Пиаженинг интеллект назарияси иккита муҳим жиҳатга ажратилган бўлиб, у интеллект функциялари ва интеллектнинг даврлари таълимотини ўз ичига қамраб олади. Интеллектнинг асосий функциялари уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш, кўникиш)дан иборат бўлиб, интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади.

Муаллиф шахсда интеллект ривожланишининг қуйидаги босқичларни ажратади:

- 1) сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача);
- 2) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан то 7 ёшгача);
- 3) муайян операциялар даври (7–8 ёшдан 11–12 ёшгача);
- 4) формал (расмий) операциялар даври.

Ж. Пиаженинг ғояларини давом эттирган психологларнинг бир гуруҳини когнитив-генетик назарияга бириктириш мумкин. Бу йўналишнинг намояндалари қаторига Л. Колберг, Д. Бромлей, Дж. Биррер, А. Валлон, Г. Гримм ва бошқалар киради.

Шахс психологиясининг ривожланиши муаммосини ўрганишга Россиялик атоқли олимлар Л. С. Виготский, П. П. Блонский, С. Л. Рубинштейн, А. Н. Леонтьев, Б. Г. Ананьев, А. Г. Ковалев, Л. И. Божовичлар ўзларининг салмоқли ҳиссларини қўшганлар.

Қуйида психологларнинг айрим фикрларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

А. Г. Ковалевнинг фикрича, шахс – ижтимоий муносабатларнинг ҳам объекти, ҳам субъекти. А. Н. Леонтьевнинг тушунтиришича, шахс фаолият субъектидир. К. К. Платонов жамиятда ўз вазифасини англовчи, ишга лаёқатли, яроқли индивидни шахс деб атайди. Бу муаммо моҳиятини чуқурроқ очишга ҳаракат қилган С. Л. Рубинштейннинг таърифича, шахс ташқи таъсирлар йўналишини ўзгартирувчи, ички шарт-шароитлар маҳсулидир.

А. В. Петровскийнинг қуйидаги таърифини шахснинг психологик таърифи сифатида қабул қилиш мумкин: «Ўз меҳнати туфайли ҳайвонот олаmidан ажралиб чиққан, жамиятда ривожланувчи ва одамлар билан тил ёрдамида муносабатга киришувчи одам шахсга воқеликни берувчи ҳамда фаол ўзгартирувчи субъектга айланади». Кўриниб турибдики, психолог олимлар шахсни тушунишга турли томонлардан ёндашиб, унга ҳар хил таъриф беришган.

Муайян фикрларни жамлаган ҳолда шахсга қуйидагича таъриф бериш мумкин. *«Шахс ўз менлигини англаган, ўзгалар билан ўзаро муносабатларга кириша оладиган табиат ва жамиятга фаол таъсир ўткази оладиган ҳар қандай индивид».*

Юқорида баён қилинган назариялар ва психолог олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, психологияда «шахс» масаласини тушуниш бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1) жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ва онг эгаси бўлган ҳар бир индивид шахсдир;

2) шахс ҳамма вақт муайян, фақат ўзига хос бўлган мураккаб индивидуал сифатлар ва хусусиятлар эгасидир. Бу сифатлар ва хусусиятлар шахс хулқида, бошқа шахслар билан муносабатларида, иродаси ва хулқ-авторида, хислатларида, қобилиятлари, майллари ва қизиқишларида ифодаланади;

3) одам шахс бўлиб туғилмайди, балки у ижтимоий тараққиёт жараёнида шахс сифатида шаклланади.

4) шахс психологиясини аниқ тарихий шароитлардан, у мансуб бўлган жамиятдан, жамиятда эгаллаган мавқеидан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мумкин.

Ушбу хулосалардан ички ишлар идоралари фаолиятида амалда фойдаланиладиган бўлинса, шахс муаммосини ўрганишнинг икки тенденцияси («тенденция лотинча сўз бўлиб, «интилиш», «ғоя»,

«фикр», «майл», «тамойил» деган маъноларни англатади) бирлигини кузатиш мумкин.

Биринчи тенденция ички ишлар идоралари ходимларини жамиятда мавжуд шахс сифатида тан олиб, унинг шахсий индивидуал психологик хусусиятларини ўрганиш, яъни уни психологик жиҳатдан тавсифлаш, таснифлашдир. Буни ходимнинг юридик меҳнати психологияси нуктаи назаридан талқин қилиш мумкин. Яъни юридик меҳнат ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг психологик қонуниятларини тадқиқ этади ва ҳуқуқшуносликка оид мутахассисликлар профессиограммаларни, ҳуқуқий усул ва маҳоратни, мутахассислик кўникмалари ва малакаларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти шакллари ва бошқарувини, мутахассислик йўналишини, мутахассисликка танловни; ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари шахсини шакллантириш ва ихтисосликка оид тарбиялашни, мутахассислик деформацияси (бузилиши) ва унинг олдини олиш, иш жойини, иш вақтини тўғри ташкил этишини ва бошқа масалалар бўйча уларнинг психологик асосини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Иккинчи тенденция ички ишлар идоралари ходимлари хизмат фаолиятининг объекти ва предметини ташкил этувчи шахслар психологиясини ҳар томонлама ўрганиш. Бу тенденция жиноятчи шахс, айбдор, жабрланувчи, гувоҳ ва ҳоказоларнинг ички руҳий ҳолатларини тадқиқ қилиш ишларини ўз ичига олади. Бу тенденциянинг ечими ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига янада мураккаброқ бўлган вазифаларни юклайди¹.

Бу икки тенденция ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида шахс муаммосини психологик жиҳатдан чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида шахс муаммосини ўрганишнинг бу икки тенденцияси расман икки хилда кўринса ҳам унинг ечими бир нуктага, яъни мамлакатимизда яшаб меҳнат қилаётган шахсларнинг психологиясини ўрганиб, жамиятда барқарорликни таъминлашга келиб тақалади. Бу ҳар икки тенденция учун ҳам устувор вазифа ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – СПб., 1999. – С. 198.

2. Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг психологик тузилиши

Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг психологик тузилиши етарли даражада ўрганилмаган. Унинг психологик тузилиши қуйидаги масалаларнинг ҳал қилинганлиги даражасига боғлиқ.

Биринчидан, ички ишлар ходими давлат хизматчиси сифатида мавжудми, мавжуд бўлса, унга қандай мажбуриятлар юкланган ва қандай ваколатлар берилган?

Бизнинг давлатимизда бу масала етарли даражада ҳал қилинган. Масалан, ИИВ мавжуд, у ҳар доим такомиллашиб бормокда.

Иккинчидан, ички ишлар ходимларининг ўзаро ва фуқаролар билан бўладиган муносабатлари қандай ижтимоий нормаларга асосланган? Бу масала ҳам ижобий ҳал қилинган бўлиб, у қонунчиликка ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларга асосланган.

Учинчидан, ички ишлар идоралари ходимларининг касбий ва маънавий-маърифий тайёргарлик даражаси қандай йўлга қўйилган? Бу масала ҳам тўғри ҳал қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан 2011 йил 04 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг «Касб маданияти»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги 96-сонли буйруқ, 2013 йил 29 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари шахсий таркиби билан «Маърифат ва сиёсий ўқиш» дарсларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 93-сонли буйруқ ва «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий савиясини ошириш, шахсий таркиб билан яқка тартибда олиб бориладиган тарбиявий ишларни такомиллаштириш тўғрисида»ги 171-сонли буйруқ ва бошқалар.

Тўртинчидан, ходимларнинг ҳар бир ижобий хатти-ҳаракат қандай баҳоланади? Мана шу масалаларнинг қонунийлик, адолат, ахлоқийлик мезонлари билан ҳал қилиниши ички ишлар идоралари ходимларининг психологик тузилишини белгилайди.

Психолог олимлар шахсининг психологик тузилишини қуйидагича талқин қиладилар. Масалан, атоқли рус психологи С. Л. Рубинштейннинг фикрига кўра, шахс психологияси қуйидаги тузилишга эга:

1) йўналганлик, у эҳтиёжлар, қизиқишлар, идеаллар, эътиқодлар, фаолият ва хулқнинг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларда ифодаланади;

2) билимлар, кўникмалар, малакалар ҳаёт ва фаолият жараёнида эгалланади;

3) индивидуал типологик хусусиятлар темперамент, иродада акс этади.

К. К. Платонов таълимотига кўра, шахс психологиясининг тузилиши қуйидагиларни ўз ичига олади:

Йўналганлик кичик тизими (ост тузилиши) шахснинг ахлоқий қиёфаси ва муносабатларини бирлаштиради. Ундан ҳаракатчанлик, барқарорлик, жадаллик, кўлам (ҳажм) даражаларини фарқлаш лозим.

Ижтимоий тажриба кичик тизими (ост тузилиши) таълим воситасида, шахсий тажрибада эгалланган билимлар, кўникмалар ва одатларни қамраб олади.

Психологик акс эттириш шакллари кичик тизими (ост тузилиши) ижтимоий турмуш жараёнида шаклланувчи билиш жараёнларининг индивидуал хусусиятларини ўз ичига олади.

Биологик шартланган кичик тизими (ост тузилиши) миянинг морфологик ва физиологик хусусиятларига муайян даражада боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни, шахснинг ёш, жинс хусусиятларини ва унинг типологик хосиятларини бирлаштиради.

А. Г. Ковалев талқинига кўра, шахс психологияси қуйидагича тузилишга эга:

– *йўналганлик* воқеликка нисбатан инсон муносабатини аниқлайди, унга ўзаро таъсир этувчи ҳар хил ғоявий ва амалий йўналишлар, қизиқишлар, эҳтиёжлар киради. Устувор йўналганлик шахснинг барча психик фаолиятини белгилайди.

– *имкониятлар* шахс фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тизим. Ўзаро таъсир этувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган турлича қобилиятларни қамраб олади;

– *ирода* ижтимоий муҳитда шахснинг хулқ-атворини аниқлайди. Одамнинг руҳий ҳаёти шакли ва мазмуни унда намоён бўлади. Ирода тизимида иродавий ва маънавий сифатлар ажратилади;

– *машқлар тизими* ҳаётининг фаолият, ҳаракат ва хулқ-атворни тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, бошқаришни таъминлайди.

Бундан ташқари, инсон шахсининг ўзи «эндопсихик» ва «экзопсихик» тизимга бўлинади, деган фикр ҳам илгари сурилган. Шахс психологиясининг ички тузилиши сифатида «эндопсихика» бамисоли кишининг нерв психик тузилишига ўхшаш бўлган инсон шахсининг ички механизми каби психик қисмлар ва функцияларнинг ўзаро ички боғлиқлигини ифода этади. «Экзопсихика»нинг ташқи муҳитга муносабати, яъни шахс қандай бўлмасин, барибир муносабатга киришиши ва шахсга қарама-қарши турадиган тизимларнинг барчасига нисбатан муносабати билан белгиланади.

«Эндопсихика» мойиллик, хотира, тафаккур, хаёл, иродавий зўриқиш, ташқи таъсирларга берилувчанлик каби хислатларни, «экзопсихика» эса киши муносабатлари тизими ва унинг тажрибасини, қизиқишларини, мойилликларини, хис-туйғуларини, шаклланган билимлари ва бошқа хусусиятларини ўз ичига олади. Табиий асосдаги «эндопсихика», ижтимоий омил билан белгиланадиган «экзопсихика»га қарама-қарши ўлароқ, биологик жиҳатлар билан боғлиқ.

Психолог олимларнинг юқорида баён қилган фикрларини методологик асос қилиб олган ҳолда, ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг психологик тузилиши қуйидагилардан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

1) касбий йўналганлик ходимнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, эътиқодлари, фаолияти ва хулқининг устувор мотивлари ҳамда дунёқарашларида ифодаланади;

2) касбий билим, кўникма ва малакалар ходимнинг ҳаётий фаолияти жараёнида эгалланади;

3) индивидуал типологик хусусиятлар ходимнинг темпераменти, иродаси ва қобилиятида акс этади;

4) машқлар тизими ҳаётни, фаолият, ҳаракат ва хулқ-атвори тузатиш (коррекциялаш), ўзини ўзи назорат қилиш, ўзини ўзи бошқаришни таъминлайди.

3. Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг билиш фаолиятига психологик тавсиф

Ички ишлар идоралари ходимларининг билиш фаолияти бошқа касб кишиларникига қараганда чуқурлиги, кенг қамровлилиги, тезкорлиги, аниқ мақсадга қаратилганлиги, мантиқийлиги, махсуслиги билан фарқ қилади. Қуйида буларнинг барчасига батафсил тўхталамиз.

Диққат ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тутган ўрни. Диққат киши фаолиятининг барча турлари, энг аввало, меҳнат ва ўқув фаолияти самарадорлигининг муҳим ва зарур шартидир. Билиш жараёнлари кечишининг энг муҳим хусусияти унинг танланганлиги, йўналтирилганлигидан иборатдир. Теварак-атрофдаги кўплаб таъсирлар орасидан киши ҳамиша ниманидир идрок этади, ниманидир фараз қилади, нима ҳақидадир фикр юритади, ўйлайди. Онгнинг бу хоссаси диққат каби хусусият билан ўзаро боғлиқ. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида билиш жараёнларининг аҳамияти бекиёсдир. Биз қуйида билиш жараёнларига ва унинг ички ишлар идоралари фаолиятидаги ўрнига тўхталамиз.

Диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда онгнинг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлигидир.

Эътиборни маълум объектга қаратиш учун иродавий куч-ғайрат сарфлаш зарурати юзага келганда, бинобарин, қийинчиликлар пайдо бўлганида, билишга оид қизиқиш сусайганида ва шунингдек, тўсиқлар мавжуд бўлган кезларда диққат аниқ-равшан намоён бўлади.

Ҳосил бўлиш хусусияти ва амал қилиш усулларига кўра диққатнинг учта асосий тури мавжуд:

- ихтиёрсиз диққат;
- ихтиёрий диққат;
- ихтиёрий диққатдан кейинги диққат

Ихтиёрсиз диққат кишининг ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади ва қўллаб-қувватланади. Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши жисмоний, психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Индивиднинг эҳтиёжларига мос келадиган, унинг учун аҳамиятига эга бўлган қўзғатувчилар ихтиёрсиз диққатни қўзғайди. Ихтиёрсиз диққатда бевосита қизиқишнинг роли бениҳоя каттадир. Нимаики қизиқарли, мароқли, ҳиссиётга бой, завқли бўлса, диққатнинг узоқ вақт мобайнида тўпланиб туришини тақозо этади. Ихтиёрсиз диққат шахснинг умумий йўналганлигига ҳам боғлиқдир.

Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқариладиган ва тартибга солинадиган диққат-эътибордир. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат замирида ҳосил бўлади. Ихтиёрий диққат, агар киши ўз

олдига маълум бир вазифа қўйган ва ҳаракат дастурини онгли тарзда ишлаб чиққан бўлса, юз беради.

Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат мақсадга йўналтирилган фаолиятда шахс учун диққатнинг ихтиёрий тўпланганлигидаги каби, фақат унинг мазмуни ва жараёнининг қизиқарли ҳамда аҳамиятли бўлиши натижасида қизиқиб, киришиб кетиш хусусиятида намоён бўлади. Диққатнинг жамланиши, жалб қилиниши ихтиёрий диққатдан кейинги диққатда унумли ва сермахсул ҳисобланади. Ихтиёрий диққатдан кейинги диққат шароитига ўтиш учун иш жараёнини фаоллаштириш талаб этилади. Иш жараёнини хотира қонуниятларини яхши билган ҳолда, унинг ёрдамидан фойдаланиб амалга ошириш талаб этилади. Булар мантиқан тушуниш ва қизиқиш уйғотиш қонуниятлари ҳисобланади¹.

Касбий диққат яхши шаклланган ихтиёрий диққатнинг англоланлиги ва керагича бошқариш имкониятининг мавжудлиги билан ажралиб турувчи ва нима, қачон, қаерда ҳамда нимага диққатни қаратиш кераклигини белгилаб берувчи жараён ҳисобланади. Касбий диққатнинг яхши ривожланганлиги унинг мақсадли ва моҳирона йўналтирилганлиги билан белгиланади. Диққатни бир жойга жамлаш ва уни тўғри йўналтиришда қўйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

– иш жараёнига хос ва мос шароитни яратиш, яъни иш жойини саранжомлаш, ёруғликка қулай жойлашиб олиш;

– муайян вазифани бажариш учун психологик тайёргарлик кўриш;

– ақлий тайёргарлик, зарур адабиётлардан фойдаланиш, тажриба орттириш, ақлий фаолият юритиш учун қулай вақтларни ҳисобга олиш (тонги соат 5 дан 11 гача, кундузги соат 16 дан кечки 20–24 гача ақлий фаолият унумдорлиги юқорилигини кузатиш мумкин).

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида диққатнинг асосий хусусиятлари (*тақсимланиши, тарқоқлиги, барқарорлиги, тез ўрин алмашиши*) ҳам ўзиша хос аҳамият касб этиши, яъни содир бўлган воқеа-ҳодисаларнинг зарур томонларини ўрганиш ва аниқлик киритишда, жинойтчи шахснинг психик

¹ Қаранг: Военная психология / Под редакцией А. Г. Малакова. – М., 1999. – С. 82.

ҳолатини кузатишда қўл келишини англаб етиш лозим. Масалан, диққатнинг ҳажми 7–12 та объектни тўлиқ қамрайди, барқарорлиги 10–12 дақиқа тўлиқ сақланади, бир сония ичида диққатни 3–4 маротаба кўчириш мумкин.

Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат фаолиятида касбий диққатни юзага келтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланишлари зарур:

– объектни кузатиш жараёнида жинойтчининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва жинойтчи ўринда ўзини тасаввур қилиши;

– объектни кузатиш жараёнида диққатни тўғри тақсимлаш ва тез кўчира билиш кўникмасини шакллантириш усулларидан фойдаланиш;

– давомли машқ қилиш ёрдамида диққат марказида 2–7 тадан, 8–15 тагача бўлган объектни ушлаб туриш;

– диққатни бир объектдан иккинчисига кўчиришда ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш;

– диққат доирасининг торайишини ҳисобга олиш, яъни ахборот қанчалик муҳим бўлмасин, бир объектга боғланиб қолмаслик;

– умумий кузатув объектида, шароитни ўрганиш мақсадида, диққатни тенг тақсимлаш орқали объектни қисмларга бўлиб кузатиш.

Диққатни кучайтириш усуллари:

– жавобгарлик ҳиссини сезиш, фаолият самарадорлигини белгиловчи аҳамиятли томонларни ҳисобга олиш;

– муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишда иродавий кучга таяниш;

– объектни «эътибор билан кузат», «яхшилаб қара», «яна бир бор текшир» каби диққатни кучайтирувчи буйруқларни бериш;

– салбий ҳиссиётларни кузатиш жараёнига аралаштирмаслик;

– кузатувчанлик фаолиятини сусайтирувчи омилларни инобатга олмаслик.

Диққатни жамлаш принциплари:

– муайян ҳолатга диққатни йўналтириш;

– аҳамиятсиз маълумотларни миёда сақламаслик;

– кераксиз фикрларга чалғимаслик.

Диққат жараёни, ўз навбатида, кузатувчанлик фаолияти билан уйғун шаклланади. Кузатиш ички ишлар идоралари ходимларининг

касбий фаолиятида ўзига хос аҳамият касб этади. У оператив қизиқиш уйғотган шахсларнинг жиноий фаолиятини фош этишда, уларнинг алоқаларини, шахсий хислатларини ўрганишда, тергов жараёнига тегишли маълумотларни тўплашда намоён бўлади.

Кузатиш деганда, маълум бир мақсадли режани амалга ошириш учун нарса ва ҳодисани онгда атайлаб идрок этиш тушунилади.

Касбий кузатиш эса ички ишлар идоралари ходимларининг оператив хизмат вазифаларини амалга оширишида муҳим воқеа ва ҳодисаларни мақсадга мувофиқ тарзда идрок этиш жараёнидир.

Касбий кузатувчанлик ходимнинг шахсий хусусияти эмас, балки табиий хусусиятига айланиб, фаолиятнинг барча турларида намоён бўлишида, кузатувчанлигининг олий даражага чиққанида намоён бўлади¹.

Касбий кузатишда кўзга тушган барча нарса идрок этилмайди, балки энг муҳим, зарур, хизмат фаолияти учун аҳамиятга молик бўлган объект (нарсалар, предметлар) идрок этилади. Бу, одатда, кузатиш асосини ташкил қиладиган мақсадлар, вазифалар, режалар билан боғлиқ бўлади.

Касбий кузатувчанлик самарадорлиги эса албатта психологик механизмлар, қонуниятлар ва омиллар билан белгиланади. Яъни улар намоён бўлиш хусусиятларига кўра *объектив, шароитга хос ва субъектив* гуруҳларга бўлинади.

Касбий кузатиш жараёнини амалга оширишда субъектив омилларга муҳим вазифа юклатилади.

Объектив ва шароитга хос омиллар кузатилаётган шахс, объект ва улар ўртасида мавжуд шароит хусусиятларини камраб олади.

Субъектив томон жиноий гуруҳ аъзоларининг хатти-ҳаракатларини яшириш ниятида амалга оширадиган ниқобли (яширин) ҳаракатлари, яъни жиноят содир этилган жойда из қолдирмаслик, далил-исботларни топишни қийинлаштириш, дастлабки суриштирув ишларини олиб боришда англашилмовчиликларга шароит яратиш кабиларда намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан касбий кузатувчанлик фаолиятини шакллантиришда ходимдан касбий диққат, идрок хусусиятлари ва оператив хотира жараёнларини ривожлантириш талаб этилади.

¹ Қаранг: Асямов С. В., Пулатов Ю. С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б. 39.

Ички ишлар идоралари ходими оператив қизиқиш уйғотган шахсга нисбатан кузатув ишларини олиб боришда қуйидаги психологик омилларни ҳисобга олиши керак.

– ўзи кузатаётган гумонланувчи шахснинг хулқ-атвориغا хос бўлган хусусиятлар (масалан, жинойий фаолиятига хос хусусиятлари, йўналиши, жинойий тажрибаси, нималарга қизиқиши, мойиллиги ва бошқ.)ни;

– зарур бўлганда махсус техник воситалар ва эслаб қолиш орқали кузатилаётган объектнинг хатти-ҳаракатларини тўлиқ эсда сақлаши, керак бўлса аниқ қайд этиши;

– қайд этилган фактларни кузатилаётган объект тўғрисида олинган аввал маълумотлар билан қиёслаши ва хулосалар чиқариши.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий кузатувчанликни ривожлантиришда қуйидагиларни эътиборга олиши зарур:

– кузатувдан олдин ўрганилаётган шахс, нарса ёки ҳодиса ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш;

– вазифани аниқ мақсад асосида белгилаб олиш (хаёлан бўлса-да) ва кузатув режаси ҳамда тартибини тузиш;

– кузатилаётган объектда нафақат топилиши кутилган нарсани, балки унинг тескарисини ҳам излаш;

– кузатиш предметини қисмларга бўлиб ўрганиш билан бирга, бутун жараённи кузатишни эсдан чиқармаслик;

– бир марталик кузатишга ишонмаслик, объектни турли нуқтаи назар ва турли вазиятларда текшириш;

– кузатиш давомида ҳар бир элементга нисбатан «нега?», «нима учун?» каби саволлар қўйиш, ўз фикр ва хулосалари асосида тахмин қилиш;

– кузатув объектларини солиштириш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ва улардаги ўхшаш ҳамда фарқ қилувчи томонларни топиш;

– кузатиш натижаларини ушбу предмет ҳақида маълум бўлган маълумотлар билан қиёслаш;

– кузатиш натижаларини аниқ ифодалаш ва тегишли шаклда қайд этиш;

– кузатишга турли мутахассисларни жалб этиш, кузатиш натижаларини солиштириш ва ҳамкасблари билан муҳокама қилиш;

– кузатувчи ўзи ҳам кузатиш объекти бўлиши мумкинлигини эсда тутиши¹.

Касбий кузатувчанликни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши омили тегишли психологик қонуниятларга асосланган касбий кузатиш техникасини эгаллаш саналади.

Сезги ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тугган ўрни. Сезги оддий психик жараён бўлиб, у моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари аксидан, шунингдек, моддий қўзғатувчилар тегишли рецепторларга бевосита таъсир этганда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатлардан таркиб топади. Материя бизнинг сезги, иродаларимизга таъсир этиб, сезги ҳосил қилади. Сезги аъзолари ахборотни қабул қилиб олади, саралайди, жамлайди ва мияга етказиб беради.

Сезги аъзолари ташқи оламнинг киши онгига кириб келадиган ягона йўллариدير. Сезгилар моҳиятига кўра объектив оламнинг субъектив сиймоси ҳисобланади. Лекин сезгиларнинг ҳосил бўлиши учун организм моддий қўзғатувчининг тегишли таъсирига берилиши кифоя қилмайди, балки организмнинг ўзи ҳам қандайдир иш бажариши даркор.

Кишининг ҳаёти ва фаолиятида сезгиларнинг роли жуда катта. Чунки, улар бизнинг олам ҳақидаги ва ўзимиз тўғримиздаги билимларимиз манбаи ҳисобланади. Инсон теварак атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳамиша ахборот олиб туриши керак.

Шу маънода, сезгилар маълум бир қўзғатувчининг муайян рецепторга таъсири натижасида ҳосил бўлгани учун ҳам сезгиларнинг таснифи уларни ҳосил қиладиган қўзғатувчиларнинг ва ана шу қўзғатувчиларга таъсир қиладиган рецепторларнинг хусусиятларига асосланади.

Сезгиларнинг Арасту томонидан алоҳида ажратиб кўрсатилган турлари мавжуддир:

- кўриш;
- эшитиш;
- ҳид билиш;
- баданнинг тегишли аъзолари орқали сезиш;
- таъм билиш.

¹ Қаранг: *Ратинов А. Р.* Судебная психология для следователей. – М., 1967. – С. 90.

Сезгилар маълум бир қўзғатувчининг муайян рецепторга таъсири натижасида ҳосил бўлгани учун ҳам сезгиларнинг таснифи уларни ҳосил қиладиган қўзғатувчиларнинг ва ана шу қўзғатувчилар таъсир қиладиган рецепторларнинг хусусиятларига асосланади.

Акс этиш хусусиятига ва рецепторларнинг жойлашган ўрнига қараб сезгилар, одатда, уч гуруҳга ажратилади:

1. Ташқи муҳитдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттирадиган ҳамда тананинг юзасида рецепторлари бўлган экстроцептив сезгилар.

2. Тананинг ички аъзоларида ва тўқималарида жойлашган ҳамда ички аъзоларнинг ҳолатини акс эттирадиган рецепторларга эга бўлган интероцептив сезгилар.

3. Рецепторлари мушакларда ва пайларда ўрнашган проприоцептив сезгилар, улар гавдамизнинг ҳаракати ва ҳолати ҳақида ахборот бериб туради.

Экстроцептивларни икки гуруҳга, яъни алоқа боғлайдиган контакт ва дистант рецепторларга ажратамиз. Алоқа боғлайдиган рецепторлар уларга таъсир қиладиган объектлар билан бевосита алоқа боғлаган пайтда қўзғайди; баданнинг тегишли аъзолари орқали сезиш, таъм билиш рецепторлари шулар жумласидандир. Дистант рецепторлар узоқдаги объектдан келадиган қўзғатишдан таъсирланади; дистант рецепторларга кўриш, эшитиш, ҳид билиш рецепторлари киради.

Адаптация ёхуд мослашув сезги органлари сезгирлигининг қўзғатувчи таъсири остида ўзгариши демакдир.

Бу ҳодисанинг уч хил турини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1. Қўзғатувчининг узоқ муддат давомида таъсир этиши жараёнида сезгининг тамомила йўқолиб қолишига ўхшайди. Доимий қўзғатувчилар таъсир қилган тақдирда сезги йўқолиб қолиш хусусиятига эга. Масалан, терининг устига қўйилган энгилгина юк тездаёқ сезилмайдиган бўлиб қолади. Ҳид билиш сезгилари атроф-муҳитга ёқимсиз ҳид ёйилганидан кейин кўп ўтмай батамом йўқолиб қолиши ҳам оддий бир ҳодисадир;

2. Адаптация – кучли қўзғатувчининг таъсири остида сезгининг заифлашиб қолиши. Масалан: совуқ қўзғатувчи ҳосил қиладиган сезгининг жадаллиги кўлни совуқ сувга солганда сусаяди. Биз ярим қоронғу хонадан ёрқин ёритилган жойга чиққанимизда олдинига

кўзларимиз камашади ва теварак-атрофдаги бирор-бир нарсанинг фарқига ета олмайдиган бўлиб қоламиз, бир мунча вақт ўтгандан кейин эса кўриш анализаторларининг сезувчанлиги кескин сусайиб, биз одатдагидек кўра бошлаймиз;

3. Кучсиз кўзғатувчининг таъсири остида сезгирликнинг ортиши ҳам адаптация деб аталади.

Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам сезгининг ўрни бекиёсдир. Касбий сезгирлик ҳис қилиш жараёнларини машқ қилдириш орқали ривожлантирилади. Бу хусусият фаолият давомида шаклланиб боради. Масалан, йўл-патруль хизмати ходими ўз фаолияти мобайнида келаётган машина товушидан ундаги техник носозликларни аниқлай бошлайди.

Идрок ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тутган ўрни. Идрок сезгига нисбатан мураккаб ва мазмундор психик жараён ҳисобланганлиги сабабли барча руҳий ҳолатлар, ҳодисалар, хусусиятлар, хоссалар ва инсон онгининг яхлит мазмуни, эгалланган билимлар, тажрибалар, кўникмалар бир даврнинг ўзида намоён бўлади, акс эттиришда иштирок этади.

*Нарса ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири жараёнида киши онгида унинг акс этиши **идрок** деб аталади.*

Идрок этиш жараёнида алоҳида ҳолдаги сезгиларнинг тартибга солиниши ҳамда нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг яхлит образларга бирлашуви юз беради.

Кўзғатувчининг алоҳида хусусиятлари акс этадиган сезгилардан фарқли ўлароқ, идрок нарсаларни унинг ҳамма хусусиятлари билан биргаликда акс эттиради. Бунда идрок алоҳида сезгилар йиғиндиси тарзида эмас, балки ҳиссий билишнинг ўзига хос хусусиятлари билан сифат жиҳатидан юқори босқичи сифатида тасаввур қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида идрок касбий фаолият учун муҳим аҳамият касб этадиган ҳодиса, ҳолат, объектлардан предметли равишда керакли нарсаларни ажратиб олиб, яхлит ҳолда онгида акс эттириш, оддий шахс кўра олмайдиган ҳолатлардаги нарсаларни тез ва осон илғаш жараёнидир. Яхши ривожланмаган касбий идрок ходимда иллюзион (нотўғри) идрок қилиш хусусиятини шакллантиради.

Шу нуқтаи назардан идрок ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида муайян ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Яъни, ички ишлар идоралари ходими аниқ маълумот олиш

учун гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчини кузатаётганда ўрганилаётган объект тўғрисида турли кўринишларда олинган тасаввур ва тушунчаларни яхлит ҳолатда идрок қилади. Ички ишлар идоралари ходимлари воқеликни тўғри идрок этишлари учун унинг принципларига риоя қилишлари зарур.

Идрок қилиш принциплари қуйидагилар:

– билиш зарур бўлган ҳолат юзасидан мияда аниқ ақлий занжир тузиш;

– сезги аъзоларининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш;

– ўрганилаётган объектга нисбатан қизиқиш уйғотиш;

Идрок қилиш принциплари асосида ходим турли нуқтаи назарларни, масофадан, вазиятдан, ҳолатнинг ёритилиш даражаси, шароитдан келиб чиқиб, объектдан олган таассуротларни таҳлил қилади.

Хотира ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тутган ўрни. Одам кўрган, ҳис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз миқдоринигина эслаб қолади. Психиканинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки, индивид ташқи таассуротлардан ўзининг кейинги хатти-ҳаракатларида доимо фойдаланади. Индивидуал тажриба орта бориши ҳисобига хулқ-атвор секин-аста мураккаблашади. Агар ташқи дунёнинг мия қобиғида ҳосил бўладиган образлари беиз йўқолиб кетаверса, тажрибанинг шаклланиши мутлақо мумкин бўлмай қолар эди. Бу образлар бир-бири билан ўзаро турли хил алоқалар боғлаган ҳолда мустақамланиб, сақланиб қолади ҳамда ҳаёт ва фаолият талабларига мувофиқ тарзда яна бошқатдан намоён бўлади.

Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира дейилади.

Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади.

Хотира механизмларини ўрганишнинг психологик даражаси хронологик жиҳатдан бошқаларидан устунроқ бўлиб, фанда турли йўналишлар ва назарияларнинг илгари сурилганлиги билан маълумдир. Бу назарияларни улар хотира жараёнларининг шакллантирилишида субъектнинг фаоллиги қандай роль ўйнашига ва

бундай фаолликнинг моҳиятига қандай ёндашувига боғлиқ ҳолда таснифлаш ва баҳолаш мумкин.

Хотиранинг эсда олиб қолиш ва қайта эсга тушириш жараёнлари содир бўладиган фаолиятнинг хусусиятларига боғлиқлиги хотиранинг ҳар хил турларини ажратиш учун умумий асос бўлиб хизмат қилади. Бунда хотиранинг айрим турлари учта асосий мезонга мувофиқ тарзда бўлинади:

1) фаолиятда кўпроқ сезилиб турадиган психик фаолликнинг хусусиятига қараб хотира ҳаракат, ҳис-ҳаяжон, образли ва сўз-мантикли турларга бўлинади;

2) хотира фаолиятнинг мақсади, хусусиятига кўра ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга бўлинади;

3) материални қанча вақт эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш муддатига кўра (унинг фаолиятдаги роли ва тутган ўрнига боғлиқ равишда) хотира қисқа муддатли, узоқ муддатли ва оператив турларга бўлинади.

Шу ўринда хотирани мустаҳкамлашнинг қуйидаги саккизта қонунини эслаб қолиш тавсия этилади:

Анланганлик қонуни. Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни хотирада мустаҳкам муҳрлаган бўламиз.

Қизиқиш қонуни. Анатолий Франс «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

Илгариги билимлар қонуни. Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янғисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янғидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, сиз илгариги тажрибангизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар тажрибага айлангандагина янғиларига замин бўла олади.

Эслаб қолишга тайёргарлик қонуни. Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлғуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак деб, муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

Ассоциациялар қонуни. Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда

шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, муайян хона ўша ерда рўй берган ҳодисани ҳам эслатади.

Кетма-кетлик қонуни. Ҳарфларни алифбодаги тартибида ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Кучли таассуротлар қонуни. Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади ва сиз учун аҳамиятли маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга тушади.

Тормозланиш қонуни. Ҳар қандай янги маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Олдинги маълумотнинг ўчиб кетмаслиги учун, янгини эсда сақлашдан аввал, уни мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак¹.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида «**касбий хотира** – ходимнинг илгари идрок этиб амалга оширган, бошидан кечирган, тезкор хизмат фаолиятига алоқадор ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва кейинчалик яна хотирада қайта тиклаш хусусиятларини ифодаловчи хислат»².

Ички ишлар идоралари ходимларидан фаолиятини ташкил этишда хотиранинг муваффақиятга эриштирувчи асосий жараёнларини билиш талаб этилади. Хотирада ахборотни эслаб қолиш, кейин эсга тушириш жараёни субъект фаолиятида катта аҳамият касб этади ва бу ахборотдан қандай мақсадда фойдаланишга боғлиқ.

Фаолиятнинг мақсади билан бевосита боғлиқ материал кўпроқ эсда қолади, у ҳатто астойдил эсда сақлаш жараёнидан ҳам кучли бўлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, эсда сақлаш жараёнида ҳис-туйғуларнинг ҳам таъсири кучли бўлади. Кучли ҳиссиёт таъсирида ахборот эсда яхши сақланади.

Воқеа-ҳодисалар ҳис-туйғуларни кўзғатса (яъни кечирилган ҳиссиётларнинг қайта-қайта кўзғалиши натижасида), фикр юритиш қобиляти ёки ақлий фаолият янада фаоллашади.

¹ Қаранг: Каримова В. М., Акрамова Ф. А. Психология. – Т., 2000. – Б. 75–76.

² Қаранг: Столяренко А. М. Психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1997. – С.20.

«Шахс онгидаги қабул қилинган ёки қабул қилинмаган ахборотлар кўп ҳолларда аҳамиятга эга бўлмай қолганда турли муддат ичида ёддан кўтарилиши кузатилган. Бу ҳолат ахборотнинг шахс фаолиятидаги аҳамияти билан эмас, балки ҳаёти ёки фаолиятида вужудга келган янги шароитлар, ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, унинг бирламчи аҳамиятини сусайтириб юбориши мумкин»¹.

Тергов жараёнида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи айна вазиятда уларга қайси бир ҳолат аҳамиятли бўлса (ижобий ёки салбий таъсир), ўша ҳолатни эслаши мумкин. Ходим гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчига хос алоҳида хусусиятларни ҳисобга олиши, шахснинг кўтаринки (оптимистик) ёки тушкун (пессимистик) кайфиятига қараб бир хил вазиятни турли шахслар турлича талқинда (яхши ва ёмон таассуротлар асосида) эслаб қолиши мумкинлигини инобатга олиши зарур. Содир этилган жинойт тафсилотларини гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи турлича талқин қилиши, эслаб қолиши ва ёдга олиши кузатилган.

Хотиранинг идрок қилиниши онгда сақланиш муддатига қараб қисқа ва узоқ муддатли бўлиб, уларнинг ишлаш механизми ҳам турлича бўлади. Ҳар қандай воқеа-ҳодиса, аввало, *бирламчи қисқа муддатли хотира блокига* тушади. Ишлатилиш аҳамиятига қараб *узоқ муддатли хотира блокига* ўтиши мумкин.

Акс этиш – *ревербациянинг* давомийлиги (30–50 дақиқа) миянинг асаб катакчаларида турғун ўзгаришларни кўзғатади. Бу жараён узоқ муддатли хотира механизми ҳисобланади².

Эслаш ва эслашга ҳаракат қилиш бир-биридан ажралган жараёнлар эмас. Бир томондан, эслашга ҳаракат қилиш дастлабки маълумотларни тиклаш бўлса, иккинчи томондан, натижадир. Эслашга ҳаракат қилиш фикрни эркин ҳикоя, баён қилиш натижасида вужудга келади. Шунини унутмаслик керакки, заруратсиз гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг фикрини чалғитмаслик, савол бериб гапини бўлмаслик, ҳикоясини узмаслик зарур. Миянинг муҳрланган латент қобиқни фаоллаштириш учун сўроқни эркин баёндан бошлаш лозим³.

¹ Қаранг: *Зинченко П. И.* Непроизвольное запоминание. – СПб., 2000. – С. 26.

² Қаранг: *Лук А. Н.* Памят и кибернетика. – М., 1999. – С. 11.

³ Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 75.

Эсдан чиқариш эслаш ва эсда олиб қолиш жараёнининг акси бўлиб, *нормал физиологик* ҳодиса ҳисобланади. Агар хотирадаги барча маълумотлар инсон онгига қалқиб чиқса, самарали тафаккур бўлмайди.

Инсон фақат ирода кучи ёрдамидагина айнан керакли манбаларни эслай олади. «*Фикрлар ҳаракати – узоқ муддатли хотира блокидан тезкор хотира блокига ўтишни таъминловчи ин*»¹ дейди А. Н. Лук. Бу жараён унчалик осон кечмайди. Меъёрида фаолият юритадиган мия индивиднинг бутун ҳаётини тажрибасини сақлаб қолади. Унинг мураккаб томони маълумотларни эркин эслаш мумкин эмаслигидадир. Хотиранинг фақат маълум шароитга алоқадор қисмигина зарурат туғилганида тикланиши, яъни ёдга тушиши мумкин. Инсон хотирасидаги доимий ишлатилмайдиган, эслаб янгиланмайдиган ахборот тез ёддан чиқади. Гоҳида доимий ҳаракатдаги ахборот ҳам, агар айни вақтда муҳим деб ҳисобланмаса, эсдан чиқиши мумкин.

Ходимнинг касбий хотирасини мақсадли ривожлантириш куйидаги йўналишларда машқлар бажаришни тақозо этади:

– одамларнинг юзлари, ташқи қиёфаси, белгилари ва хатти-ҳаракатларидаги ўзига хосликларни эслаб қолиш ва таниш;

– хизмат вазифаларини бажаришда доимо юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш хусусиятларини ифодаловчи сўздаги ахборотни эслаб қолиш ва хотирада сақлаш;

– қидирувда бўлган автомашиналарнинг номери ва белгиларини эслаб қолиш ва таниш;

– ўғирланган буюмлар ва уларнинг белгиларини эслаб қолиш ва таниш;

– жой чизмалари, ҳаракатланиш йўналишларини эслаб қолиш ва хотирада сақлаш.

Ходимларнинг касбга оид муҳим маълумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга туширишларида бир қатор психологик усуллардан фойдаланишлари касбий хотирани ривожлантиришга ёрдам беради.

Маълумотни эсда сақлаш принциплари:

- 1) мақсадни тўғри танлаш;
- 2) ахборотни сақлаш учун (ҳиссий, образли, эшитиш, кўриш орқали) турли боғлиқликларни ўрнатиш.

Маълумотни ёдлаш принципи:

¹ Қаранг: Лук А. Н. Память и кибернетика. – М., 1999. – С. 80.

– маълумот идрок қилинганидан сўнг 20 сония ичида такрорлаш;

– маълумотни такрорлаш, такрорлашни ҳар икки соатда амалга ошириш;

– мавжуд имконият чегарасидан ортиқча ишлашга ҳаракат қилиш;

– маълумотни мантиқий бутунликда такрорлаш.

Касбга оид муҳим маълумотни эслаб қолиш самарадорлигини ошириш усуллари:

Эслаб қолиш ҳақида ўзига буйруқ (установка) бериш. Ходим ҳар сафар касбга оид муҳим ахборотга дуч келганида ўзига: «Буни эслаб қолиш керак!», деб айтиши зарур.

Ёдлаш. Катта ҳажмдаги, эслаб қолиш қийин бўлган маълумотни одам «ичида» ёки фикран такрорлаши, унинг хотирада аниқ сақланиб қолишига эришиши лозим.

Англаш. Ҳар қандай маълумот, агар у англаган бўлса, эсда яхши сақланиб қолади. Эслаб қолинадиган маълумотдаги маъноли алоқаларни аниқлашга «Нима учун?» деган саволини қўйиш ёрдам беради;

Қонуниятларни излаш. Бу рақамли маълумотларни, масалан, автомашина ва телефон рақамларини эслаб қолишни осонлаштиради. Ушбу усул эслаб қолинадиган маълумотда муайян қонуниятни – маъноли, рақамли ва бошқа қонуниятларни топишга асосланади.

Аналогия, ўхшашликлардан фойдаланиш. Янги маълумотни маълум маълумот билан қиёслаш доимо уни эслаб қолишни осонлаштиради. Объект нимага ўхшашини аниқлаш керак.

Образли тасаввур. Сўзда ифодаланган маълумотни тасаввур қилиш орқали эслаб қолиш анча осон.

Хаёлан гапириш. Қидирилаётган шахснинг сурати, агар ходим уни эслаб қолаётганда фикран, ички нутқида «гапирса», юзидаги айрим жиҳатларни таъкидласа, хотирада мустаҳкамроқ ва аниқроқ сақланиб қолади.

Моделлаштириш. Мантиқий алоқалар ёрдамида бетартиб фактлар ягона тизимга бирлаштирилади. Ана шу тизим эслаб қолиш учун модель бўлиб хизмат қилади. Тахминни илгари суриш ёрдамида бўлган воқеа қайта гавдалантирилса, моделлаштирилса, керакли маълумотни яхши эслаб қолишга ёрдам беради.

Оқибатларини тасаввур қилиш орқали хотирани фаоллаштириши. Керакли маълумот хотирада сақланиб қолинмаса (ёки, аксинча, сақлаб қолинса) нима бўлишини тасаввур қилиш ҳам яхши самара беради.

Тартибга келтириши. Илгари эсда олиб қолинган маълумотни энди эсда олиб қолиш керак бўлган маълумот билан боғлаш уларнинг хотирада ишончлироқ сақланиб қолишига имкон беради.

Унутиш орқали эслаб қолиш. Ниманидир унутишни истасак, биз ана шу нарсага диққатимизни жамлаймиз ва натижада уни эсда олиб қоламиз. Хаёлан ёқтирган одамингизни душманингиз деб тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўринг... Тасаввур қилдингизми? Энди эса уни каллангиздан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинг. Сиз бу тўғрида ўйламасликка қанчалик кўп ҳаракат қилсангиз, у сизни шунчалик кучлироқ таъкиб этади.

Вазиятни жисмонан тиклаш. Гўёки «ўша жойнинг ўзида бўлиб қолиш» ва у ердаги нарсаларни, масалан, керакли тартибда жойлаштириш лозим. Кўриш тасаввурларига таяниш зарур нарсаларни эслашни осонлаштиради.

Вазиятни хаёлан эсга тушириши. Ҳар доим ҳам ўша шароитда жисмонан бўлиш, аҳволни жисмонан эсга туширишнинг имкони бўлмайди, аммо бутун вазиятни унинг қисмлари бўйича хаёлан тасаввур қилиш, эсга тушириш орқали маълумотни ҳам эслаш мумкин.

Вазиятларни саралаб танлаш. У ким? Эслай олмайсиз... Шунда у кишини қаерда кўрган бўлишингиз мумкинлигини тасаввур қилинг: бўлимда, уйингиз ҳовлисида, транспортда ва ҳоказо. Вазиятларни саралаш чоғида сизни қизиқтираётган шахс ҳақидаги маълумотлар ҳам чиқиб келади.

Воқеалар кетма-кетлигини хаёлан эсга тушириши (узилган занжирни тиклаш). Хотирада воқеаларнинг бутун кетма-кетлигини тиклаш занжирдаги йўқолган ҳалқани топишга ёрдам беради. Қидирилаётган маълумот сақланиши керак бўлган маълумотларнинг хаёлий занжиридаги барча ҳалқаларни кетма-кет текшириб чиқинг. Занжирда кемтик топганингизда ундан сакраб ўтинг, олдинроққа ўтинг, сўнгра орқага қайтинг. Агар ҳалқа тикланмаса, хотирангизни узоқ вақт зўриқтирманг – бунинг ёрдам бериши гумон.

Танани бўш қўйиши. Релаксация – танани бўшаштириш амалда ҳаммага ёрдам беради. Масалан, уч дақиқага танангизни бўш

қўйинг ва ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилинг, керакли фикр мияга тез ва осон келади¹.

Хотира турлари ичида касбий хотира энг самарали ҳисобланади, чунки у инсоннинг қизиқишлари билан боғлиқ бўлиб, муддатли машқ ва истеъдод (муסיқачи, математик), диққат хусусиятларига бевосита алоқадор. Айрим шахсларда образли хотира ривожланган бўлади (инсоннинг тузилиши, предметлар, овоз, ранг), бошқаларда сўз, рақамлар билан боғлиқ (сўз, фикр, сонлар) хотира устувор ҳисобланади. Инсон ҳамма таассуротларни эслаб қола олмайди. Ахборотни ҳам турли маъно, шаклда сақлаш мумкин.

Яна алоҳида *образли кўриш хотираси ҳам мавжуд бўлиб (эйдетизм)*, инсон кўрган нарсаларини (*тезкор хотирада*) кўриш майдонидан четда, ҳатто майда тафсилотлари билан узоқ сақлай олади. Хотиранинг маълум тури ривожланишида шахс хусусиятларининг бевосита аҳамияти катта.

Файласуф, юрист, адвокатларда *мантиқий хотира кучли* бўлади. Санъаткор, спортчиларда *ҳаракат хотираси*, муסיқачиларда *эшитиш хотираси*, дегустаторларда таъм билиш, мазани сезиш хотираси, кимёгарларда *ҳид хотираси*, кўрларда *сезиш хотираси* ривожланган бўлади. *Масалан*, ҳисобчиларда сон, саналарни, кадрлар билан ишловчиларда исмларни, рассомларда рангларни ажратиб фарқлаш, илғаш хотираси яхши ривожланган бўлади.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ёки айбланувчи кўрсатмаларини баҳолашда улар хотирасининг ривожланганлик даражасини ўрганиш лозим. Хотира бутун умр давомида ривожланиб, такомиллашади. Унга асаб тизими, тарбия ва ўқиш жараёнлари таъсир қилади².

Хотира қонуниятидан самарали фойдаланиш учун эслаб қолиш ва эсга тушириш жараёнида табиий ассоциациялардан фойдаланишни, шунингдек, хотиранинг ишини енгиллаштирувчи сунъий ассоциатив алоқалар ўрнатишни ўрганиш зарур.

¹ Асямов С. В., Пулатов Ю. С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б. 32.

² Қаранг: Васильев В. Л. Юридическая психология. – М., 2005. – С. 77.

Хотирани ривожлантириш қонуниятлари¹

№	<i>Номланиши</i>	<i>Тавсифи</i>
1.	Ассоциация қонуни (Аристотель)	Нотаниш нарсани эслаб қолиш учун уни бирорта таниш нарса билан боғлаш зарур.
2.	Мустаҳкамлаш қонуни (А. Р. Лурия)	10 дақиқа инсонга бирор нарсани хотирасида мустаҳкамлаш учун етарли ҳисобланади.
3.	Эсдан чиқариш қонуни (Г. Эббингауз)	Ҳар қандай материал ёдланганидан сўнг, 1–2 соат ичида хотирада 40% қолади. Кейинроқ эсдан чиқиш тезлиги камаяди, 6 суткада ахборотнинг 20% сақланиб қолади.
4.	Б. В. Зейнгарник қонуни	Машғулотни энг қизиқ жойида тугаллаш, ёдланаётган материални энг қизиқ жойида тўхтатиш қайта ёдлаш жараёнигача материалнинг тўлиқ сақланиб қолишини таъминлайди.
5.	Ёш қонуниятлари	Хотира 18–25 ёшгача яхшиланиб боради, 45 ёшда бир хиллик сақланиб қолади, 45 ёшдан сустрлаша боради.
6.	«Бошидан охиригача» қонуни	Ёдланаётган материалнинг боши ва охиридаги ахборот, ўртасидагига караганда яхши сақланади.

Кўпгина мнемотехник тизимлар ушбу қонуниятларнинг амал қилишига асосланади. Эслаб қолишнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд: мантиқий, маъноли, механик ва мнемотехник.

Мантиқий эслаб қолиш – эслаб қолишнинг асосий усули. Ушбу усулдан қанчалик самарали фойдаланиш ақлий имкониятларга, маъноли ва мантиқий алоқалар ўрнатишга боғлиқ. Мантиқий эслаб қолишга асос бўладиган маъноли алоқалар тасодифий юзага келадиган алоқаларга караганда анча мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Мантиқий эслаб қолишнинг муҳим усулларида бири, аввало, манбани гуруҳларга ажратиш, яъни маъноси бўйича гуруҳлаштиришдан иборат.

Механик усул – маъносини тушунмай қуруқ ёдланадиган усул. Унинг асосини эсда олиб қолинадиган маълумотларни оддий такрорлаш, маъносини англамасдан туриб кўп марталаб идрок этиш

¹Қаранг: Мальцева О. А., Ратова И. В. Профессиональная психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1998. – С. 29.

ташкил этади. Механик хотира анча юқори турдаги хотираларнинг энг оддий асосидир, усиз маълумотларни эслаб қола олмаймиз.

Мнемотехника энг қизиқарли ва машқ қилиб ривожлантирса бўладиган усул. У асосан маъносиз ахборотни билвосита эслаб қолишга хизмат қилади. Унинг ёрдамида маъноли ахборотни эслаб қолишнинг рационал усулини анча кучайтириш ва маъносиз материални механик эслаб қолиш самарадорлигини бениҳоя ошириш мумкин¹.

Касбий хотирани ривожлантиришнинг асосий қонуниятларини ёдда тутиш зарур.

Шунингдек, Ахборот инсон ҳаёти ва фаолияти учун қанчалик муҳим бўлса, шунчалик мустаҳкам эсда қолади ва осон ёдга тушади. Шунинг учун ҳам қандайдир ахборотни ёд олаётганда доимо уни ўзингиз, масалан, касбий фаолиятда мақсадга эришишингиз учун муҳимлигини таъкидлаб туришингиз зарур.

Ахборот инсон фаолиятига қанчалик алоқадор бўлса, шунчалик мустаҳкам ёдланади (эслаб қолинади). Хотирани ривожлантириш учун бирон билимни, қонуниятни оддийгина ёдлаш эмас, балки уни амалий фаолиятда иложи борича кенгроқ қўллаш муҳимдир.

Ахборот қанчалик чуқур анланса, у хотирада шунчалик яхши сақланиб қолади. Ушбу қонуниятдан фойдаланиш эслаб қолиш жараёнини фикрлаш жараёнига энг кўп даражада яқинлаштиришни билдиради. Анланган ҳолда эслаб қолиш объектларнинг энг муҳим жиҳатларини ва муносабатларини ифодаловчи мантиқий алоқаларга асосланади.

Қизиқиш уйғотувчи ёки манфаат келтирувчи ахборот осон эслаб қолинади. Ўзлаштираётган нарсамизни бизни қизиқтираётган, биз учун манфаат келтирадиган нарсалар билан боғлаш – муваффақиятли эслаб қолишнинг асосий шартларидан биридир. Муваффақиятли эслаб қолишда муайян ахборотни идрок этишга тайёргарлик ва яхши эслаб қолиш мақсадини қўйиш катта аҳамиятга эга. Булар эслаб қолиш жараёнига катта таъсир кўрсатиши билан бирга, унинг натижаларини олдиндан кўриш имконини беради ва хотирада тиклашни осонлаштиради.

Бир вақтнинг ўзида юзага келадиган тасаввурлар эслаш жараёнида бир-бирини ёдга туширади. Хотиранинг ушбу қону-

¹ Қаранг: *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – 2002. – Б. 30.

ниятидан фойдаланиш учун эслаб қолиш ва эсга тушириш жараёнида табиий ассоциациялардан фойдаланиш, шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида хотиранинг ишини енгиллаштирувчи сунъий ассоциатив алоқалар ўрнатишни ўрганишимиз зарур.

Хотирани шакллантириш усуллари:

– билишга бўлган қизиқишлар доирасини, хотирада сақлаш мақсадларини шакллантириш;

– мантиқий эслаш усулларини ўрганиш;

– жавобгарлик ҳиссини кучайтириш: билим олишга, ўрганишга, кунт қилишга, ўзини тарбиялашга эътибор бериш;

– ўтилган машғулотлардаги материалларни тизимли равишда қайта такрорлаш, хотирани мустаҳкамловчи машқларни бажариш.

Шу маънода ички ишлар идоралари фаолиятида касбий хотира – тезкор, узоқ муддатли, сўз мантиқли шаклда, рақам, сон, исм, фамилия, қиёфаларни тез таниб эслаб қолиш, қайта тиклаш (кейинчалик фарқлай олиш)да намоён бўлади¹.

Тафаккур ва унинг ички ишлар идоралари ходимлар фаолиятида тутган ўрни. Тафаккур атроф-муҳитдаги воқеаликни нутқ ёрдамида бевосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, социал сабабий боғланишларни англашга, янгилик яратиш ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир². Инсоннинг билиш фаолияти воқеаликни, нарса ва ҳодисаларни сезиш ва идрок қилишдан бошланади, сўнгра аста-секин тафаккурга, фикр юритишни ақлий йўл билан акс эттиришга ўтади.

Тафаккур жараёнида инсон ҳиссий билиш қобиғидан ташқари чиқиб, сезги ва идрокларда бевосита аниқлаш имконияти мумкин бўлмаган мураккаб ҳолатларни англай бошлайди. Инсоннинг билиш фаолиятида сезги, идрок, тасаввур образлари билан тафаккур узлуксиз бир-бирларини бойитиб туради.

Тафаккур бошқа психик жараёнлардан ажралган ҳолда ривожланиши мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун шахснинг тафаккури ривожланиши билан бирга нутқ фаолияти ҳам ўсади. Бу эса шахсда ўз фикрини тўғри, аниқ ифодалаш малакасини таркиб топтиради,

¹ Қаранг: *Арифходжаева И. Х.* Ички ишлар идоралари ходимлари психологияси. – Т., 2008. – 134-б.

² Қаранг: *Ғозиев Э.* Тафаккур психологияси. – Т., 1990, – 15-б.

нутқининг тузилишини такомиллаштиради ва луғат бойлигини оширади.

Ички ишлар идоралари фаолиятида тафаккур касбий масалаларни ечишга оид ҳолат ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаш, турли туман ахборотлар ичидан зарурини ажратиб олиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни осон аниқлаш, кўпчилик илғай олмайдиган майда нарсаларни кўриш билан уларни турли ҳаракат, шаклларда образлаштириш, жонлантиришда намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари ходими олдида турган вазифаларни ҳал этиши учун унинг касбий тафаккурини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Идрок ва тасаввурда акс этадиган нарса тафаккурда таққосланади, таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Ички ишлар идоралари ходими фикрлаш орқали масалани самарали ҳал қилишда тўхтовсиз ишлайди, бунда ижодий жараён – тафаккур ишга тушади. Бу босқичда янги маълумотлар изланади, зарур материалларни йиғиш, ишга дахлдорларни сўроқ қилиш амалга оширилади. Кейин барча маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади ва улар асосида турли тахминлар илгари сурилади.

Ички ишлар идоралари фаолиятда тафаккурга «ўта хавфли шароитда онгнинг юқори даражада самарали ишлаш қобилияти»¹, деб таъриф бериш мумкин.

Умумий психология асосчилари талқинида эса тафаккур воқеликнинг умумлаштирилган, бевосита, тўлиқ ҳамда энг аниқ ифодаси ҳисобланади.

Тафаккур, хусусиятига кўра, шахс фаолиятида вужудга келган муаммо ва масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради, муаммонинг ечимини топиш билан бир қаторда, муаммоли вазиятга алоқадор нарса ва ҳодисаларнинг ноаниқ хусусиятлари, айтилиши вазиятдаги муносабатларига ҳам аниқлик киритади. Тафаккур юритишдан кўзланган асосий мақсад муайян вазиятдаги турли муносабатлар, ҳолатлар юзасидан аввал алоҳида, сўнгра умумлаштирилган ҳолда олинган манбаларни ўзаро солиштириш орқали масалага ойдинлик киритиш усуллари оғда шакллантиришдир².

¹ Қаранг: *Теплов Б. М.* Проблемы индивидуальных различий. – М., 1998. – С. 328.

² Қаранг: *Рубинштейн С.Л.* О мышлении и путях его исследования. – М., 1999. – С. 14.

Касбий тафаккур нафақат ҳаракатга келтириш зарур бўлган ақлий имконият, балки инсон омилини фаоллаштириш қуролидир¹. Шу нуқтаи назардан, ички ишлар идоралари ходимларининг касбий тафаккури деганда, ўз хизмат вазифаларини бажаришларида муҳим аҳамият касб этадиган воқеа, ҳодиса ва ҳолатлардаги умумийликни кўра олиш, анализ ва синтез қилиш, таққослаш, асослаш ва таҳминий хулосалар чиқариш жараёни тушунилади.

Касбий ривожланган тафаккур ходимнинг муҳим хислати бўлиб, нарсалар, одамлар ва уларнинг хатти-ҳаракатларидаги муҳим жиҳатларини билиш, улар ўртасидаги қонуниятли алоқаларни топиш қобилиятида намоён бўлади. Ходимнинг тафаккури мураккаб тезкор хизмат вазифаларини бажариш, амалий муаммоларни ҳал этишнинг янги йўллари топиш қобилияти.

Касбий тафаккурни фаоллаштиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат².

Касбий вазифани тушуниш усули. Дастлаб умумий вазифани оддий вазифаларга бўлиш зарур. Ишнинг тафсилотлари, икир-чикирларига эътибор бериш, ҳеч нарсани назардан қочирмаслик, вазифани бажаришнинг бир неча вариантларига эга бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Масаланинг ечимини топиш усули. Аввало, изланишнинг дастлабки нуқтаси ажратиб олинади, бунда излаш чегаралари аниқланади ва тартибга солинади. Излаш йўналишлари танланади, уйғунлаштирилади ва қайта кўриб чиқилади.

Текширилаётган ҳодисанинг манзарасини фикран шакллантириш усули. Ходимдан умумий манзара ва ундаги элементларнинг образли ишловини амалга ошириш ҳамда шу асосда текширилаётган ҳодисанинг қолипи (схемаси)ни шакллантириш талаб этилади (бу тезкор ёки таҳминлар (тусмоллар) шаклида амалга оширилиши мумкин). Ҳодисанинг элементлари ўртасидаги алоқаларни кўриб чиқиш ва ишлаш, уларни бир бутун кўринишга бирлаштириш ҳамда асосий бўғинни топиш зарур.

Тафаккурни йўналтириш усули тадқиқ этилаётган вазиятда руҳий йўналиш олиш (масалан, гумон қилинувчининг хатти-

¹ Қаранг: Столяренко А.М. Психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1997. – С 21.

² Қаранг: Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. –Т., 2002. – Б. 44.

ҳаракатлари мотивларини тушунишга ҳаракат қилиш), шунингдек психологик таҳлил ўтказиш ва унинг асосида вазиятнинг бундан кейинги ривожланишини башорат қилишдан иборат. Баъзи мураккаб вазиятларда рефлексия усулидан, яъни рақиб нуқтаи назардан мулоҳаза қилишдан фойдаланилади.

Тафаккур жараёнида назоратни кучайтириш усули. Ходим ўзини назорат қилишнинг сўзда ифодаланган формулаларидан («Мен буни қандай қилиб бажара олдим?», «Нима учун мен бундай хулосага келдим?» ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда текшириб туриши зарур. Ўз хулосалари ва баҳоларида субъективликка йўл қўймасликка, шахсий мойиллик ва хусуматни йўқ қилишга ҳаракат қилиши керак.

Тафаккурни шакллантириш усуллари:

1) мустақил фикр юритиш, жавобгарлик ҳиссини англаш каби шахсий хусусиятларни ривожлантириш;

2) касбий масалаларни ҳал қилишда талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибани эгаллашга ҳаракат қилиш;

3) касбий масалаларни ҳал қилишда талаб этиладиган билим, кўникма ва тажриба эгаллашга ҳаракат қилиш;

4) бир-бирига қарама-қарши фикрлар чигалини ечиш, қийин, мавҳум вазиятларда ечим топиш машқларини мукаммаллаштириш;

5) мантиқий фикрлаш, тафаккур операциялар моҳиятини англаш, масалани ечишдаги ғайритабiiй усуллар билан танишиш;

6) ақлий имкониятларни такомиллаштириш.

Хаёл ва унинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида тутган ўрни. Хаёл ёки фантазия тафаккур каби юксак билиш жараёнлари қаторига кириб, ҳар бир кишида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Меҳнатнинг тайёр натижасини хаёлга келтирмай туриб, ишга киришиб бўлмайди. Фантазия ёрдамида кутилаётган натижани тасаввур қилиш инсон меҳнатининг ҳайвонлар инстинктив фаолиятидан туб фарқидир. Исталган меҳнат жараёни зарур тарзда хаёлни ўз ичига қамраб олади. Хаёл бадий, конструкторлик, илмий-адабий, мусиқавий ва, умуман, ижодий фаолиятнинг зарур томони сифатида намоён бўлади.

Хаёл – инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охириги ва оралик маҳсулотларида ўз ифодасини топади, шунингдек, муаммоли вазият, ноаниқ ҳолатларда хулқ-атворнинг намоён бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, хаёл фаол

фаолиятни йўналтирувчи эмас, балки унинг ўрнини алмаштирувчи тимсоллар ҳосил қилиш воситаси сифатида юзага келади.

Хаёл тафаккур билан чамбарчас боғланган. Хаёл ҳам тафаккур сингари келажакни олдиндан кўриш имконини беради. Тафаккур сингари хаёл шахсларнинг эҳтиёжларига асосланади. Эҳтиёжларни қондиришнинг реал жараёнидан олдин уларни қондиришнинг сохта, хаёлий жараёни содир бўлади, яъни бу эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин бўлган вазиятни жонли, ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

Хаёл ўзининг фаоллиги билан тавсифланади. Айрим ҳолларда хаёл фаолиятнинг ўрнида, унинг сунъий аралашмаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатда одам ҳал қилиб бўлмайдигандек кўринадиган масалалар, турмушнинг оғир шароитлари, ўз хатоларининг таъқиб ва шу кабилардан қочиш учун реал тасаввурлардан узоқ бўлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади.

Фантазия ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратади, амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат дастурларини белгилайди. Хаёлнинг бундай шакли *пассив хаёл* дейилади. Киши пассив хаёлни олдиндан ўйлаб юзага келтириши мумкин. Атайлаб юзага келтирилган, ирода билан боғлиқ бўлмаган, лекин ҳаётда гавдалантиришга қаратилган хаёлнинг мана шундай образлари *ширин хаёл* деб аталади. Қандайдир қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида ширин хаёл суриш ҳамма одамларга хос. Мана шундай ширин хаёлларда фантазия билан эҳтиёж ўртасидаги алоқа енгил намоён бўлади. Аммо инсоннинг хаёлий жараёнларида ширин хаёл кечириш ҳоллари кўпроқ бўлса, бу шахснинг пассивлигидан далолат берувчи нуқсон ҳисобланади. Агар киши пассив бўлса, у келажакда яхши ҳаёт кечириш учун курашмаса, унинг ҳозирги ҳаёти эса қийин, кўнгилсиз бўлса, бундай ҳолда у ўзининг эҳтиёжлари тўла қондириладиган, истаган нарсасини қўлга кирита оладиган, ҳозирги пайтда умид қила олмайдиган бирор мансабни эгаллайдиган сохта ҳаётни кўп хаёл қилади.

Агар пассив хаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган турларга бўлиш мумкин бўлса, *актив хаёлни* ижодий ва қайта тикловчи хаёл турларига бўлиш мумкин бўлади. Ўз асосида тасвирига мувофиқ келадиган образлар тизимини яратувчи хаёл *қайта тикловчи хаёл* деб аталади.

4. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳиссий-иродавий ва шахсий фазилатларнинг ўрни

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятларида турли воқеа-ҳодисаларга нисбатан муайян муносабатларини билдириб, у ёки бу тарзда ҳиссиётларини намоён этадилар. Ходим психологиясида намоён бўладиган бундай руҳий ҳолатлар воқеаликда содир этилган ҳодисалар таъсири натижасидир. Бу эса, ўз навбатида, ходимнинг ўзига хос индивидуал психологик хусусиятларини билдиради ва у ҳақидаги бирламчи тасаввурларни билишга ёрдам беради.

Жаҳон психологиясида «ҳиссиёт» билан «эмоция» атамалари бир хил маънода ишлатилади. Лекин уларни айнан бир хил ҳолат деб тушуниш нотўғридир. Одатда, ташқи аломатлари яққол намоён бўладиган ҳис-туйғуларни ички кечинмаларда ифодаланишдан иборат психик жараён юзага келишининг аниқ шаклини эмоция деб аташ мақсадга мувофиқдир. Масалан, рангларнинг ўзгариши, юзларнинг табассуми, лабларнинг титраши, кўзларнинг ярқираши, кулги, йиғи, ғамгинлик, иккиланиш, саросима ва бошқалар эмоциянинг ифодасидир. Лекин ватанпарварлик, жавобгарлик, масъулият, виждон, меҳр-оқибат, севги-муҳаббат сингари юксак ҳислатларни эмоция таркибига киритиш ғайритабиий ҳисобланади. Уларнинг энг муҳим фарқи шундаки, бири (ҳиссиёт) ижтимоий, иккинчиси (эмоция) индивидуал, хусусий аҳамият касб этади.

Шу маънода ҳиссиёт шахс ҳаётининг фаолиятининг муҳим жабҳаси бўлиб, инсон эмоционал ҳолатининг ранг-баранглиги, кўп қирралигини билдиради. Ҳиссий тон (тус) (юнонча «tonos» – зўриқиш, урғу бериш маъносини билдиради), эмоциялар (лотинча «emovere» – кўзғатиш, ҳаяжонлаш демак), аффектлар (лотинча «affectus» – руҳий ҳаяжон, шижоат, эҳтирос маъносини англатади), стресс (инглизча «stress» – зўриқиш дегани), фрустрация (*фрустрацион* – режаларнинг барбод бўлиши, мақсадга эриша олмаслик) ва кайфият каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Киши идрок этиши, хотирлаш, хаёл суриш ва фикрлаш жараёнларида фақат воқеаликни билиб қолмай, балки ҳаётдаги у ёки бу нарсаларга қайсидир маънода муносабат билдиради, уларга нисбатан у ёки бу тарзда ҳиссиётлар пайдо бўлади.

Ҳиссиёт – кишининг ҳаётида юз бераётган воқеаларга ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзига турли шаклда билдирадиган ички муносабати.

Эҳтиёжларнинг қондирилиши ёки қондирилмаслиги кишида турли хил ўзига хос кечинмаларни: эмоция, аффект (ҳиссий бухронлар), кайфият, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолатларини ва ҳистуйғуларни ҳосил қилади.

Ҳиссиёт аксарият ҳолларда руҳий жараённинг ўзига хос кўриши сифатида фақат эмоционал шаклда вужудга келади. Шу ўринда ҳиссиёт ўзича эмас, балки билишга интилаётган, уни эгаллаётган шахсда маълум муносабатни намоён қилувчи нарсалар, ҳодисалар ва ҳаракатларнинг алоҳида хоссаси, хусусияти маъносида гавдаланади. Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, кўриш, эшитиш, ҳидлаш, кинестетик (ҳаракат) сезги ҳамда идрокка тааллуқли ҳиссиёт муҳим аҳамиятга эга. Масалан, хоналар, иш жойи, транспорт воситаларининг ранги таассуротидан вужудга келган ёқимли ёки ёқимсиз ҳиссиёт меҳнат самарадорлигига, хизматчиларнинг кайфиятига сезиларли таъсир ўтказади. Хотиржамлик, ёқимли мусиқа, шахслараро илиқ муносабатлар, муомала, аҳиллик муваффақият кафолати, ижтимоий тараққиёт омили ҳисобланади.

Эмоция. Эмоционал жараёнлар, ҳолатлар ёки, қисқача айтганда, эмоция ҳиссий кечинмаларнинг ўзига хос шаклларида бири. Эмоция у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборат. Масалан, шахс томонидан мусиқани севиш эмоцияни вужудга келтирмайди, балки бунинг учун мусиқани эшитиш, ижрочи маҳоратига тасанно айтиш, ундан ҳаяжонланиш ёки асар ижроси ёқмаса, ғазабли ҳиссий кечинма ҳосил бўлиши ижобий ёхуд салбий эмоция дейилади. Кўрқинч, даҳшат ҳиссий кечинма сифатида объектларга шахснинг муносабатини акс эттириб, турлича шаклда намоён бўлиши мумкин: одам даҳшатдан қочади, кўрқувдан серрайиб қолади, ўзини идора қила олмай ҳар томонга уради, ҳатто, хавф-хатарга ҳам ўзини ташлаши мумкин.

Баъзи ҳолатларда эмоция таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У хатти-ҳаракатга, фикр-мулоҳаза билдиришга туртки берадиган куч бўлиб, шижоатни ошириб юборади ва бу ҳолат *стенник* ҳислар деб аталади. Бошқа бир ҳолатда эмоция (*астеник* деб аталмиш эмоциялар) фаолликнинг сустлиги ёки лоқайдлиги билан ажралиб

туради, ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши кишини бўшаштириб юборади.

Ҳис-туйғулар ҳиссиёт (эмоция), кайфият, кучли ҳаяжонланиш тарзида бошдан кечирилиши чоғида маълум даражада сезиладиган ташқи белгиларга ҳам эга бўлади. Масалан, юзларнинг ифодали (мимика), кўл ва гавданинг маъноли ҳаракатлари, турқ-тароват, оҳанг, кўз қорачиқларининг кенгайиши ёки торайиши кабилар шулар жумласига киради. Бу ифодали ҳаракатлар баъзан шахсга ўзига ўзи ҳисоб бермаган тарзда юз берса, бошқа бир ҳолатда онгнинг назорати остида содир бўлади¹.

Аффект (ҳиссий портлаш) – кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтадиган жараён. У онгнинг анчагина ўзгарганлиги, хатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилганлиги, одамнинг ўзини ўзи идрок қила олмаслик, шунингдек, шахснинг ҳаёти ва фаолияти ўзгариб қолганлиги билан ажралиб туради. Аффект ҳолатида бирданига катта куч сарф қилиниши сабабли ҳам у қисқа муддатли бўлади. Агар оддий ҳиссиёт фақат руҳий ҳаяжонланишни ифода этса, аффект бўрондир.

Ҳиссий портлаш рўй берганда киши ўзини назорат қила олмай қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-ҳушини йўқотиб кўяди. Тормозланиш мия қобиғини эгаллаб, кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий асосларда мустаҳкамланган муваққат боғланишларнинг таркиб топган тизимини ишлатмай кўяди. Масалан, жиноятчилик оламида кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш (ЖКнинг 98-моддаси) ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказишда (ЖКнинг 106-моддаси) аффектив ҳолатларни кузатиш мумкин. Ҳиссий портлашдан кейин ҳолдан тойиш, мажолсизлик, барча нарсаларга бефарқ муносабатда бўлиш, ҳаракатсизлик, баъзан эса мудроқ босиш бошланади.

Кайфият. Шахснинг хатти-ҳаракатларига ва айрим руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолат кайфият деб аталади. Шахснинг ҳаёти ва фаолияти давомида шодлик, ҳазилкашлик, умидсизлик, журъатсизлик, зерикиш, қайғуриш сингари ҳис-туйғулар руҳий ҳолатининг умумий тизимига айланади. Ушбу вазият баъзи эмоционал таассуротларнинг вужудга келишига қулай замин ҳозирлайди, бошқаси учун эса қийинчилик

¹Қаранг: *Ғозиев Э.* Умумий психология. –Т., 2002. – Б. 188–190.

туғдиради. Инсон хафа, маънос ҳиссий ҳолат ҳукмронлигида бўлса, тенгдошларининг ҳазили, кексаларнинг панд-насихатлари, маслаҳатларига, қувноқ кайфият чоғдагига нисбатан, бошқачароқ муносабат билдиради. Шунинг учун ишлаб чиқариш ва халқ таълими тизими жамоаларида, расмий доиралардан ишчанлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, ҳамдардлик, илиқ руҳий муҳит яратиш, самимий муомалани шакллантириш ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат самарадорлигини оширишнинг кафолатидир.

Стресс, психологик таърифига кўра, аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин давомийлигига кўра кайфиятга яқин бўлган ҳистуйғулар бошдан кечирилишининг алоҳида шакли бўлиб, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолати (инглизча «*stress*»– тазйиқ кўрсатиш, зўриқиш деган сўздан олинган)дан ёхуд ҳиссий зўриқишдан иборатдир. Ҳиссий зўриқиш хавф-хатар туғилган, киши хафа бўлган, уялган, таҳлика остида қолган ва шунга ўхшаш вазиятларда рўй беради. Психология фанига «стресс» тушунчасини олиб кирган олим канадалик физиолог Г. Селье ҳисобланади. Унинг талқини бўйича «стресс – инсон организмига қўйилган ортиқча талабдир»¹.

Стресс ҳолатида шахснинг хатти-ҳаракатлари кескин тарзда ўзгаради, кўзғалишнинг умумий реакцияси пайдо бўлади, ҳаракатлари тартибсиз равишда амалга оширилади. Стресснинг кучайиши эса тескари реакцияга олиб келади, натижада сустлик, заифлик, фаолиятсизлик устуворлик қила бошлайди. Стресс ҳолатида физиологик ўзгаришлар ташқи томондан қарийб кўзга ташланмаслиги мумкин, бироқ муаммони ечишдаги қийинчилик, диққатни тақсимлашдаги саросималикни стресснинг ташқи ифодаси деб тахмин қилиш мумкин. Шахс стресс ҳолатида телефон рақамини адаштиради, вақтни чамалашда янглишади, онг фаолияти енгил бузилади, идрок кўлами тораяди ва бошқа ҳолатлар кузатилади.

Фрустрация киши мақсадга эришиш йўлида бартараф этиб бўлмайдиган деб ҳисобланган ёки шундай деб идрок этиладиган тўсқинликларга, ғовларга дуч келган ҳолларда юз беради.

Фрустрациянинг юз бериши шахснинг хулқ-атворида ва ўзини англашида турли хил ўзгаришларга олиб келади. Фрустрация ҳолати шахс ўзини йўқотиб қўйиши, яъни жабрланувчи жиноятчига қаршилиқ кўрсата олмаганида, жиноятчи кўзлаган мақсадига эриша

¹Қаранг: Селье Г. Стресс и дистресс. – М., 1999. – С. 25.

олмаганида, кутилмаганда турли тўсикқа дуч келганида намоён бўлади¹.

Ирода кишининг олдига қўйган мақсадларига эришишида қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти, хулқ-атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз-ўзини бошқаришидир. Ирода шахс фаоллигининг алоҳида шакли, унинг хулқ-атворини ташкил этишнинг у томонидан қўйилган мақсад билан белгиланадиган алоҳида туридир. Шу маънода ирода тўсиқларни енгиб ўтишга қаратилган ақлий, мақсадга йўналтирилган психик фаоллик бўлиб, мақсадга интилишда содир бўлади ва инстинктлар манбаида шаклланади².

Иродавий фаолиятда шахс ўзини ўзи бошқаради, ўзини қўлга олади, ўзи назорат қилади.

Ирода табиат қонунларини эгаллаб оладиган ва шу тариқа уни ўз эҳтиёжларига кўра ўзгартириш имкониятига эга бўладиган кишининг меҳнат фаолиятида пайдо бўлади.

Ирода ўзаро боғлиқ икки вазифанинг бажарилишини таъминлайди. Биринчиси – ундовчи, иккинчиси – тақиқловчи вазифалар.

Ундовчи вазифаси кишининг фаоллиги билан таъминланади. Тақиқловчи вазифаси фаолликнинг ёқимсиз кўринишларини жиловлашда намоён бўлади.

Кишининг ҳаракатга ундовчи майллари маълум бир йўлга солинган тизимни – озиқ-овқатга, кийим-кечакка, иссиқ ва совуқдан ҳимояланиш эҳтиёжидан тортиб, то маънавий, эстетик ва интеллектуал ҳис-туйғуларни бошидан кечириш билан боғлиқ, юксак ниятларга бориб тақаладиган мотивлар иерархиясини ташкил этади.

Ироданинг ундовчи ва тақиқловчи функциялари бир бутун ҳолдагина шахснинг мақсадга эришиш йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишини таъминлайди.

Одамлар қилган ишлари учун масъулиятни кимга юклашга мойил бўлишига қараб сезиларли равишда фарқланадилар. Кишининг ўз фаолияти натижалари учун масъулиятни ташқи кучлар ва шароитларга юклаши ёки аксинча, уларни шахсий куч-ғайратлари ва қобилиятларига боғлашини белгилайдиган сифатлар *назоратни локаллаштириш* дейилади (психологик адабиётларда «назорат

¹ Қаранг: *Левитов Н. Д.* Фрустрация – один из видов психических состояний // Вопросы психологии. – 2000. – № 6. – С. 120.

² Қаранг: *Васильев В.Л.* Юридическая психология. – М., 2005. – С. 68.

локуси» деган атама қўлланилади, лотинчада «Lokus» – «ўрнашган жой» ва французчада «controlle» – «текшириш» деган маъноларни англатади). Ўз хулқ-атвори ва ишлари сабабларини ташқи омиллар (тақдир, ҳолатлар, тасодифлар ва бошқалар)дан деб билишга мойил бўладиган одамлар бор. Шунақа пайтда назоратнинг ташқи (экстернал) локаллаштирилиши тўғрисида фикр юритилади.

Ички ишлар идоралари ходимларида иродавий фазилатларни шакллантириш фаолият самарадорлигини таъминловчи психологик омиллардан саналади. Ички ишлар идоралари ходимлари ўз касбий вазифаларини бениқсон бажаришларини қийинлаштирадиган, баъзан хизмат фаолиятларида мақсадга эришиш учун тўсқинлик қиладиган турли тўсиқларга дучор бўладилар. Бундай вазиятларда улар ушбу қийинчиликлар ва тўсиқларни енгишга ундовчи иродавий фазилатларини намоён қилишлари муҳимдир. Иродавий кўникмаларни ривожлантириш учун машғулотлар жараёнига қўйилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқларни киритиш катта ёрдам беради.

Иродани мустақил тарбиялаш усуллари қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

1) иродани тарбиялашни нисбатан арзимас қийинчиликларни бартараф этишдан бошлаш;

2) қийинчиликларни ва тўсиқларни бартараф этиш маълум мақсадга эришиш учун амалга оширилишини тушуниш;

3) қабул қилинган қарор бажарилиши кераклиги;

4) мақсадга эришиш босқичларини кўра олиш жуда муҳимдир.

Иродани тарбиялашни арзимас қийинчиликларни бартараф этишни одат қилишдан бошлаш керак. Дастлаб унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вақт ўтиши билан каттароқ қийинчиликларни мунтазам равишда енга бориб, киши ўзининг иродасини машқ қилдиради ва чиниктиради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида ҳиссий-иродавий ҳолатларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки ходимнинг мураккаб вазиятларда қулай руҳий ҳолатни сақлаш қобилияти фаолият самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири саналади.

Ходимнинг ҳиссий-иродавий турғунлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– экстремал вазиятларда ҳаракат самарадорлигини пасайтирувчи, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

– психологик жиҳатдан мураккаб шароитларда касбий вазифаларни беҳато бажариш;

– касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик билан ёндашиш.

Шу нуқтаи назардан ходим фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиши, ўз ҳис-туйғуларини назорат қила олишига боғлиқ. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимларининг ўзларини иродавий бошқара олиши, мураккаб вазиятларда тезкор, оқилона қарорлар қабул қилиши касбий қобилияти билан белгиланади. Яъни ходим ўзини иродавий бошқариш орқали салбий ҳиссиётларни йўқ қилиши, ўзида ишонч ҳиссини уйғотиши, диққатини бир жойга жамлаши ва бутун кучини қўйилган вазифани бажаришга сафарбар этиши унинг асосий сифатларидан саналади.

Ходим ўзининг психологик ҳолати ва хатти-ҳаракатларини бошқара олмаслиги унинг иродаси суствлиги, ижтимоий-психологик шароитларга мослашиш қобилиятининг пастлигидан далолат беради ва бу аксарият ҳолларда салбий оқибатларга олиб келиши барчага маълум.

Шу боис ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Хизмат фаолиятида кучли иродага эга бўлган, ўз ҳиссиётларини бошқара оладиган, жинойтчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда ўзининг жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган ходим кўпроқ муваффақиятга эришади.

Шу маънода ҳиссий-иродавий бошқаришнинг асосий мақсади ҳам ходимнинг ўз ички имкониятларидан юқори даражада фойдаланишига, ижодий салоҳиятининг очилишига, касбий хислатлари ва қобилиятлари намоён бўлишига ёрдам берадиган алоҳида психологик хусусиятларни шакллантиришдан иборат.

Психология фаннинг ижтимоий тарихий тараққиёти давомида шахснинг ўзига хос сифатлари, яъни темперамент, характер ва қобилиятга нисбатан билдирилган мулоҳазалар, унинг моддий асоси тўғрисидаги талқинлар хилма-хил бўлиб, шахснинг психологик хусусиятларини ўзига хос тарзда тушунтириш учун хизмат қилиб келган.

Темперамент лотинча «*temperamentum*» сўзидан олинган бўлиб, «аралашма» деган маънони англатади. Темперамент тўғри-

сидаги дастлабки таълимотни юнон олими Гиппократ (эрамиздан олдинги 460–356-йилларда яшаган) яратган бўлиб, унинг типологияси ҳозирги давргача қўлланилиб келинмоқда

Психиканинг индивидуал жиҳатдан ўзига хос, табиий шартлашган динамик кўринишлари мажмуи кишининг темпераменти дейилади.

Гиппократнинг тўрт хил моддалар (суюқликлар) аралашмаси, яъни «темперамент» тушунчаси ва унинг типологияси (сангвиник, ҳолерик, флегматик, меланхолик) рамзий маънода ҳозирги замон психологиясида ҳам қўлланилиб келинмоқда. Организмда суюқликларнинг аралашуви (у қоннинг кўплиги билан характерланади) *сангвиник* темперамент (лотин тилидаги «сангвис» – «қон» сўзидан олинган); лимфа кўп бўлганда *флегматик* темперамент (грекча «флегма» – шилимшиқ парда дегани); сариқ ўтнинг кўпайганлигини *ҳолерик* темперамент (грек тилидаги «ҳола» – «ўт» сўзидан олинган); қора ўт кўп бўлганда *меланхолик* темперамент (грекча «мелайна холэ» – «қора ўт») деб аталади.

Кишининг темпераменти қанақалиги ҳақида тасаввур одатда шу шахсга хос бўлган айрим психологик хусусиятлар асосида вужудга келади.

Психик фаолликка эга бўлган, атрофда бўлаётган ҳодисаларга тез муносабат билдирувчи, таассуротларини тез-тез ўзгартиришга интилувчи, кўнгилсизликларни нисбатан енгил ўтказиб юборувчи, жонли, ҳаракатчан бўлган киши *сангвиник* дейилади.

Юраги кенг, барқарор интилиш ва кайфиятга, доимий ва чуқур ҳис-туйғуга эга, ҳаракатлари ва нутқи бир маромида бўлган, рухий ҳолатини ташқи томонда ифода этадиган киши *флегматик* деб аталади.

Жуда ғайратли, ишга эҳтирос билан берилиш қобилиятига эга бўлган, тез, қизгин эмоционал «портлаш» ва кайфиятнинг кескин ўзгаришларига мойил, илдам ҳаракатлар қиладиган киши *ҳолерик* деб аталади.

Таъсирчан, чуқур кечинмали, гап кўтара олмайдиган, атрофдаги воқеаларга унчалик эътибор бермайдиган, ўзини назорат қила оладиган ва секин овоз чиқарадиган кишилар *меланхоликлар* деб аталади.

Темперамент турларининг таснифи (И.П. Павлов таълимотига кўра):

- 1) кучли, эҳтиросли, беҳаловат – ҳолерик;
- 2) кучли, босиқ, эпчил – сангвиник;
- 3) кучли, босиқ, сушт – флегматик;
- 4) кучсиз – меланхолик

Темперамент турларининг тизимли тавсифи¹

Ички хусусият	Ҳолерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик
<i>хулқи</i>	беқарор	барқарор	ўта барқарор	жуда беқарор
<i>ҳиссиёти</i>	кучли, қисқа муддатли	юзаки, қисқа муддатли	кучсиз	чуқур ва узоқ муддатли
<i>кайфияти</i>	турғун эмас, яхши	турғун, кўтаринки руҳда	турғун, доимо хурсанд ва қайғусиз	турғун эмас, пессимистик руҳда
<i>нутқи</i>	баланд, кескин, бир хил эмас	баланд, жонли, бир хил суръатда	оҳиста, бир оҳангда	жуда секин
<i>сабри</i>	сушт	бошқарилади	жуда кучли	бесабр
<i>мослашиш қобилияти</i>	осон	жуда осон	секинлик билан	жуда қийин
<i>муомаласи</i>	юқори	ўртача	паст	жуда паст
<i>ўзини тутиши</i>	тажовузкор	дўстона	босиқ	қийинчиликдан қочади
<i>танқидга муносабати</i>	асабий	босиқ	бефарқ	қабул қилмайди
<i>фаолиятга муносабати</i>	қизиққон, берилиб ишлайди	жонли, кўп гапириб ишлайди	бетиним ишлайди	вазиятга қараб турлича, реактив
<i>янгиликка муносабати</i>	ижобий	бефарқ	салбий	манфаатли
<i>хавфга муносабати</i>	жанговар, таваккалига	яхши тайёргарликдан сўнг таваккалсиз	совуққон, ўзидан чиқиши қийин	хавотирли, ўзини йўқотиб қўяди
<i>мақсадга интилиши</i>	кучли, бор имконияти-	тез етишиш, тўсиқларни	қатъият билан,	тўсиқлардан қочиш орқали

¹ Қаранг: *Щекин Г. В.* Визуалниң психодиагностика и её методы. – К., 1991.

	ни ишга солади	айланиб ўтиш	шошмасдан	тез ёки суст
<i>имкониятни баҳолаши</i>	жуда ортиқча	бир мунча	реал баҳо	хисоблай олмайди
<i>таъсирга берилиши</i>	паст	бироз мавжуд	кучсиз	жуда кучли

Характер – шахснинг фаолият ва муомалада таркиб топадиган ва намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусияти бўлиб, индивид учун типик хулқ-атвор усулларини юзага келтиради.

Шахс баъзида ўз характеридан афсусланади, лекин бошқача ҳаракатни амалга оширишни урдасидан чиқа олмайди. Хорижий психологларнинг тасдиқлашича, айрим инсонлар фаолиятида муваффақиятсизликка учрашидан хавфсираб, ўз ютуқларини қадрлайдилар ва юқори баҳолайдилар. Муваффақиятсизлик улар учун фожиа эмас, шунинг учун «таваккалчилик»ка қўл уришда давом этаверадилар. Бошқа тоифадаги одамлар муваффақиятсизликдан чўчийдилар, ўта эҳтиёткор бўладилар, қийинчиликдан қўрқиб, енгил ишга қўл уришни лозим топадилар. Фанда шахснинг муносабатларини акс эттирувчи характерни қуйидаги тўрт тизимга ажратиш қабул қилинган:

1. Жамоага (гурухга) ва баъзи бир инсонларга нисбатан муносабатни ифодаловчи хусусиятлар: яхшилик, меҳрибонлик, талабчанлик, такаббурлик ва бошқалар.

2. Меҳнатга нисбатан муносабатни мужассамлаштирувчи хусусиятлар: меҳнатсеварлик, дангасалик, виждонлилик, масъулиятлилик, масъулиятсизлик кабилар.

3. Нарсаларга нисбатан муносабатни акс эттирувчи хусусиятлар: озодалик, ифлослик, аяш, аямаслик ва ҳоказо.

4. Шахснинг ўзига нисбатан муносабатини ифодаловчи хислатлар: иззат-нафслилик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, такаббурлик, димоғдорлик, камтаринлик, самимийлик ва бошқалар.

Характер ва кишининг ташқи кўриниши. Психология тарихида инсон бош суягининг шаклига, юз тузилишига, қадди-қоматига (тана тузилиши ва ҳоказоларга) яъни айрим ташқи аломатларига қараб киши характерини белгилаш назариялари мавжуд бўлган. *Арасту* ва *Афлотун* ҳам киши характерини ташқи кўринишига қараб аниқлашни таклиф қилганлар қаторига киради. Уларнинг характерни ўрганиш назарияси асоси қанчалик содда бўлса,

шунчалик ғаройиб фараз ётди. Масалан, кишининг ташқи кўринишида қандайдир ҳайвон билан ўхшашлик белгисини топиш тавсия қилинган, сўнгра эса унинг характери ана шу ҳайвоннинг характери билан айнан бир хил деб қаралган. Арастуниг фикрича, буканики сингари йўғон бурун ишёқмасликни билдиради¹.

Қобилият шахс фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисоблаб, зарур билим, кўникма ва малакаларни эгаллашнинг ўсишида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал-психологик хусусиятдир.

Қобилият индивидуал-психологик хусусият бўлиб, бир одамнинг бошқа бир одамдан фарқ қиладиган белгилари сифатида таърифланади.

Қобилият умумий ва махсус турга бўлинади.

Шахснинг умумий қобилияти ёки умумий фазилати муайян психологик кўринишларга эга бўлиб, уларни тадқиқ қилишга психологлар аллақачон киришган. Шахснинг аниқ фаолият шароитида қобилият сифатида намоён бўладиган умумий фазилатлари жумласига одамларнинг уч типдан биттасига мансублигини кўрсатадиган индивидуал-психологик фазилат киради.

Истеъдод, унинг тузилиши ва пайдо бўлиши. Қобилият тараққиётининг юксак босқичи истеъдод деб аталади. Психологик адабиётларда унга турлича таъриф берилишига қарамай, унинг асосий белгилар таъкидлаб ўтилади. Чунончи, шахсга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли, мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар мажмуаси *истеъдод* дейилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида қобилият асосий ўринни эгаллайди. Чунки ҳар бир ходимнинг меҳнатга лойиқ ёки лойиқ эмаслиги ҳам унинг қобилиятини аниқлашдан бошланади. Ички ишлар идоралари ходимларининг индивидуал-психологик хусусиятлари, яъни темпераменти, характери, махсус ва умумий қобилиятлари жинойтчиликнинг олдини олишда ва жинойтчиларни қайта тарбиялашда жуда муҳим ҳисобланади.

¹Қаранг: Умумий психология / А.В. Петровский таҳрири остида. – Т., 1992. – Б. 467.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Психологияда «шахс» тушунчасига психологик тавсиф беринг.
2. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида шахс муаммоси қандай ҳал қилинади?
3. Шахс назариясининг психологик асослари нималардан иборат?
4. Ички ишлар идоралари фаолиятида шахснинг объект ва субъект сифатидаги ўрнини айтинг.
5. Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг психологик тузилиши қандай?
6. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий йўналишига психологик тавсиф беринг.
7. Ички ишлар идоралари ходимларининг билиш фаолиятига психологик тавсиф беринг.
8. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида ҳиссий-иродавий сифатлар қандай аҳамиятга эга?

III БОБ. КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ ВА КАСБИЙ БУЗИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

1. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига психологик тавсиф

Маълумки, ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятининг бир нечта хусусиятлари мавжуд бўлиб, бу хусусиятлар ходимларнинг рухий жиҳатдан тайёргарлигига салмоқли таъсир кўрсатади. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг асосий хусусиятларидан бири – ходимлар фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги. Ходимларнинг фаолияти ҳуқуқий нормалар (Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қонун ҳужжатлари, ИИВнинг норматив ҳужжатлари, буйруқлари ва шу кабилар) билан қатъий тартибга солинган. Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятининг норматив ҳужжатлар, йўриқномалар ва буйруқлар асосида белгилаб берилиши меҳнатни самарали ташкил этиш, фаолиятни эркин амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади. Шунингдек, ходимлар фаолиятининг қонун нормалари билан қатъий белгиланганлиги, уларнинг хатти-ҳаракатини тартибга солади. Ходимнинг ўз хизмат вазифаларини бажармаслиги ёки бажаришдан бош тортиши ёхуд унга совуққонлик билан қараши унинг у ёки бу қонунни бузиши ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 280 ва 302-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилади. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда ходимга ўз қарорлари ва ҳаракатлари учун катта масъулият юклайди.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг навбатдаги психологик хусусияти **ҳокимият ваколатига эгаллигидир**. Иш манфаати йўлида ходимларга зарур ҳолларда одамларнинг шахсий ҳаётига аралashiш, кўпинча атрофдагилардан яширишга ҳаракат қилинадиган ҳолатларни аниқлаш, фуқароларнинг турар жойларига кириш, зарур ҳолларда айрим фуқароларнинг эркинлигини чеклаш ва ҳатто ундан маҳрум қилиш ҳуқуқи берилган.

Бундай ҳокимият ваколати берилган ходимнинг психологик ҳолатини аввало юксак даражадаги масъулият белгилаб беради. Унинг ўз ваколатларини қўллаши эса ҳаракатларининг зарурлиги ва оқилоналигини, қонуний асосга эгаллигини аниқлаш имконини берадиган бир қатор масалаларни ҳал қилишни тақозо этади. Кўпинча бу ҳолат қонунда белгиланган моддалардан бирини танлаш зарурати билан боғлиқ бўлади, шу боис бу ходимдан жуда катта ҳиссий-иродавий зўриқишни талаб этади. Берилган ваколатдан оқилона ва қонуний равишда фойдаланиш – ички ишлар идоралари ходимларига қўйиладиган жуда муҳим касбий талаблардан бири. Ҳокимият ваколатидан фойдаланишнинг қонунга ва мақсадга мувофиқлиги кўп ҳолларда ходимнинг шахсий фазилатларига боғлиқ.

Ходимлар касбий фаолиятининг муҳим психологик хусусиятларидан бири ***манфаатдор шахсларнинг доимий равишда қаршилик кўрсатиши ва тўсқинлик қилишидир.*** Бу ходимнинг жинойтларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятига баъзан жуда кескин шаклларда кечадиган кураш тусини беради. Ходимнинг йўлига атайин қўйиладиган тўсиқларни енгиш, хавfli вазиятларни бартараф этиш зарурати унда турли ҳиссий ва руҳий зўриқишларни келтириб чиқаради. Бу эса, ўз навбатида, ходимдан доимий асабий зўриқиш ва ақлий тафаккурни талаб этади. Натижада ходим доимий равишда мураккаб ақлий фаолиятни амалга ошириш, ўз мақсадларини яшириш, ҳақиқий ижтимоий вазифаларини ниқоблашга мажбур бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири кенг доирадаги кишилар билан муомала қила олиш қобилиятини билдирувчи ***коммуникативликдир.*** Ходим ушбу фаолиятни олиб боришда ИИВнинг 2011 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида»ги 96-сонли буйруқ талабларига риоя қилиши лозим. Бу кўп томонлама ва алоҳида хусусиятга эга бўлган хислатдир. Ходим ўз фаолияти давомида турли ёшдаги, касбдаги ва турли ҳуқуқий мақомга эга бўлган шахслар билан муомала қилишига тўғри келади. Бу эса ходимдан шахс психологиясини, хусусан муомаланинг психологик асосларини билишни талаб этади.

Ходим коммуникативлигининг алоҳида жиҳати шундаки, у ходимдан бошқа қиёфага киришни талаб этади. Ушбу зарурат унинг

ўз фаолияти соҳасига кирадиган барча шахслар билан психологик алоқага киришиши муҳимлигидан келиб чиқади.

Вақт танқислиги ва ишнинг ҳаддан ташқари кўплиги ҳам ходим касбий фаолиятининг хусусиятларидан биридир. Тезкорлик ва саранжомлик жиноятчиларни қидириш, жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг асосий принципларига киради. Жиноятчи эркинликда қанча кўп юрса, унда жавобгарликдан қутилиш, ўз жинойи фаолияти изларини йўқотиш ва терговдан қочиб яшириниш имконияти шунчалик кўп бўлади. У вақтдан ютади. Пайсалга солиш муваффақиятсизликка олиб келади.

Вақт танқислиги эса жиноят ишни тергов қилиш, фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш каби жиноят-процессуал ҳужжатларга риоя этиш зарурлигида намоён бўлади. Ходим шу туфайли доимо асабий зўриқишда бўлади.

Асабий зўриқиш ходим фаолиятининг юқори экстремаллиги, низоли вазиятлар шароитида ҳаракат қилиш, турли стресс омиллар таъсири, меъёрсиз иш куни, фаолиятида салбий ҳис-ҳаяжонларнинг мавжудлиги туфайли юзага келадиган катта жисмоний ва руҳий зўриқиш билан боғлиқ. Чунки ходим касбий фаолиятда мураккаб шароитларга дуч келади.

Албатта, ходимнинг касбий фаолиятига ёрқин ифодаланган **билиш хусусияти** хосдир. Бу эса турли хил қийинчиликларни, фикрий вазифаларни турлича ҳал қилишнигина эмас, балки ушбу қарорларни амалга оширишни ташкил этишни ҳам талаб этади. Бунда турли тусмоллар тузиш, оператив хизмат тадбирларини амалга ошириш учун маълум бир мақсадга йўналтирилган соф ақлий фаолиятни амалга оширадиган ишни амалда ташкил қилиш керак бўлади. Шу нуқтаи назардан ички ишлар идоралари ходимларининг касбий фаолиятида қуйидаги асосий психологик тизимлар мавжуд: *билиш фаолияти, конструктив, ташкилотчилик ва коммуникатив фаолият*¹. Албатта, ходимларнинг амалдаги фаолиятида ушбу таркибий қисмларнинг ҳар бири соф ҳолда учрамайди, уларнинг ҳаммаси узвий бирликда намоён бўлади.

Билиш фаолияти. Ходим фаолияти учун билиш жараёнининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Билиш фаолиятини амалга оширмай туриб жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳеч бир самараси бўлмайди. Билиш фаолиятисиз умуман фаолиятни ҳам, юқорида

¹ Шиханцов Г.Г. Психология следователя. – Воронеж, 1999. – С. 162.

кўрсатилган барча таркибий қисмларни ҳам амалга ошириб бўлмайди. Билиш жараёни натижасидагина ходимда ҳаракатларини мақсадга мувофиқ тарзда амалга ошириш имконияти пайдо бўлади.

Жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажариш учун ходим билиш жараёнлари асосида ҳозирги вақтдаги, ўтмиш ва келгусидаги воқеаларга тааллуқли фактлар, ҳолатлар, алоқаларни аниқлайди. Масалан, содир этилган жиноятларни очишга қаратилган вазифаларни амалга оширишда, оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларни аниқлашга доир маълумотларни тўплаш, ушбу маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш ҳамда уларнинг келгусидаги ғайриқонуний ҳаракатларини олдиндан кўра билишда билиш жараёнларига асосланилади.

Фаолиятнинг конструктивлиги деганда, жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш каби ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган тафаккур фаолияти тушунилади. Яъни, конструктив фаолиятда билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, бунда бизга номаълум бўлган воқеликни қандай кетма-кетликда излашимиз кераклиги ҳақидаги саволга жавоб берилади. Бошқача айтганда, ходимнинг изланиши ва конструктив фаолияти ягона фикрлаш жараёнининг турли босқичларини ифодаловчи омилдир.

Ташилотчилик фаолияти. Ушбу фаолият ходимнинг касбий фаолияти жараёнида тури вазифаларни амалга ошириш учун мақбул шароитларни таъминловчи бош омилдир. Унинг мазмуни жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш жараёнларини бошқаришда намоён бўлади. Ушбу мазмунни оператив раҳбарликда, ҳисоб ва назоратда, ушбу жараён иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни уюштиришда кузатиш мумкин. Мазкур фаолият ходимларнинг ўз хизмат топшириқларини бажаришларида ахборот бериш ва алмашишларида ҳамда оператив қизиқиш уйғотган шахсларнинг ҳаракатларини олдиндан кўра билишда катта аҳамиятга эга.

Коммуникатив фаолият, юқорида таъкидланганидек, ходимнинг касбий фаолияти, унинг кенг коммуникативлиги (мулоқот-мандлиги) билан ажралиб туради. Унинг коммуникатив фаолияти мулоқот орқали, яъни амалий тезкор хизмат вазифаларини бажариш мақсадида атрофидагилар билан бевосита нутқий алоқа қилиш орқали зарур маълумотларни олишда намоён бўлади. Мулоқот

жараёнида таъсир этиш учун ходимда юксак ақл ва билимдонлик, кучли ирода, шунингдек, унинг инсонийлик сифатларини белгиловчи шахсий хислатлари уйғунлашиши керак.

Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралигидан далолат беради. Касбий фаолият ходимга кўплаб турли хил талаблар қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири — *шахсда касбий муҳим хислатларнинг ривожланганлик даражаси бўлиб*, улар қуйидагилардан иборат:

– ходим шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги;

– ходимнинг психологик тайёргарлиги;

– ривожланган иродавий хислатлар;

– ноодатий вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик;

– яхши ривожланган коммуникативлик;

– турли тоифадаги шахслар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва сир сақлай олиш;

– турли тезкор хизмат вазифаларини бажаришда одамларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти;

– ролга, бошқа қиёфага кира олиш;

– ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилиқ, ривожланган хотира, ижодий тасаввур;

– ривожланган мантикий тафаккур, мураккаб ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция;

– зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга аввалдан хос эмас. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар органлари ходимининг касбий шаклланиши учун зарур ва шартдир.

Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги унинг ўз функционал вазифаларини тўғри ва аниқ бажаришига халақит беради, шахсининг ўз касбига мослаша олмаслиги ва касбий бузилишига олиб келади. Шу боис ҳам ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

2. Ички ишлар идоралари тизимида касбий қобилият ва касбий маҳорат

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий қобилияти ва маҳоратини такомиллаштиришнинг етакчи омилларидан бири ходимларни психологик жиҳатдан тайёрлашдир.

Ички ишлар органлари ходимларини психологик жиҳатдан тайёрлашдан кўзланган *мақсад* уларда хизмат фаолиятининг ҳар қандай ноодатий шароитларида касбий жиҳатдан тўғри, аниқ, юқори ишчанлик билан ҳаракатланишга тайёргарликни шакллантиришдан иборат.

Ички ишлар идоралари ходимларнинг касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини оширишда шахсий хислатларига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фаолият ходимларда ҳиссий-иродавий барқарорликни ривожлантириш, зўриқишни вужудга келтирувчи омиллар таъсирига қарши психологик тайёргарликни шакллантиришни талаб этади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳоратини шакллантириш ва фаолият самарадорлигини оширишда асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

– ички ишлар органлари ходимлари шахси учун типик бўлган конструктив, коммуникатив, билиш, ташкилотчилик, гувоҳлик, далиллаш ва тарбиявий фаолият тизимини яратиш;

– оператив хизмат фаолиятининг ҳар қандай мураккаб ва хавфли вазифаларини юқори самара билан бажаришларига ёрдам берувчи уқув ва кўникмаларни шакллантириш.

Ходимларнинг психологик тайёргарлиги уларнинг фаолият тизими ва касб маҳоратининг комплекс таркибий қисмидир. У ходимнинг шаклланган ва ривожланган психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, тергов, оператив хизмат ва профилактик фаолиятнинг ўзига хос муҳим психологик хусусиятларига жавоб беради, уларни амалга оширишнинг зарур шарт-шароитлари ҳисобланади. У тўрт гуруҳга кирувчи таркибий қисмлардан иборат:

– *ходимнинг психологик жиҳатдан касбий фаолиятга йўналтирилганлиги ва ҳис-туйғулари* (ўзи ишлаётган вазиятларни психологик жиҳатларини ва кишиларни тушунишга интилиши, қизиқишлари ва уларни тушуна олиши);

– *ходимнинг касбий маҳорат ва тактик фаолият самарадорлигини оширишга оид психологик тайёргарлиги*. Ушбу тайёр-

гарлик касбий маҳорат самарадорлигини оширишда, касбий фаолият тизимида психологик шароитларни тушуниш ва уларни ярата олишда, касбий (нутқли ва нутқсиз) ҳаракатларни амалга оширишнинг психологик воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш, оператив хизмат вазифаларининг самарали ҳал этилишини таъминловчи психологик усулларнинг бутун комплексини моҳирлик билан қўллаш олишда намоён бўлади;

– *ходимнинг ривожланган касбий кузатувчанлиги ва хотираси* (касбий кузатиш самарадорлигини ошириш учун психологик асосланган усул ва қоидаларни қўллаш маҳоратини ўз ичига олади) ривожланган касбий диққатлилиқ, сезги ва тасаввур органларининг машқ орқали ривожланганлиги, ҳал этилиши керак бўлган вазифалар учун муҳим бўлган маълумотларни тез, тўлиқ ва аниқ эсда олиб қолиш, хотирада яхши сақлаш ва тўғри баён этиш бўйича машқ қилганлик;

– *психологик барқарорлик* (ходимнинг тергов, оператив хизмат фаолиятининг психологик жиҳатдан мураккаб, ҳиссий жиҳатдан таранг, хавфли ва масъулиятли вазиятларда хотиржам ва ишонч билан ҳаракат қилиш қобилиятида намоён бўлади).

Ходимнинг касб маҳоратини оширишда унинг психологик билимларга эгаллиги муҳим аҳамиятга эга. Илмий далиллар ва мавжуд ижобий тажриба профессионал таълим тизимида психологик тайёргарликни мақсадга йўналган тарзда ошириб боришнинг махсус вазифалари, шакл ва усулларини киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда касбий маҳорат – ички ишлар органларининг фаолият самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан биридир.

Шу маънода ички ишлар идоралари ходимларининг касбий маҳорати, ходимларда оператив хизмат вазифаларини муваффақиятли ва самарали бажариш учун зарур бўлган хислатларни шакллантириш, ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича махсус ташкил этилган мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Ходимларнинг касбий фаолияти самарадорлигини ошириш ва касбий қобилият ҳамда маҳоратини ривожлантиришда улар маълум бир касбий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

Ходимлар касбий маҳорати мазмунига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– жинойтчиликка қарши курашишга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш;

– махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш;

– касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш кўникмаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

– оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини шакллантириш;

– фуқаролар билан мулоқотга киришнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик усулларини қўллаш маҳоратини такомиллаштириш;

– оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута билиш, психологик барқарорликни шакллантириш;

– шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш;

– иродавий фаоллик ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш;

– ишдаги руҳий зўриқишларга тайёр туриш.

Жиноятчиликка қарши курашишга оид касбий маҳоратни шакллантириш ушбу фаолиятнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Бу ўринда энг асосийси ходимларнинг касбий йўналганлигини шакллантириш, уларда касбий фаолиятга нисбатан барқарор касбий қизиқишни ривожлантириш ҳисобланади. Бу, шунингдек ходимларда ҳар қандай қонунбузарликларга нисбатан келишмовчилик, ҳуқуқий нормаларни сўзсиз бажаришдан иборат барқарор одат, кучли ривожланган ҳақиқат, адолат ва қонунийлик ҳиссини шакллантиришни тақозо этади.

Махсус оператив хизмат ва тергов фаолиятининг турли жиҳатларига оид психологик йўналганликни ривожлантириш ходимларни психология асослари билан таништириш, уларда ўз ишларида одамлар, гуруҳлар психологиясини инобатга олиш кўникмалари ва одатларини шакллантиришни тақозо этади. Тергов ва оператив хизмат фаолиятининг психологик жиҳатларини тушуниш ходимларнинг ўтказиладиган тергов, оператив қидирув ва бошқа ҳаракатлардаги психологик хусусиятларни билишлари ва ҳисобга олишларини тақозо этади.

Касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш ходимлар фаолиятининг самарадор-

лигини таъминлайди. Уларга касбий зийраклик, идрок, кузатув-чанлик, хотира, тафаккур ва тасаввур киради. Ушбу хислатларни ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар ходимларнинг касбий жиҳатдан муҳим маълумотларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш самарадорлигини оширади, мантикий фикрлаш ва ижодий тасаввурларини ривожлантиради.

Турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқув маҳорати ҳамда кўникмаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш. Ички ишлар органлари ходимлари турли тоифадаги фуқаролар (жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, махсус ҳисобда турганлар ва ҳ.к.) билан доимий мулоқотда бўладилар. Олинадиган оператив жиҳатдан муҳим ахборотнинг сифати ходимларнинг улар билан муомала қилиш, психологик алоқа ўрнатиш, ишончли муносабатга киришиш қобилиятига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, бутун фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Психологик тайёргарлик давомида ходимлар психологик алоқа ўрнатиш усуллари ва йўллари тизимини эгаллашлари керак. Уларда нотаниш кишилар билан тезда алоқа ўрнатиш ва уларни ўзига мойил қилиш, одамларнинг фикрини эшита олиш, мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни енга олиш маҳорати шаклланган бўлиши керак. Психологик тайёргарлик ходимларнинг психологик алоқа ўрнатиш жараёнини енгиллаштиришга имкон берувчи муайян қоидаларни ўзлаштиришларини тақозо этади.

Тергов ва оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга кириш кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар органлари ходимлари касбий маҳоратини ташкил қилувчи муҳим таркибий қисмлардан бири жинойтларни очиш ёки уларнинг олдини олиш учун зарур ахборотга эга бўлиш мақсадида ролга кириш кўникмаларидир. Шунинг учун ходимлар психологик тайёргарлик давомида ўзларининг ички ишлар органларидан эканликларини, ҳақиқий хислатлари ва ҳолатларини, мулоқотга киришишдан кўзлаган мақсадларини ниқоблай олиш маҳоратини эгаллашлари керак.

Фуқаролар билан мулоқотга киришининг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишининг психологик усулларини қўллаш маҳоратини такомиллаштириш. Фуқаролар билан муомала қилиш жараёнида юзага келадиган низоли вазиятлар ички ишлар органлари

ходимлари фаолиятида одатий ҳолдир. Шу боис ходимларда низоли вазиятни бартараф этиш маҳоратини шакллантириш, уларга низоларни ҳал қилиш усулларини ўргатиш жуда муҳим. Ходимлар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан одамларга психологик таъсир кўрсатишнинг ишонтириш, мажбурлаш, рағбатлантириш сингари муайян усулларида моҳирлик билан фойдаланишларига боғлиқ. Ходимларда низоли вазиятда ўзини тутиш, турли тактик усулларини қўллаш ҳамда низоли вазиятдан оператив мақсадда фойдаланиш кўникмалари ҳам шаклланган бўлиши керак.

Тергов ва оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш, психологик барқарорликни шакллантириш. Ходимлар кундалик амалий ишларида касбий ҳаракатларини бажариш сифатига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ноқулай психологик ҳолатлар таъсирига дуч келадилар. Психологик барқарорлик ходимларнинг салбий ҳолатлар таъсирига берилмаслик қобилиятида намоён бўладиган психологик тайёргарликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қаралади. Бу ўринда хизмат вазифаларини бажариш чоғида мазкур қийинчиликларни олдиндан кўриш қобилиятини шакллантириш муҳим. Психологик барқарорликнинг шаклланганлиги ходимларга энг қийин психологик шароитда ўз вазифаларини камчиликсиз бажаришларига ёрдам беради. Бунга машқлар ва амалий машғулотлар жараёнида оғир вазиятларни моделлаштириш йўли билан эришиш мумкин.

Шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш. Ходимларнинг психологик барқарорлик ва оғир вазиятларда ўзини тута билиш қобилияти уларда масъулият, муваффақиятсизликка чидаш, таваккалга мойиллик ва барқарорлик, ўзини бошқара олиш, собитлик каби муайян ҳиссий-иродавий хислатларни шакллантиришни тақозо этади. Ходимлар ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳис-туйғуларини назорат қилиш ва бошқариш олишлари шарт. Улар машғулот ва машқлар жараёнида ўзларини бошқариш, асабий зўриқишни йўқотиш, ички имкониятларни қўйилган вазифани бажаришга сафарбар қилиш усулларини эгаллашлари керак.

Иродавий фаоллик ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар органлари ходимлари амалий фаолиятларида ишни сифатли бажаришни қийинлаштирадиган, баъзан эса қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қиладиган турли хил

қийинчиликлар ва тўсиқларга дуч келадилар. Бундай вазиятларда улар ушбу қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ундовчи иродавий фаолликни намойиш этишларига тўғри келади. Иродавий ҳаракат кўникмаларини ривожлантиришга машғулотлар жараёнида қўйилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқлар киритиш ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида тўпланган иродавий фаоллик тажрибаси шахс иродасини, иродавий хислатларини ривожлантиришга таъсир этади.

Ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлик. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятига хос хусусиятлардан бири шундаки, таъсир этувчи омиллар кўпинча стресс ҳолатини келтириб чиқаради, асаб тизимига ҳаддан ташқари катта оғирлик тушади. Бу, ўз навбатида, улар амалга оширадиган фаолият самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Шу боис ходимлар ушбу жараёнлар кечишининг асосий қонуниятлари ҳамда қисқа вақт ичида иш қобилиятини тиклаш ва ортикча асабий зўриқишни бартараф этишга ёрдам берадиган усуллар (психологик бошқарув машқларини бажариш усуллари) билан таниш бўлишлари лозим.

Турли касбларнинг психологик тузилишида билиш фаолияти турли мазмунга эга бўлиши мумкин. Бу билиш фаолиятининг ўзига хослигини белгилаб берувчи мақсад, объект, шароит ва усулларга боғлиқ. Ички ишлар органлари фаолиятдаги билиш жараёни ҳам ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, ички ишлар фаолиятида билиш ягона мақсад эмас, балки бошқа турдаги фаолиятни таъминлаш воситасидир.

Иккинчидан, жиноятни тергов қилиш фаолияти жиноят содир этилганидан сўнг бошланади. Демак, билиш фаолиятининг ушбу турида бевосита билишнинг ўзи унчалик катта ўринга эга эмас. Фактларнинг асосий кўпчилиги билвосита, яъни бошқа шахслар (жабрланувчилар, гувоҳлар)нинг кўрсатмалари орқали билинади.

Учинчидан, мақсад содир этилган жиноий ҳодисанинг фикрий моделини яратиш бўлса-да, билиш ҳозирга ҳам, келажакка ҳам қаратилган бўлади.

Тўртинчидан, ахборотнинг жуда катта оқими маълумотларни танлашни тақозо этади, яъни муайян жиноятга бевосита алоқадор маълумотларни ажратиб олишни талаб этади.

Бешинчидан, ахборотнинг келиб тушишига жуда катта ўзгарувчанлик хос. Жиноий ҳодисага оид хабарлар доимий равишда ўзгариб ва тўлдирилиб турилади. Кўпинча ахборотни қайта олиб

бўлмайди ёки у мавжуд маълумотларга зид келади, бу эса ушбу ахборотни қатъий тарзда қайд этишни тақозо этади.

Ниҳоят, процессуал тартибнинг мавжудлиги. Ички ишлар органлари фаолиятидаги билишнинг ўзи ҳуқуқни ички ишлар органлар фаолиятнинг қуйидаги мақсадларидан келиб чиқадиган муайян процессуал шаклда юз беради: иш бўйича холис ҳақиқатни ва айбдорларни субъективизмни инкор этган ҳолда аниқлаш ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси ходимларда касбий жиҳатдан муҳим бўлган ва билишнинг самарадорлигини таъминлайдиган хислатларни ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Ички ишлар органлари ходимларда билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантиришда махсус тренинг катта аҳамият касб этади. Тренинг жараёнида мазкур хислатлар ривожлантирилади.

3. Касбий бузилиш тушунчаси ва уларнинг олдини олиш йўллари

Ички ишлар идоралари ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида ўз фаолиятларини амалга оширар эканлар, улар томонидан баъзан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли қонунчиликни бузиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Ҳуқуқбузарлик қонун ва бошқа ҳуқуқий нормаларга риоя қилмаслик натижасида шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида шахс, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказишида ифодаланади.

Ички ишлар идоралари соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчи навбатда, республикамиз учун ҳар томонлама етук ва муносиб кадрлар тайёрлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Айтиш керакки, олиб борилаётган ислохот ва кадрлар тайёрлаш дастурлари эътиборни ходимларда мавжуд касбий хусусиятларга қаратишни, уларнинг жисмонан, маънан соғломлиги, дунёқараши, фикрлаш доирасининг кенглиги, Ватан ҳимоясида ўз ақидаларига содиқлиги, ўқув ва иш жараёнида ахборот, билим ва тажрибаларни ўзлаштиришда шахснинг психик хусусиятлари долзарб аҳамиятга молик эканлигини таъкидламоқда.

Фуқаролар томонидан ходимларнинг салбий хатти-ҳаракатлари доим ҳам танқид қилинавермайди ёки фуқаролар адолат ўрната

олмаслигига ишончи ортган сари бундай ҳолатга қўл силтайдилар, оқибатда ҳеч қандай жазога тортилмай қолган ходимлар томонидан қўполлик, тан жароҳатлари етказиш, ҳақорат, тамагирлик ёки порахўрлик, хизмат ваколатини суиистеъмол қилиш каби қонун бузилишлари давом этаверади.

Фуқаролик ҳуқуқлари поймол бўлаётган вақтда ҳам одамлар зўравон ходимларга бас келишга ҳадлари сиғмайди ва ходим жавобгарликдан осонгина қутулиб кетади.

Хуш, ходимларнинг касбий бузилишларига қандай омиллар сабаб бўлмоқда?

Масалан, Россияда бу муаммони бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказиш натижасида психолог олим А.В.Буданов 3 та асосий омиллар гуруҳига бўлиб ўрганди, яъни:

- хизмат соҳасининг ўзига хослиги (спецификаси);
- шахсий фазилатлар омили;
- ижтимоий-психологик омиллар¹.

С. Медведевнинг фикрича, ходимнинг соҳа йўналиши унинг ҳуқуқбузарликка мойиллигига таъсир қилувчи асосий омилдир. Хусусан, унинг тадқиқоти натижасида энг кучли таъсир даражаси жиноят қидирув ходимларида, ўртача таъсир даражаси патрул-пост хизмати ва тергов ходимларида, паст таъсир даражаси эса паспорт ва шахсий таркиб билан ишлаш соҳаларида аниқланган.

Бу тадқиқотни ўтказган Россия психологлари ходимларнинг касбий бузилишларини уларнинг иш тажрибаси билан солиштирилганларида қуйидаги натижаларни тақдим қилганлар:

1) беш йилгача ишлаган ходимларда касбий таназзул арзимас бўлиб, бу тоифа ходимлар хизмат сирини энди тушуниб бораётганлиги боис касбий бузилиш паст даражада;

2) 6–10 йил ишлаётганларда – ўртача даражада;

3) 11–15 йил ишлаётганларда касбий бузилиш даражаси жуда юқори;

4) 15 йилдан ортиқ ишлаётганларда эса ахлоқий-касбий бузилишлар бўлиши аниқ.

¹ Буданов А.В. Работа с сотрудниками органов внутренних дел по профилактике профессиональной деформации: Практическое пособие для руководящих работников УВД, ОВД, служб по работе с личным составом, подразделений морально-психологического обеспечения деятельности ОВД. – М, 1992.

Бирок, ҳар қандай статистик маълумотларнинг нисбийлигини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, бу ахлоқий-касбий бузилган ходимнинг ҳар бири пора олади ёки тамагирлик қилади дегани эмас. Шахсий таркиб билан ишлаш хизматидаги кўп йиллик кузатишлардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, кўп ишлаган ходимларда хизмат вазифаларини бажаришга нисбатан бепарволик, лоқайдлик, сансалорлик (масалан фуқароларнинг аризаларини кўришда) каби иллатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш ҳолатлари кўплаб учрайди. Буларнинг сабаби эса ходимнинг асосан сурункали руҳий ва жисмоний жиҳатдан зўриқишдир.

Ахлоқий-касбий бузилишнинг хавфли томони шундаки, унинг энг паст даражаси ҳам ички ишлар идоралари ходимларининг шахсий ва хизмат қобилиятларига жиддий зарар етказди.

Психологик нуқтаи назардан бу муаммога ходимнинг шахсий хусусиятидан келиб чиқиб ёндашиш қабул қилинган.

Ходимларнинг касбий бузилишида уларнинг шахсий хусусиятлари таъсирини рус психологи А. В. Буданов қуйидагича таҳлил қилади¹:

1) ходимнинг интеллекти таъсири (яъни, мустақил фикрлаш ва мустақил қарор қабул қилиши тормозланади, мустақил тарзда ўз устида ишлаши ва касб маҳоратини оширишда лаёқатсиз бўлиб қолади, экстремал ёки кутилмаган вазиятда қарор қабул қила олмайди);

2) шахсий салбий сифатлар таъсири (очкўзлик, кўполлик, тажовузкорлик, фақат ўз манфаатларини кўзлаш, билимсизлик, тўпорилик, ўз шахсига юқори баҳо бериш) каби.

Бу хусусиятлар хизмат таъсирида (ваколат доирасининг кенглиги, хизмат кийимидан ҳаволаниш, ҳамманинг диққат-марказида бўлиш) ходимга янада ўзига юқори баҳо беришига сабабчи бўлиб қолиши мумкин.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг самарасини белгиловчи шахсий хусусиятларини аниқлаш учун, аввало, ушбу фаолиятнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиш, ўзига хос

¹ Буданов А.В. Работа с сотрудниками органов внутренних дел по профилактике профессиональной деформации: Практическое пособие для руководящих работников УВД, ОВД, служб по работе с личным составом, подразделений морально-психологического обеспечения деятельности ОВД. – М, 1992.

томонларини аниқлаш, шу орқали бу фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш талаб қилинади.

Ходимлардан юксак маданиятли, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мураккаб шароитларда давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олиш, аҳолининг ҳар хил тоифалари билан ишлай олиш, жинойтчиликка қарши курашда зарур бўлган кўникмаларга эга бўлиш талаб этилади.

Охирги пайтларда ички ишлар идоралари хизматига танланаётган номзод кўпинча хизмат талабларига жавоб бермаяпти. Шунингдек, танланган номзоднинг шахсий салбий сифатлари ифодаланиши форма кийганидан кейин хизмат кийими ва ваколати таъсирида янада зўраяди.

Бундан ташқари, номзодда хизматда учрайдиган ташқи омиллар таъсирига руҳий иммунитетнинг ривожланмаганлиги, қалтис вазиятда тез ва аниқ қарор қабул қила олиш реакциясининг пастлиги, ўзига юқори баҳо бериши, ирода қобилиятларининг яхши ривожланмаганлиги, дунёқараши ва маданият даражасининг пастлиги туфайли хизмат бошлагандан кейин қисқа муддат ичида унинг ахлоқий жиҳатдан емирилишига сабаб бўлади.

Касбий таназзул аввало, шахснинг ўзида, кейинчалик эса унинг ҳаракатлари орқали касб фаолияти ва атроф-муҳитидаги муносабатларда ифода бўлишни бошлайди. Бу ҳолат ички ишлар идоралари жамоаларида ҳам юз бериши мумкин. Масалан, спиртли ичимликларга ружу қўйиш ҳолати шу бўлим ёки бўлинмада хизмат интизомининг сустлигига далил бўла олади.

Касбий таназзулнинг хавfli томони шундаки, у «латент», яъни яширин тарзда кечади. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ҳолатларда ходимнинг маст тарзда хизматга чиқишини, аввало, раҳбарларнинг ўзлари (ўзларига гап тегмаслиги учун) яширадилар. Интизомий жазога тортилмаган ходим эса масъулият ҳиссини сезмай, осонгина қутулиб кетади. Бу ҳол атрофдагиларга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Бу ўринда ходимлар билан олиб борилиши керак бўлган психологик фаолият ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Зеро, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, аксарият ҳуқуқбузарликлар ходим психологиясидаги ўзгаришлар, оғишлар натижаси деб оладиган бўлсак, уларга мойилликни аниқлаш ва психологик профилактика қилишни

ички ишлар идораларидаги психологик фаолият орқали амалга ошириш мумкин.

Ажабланарлиси шундаки, инсон психикаси билан ишлайдиган мутахассислардан кўпчилик ходимлар негадир чўчишади. Ходимлар психологик, психотерапевтлик ёрдамани психиатрия хизмати билан адаштирадилар ва бу ўз ўрнида психодиагностика ишларини қийинлаштиради.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар бугунги куннинг муҳим муаммосига айланганлигини инобатга олган ҳолда республика ички ишлар идоралари тизимларида муҳим бир янгилик, яъни 2010 йилнинг 7 сентябрь куни ИИВнинг 44-сонли буйруғи билан жойлардаги ички ишлар бўлимларга «ахлоқий психологик таъминлаш гуруҳлари инспектори (катта инспектор)» штат бирликлари киритилди.

Уларнинг хизмат вазифаларига қуйидагилар киритилди:

– шахсий таркибни бир йилда бир маротаба мажбурий психологик диагностикадан ўтказиш ҳамда жамоадаги руҳий муҳитни ўрганиш, ходимларнинг индивидуал хусусиятлари, психологик ҳолатлари, асаб турғунлиги даражалари, қобилияти, хизматга яроқлилиги, шахсий таркибнинг хизматдан қониқганлиги ва ходимлар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш ва ҳоказо;

– ходимлар ўртасида хизмат интизоми ва қонунчиликни бузиш, ўз жонига қасд қилиш (суицид) ҳолатлари, хизмат фаолияти давомида юзага келадиган турли қийинчиликлар ва йўл қуйиладиган интизом бузилиш сабабларини ўрганиб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритиш;

– узоқ хизмат сафаридан қайтган ходимларни хизматга кўникма ҳосил қилишларига кўмаклашиш;

– ишга янги қабул қилинган ходимлар билан психологик усулларни қўллаб суҳбат ўтказиш ва бошқалар.

Бу янгилик ички ишлар идоралари ходимларининг касбий бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини тугатиш йўлларидаги муҳим қадамдир. Чунки ички ишлар идоралари ходимлари давлат ҳокимиятининг вакили сифатида иш кўрар эканлар, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати одамларнинг диққат-эътиборида туради. Бир ходимнинг қилган хатоси, кўполлиги ёки пора олиши бутун тизимни халқ олдида абгор қилиши, бошқа ҳалол ишлаётган

ходимларнинг обрўсига путур етказиши мумкин. Шунинг учун касбий бузилишнинг олдини олиш, унга йўл қўймаслик бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олишда асосан қўйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларни қўллаш тавсия этилади.

1. Профессional фаолиятни таъкил этиш соҳасида:

– ҳар бир ходимни танлаш ва ишга тайинлашда қизиқишларини инобатга олиш;

– ходимларга аниқ вазифалар, топшириқлар бериш, уларнинг бажарилиши учун барча чора-тадбирларни кўриш;

– ходимларга фуқаролар билан муомала қилиш маданиятини, руҳий алоқа ўрнатиш маҳоратини ўргатиш;

– хизмат вазифасини бажаришда ишга ижодий ёндашувчи, чигал масалаларнинг ечимини тезликда топувчи, муаммоларни ҳал қилишда илм-фан ютуқларидан унумли фойдаланувчи ходимларни тақдирлаш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш;

– қўл остидагиларни ўз ишини ўзи таҳлил қилишга, ўзини ўзи назорат қилишга ўргатиш;

– ходимларнинг бўш вақтларидан самарали фойдаланишлари учун, оиласининг тинчлиги, ҳаётининг сермазмун бўлиши учун ғамхўрлик қилиш;

– ўзгаларга руҳий таъсир ўтказиш усулларини амалда қўллаш-ни ўргатиш ва ходимни жанжалли ва кўрқинчли вазиятларда ишлашга руҳий жиҳатдан тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

– жисмонан чиниктириш ва чидамлилигини ошириш.

2. Тарбиявий ишларни амалга ошириш соҳасида:

– ходимларда илмий дунёқарашни, ахлоқий-ҳуқуқий эътиқодни, ғоявий-сиёсий маданият ва иродавий хислатларни, қисқача айтганда, миллий истиқлол мафқурасини шакллантириш;

– уларни танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида тарбиялаш;

– ирода ва характер кучини чиниктириш;

– жиноятчилар дунёсининг таъсирига қарши тура олиш қобилиятини ҳосил қилиш;

– хизматда ва турмушда шахсий намуна орқали таъсир кўрсатиш;

– тарбиялаш жараёнида ўргатиш ва мажбурлаш, рағбатлантириш ва жазолаш усул ва воситаларидан унумли фойдаланиш;

- жамоада соғлом руҳий муҳитни вужудга келтириш;
- қўл остидагиларнинг яшаш шароитларини, дам олишини яхшилаш борасида ғамхўрлик қилиш;
- тарбиянинг барча турларини, усул ва воситаларини, принципларини бирга қўшиб олиб бориш, айниқса, ҳуқуқий ва ахлоқий тарбиянинг узвий бирлигига асосий эътиборни қаратиш;
- халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари ва тили билан боғлиқ қадриятлардан тарбия жараёнида миллий ғурурни ўстириш ва миллий онгни шакллантиришда унумли фойдаланиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ахлоқий-касбий бузилишларининг сабаблари ва уларни тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шундай деган эди: «Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг айрим нопок ходимлари ўз вазифасини суиистеъмол қилиб жиноятга қўл урмоқда. ... ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар – милиция, суд, прокуратура ходимлари сафларини малакали, Ватанга ва ўз бурчига садоқатли, инсофли, ёш, иқтидорли ва замон талабларига жавоб берадиган кадрлар билан тўлдириш ишлари кучайтирилиши лозим.

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди»¹.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ички ишлар идоралари ходимлари касбий бузилишларининг олдини олиш асосан икки йўналишда, яъни умумий чора-тадбирлар ва бевосита чора-тадбирларни қўллаш асосида олиб борилади.

Умумий чора-тадбирларга жамиятдаги зиддиятларни тадрижий йўл билан ҳал қилган ҳолда, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи барча идораларда қонунга итоаткорликни, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонунларнинг устунлигини таъминлаш кабилар киради. Бевосита чора-тадбирларга айнан ходимга қаратилган чора-тадбирлар ҳосдир.

«Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил

¹ Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан Т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 287–288.

демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий они ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда»¹.

Шундай экан қонунга бўйсунуш юксак ҳуқуқий онглилик, жамият ва давлат манфаатларини чуқур тушуниб етиш, ижтимоий бурч, яъни ўз қилмишлари учун давлат олдида жавобгарлик туйғуси билан узвийдир. Қонунларга итоаткор ҳар бир фуқаро қонунларнинг талаблари жамиятнинг юксак манфаатларини ифода этишини, ҳуқуқий қонунларга риоя қилиш фақат халқ манфаатларига эмас, балки унинг ўз манфаатларига ҳам хизмат қилишини яхши тушунади. Мазкур маънода қонунларга итоат қилишни халқ бирлиги ва куч-қудратининг манбаи деб аташ мумкин.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар идоралари ходимининг ҳуқуқий онги ва унинг асосий функцияларини изоҳланг.
2. Қонун бузилишининг психологик сабаб ва шароитларини тушунтиринг.
3. Ички ишлар идоралари тизимида касбий қобилият ва касбий маҳорат қандай ўрин тутуди?
4. Касбий бузилишнинг сабаблари ва уларни ҳал этиш йўллари қандай?
5. Касбий бузилишнинг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш керак?

¹ *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 15–16.

IV БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ МУОМАЛАСИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида «муомала» тушунчаси ва унинг психологик ўзига хослиги

Инсонлар ўз фаолияти давомида, табиийки, бошқа одамлар билан мулоқотда бўладилар. Ушбу жараёнда ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар, таълим берадилар, тажриба алмашадилар. Бу жараён шахслараро ўзаро муносабатларда *мулоқот, муомала* деб юритилади.

Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг муҳим жиҳати ҳисобланиб, у орқали инсоннинг моҳияти намоён бўлади, яъни ўзаро тушунишга, ишни бажариш чоғида уйғунликка эришилади ёки аксинча, низолар ва ахлоқий зиддиятлар, ишдаги келишмовчиликлар мулоқот туфайли юзага келади.

Мулоқот ёки коммуникация – одамларнинг ўзаро ҳамкорлиги шаклларида бири. Мулоқот одамларнинг воқеликни акс эттириши натижасини ифодаловчи хабарлар алмашиш жараёни бўлиб, улар ижтимоий борлиқнинг ажралмас қисми ҳамда уларнинг индивидуал ва ижтимоий онги шаклланиши ва амал қилишининг воситасидир. Одамларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида мақсадли ҳамкорликни ташкил этиш, тажриба алмашиш, меҳнат ва турмуш кўникмаларини олиш, маънавий эҳтиёжларни намоён этиш ва қондириш мулоқот ёрдамида юз беради.

Мулоқот ёки муомала янги ахборотларнинг алмашинув жараёни ҳамдир, бу ҳақда Бернард Шоу қуйидагиларни қайд этади: «Агар менда битта олма ва сизда ҳам шунча олма бўлиб, ўзаро алмашсак, сизда ҳам, менда ҳам биттадан олма қолади, агар ҳар биримизда шахсий фикр бўлса ва ўзаро алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади»¹. Ушбу таъкиддан ҳам мулоқот давомида ўзаро фикр алмашинув муносабатлари юзага келишини кўриш мумкин.

¹Қаранг: *Коган М.С.* Мир общения. – М., 1990. – С. 149–150.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда фуқаролар билан мулоқотга киришадилар. Улар фаолиятининг самарадорлиги одамлар билан мулоқотга киришиш, психологик алоқа ўрнатиш қобилиятларига боғлиқ. Коммуникатив хусусиятлар ички ишлар идоралари ходимлари касб маҳоратининг муҳим таркибий қисмидир.

Мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, алоқанинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, муносабатга киришувчилар муомала жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам ахборот айирбошлашадилар. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишлари, дунёқараши, муомала маданиятига ҳам боғлиқ бўлади, чунки шахслардаги ўзаро мулоқот бу табиий эҳтиёждир.

Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

I босқич – ўзаро бир-бирини тушуниш;

II босқич – умумий ёки мос келадиган қизиқишларни топиш;

III босқич – мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;

IV босқич – мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш;

V босқич – индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш;

VI босқич – умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Босқичлар алоқа қилиш жараёнида амалга ошириладиган фаолиятнинг кетма-кетлигини кузатиш дастури сифатида намоён бўлиши, ўзаро таъсир йўллари нозорат этиши мумкин¹.

Касбий муомала ҳар бир ички ишлар идоралари ходими фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам муомаланинг ҳар бири тури фаолият жараёнида иштирок этади. Ходим муомала қонуниятларига суянган ҳолда шахслар билан муносабатга киришади. Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари

¹ Қаранг: *Филонов Л.Б.* Тренинги делового общения сотрудников органов внутренних дел с различными категориями граждан. – М., 1992. – С. 5–6.

(хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашга, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашга, ўзаро солиштириш ва қиёслаш, объект ва шароитни мукамал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Мулоқот психологик жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасида у ёки бу воситалар орқали мақсадга мувофиқ, бевосита ёки билвосита алоқани ўрнатиш ва сақлаб туриш жараёнидир¹.

Мулоқотнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) бевосита;
- 2) билвосита;
- 3) ролли;
- 4) мазмунли;
- 5) расмий;
- 6) норасмий.

Бевосита мулоқот «юзма-юз» суҳбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллайди.

Билвосита мулоқот ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, алоқа воситалари ва механизмлар иштирок этади (масалан, телеграф, телефон орқали гаплашиш).

Мулоқотнинг баъзи турлари ижтимоий роллар орқали амалга оширилиб, ролли мулоқот дейилади. Бундай ҳолатда одамлар муайян ижтимоий ролларни бажаруви кишилар тарзида мулоқотга киришадилар. Масалан, терговчи ва жабрлануви ўртасидаги мулоқот роллидир.

Индивиднинг бошқа шахсга ўз ҳолати, кайфияти, хоҳишини мимика, ҳаракат, имо-ишора орқали билдириши мазмунли мулоқот деб аталади.

Расмий мулоқот юридик кучга эга бўлиб, давлат ва жамият манфаатини кўзлаган ҳамда қайд этиладиган мулоқот тури (масалан, тергов жараёнидаги сўроқ қилиш)дир.

Шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини қизиқтирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш норасмий мулоқот ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Асямов С. В., Пулатов Ю. С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002, – 47-б.

Мулоқотга киришишда фақат сўзлар эмас, балки ҳаракатлар, имо-ишоралар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахслар ўзаро мулоқотга киришар экан, ушбу мулоқот ўзида уч муҳим жиҳатни қамраб олади;

- 1) коммуникатив (ахборот бериш);
- 2) интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш);
- 3) перцептив (ўзаро биргаликда идрок қилиш).

Мулоқот жараёнида ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши *коммуникатор*, уни қабул қилаётган киши *рецепиент* деб номланади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида мулоқот, айниқса, бевосита мулоқот ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки токарь темир билан, зоотехник ҳайвонлар билан ишласа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими шахслар билан, аҳоли билан, жиноятчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, жабрланувчи билан ишлайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқараш ва муомалага эга, бу мулоқот жараёнида кўринади.

Мулоқотда нутқ муҳим роль ўйнайди, унинг раволиги, сўзларнинг яхши ва ўз жойида тўғри ишлатилиши муваффақият гаровидир. Нутқ эшиттирилиши ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қўйилиши ёки кар-соқов кишилар учун бирор-бир моҳиятга эга бўлган имо-ишоралар билан алмаштирилиши мумкин. Мулоқотда маълумот берувчи ва қабул қилувчи ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзага келади. Нутқ шахснинг ташқи кўриниши, кийиниши, мимикаси, тез ёки секин гапириши, овози, салмоқлаб ёки вазмин гапиришига боғлиқ бўлади.

Шахс маълумотни иккинчи бир шахсга нутқ билан бирга хатти-ҳаракат, мимикалар орқали, шунингдек ёзма ёки кўргазмали усулда бериши мумкин. Мулоқот давомидаги эмоционал ҳолат мулоқотга киришаётган шахснинг хатти-ҳаракатига салбий таъсир қилади.

Мулоқотнинг узоқ давом этиши зиддиятли вазиятларни келтириб чиқариши мумкин. Ҳар қандай мулоқотдан бирор-бир мақсад кўзда тутилади. Мулоқотга киришган ҳар бир шахс унинг якунидан турлича, яъни ижобий ёки салбий ҳулоса чиқариши мумкин.

Мулоқот аниқ ижтимоий муносабатлар орқали белгиланади. У ижтимоий ахлоқ нормалари асосида тартибга солинади. Индивид ҳаётида мулоқотнинг бажарадиган вазифалари турлича, шу боис

мулоқотнинг қуйидаги психологик вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- информацион;
- регулятив;
- хабар;
- назорат;
- тарбия.

Информацион вазифаси ахборотни қабул қилиш ва уни тарқатишдир.

Регулятив вазифаси мулоқотни тартибга солиш ва бошқалар билан тўғри муносабатни ташкил қилишдан иборат.

Хабар вазифаси кўмагида биз муҳим аҳамиятга эга воқеалар, ходисалар ҳақидаги хабарларни қабул қиламиз.

Нazorat вазифаси кўмагида ахборотни қабул қилиш ва тарқатиш жараёни назорат қилинади.

Мулоқот орқали шахсни шакллантириш жараёни унинг тарбиялаш вазифаси бўлиб, ниҳоятда муҳим омил ҳисобланади.

2. Муомала воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари

Ички ишлар идораларидаги фаолиятида ходим мулоқот орқали ўз хизмат бурчини бажаради ва ушбу мулоқот қонун асосида тартибга солинади. Ички ишлар идоралари фаолиятида нафақат «тил», юқорида айтиб ўтганимиздек, имо-ишора, энг асосийси, мулоқот давомида шахснинг юзидаги ўзгаришлар ҳам муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг мулоқоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бевосита касбий вазифани бажаришга йўналтирилганлиги;
- 2) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги;
- 3) махсус объектнинг мавжудлиги;
- 4) психологик тўсиқларнинг мавжудлиги;
- 5) жинойтчиларнинг махсус тили ҳисобланмиш татуировкалар

ва жаргонларни билиш ва ҳоказо.

Ҳар қандай мулоқот доимо объект билан субъектнинг бир-бирга мослашиш жараёнини қамраб олади.

Ҳар қандай ахборот фақат белгилар, аниқроғи, белгилар тизими орқали берилади. Коммуникатив жараёнда фойдаланиладиган бир

қанча белгилар тизими мавжуд бўлиб, уларга мос тарзда мулоқот жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таснифлаш мумкин. Нутқли (белгилар тизими сифатида нутқдан фойдаланилади) ва нутқсиз (турли нутқсиз белгилар тизимидан фойдаланилади) мулоқот воситалари фарқланади.

Нутқий мулоқот воситаси. Энг универсал алоқа воситаси инсон нутқидир. Чунки нутқ ёрдамида ахборот беришда хабар мазмуни энг кам даражада йўқотилади. Нутқ – вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёни. Нутқнинг ёзма ва оғзаки турлари фарқланади. Оғзаки нутқ диалогик ва монологик нутқларга бўлинади. Диалог – бирор масалани биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этаётган суҳбатдошларнинг сўзлашуви. Монологда эса бир одам уни тинглаётган бошқа одам ёки одамларга ахборот беради.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида мулоқотнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутди. Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатларни тузишда ўз фикрларини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишига боғлиқ. Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига имо-ишора ва мимика киради. *Мимика* – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг аҳволидан дарак бериши мумкин.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳини вокаллаштириш тизими, яъни овоз сифати, унинг диапозони, тоналлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа қўшилган «қўшимча» вазифасини бажаради.

Нутқсиз воситаларнинг учинчи гуруҳига коммуникатив жараёни ташкил қилиш макони ва замони киради. Улар ҳам махсус белгилар тизими бўлиб, коммуникатив тизимнинг таркибий қисмлари сифатида маънога эга. Сўнгги вақтларда психологик тадқиқотларда мулоқотга киришувчи шахслар ўртасидаги ораликнинг коммуникатив аҳамиятига ва мулоқот самарадорлигининг шериклар

жойлашувига боғлиқлиги масалаларига эътибор берилмоқда. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади: интим (0–0,5 м), шахсий (0,5–1,5 м), ижтимоий (1,5–3 м), оммавий (3 метрдан ортиқ).

Ходим масофани ўзгартириш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ кабиларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради¹.

Мулоқотнинг психологик воситалари:

вербал (нутқ орқали)	новербал (нутқсиз)
– оғзаки нутқ;	– имо-ишора;
– ёзма нутқ;	– мимика;
	– пантомимика.

Вербал мулоқотнинг асосий воситаси инсон нутқи бўлиб, у алоқанинг универсал воситаси ҳисобланади. Зеро, нутқ орқали ахборотнинг мазмуни деярли тўлиқ берилади. Вербал мулоқот орқали шахс ўзининг фикр-мулоҳазаларини бемалол баён эта олади.

Нутқ, ўз навбатида, бошқа нонербал мулоқот воситалари билан бирга олиб борилади. Бундай нутқсиз воситаларга, биринчи навбатда, имо-ишора ва мимика киради.

Ички ишлар идоралари фаолиятида кўп ҳолатларда мулоқот шахслар учун мажбурийдир, яъни айбланувчи, гувоҳ ва гумон қилинувчи мулоқот қилишга мажбурдир. Шунингдек, шахс мулоқот қилмаса, қонунга асосан жазоланиши мумкин. Мулоқотдаги ҳар бир факт шахс онги орқали амалга ошади, энг асосийси, бу фактлар шахсларда баъзи бир нарсаларни бўрттириб кўрсатиш ёки яширишга олиб келиши мумкин. Баъзан мулоқотга киришаётган шахс ўз айбини ёки мақсадини яширади, маълум бир вақтдан кейин унинг бу ёлғони фoш бўлиши мумкин. Ички ишлар идоралари фаолиятида мулоқот икки ёки бир неча (кўп) кишилик бўлиши мумкин. Мулоқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил тугаши, яъни кескин, агрессив ҳолатда ёки мулоқотни қайта давом эттириш ёхуд бутунлай мулоқотга қайтмаслик ҳам мумкин.

¹Қаранг: Асямов С.В. Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б. 76.

Мулоқот, шунингдек, индивидларнинг бир-бирларига коммуникатив таъсирининг муайян усулларини ҳам ўз ичига олади. *Таъсир этиш усулларининг* қуйидаги турлари фарқланади:

Юқимлилиқ – таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

Умумий тарзда юқимлилиқни индивиднинг онгсиз, ихтиёрсиз равишда муайян руҳий ҳолатларга тушишга мойиллиги сифатида таърифлаш мумкин. У муайян ҳиссий ҳолатнинг бировга ўтказилишида намоён бўлади.

Юқимлилиқнинг психологик механизмларини инобатга олиш ички ишлар идоралари ходимлари учун оммавий тартибсизликлар оқибатларини бартараф этиш, оммавий маданий-томошабоп ва спорт тадбирларини ўтказиш даврида жамоат тартибини таъминлашда муҳимдир.

Ишонтириш – исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усули. Ушбу психологик ҳодиса ҳақидаги билимлар ривожининг ҳозирги босқичида «ишонтириш мантиқий исботлашсиз шаклланган ишончга таянади ва индивиддан индивидга, жамоадан шахсга берилади ёки аксинча, аниқроқ айтганда, автоматик тарқалади», деган қоидага асосланилади. Инсон ишонтириш таъсирини ихтиёрсиз тушиб, ўзи англамаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Ички ишлар идоралари ходимлари таъсир этишнинг ушбу усулидан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари керак, баъзан (масалан, тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида) ундан фойдаланиш қонун билан тақиқланади.

Эътиқод мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали одамларнинг онги, ҳистуйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш бўлиб, коммуникатив таъсир кўрсатишнинг энг универсал усулидир. Эътиқод механизми инсон ақлий фаолиятини жадаллаштиришга, унинг мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини онгли равишда танлашига асосланган. Кимнидир нимагадир ишонтириш – ишонтирилаётган шахс мантиқий мулоҳазалар ва хулоса чиқаришлар натижасида

муайян нуқтаи назарга қўшиладиган ва уни ҳимоя қилишга ёки унга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёр бўладиган ҳолатга эришишни билдиради.

Ишонтириш ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларга кўрсатадиган асосий таъсир усули бўлиши керак. Ундан фойдаланишнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:

- таъсир кўрсатувчи шахснинг шахсий ишончи;
- унинг тайёргарлиги ва билими;
- хабар берилаётган фактлар, ходисалар, ҳаракатларнинг тўғрилиги, аниқлиги ва ишончилиги;
- фойдаланилаётган фактларнинг характерли, типик бўлиши;
- одамларни ўзига нисбатан мойил қилиш, уларнинг ишончини қозониш;
- таъсир кўрсатувчи шахснинг талабчанлиги, унинг вазминлиги ва одоби.

Тақлид қилиш онгли ёки онгсиз равишда намунадан нусха олишдир. У гуруҳ, жамоани ташкил этувчи одамларнинг хатти-ҳаракатига хос бир хил усулларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар бир-бирларини ўзаро тушунишлари керак. Бунда мулоқотга киришган шерикнинг уни қандай қабул қилаётгани катта аҳамиятга эга. *Шахслараро идрок этиш* қонуниятлари, эффектларни инобатга олиш ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида, айниқса, шоҳидлар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини, шунингдек, ўз идрокларини баҳолаш чоғида катта аҳамият касб этади.

Шахслараро идрок эффектларидан бири – бошқа шахс ҳақидаги умумий тасаввурнинг унинг шахсига хос хислатларни идрок этиш ва баҳолаш таъсирида намоён бўладиган «ореол эффекти»дир. Агар умумий тасаввур яхши бўлса, унинг ижобий хислатлари ортиқча баҳоланади, салбий хислатлари эса сезилмайди ёки аксинча. Ушбу эффект таъсирида, масалан, ички ишлар ходими «сурункали» ҳуқуқбузарнинг тузалиш томон ташлаган дастлабки қадамларини кўриши мумкин ва, табиийки, уни бу ишда қўллаб-қувватлай бошлайди.

«Изчиллик эффекти» маълумотлар зиддиятли бўлган тақдирда инсон қиёфасини ва у тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришга биринчи навбатда келиб тушган маълумотлар энг кўп таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Агар бу таниш одамга дахлдор бўлса, аксинча, яъни энг охиргилари кўп таъсир кўрсатади.

«Стереотиплаштириш эффекти» идрок этилаётган кишини муайян ижтимоий гуруҳга хос хислатлар унга ҳам хос деб баҳолашда намоён бўлади. Ҳар биримизда муайян ижтимоий стереотиплар – ўқитувчи, ҳарбий киши, жиноятчи каби гуруҳларнинг стереотиплари мавжуд. Муайян гуруҳ вакилига дуч келганда, биз олдиндан ушбу гуруҳ кишиларга хос муайян хислатларни унга ҳам хос деб қабул қиламиз. Кўпинча бундай стереотипдан халос бўлиш жуда қийин бўлади.

Ижтимоий идрок этиш эффектлари *ижтимоий майл* (установка) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий майлнинг ўзи инсоннинг бошқа одамни идрок этишга ичидан тайёр бўлиши сифатида таърифланиши мумкин. Нотаниш киши ҳақида таассуротнинг шаклланишида майлнинг аҳамияти айниқса катта. Фанда А. А. Бодалевнинг ижтимоий майлнинг аҳамиятини очиб берган тадқиқотлари яхши маълум.

Тадқиқотлардан бирида икки гуруҳ одамларга айна бир кишининг сурати кўрсатилган. Аммо суратни кўрсатишдан аввал биринчи гуруҳга суратдаги кишининг ашаддий жиноятчи, иккинчи гуруҳга эса қаҳрамон эканлиги айтилган. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳга фотосуратдаги кишини сўз билан тасвирлаб бериш таклиф этилган. Биринчи гуруҳ уни қуйидагича тавсифлаган: чуқур кўзлари яширин ёвузлигидан, бўртиб чиққан энгаги жиноятда «охиригача боришга» қарор қилганлигидан дарак беради ва ҳоказо. Иккинчи гуруҳда айнан ўша чуқур жойлашган кўзлар тафаккурнинг теранлигидан, туртиб чиққан энгак эса қийинчиликларни енгишдаги ирода кучидан дарак беради, деб баҳоланган. Шу, ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятларида шахслараро идрок этиш хусусиятларини инобатга олишлари, ижтимоий идрок эффектларининг салбий таъсирларини йўқ қилишга, ўзида ва тергов қилинаётган воқеага дахлдор шахсларда ижтимоий майлнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликлари жуда муҳим. Масалан, терговчи таниб олувчини таниб олишга тайёрлаш чоғида «Ҳозир сизни тунаган жиноятчини таниб олишингиз керак» каби иборалардан қочиши лозим. Бундай иборалар жиноятчини идрок этишга майллик юзага келишига олиб келади, агар таниб олинаётган шахснинг қиёфаси «жиноятчи» стереотипига мос келмаса, бу таниб олиш натижаларининг нотўғри чиқишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда «Ҳозир сиз кўрсатилган шахслар орасида сизнинг пул

солинган ҳамёнингизни тортиб олган одамни таниб олишингиз керак» каби нейтрал иборалардан фойдаланиш керак. Бу майлнинг салбий таъсири имкониятини камайтиради¹.

3. Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари

Мулоқот турларининг кенг равишда амалга татбиқ қилиниши ушбу жараёнда инсоннинг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Хоҳлаган ахборотни мулоқот жараёнида тўлиқ бериш, унинг тўғри қабул қилинганлиги ҳақидаги сигнал қониқиш ҳолатини вужудга келтиради ва мулоқот жараёнини фаоллаштиради.

Ҳар бир мулоқотда бир неча мақсад кўзда тутилиши мумкин. Масалан, терговчи шахснинг воқеаларга алоқадорлиги қай даражада эканлигидан келиб чиққан ҳолда далилларни яна бир маротаба текшириб кўриш, ўзидаги мавжуд далилларни бойитиш мақсадини кўзлаши мумкин. Мулоқот доимо инсон табиати билан боғлиқ бўлади, масалан, шахс жанжалкаш бўлиши мумкин, жанжал зиддиятлар натижасида юзага келади. Бунда шахснинг зиддиятни келтириб чиқарадиган ҳолатларини ўрганиш керак бўлади.

Ички ишлар идоралари ходими одамлар билан мулоқот қилиши учун чуқур билим ва қуйидаги ижтимоий-психологик фазилатларга эга бўлиши керак.

- нотаниш шахслар билан тезда мулоқотга киришиш, уларга маъқул бўлиш;
- бошқа шахсларнинг гапини эшитиш қобилиятига эга бўлиш;
- одамларга психологик таъсир кўрсата билиш;
- мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Ички ишлар идоралари ходимларининг коммуникатив фаолияти махсус жиҳатларга эга бўлиб, у бир қатор психологик хусусиятларни, биринчидан, ички мулоқотнинг ўзига хос томонларини, иккинчидан, унинг қийинлигини кўрсатади.

Ушбу мулоқотнинг муҳим хусусияти унинг касбий йўналганлигидир. Зеро, ходимлар жиноят қилган шахсларни, гувоҳлар ва жабрланувчиларни аниқлаш мақсадида бошқа шахслар билан

¹ Қаранг: Асямов С. В. Пулатов Ю. С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – 75–80-б.

мулоқотда бўладилар. Орган ходимлари ҳақиқатни очишга ҳаракат қилсалар, жиноятчилар, аксинча, жиноятни яширишга, ёлғон маълумот беришга, жиноий жавобгарликдан қутилишга интиладилар.

Терговчи процессуал қонунлар доирасида ҳаракат қилади, яъни жиноятчи шахсга нисбатан бўлган салбий муносабатига қарамасдан мулоқот қилишга мажбур.

Мулоқот жараёнида объектнинг ўзига хос томонлари борлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунини айтиш жоизки, кўп ҳолатларда жиноятчи шахслар жамиятдаги ахлоқсиз, одобсиз ва виждонсиз кишилар бўладилар. Натижада мулоқот жараёнида ҳар хил психологик тўсиқлар пайдо бўлиб, кўпроқ улар сунъий равишда вужудга келтирилади.

Мулоқот жараёнида қуйидаги психологик тўсиқлар вужудга келиши мумкин:

- 1) мотивацион тўсиқлар;
- 2) ақлий тўсиқлар (интеллектуал);
- 3) эмоционал тўсиқлар;
- 4) тарбиявий жараёндаги тўсиқлар.

Мотивацион тўсиқлар шахснинг мулоқотга киришишдан бош тортиши, муомалани тўғри, аниқ кўринишда олиб борилишини хоҳламаслигида намоён бўлади.

Ақлий тўсиқлар шахснинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантикий фикрлашининг чуқурлиги ва ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган тақдирда вужудга келади.

Эмоционал тўсиқлар мулоқотга киришувчиларнинг психологик ва эмоционал-иродавий ҳолатларидан келиб чиқади (тажовузкорлик, кўрқув, асабийлашиш, хўрланиш ва бошқалар).

Тарбиявий жараёнлардаги тўсиқларга ички ишлар идоралари ходимлари тарбияси «қийин» ўсмирлар, носоғлом оилалар ва муқаддам судланган шахслар билан профилактик чора-тадбирлар олиб бораётган вақтда учрайди.

Психологик алоқа ўрнатишнинг бир неча босқичлари мавжуд:

- 1) бўлажак мулоқотни башорат қилиш;
- 2) алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш;
- 3) ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши;
- 4) умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш;
- 5) муомаладаги оғишларни бартараф этиш;
- 6) индивидуал таъсир кўрсатиш.

Бўлажак мулоқотни башорат қилиш. Психологик алоқа

ўрнатишнинг самарали бўлиши учун дастлабки режалар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мулоқотга киришувчи шахс ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш керак. Бундан ташқари, шахснинг психологик хусусиятларини билиш ҳам алоқа ўрнатишда ёрдам беради. Шунингдек, шахснинг эмоционал психологик сифатлари: жиззакилик, тажовузкорлик, яширин характер, гумонсираш ва бошқалар психологик алоқа ўрнатишга салбий таъсир этади. Келтирилган сифатлар башорат қилиш даврида инобатга олиниши керак.

Алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш. Мулоқотда намоён бўладиган ҳар қандай ҳолатларда ташқи омиллар ижтимоий вазиятларга мос тушиши зарур. Сухбатдошингизга ҳеч нима халақит бермаслиги ва уни чалғитмаслиги керак. Сухбат давомида ўзаро ишонч муҳити сақланиб қолиниши шарт.

Ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши. Нутқ маданияти, мимика, ташқи кўриниш психологик алоқа ўрнатишда ижобий натижа беради. Сухбатдошингизда ҳам шунга қараб ижобий эмоционал ҳолатлар юзага келади, бу эса алоқа ўрнатишда зарур омиллардан ҳисобланади. Сухбатдош билан мулоқотнинг бошидан ҳамфикр бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш. Мулоқотнинг бошида шахс билан умумий тил топиш муҳимдир. Бу вазифани ҳал этишда умумий, шу билан бирга, бетараф қизиқишлар доираси, масалан, тангалар, маркаларни йиғиш, спорт, саёҳат ва бошқа қизиқишларни аниқлаш ёрдам беради. Умумий қизиқишларни қидириб топиш ижобий эмоционал ҳолатларга олиб келади. Бу ўз-ўзидан мулоқотда сухбатдошни яқинлаштиради. Бетараф қизиқишлар психологик муҳитни енгиллаштиради ва мавқени тенглаштиради.

Муомаладаги оғишларни бартараф этиш. Шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш даврида муомаладаги оғишларни бартараф этишга диққатни кўпроқ қаратиш керак, чунки бу оғишлар, масалан, бўлажак эмоционал зўриқиш, мулоқотнинг шаклланишига таъсир этувчи салбий омиллар, мулоқот мобайнида бегона шахсларнинг аралашуви ва бошқалар муомалага салбий таъсир этади. Муомаладаги оғишларни бартараф этиш – психологик алоқа ўрнатишнинг мажбурий шартидир.

Индивидуал таъсир этиш. Психологик алоқа ўрнатишнинг якуний босқичида ходим сухбатдошга индивидуал таъсир кўрсатиши лозим. Бу таъсирнинг мақсади сухбатдошидан ишончли

маълумотларни олиш, шу билан бирга, келажакда ишончли алоқа ўрнатишдир.

Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахснинг шаклланган сифатлари, фазилатларининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, шахсда ижобий фазилатлар яхши шаклланган бўлса (хушмуомалалик, камтарлик, инсонийлик, тўғри сўзлик, виждонлилик кабилар), мулоқот жараёни ҳам яхши ўтади. Чунки шахслар бир-бирини тўғри тушунишлари, мулоқот муваффақиятли бўлиши учун самимий бўлишлари лозим.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мулоқот ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида етакчи ўринларни эгаллайди. Мулоқотнинг вербал ва новербал турлари, ижтимоий идрокнинг эффектлари шахслараро муносабатларда ҳамма вақт иштирок этади. Келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) мулоқот мураккаб жараён бўлиб, инсон ҳаётида муҳим омил ва шахснинг шаклланишида катта рол ўйнайди;

2) мулоқот ички ишлар идоралари ходимлари учун касбий вазифаларини бажаришларида асосий воситадир;

3) мулоқотни олиб бориш воситаларини тўғри қўллаш ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Ички ишлар идоралари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда аҳоли билан мулоқот қиладилар ва, табиийки, ушбу фаолиятнинг самарадорлиги уларнинг одамлар билан мулоқотга киришиш, психологик алоқа ўрнатиш қобилиятига боғлиқ. Коммуникатив хусусиятлар ички ишлар идоралари ходимлари касб маҳоратининг муҳим таркибий қисмидир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Касбий муомала ички ишлар органлари фаолиятида қандай аҳамиятга эга?
2. Мулоқотнинг қандай турлари мавжуд?
3. Мулоқотнинг психологик вазифалари нималардан иборат?
4. Вербал мулоқотнинг кўринишларини тушунтириб беринг.
5. Новербал мулоқотнинг қандай кўринишларини биласиз?
6. Мимика ва пантомимика нима?
7. Мулоқот жараёнида қандай психологик тўсиқлар вужудга келиши мумкин?
8. Психологик алоқа ўрнатиш қандай босқичлардан иборат?

**У БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
«ЗИДДИЯТЛАР» ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ
ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ**

**1. Психология фанида «зиддият»
тушунчаси ва унинг турлари**

Жамият тараққиётининг барча босқичларида одамлар орасида ўзаро келишмовчиликлар, зиддият ва низолар мавжуд бўлиб келган. Чунки ҳар қандай тараққиётнинг асосида қарама-қаршилик ва зиддият ётади. Шахс жамият тараққиётини амалга оширувчи асосий куч ва восита ҳисобланиб, жамият ва табиатни ўзига мослаштириш баробарида, ундаги баъзи ҳолатларни тақиқлаш билан ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳам низо ва зиддият жамият тараққиётининг асосий омиллари ҳисобланади.

Зиддият инсоният пайдо бўлган даврданоқ мавжуд бўлиб, уни илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганиш борасидаги илк қарашлар ҳам ўз тарихига эга. Ҳаёт тарзи, меҳнат фаолияти, шахслараро муносабат муҳитининг ўзгараётганлиги зиддиятларнинг ҳам ўзига хос томонлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Зиддият, низо ҳақидаги дастлабки концепциялар XIX–XX асрларда вужудга келиб, унинг ечимларини топиш йўллари бўйича қўйилган қадамлар ўтган асрнинг охирларида бир қадар салмоқли бўлди.

Бугунги кунда психология ва ижтимоий психологияда В. О. Агеев, А. А. Бодалев, В. И. Журавлев, Н. Н. Обозов, И. А. Кох, Я. А. Анцупов, А. И. Шипилов, Ф. М. Бородкин, А. К. Зайцев, А. Г. Здравомислов ва бошқаларнинг тадқиқотларида низонинг назарий асослари ёритилган.

Бу муаммони ўрганишда дастлаб «зиддият» ва «низо» тушунчаларининг этимологияси, яъни уларнинг мазмун-моҳиятини очиш керак бўлади. Хўш низо ва зиддият нима?

Низо лотинча «konflikt» сўзидан олинган бўлиб, «тўқнашиш», яъни мақсад, қизиқиш, нуқтаи назар, фикрлар, кишиларнинг ўзаро таъсирлашувидаги қарама-қарши йўналишлар борасида тўқнашишларидан иборат¹.

¹ Қаранг: *Гришина Н.В.* Психология конфликта. – СПб., 2000. – С. 464.

Зиддият ижтимоий-психологик муаммо бўлиб, конфликтологиянинг асосий тушунчаларидан биридир. Зиддият муҳокама юритишда, матнда, назарияда ва умуман предмет, ҳодисаларда бири иккинчисини инкор этадиган икки мулоҳазанинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги муносабатлар. У объектив оламнинг ва билишнинг ўз-ўзидан ҳаракати ва тараққиётида намоён бўлади¹. Фан тарихида дастлабки зиддиятлар концепцияси Гераклитга тааллуқлидир, яъни «абдий вужудга келиш» фақат зиддиятларнинг бирлиги сифатидагина мумкин.

Бундан кўринадики, «зиддият» тушунчаси «низо» тушунчасига қараганда кенгроқ маънони касб этиб, ўзида ҳодиса, воқеа, жараён, нарса ва предметлар ҳамда инсонлар фикри ўртасидаги ўзаро номутаносибликни, яъни қарама-қаршилиқни акс эттиради.

Низо эса ўзаро келишмовчилик ёки қарама-қаршилиқ орқасида туғилган ҳолат, муносабат, ихтилоф².

Низо жамиятдаги гуруҳлар ёки индивидлар ўртасидаги антоганизм, у икки хил бўлиши мумкин. Биринчиси, икки ёки ундан ортиқ индивид ёки гуруҳлар ўртасида манфаатлар тўқнашуви юз бериши, иккинчиси, ўзаро курашга фаол жалб этилиши. Манфаатлар зидлиги ҳар доим ҳам очик курашга олиб келавермайди³.

Зиддиятларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ички ишлар органи ходимлари учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз хизмат фаолиятида маиший зиддиятлардан тортиб, то жиноятчилар ўртасидаги зиддиятларгача дуч келадилар. Шунинг учун улар зиддиятли ҳолатларда шароитдан тез чиқиб кетиши, чиққанда ҳам тўғри йўл топиши, зиддиятни ечиши шарт, чунки зиддият ё ижобий, ё салбий натижа билан тугайди.

Зиддият ўз моҳиятига кўра ижтимоий ҳодисадир. Зиддият кенг ва тор маънода тушунилади. Кенг маънодаги зиддият жамиятдаги янги ва эски қарашлар ўртасидаги курашдир. Тор маънодаги зиддият бир муаммони ечишда ҳар бир шахснинг ўз фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қилишида юзага келади. Масалан, ҳар бир янгилик яратилгунга қадар ва яратилгандан кейин ҳам маълум вақт зиддиятларга учрайди.

¹ Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. – Т., 2006. – Б. 147.

² Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.3. – Т., 2006.

³ Қаранг: *Энтони Гидденс*. Социология. – Т., 2002.

Зиддият ижтимоий психологияда муомаланинг бузилиши ёки психологик жихатдан ички рухий келишмовчиликдир. Умуман олганда, зиддият инсонлар ўртасида ижтимоий ва шахсий масалаларни ечишда вужудга келадиган ҳолат, лекин ҳар қандай қаршилик зиддият бўлавермайди. Одамлар бир-бирининг фикри билан келишмаслиги, тортишиши мумкин, ҳар бири ўз фикрида қолади ва барибир кўп ҳолларда келишиб ишлашга мажбур бўладилар. Қарама-қаршилик, баъзан ёқтирмаслик, салбий эмоция, тушунмаслик, кўра олмаслик ва бошқа сабаблар зиддиятнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Зиддият нафақат қарама-қаршилик, шунингдек, ўзига хос курашиш ҳамдир. Ҳар иккала томон ҳам бундай ҳолатда ўзларини ҳақ деб билишади ва ўз қарашлари учун курашадилар. Зиддият қарама-қаршиликлар негизида юзага келади, уни албатта ҳал қилиш керак, чунки бусиз ҳаёт меъёрида давом этмайди.

Юқорида айтиб ўтилганларни таҳлил қилиб, психологик нуқтаи назардан «зиддият» тушунчасини қуйидагича тавсифлаш мумкин. Зиддият шахслар ўртасидаги қарашлар, қизиқишлар, қарама-қаршиликлар натижасида юзага келган психологик ҳолат бўлиб, шахсларнинг ўзаро ҳамкорлиги жараёнида юзага келади. Зиддият бор жойда ривожланиш бор, айти пайтда, маълум маънода орқага қайтиш ҳам кузатилади.

Умуман олганда, зиддият шахсларнинг психологик тузилишга боғлиқ бўлса-да, аммо ҳаётнинг ўзи зиддиятсиз бўлиши мумкин эмас.

Зиддиятларни баҳолаш ва таҳлил этиш уларни турларига кўра гуруҳлаш ва тизимлаштиришни тақозо этади.

Социологлар зиддиятларнинг макро ёки микро даражасига, асосий типларига, яъни ижтимоий-иқтисодий, миллий-этник, сиёсий табиатига эътибор берадилар. Ҳуқуқшунослар эса ички ва ташқи тизимли зиддиятлар, уларнинг намоён бўлиш соҳаси, шунингдек, маиший-оилавий, маданий ва ижтимоий меҳнат ҳамда бозор иқтисодиёти жараёнида кенг хўжалик йўналишидаги молиявий ва мулкӣ низоларга ажратадилар.

Бошқарувда зиддиятларни таснифлаш низонинг элементлари, хусусий ҳолатлари, уларнинг ўзига хос намоён бўлиш сабабларига,

низолари вазиятга, мотивларига, қизиқишларга алоҳида шахснинг фаолияти, ижтимоий гуруҳ (жамоа) ва жамият мақсадларига таяниб амалга оширилади.

Зиддиятларни ижтимоий ҳаётда намоён бўлиш шаклига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:


- иқтисодий зиддиятлар (инсонларнинг моддий иқтисодий фаолияти доирасида вужудга келади);
- ижтимоий зиддиятлар (социал гуруҳларнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқади);
- синфий зиддиятлар (ижтимоий синфлар ўртасидаги тафовут асосий низо манбаи);
- сиёсий зиддиятлар (маълум гуруҳларнинг манфаатлари доирасидаги кураш);
- мафкуравий зиддиятлар (дунёқарашлар ўртасидаги тафовутлар асосида вужудга келади);
- маданий зиддиятлар (турли маданият вакиллари ўртасидаги тўқнашувлар жараёнида вужудга келади);
- аксиологик зиддиятлар (қарама-қарши қадриятларга эга ҳар хил гуруҳларни бошқариш оқибати тарзида);
- позицияли зиддиятлар (ташкилий муносабатлар тузилишидаги ўрнига қараб фарқ қилувчи манфаатлари бир-бирига зид ижтимоий гуруҳ ёки шахслар ўртасида вужудга келувчи низолар).

Одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг турли вазиятларига қараб, низоларни кетириб чиқарувчи сабабларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиш мумкин:

- меҳнат жараёнидаги;
- шахслараро муносабатлардаги психологик хусусиятлар, симпатия ва антипатия, маданий ва этник тафовутлар, раҳбарнинг ёмон коммуникацияга эгаллиги ва бошқалар;
- гуруҳ аъзоларининг ўзига хослиги, масалан, эмоционал ҳолатларини бошқара олиш уқувига эга эмаслиги, агрессивлиги, коммуникабеллик ва тактнинг етишмаслиги.

Зиддиятнинг ўзига хос хусусияти бузиш ва бузилиш характерига эгаллигидир. Зиддиятли ҳолат жамоанинг бузилишига, ундаги ижтимоий-психологик шароитнинг ёмонлашувига олиб келади. Зиддиятли ҳолатни ҳал қилиш учун унинг тузилишини ўрганиб чиқиш керак.

Зиддиятнинг тузилиши



2. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабаблари

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида ҳам зиддиятли ҳолатларни кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатлар маълум бир носоғлом психологик муҳит, масалан ходимларнинг бири-бирлари ёки раҳбарлар билан ўзаро келиша олмаслиги асосида юзага келиши мумкин. Шу маънода зиддиятли ҳаракатларнинг ҳам ўз диапозони бор, баъзи зиддиятли ҳолатларда шахс рақибини енгил учун ҳамма имкониятини ишга солади, хизматдаги шахсларни аралаштиради, ўзларининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади. Зиддиятли вазият эса ижтимоий психологик муҳитни юзага келтиради

Ижтимоий психологик нуқтаи назаридан қараганда зиддиятнинг юзага келишида шахсларининг алоҳида қарашлари, шахсларро ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар сабаб бўлиши мумкин.

Ижтимоий психологик йўналишда (аспектда) зиддият ҳар хил сабаб билан боғлиқ бўлади. Масалан, мақсад, дунёқараш тўғри келмайди, натижада антипатия юзага келади.

Биринчи босқич – зиддиятнинг юзага келишигача бўлган ҳолат ва зиддиятнинг юзага келишида ички қарама-қаршиликларнинг пайдо бўлиш даври. Бу босқичда иккала томонда ҳам ички руҳий куч йиғилиб боради ва улар буни бир-бирларига билдирмайдилар.

Иккинчи босқич – зиддиятнинг қарор топишида ташқи таъсир кучлари майдонга чиқади. Бу даврада зиддиятни иккала томон ҳам билади, лекин улар онгли, ақлли ҳаракат қилишади. Ҳар хил маълумотлар йиғилган сари зиддият кучайиб боради ва бу уларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчи босқичда иккала томон ҳам очик курашга ўтиб олади, иккаласидан бири хайрихоҳлик билдирса, зиддият маълум маънода юмшайди, аммо маълум вақтгача ички руҳий зиддият сақланиб қолади. Агар ҳар икки томон ҳам хайрихоҳлик билдирмаса, у ҳолда психологик портлаш юзага келади ва иккаласидан бирортаси ғалаба қозонгунга қадар кураш давом этади. Бу босқичда ҳам икки томон ҳамма имкониятларини ишга солади.

Тўртинчи босқичда бир-бирларининг ҳаракатларини таҳлил қилиб норасмий баҳолайди. Агар улардаги қизиқиш бир-бирига тўғри келса, ўртадаги зиддият сусаяди ва вазиятдан чиқса бўлади.

Бешинчи босқич – ўтиб кетадиган, турғун ҳолат. Бу босқичда жараён ўтиб кетгандан кейин унга расмий ва норасмий баҳо берилади. Бўлиб ўтган воқеаларини эслашда томонлар ўзларида нохуш ҳолатни сезишади.

Олтинчи босқич – тамоман янги психологик ҳолат бўлиб, зиддият ривожининг ниҳоясида, яъни жазо қўлланилганидан кейин иштирокчиларнинг жамоадаги мавқеи ўзгаришидан сўнг пайдо бўлади. Бу даврда ижобийлик юзага келади, фақат ҳақиқатни юзага чиқариш учун ҳаракат қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида учрайдиган зиддиятларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) мазмунига кўра;
- 2) чуқурлашганлиги ва ўткирлигига қараб;
- 3) давомийлигига кўра (қанча вақт давом этади);
- 4) ижтимоий ҳолатига қараб;
- 5) изоҳлашнинг шаклига қараб.

Зиддиятда кишиларнинг ахлоқий сифатлари, шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Ходим баъзи шахслар ёки раҳбарларнинг тартиб-қоидаларини, ҳақоратларини кўтара олмайди, натижада зиддият келиб чиқади.

Зиддият ходимнинг ўзини ўзи баҳолаши, шунингдек, уни бошқалар, яъни бошлиқ ёки жамоатчилик томонидан баҳоланиши. Инсон ҳамиша ўзини ўзи юқори баҳолашга ҳаракат қилади, раҳбар томонидан баъзи салбий томонлари (камчиликлари) айтилса, улар ўртасида зиддият келиб чиқади. Агар шахс ўз имкониятларини кўпроқ баҳоласа, бундай ҳолатда ҳам зиддият юзага келади.

Ички ишлар идораларида зиддиятни юзага келтирувчи бир қанча омиллар мавжуд:

1) раҳбар томонидан ходимга берилган баҳо билан ходимнинг ўзига ўзи берган баҳоси ўртасидаги тафовут.

2) раҳбар ва жамоатчилик томонидан баҳолашнинг тўғри келмаслиги;

3) шахснинг ўзини ўзи баҳолаши билан уни жамоатчилик томонидан баҳоланишининг тўғри келмаслиги;

4) шахснинг бошқалар томонидан баҳоланиши.

Зиддият оддий ва ўткир (чуқур) зиддиятга бўлинади;

Оддий зиддият ёмон психологик вазиятда юзага келади, инсон ўзини тушунтира олмай қолади, бундай ҳолатда кўпинча кайфияти йўқ, деб тушунтирилади.

Ўткир зиддиятда шахс юқори эмоционал, ўзини бошқара билмаслик, мулоқотдаги қўполлиги билан ажралиб туради. Энг қизиғи, бу шахслар табиатида кўрқитиш асосий ўринни эгаллайди. Бу зиддиятда, нима бўлишидан қатъи назар, рақибни мағлубиятга учратиш муҳим ҳисобланади.

Зиддият қисқа муддатли ва узоқ муддатли бўлади.

Қисқа муддатли зиддият маълум вақт – уч кунгача давом этади, узоқ муддатли зиддият бир ёки бир неча йилга чўзилиши мумкин. Узоқ муддатли зиддият маиший характерда бўлиб, уларнинг 70% 6 ойгача давом этади.

Зиддият ижтимоий моҳиятига кўра арзигулик ёки арзимас бўлади. Агар зиддият атайлаб қилинса ва жамоатчиликка қарши бўлса, бу арзигулик зиддиятдир. Арзимас зиддият масаланинг моҳиятига чуқур тушунмаслик оқибатида келиб чиқади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: шахс характеридаги камчиликларни тушунса ва уларни тўғрилашга ҳаракат қилса, бу арзимайдиган зиддият дейилади. Масалан, шахс билмасдан иккинчи бир шахснинг оёғини босиб олса ёки туртиб юборса, иккинчи шахснинг бундан жаҳли чиқса ва оёғини босган одам ундан кечирим сўраса, бундай зиддият қисқа муддатли бўлиб арзимас ҳисобланади.

Зиддият ўзи кўринишга кўра, очик ва ёпиқ бўлади. Очик зиддиятда ҳамма ушбу ҳолатни билишади, зиддиятлашган томонлар эса бир-биридан ўз ниятларини яширади, лекин керак вақтда ўз қарашларини ошкор қиладилар.

Зиддиятни юзага келтирувчи объектив ва субъектив сабаблар мавжуд.

Объектив сабабларга ишни ташкил қилишдаги камчиликлар, норматив ҳужжатларнинг мукамал эмаслиги, хизматдаги (ишдаги) қийин шароитлар, қарашларнинг тўғри келмаслиги ва ҳоказолар киради.

Субъектив сабаблар шахснинг ўзига хослиги, маданиятнинг пастилиги, тарбиянинг етишмаслиги, шахс характеридаги камчилик, ўзига юқори баҳо бериш, психологик жиҳатдан томонларининг бири-бирига тўғри келмаслиги, жамоанинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолатлар, психологик шароитларни ноқулайлиги, салбий кўринишга эга бўлган кичик гуруҳлар, салбий эмоциал гуруҳлар ва ҳоказоларни қамраб олади.

Ишлаб чиқаришдаги камчиликларга меҳнат жамоасида меҳнатни тақсимлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришдаги тенгсизликлар киради.

Одамларни мутахассислигига қараб жойлаштирмаслик ҳам бошқаришдаги камчилик бўлиб, психологик жиҳатдан жамоадаги муҳитни бузади.

Жамоадаги кишилар (гуруҳлар) орасида ҳам келишмовчиликлар бўлиши мумкин.

Зиддиятни таснифлаш хусусиятларига асосланиб ажратилади. Тўқнашиш даражаси ва шаклига кўра зиддиятларни очик (мунозаратортишув, жанжал ва бошқалар) ва ёпиқ турдаги (асл мақсадларни яшириб, зимдан таъсир ўтказиш); тасодикий пайдо бўлиб қолувчи (стихияли) ва олдиндан режалаштирилган низоларга ажратиш мумкин.

Зиддиятлар коммуникатив жиҳатдан йўналганлиги, бир-бирига боғлиқ ёки тобелигига қараб горизонтал вертикал низоларга ажратилади. Бўйсунуш ва бўйсунмаслик муносабатига мувофиқ аралаш турда ҳам бўлиши мумкин. Асосий зиддият вертикал йўналиш олиб, унда («юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига») низолашувчи томонлар ўртасида анча тафовутлар ва тенгсизлик ҳукмронлик қилади (масалан, раҳбар билан ходим, иш берувчи билан ишчи). Бундай ҳолатларда уларнинг кучлари (статус) бир хилда бўлмайди.

Масштаби ва давомийлигига кўра зиддиятлар ўзида ташкилотнинг бир қисм ходимлари, бирор-бир минтақа ёки алоҳида олинган тармоқдаги, шунингдек, ташкилотнинг бутун ходимлари, халқ хўжалигининг маълум тармоқдаги ишчилари низога иштирок

этишига кўра локал низога ажратилади. Одатда бундай низолар ташкилотдаги этишмовчиликлар туфайли фикр ва қарашлар ўртасидаги зиддиятлар, хавфсизлик, меҳнат шартномаларини бажариш ва бошқа турдаги жамоа шартномалари, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари туфайли вужудга келиши кузатилади.

Зиддиятлар ҳал этилиш ва бошқарилиш усулига кўра ён бермаслик ва тан олмаслик оқибатида юз берувчи антогонистик ҳамда манфаат, мақсад, қарашларни яқинлаштириш, фикрлар хилма-хиллигини бартараф этиш мақсадида йўл қўйиладиган компромистик (муросасозликка) турларга ажратилади.

Зиддиятларни бундай турларга ажратиш шартли бўлиб, уларнинг турланиши ўртасида кескин чегара қўйиш мавжуд эмас, аммо амалиётда низолар ташкилий, вертикал, шахслараро, горизонтал, очик, гуруҳлараро ва бошқалар тарзда вужудга келади.

Зиддиятлар тўғрисидаги одатий тасаввурлар махсус тадқиқотлар ёрдамида салбий хусусиятга эга эканлиги тасдиқланади. М.Дойчнинг ишларида зиддиятлар назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, улар *деструктив* ва *продуктив* турларга ажратилади.

Деструктив зиддиятни аниқлаш кундалик тасаввурлар билан мос келади. Айнан бу типдаги низо ўзаро таъсирлашувда хилма-хилликни кўрсатади ва фикрлар топталишига олиб келади. Деструктив зиддият кўпинча сабабга боғлиқ бўлмаган ҳолда шахснинг стрессга тушишига олиб келади. Унинг ўзига хос белгилар низо содир бўлишига қизиқувчилар сонининг ортиши, уларнинг низоли ҳаракатлари, бир-бирларига нисбатан салбий қарашларга эгаликлари ва билдириладиган фикрларнинг кескинлигида ифодаланади. Бошқа бир белгиси сифатида низода оппонентнинг хислатларини, ўзаро таъсирлашув вазиятларини нотўғри идрок этиши ва шерикларга ишончни ўта ортиб кетиш назарда тутилади. Бу турдаги низоларни ҳал этиш анча мураккаб бўлиб, ягона йўли анча қийинчилик билан эришиладиган муроса (компромисс) ҳисобланади.

Продуктив зиддиятни муаммо ва уни ечиш юзасидан нуқтаи назарлардаги тафовутлар ва шахслар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг йўқлиги келтириб чиқаради. Бундай ҳолда низо муаммони атрофлича тушунишни, шериклар мотивациясини, бошқа нуқтаи назарларни ҳимоялашларини тақозо этади.

Бундан ташқари, М.Дойч зиддиятни олти турга бўлади ва жинойтни очишда нафақат унинг методологияси, шунингдек, амалий роли ҳам муҳимлигини таъкидлайди.

- 1) ҳақиқий зиддият;
- 2) тасодифий зиддият;
- 3) билмай аралашиб қолган зиддият;
- 4) нотўғри талқин қилинган зиддият;
- 5) ёпиқ ҳолатдаги зиддият;
- 6) ёлғон зиддият.

Зиддият объектига унда иштирок этувчилар томонидан қўлга киритишга қаратилган яққол моддий ёки маънавий қадриятлар киради. Зиддият субъекти сифатида қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, қизиқиш ва эҳтиёжларини намоён қилувчи ташкилот ходимлари хизмат қилади.

3. Ички ишлар органлар ходимлари фаолиятида зиддиятларни бартараф этиш йўллари

Ҳозирги кунда жамоада муваффақиятга эришиш раҳбарият ва ходимлар фаолиятини тўғри ташкил этиш асосида маънавий-ахлоқий муҳит яратишни тақозо этмоқда.

Ички ишлар идоралари жамоаларида ҳар бир ходим ижтимоий психологик муҳит яхши бўлишига масъул ва мажбур саналади. Фақат шундай шароитдагина қўйилган муаммолар мақсадга мувофиқ, топшириқлар ўз вақтида бажарилиши ва шахсинг шаклланиши меъёрда кечиши таъминланади.

Аммо ички ишлар идоралари жамоаларида ҳам баъзи юқоридаги каби низоли ҳолатлар рўй бериб туради.

Низоларнинг салбий оқибатларини бартараф ҳал этиш уларни атрофлича ўрганишни талаб этади. Бунга эса жамоани яратиш ўзаро илиқ ижтимоий психологик муҳитни яратиш орқали эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда низоларни самарали бартараф этиш жамоадаги психологик муҳитни яхшилашга, ҳамкорликда ишлаш самарадорлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Ички ишлар идоралари жамоаларидаги низоларнинг моҳиятини ёритишдан олдин, уларнинг ўзига хос икки жиҳатини инобатга олиш керак бўлади. Биринчиси, низо ва иккинчиси, низоли вазиятдир. Психологик адабиётлар таҳлили асосида низо билан

низолни вазиятни ажратиб турувчи куйидаги формулани эътиборга олиш муҳимдир:

Низо + муаммо + низолни вазият + низо иштирокчилари + инцидент.

Юқоридаги «низо модели»дан кўринадики, муаммо низолни вазият ҳосил бўлгандагина унинг бошқа элементлари ўртасидаги боғлиқликни келтириб чиқаради. Ушбу моделни ҳар қандай фаолиятдаги низоларни изоҳлашга асос қилиб олиш мумкин. Биз куйида ички ишлар жамоаларидаги низоларни таҳлил қилишда буни инобатга оламиз.

Ички ишлар жамоаларидаги низоларни таҳлил қилиш ва уни ҳал этиш зарурати туғилганда, низо таркибидаги ҳар бир элементнинг ўрнини аниқ баҳолашга тўғри келади. Низоларни вужудга келиши ва унинг олдини олишда юқорида келтирилган формулага алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Психологик муҳит гуруҳий манфаатларни қондириш, шахслараро ва гуруҳий низоларни ҳал этишда амалга ошириладиган мулоқотда вужудга келади ва намоён бўлади. Шу боис ушбу муносабатлар турлича характер касб этиб, улар дўстона, ҳамкорлик, мусобақа ёки рақобат, ҳамжихатлик, қўполлик ёки онгли тартиб-интизом тарзида кечади.

Психологик адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одамларнинг ўзаро муносабатлари кўпчилик ҳолатларда бешта асосий таъсир кўрсатиш усули орқали амалга оширилади: эътиқод, ишонтириш, тақлид, таъсир ўтказиш, мажбурлаш.

Таъкидлаб ўтилган усуллар ички ишлар идоралари жамоаларида бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳам ўз аксини топиши табиий. Чунки баъзи ҳолатларда, фавқулодда вазиятларда бошлиқ томонидан берилаётган топшириқ ва буйруқларнинг берилиш тартиби белгиланган ички ишлар Низомига, муассасанинг ички тартиб-қоидаларига мос келиш ва келмаслигига қараб низолни ҳолатларни вужудга келиши билан баҳоланади. Агар бошлиқ жамоада етарлича мавқега эга бўлса, бериладиган буйруқ ва топшириқларнинг бажарилиш тартиби таъсир кўрсатишнинг эътиқод даражасини намоён қилиши мумкин. Акс ҳолда бошлиққа қўл остидагиларнинг бўйсунуши анчагина сустлашади.

Ишонч ва нуфузнинг йўқолиши, мулоқот жараёнларида шубҳа пайдо бўлиши ва бошқалар ҳам айнан низолни вазиятларнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди.

Ички ишлар идоралари жамоаларидаги низоли вазиятларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ уч гуруҳ сабаларни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) ишчи муҳитни ташкил этишдаги камчиликлари;
- 2) бошқарувчи ходимлар фаолиятидаги нуқсонлар, ходимларнинг билим даражаси, индивидуал-психологик хусусиятлари, салоҳиятига кўра ишни тақсимлай билмаслик;
- 3) жамоа ичидаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ камчиликлар.

Жамоадаги психологик муҳитнинг бузилиши ва зиддиятларга мойиллик асосида бир қатор кўрсаткичлар ётадики, уларни психологлар қуйидагиларга ажратганлар:

- раҳбариятнинг иш фаолияти ва жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатдан қониқмаслиги;
- кайфиятнинг бузилиши;
- раҳбар билан ходимлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги, раҳбар ёки ходимнинг обрўга эга эмаслиги;
- жамоа аъзоларида бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришдаги фаоллик даражасининг етишмаслиги;
- жамоа аъзоларининг бир мақсад йўлида жипслашмаганлиги;
- онгли тартиб-интизомнинг йўқлиги;
- фаолият натижаларидан қониқмаслик.

Кўришиб турибдики, жамоада низоли вазиятларнинг кам ва психологик муҳитнинг меъёрда бўлиши бошлиқ шахси, ходимларнинг билими, юқоридан берилган топшириқ ва буйруқларни бажаришдаги ижрочилик интизومي ва ҳамжихатликларига боғлиқ экан. Агар ички ишлар идоралари жамоаларидаги низо низонинг психологик ва ижтимоий психологик табиати, функциялари, типологияси ва тузилмасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланса, амалий жиҳатдан низога хос барча хусусиятлар намоён бўлиши мумкинлигини тасдиқласа бўлади. Ички ишлар жамоаларида низонинг қуйидаги турлари намоён бўлиши кузатилади.

Шахснинг ички зиддиятлари. Бу кўпроқ ички ишлар идоралари ходимларининг юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида учрайди. Вазифани ҳал этишда касбий билим, кўникма ва малаканинг етишмаслигида ва фавқулодда ҳолатларда кўпроқ иш билан машғул бўлишда намоён бўлади.

Гуруҳ ичидаги зиддиятлар. Бу жамоа аъзоларининг манфаат ва қизиқишларининг мос келмаслиги, вазифаларнинг тенг тақсимлан-

маганлиги ва ўзаро бир-бирларига хурматнинг йўқолиши оқибатида намоён бўлади. Оқибатда жамоанинг ҳар бир аъзоси бошқалари билан чиқиша олмаслиги, манфаатлар ўртасида тўсиқлар қўйишида юз беради.

Шахслараро зиддиятлар. Ички ишлар жамоаларида раҳбар билан ходимлар, ходим билан ходим ўртасидаги зиддиятли вазиятларнинг вужудга келиши оқибатида низонинг пайдо бўлиши кўзга ташланади. Шахслараро зиддиятлар ишчи муҳитнинг яхши эмаслиги, бошлиқнинг ходимлар билан инсоний нуқтаи назаридан муносабат ўрнатмаслиги, ходимларнинг индивидуал қобилияти ва фазилатларини инобатга олмаслиги сабабли ҳам юз бериши кузатилади.

Агар ички ишлар идоралари жамоаларидаги зиддиятли ҳолатларни бир тизимга соладиган бўлсак, қуйидаги кўринишни олади:

Зиддият турлари	Зиддиятнинг сабаблари	Зиддият иштирокчилари	Зиддиятнинг оқибатлари
Шахснинг ички зиддиятлари	Топшириқларнинг кўпайиб кетиши, ортиқча руҳий чарчоқ, тақдирлаш ва жазолаш ўртасида мувозанатнинг таъминланмаганлиги	Ходимнинг ўзи	Руҳий зўриқиш, фаолликнинг сусайиши, жазавага тушиш, тажовузкорликнинг ортиши, муомала меъёрларнинг бузилиши
Гуруҳ ичидаги ва шахслараро зиддиятлар	Жамоадаги ходимларнинг қизиқиш ва манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар, қобилият ва меҳнатнинг фаолият натижасига кўра баҳоланмаслиги, рағбатлантиришнинг етарлича эмаслиги, ходимларнинг шахсий фазилатлари мос келмаслиги ва бошқалар	Жамоадаги бошлиқ билан ходимлар, ходим-ходим, бошлиқ-бошлиқ.	Жамоадаги жипслик, ҳамкорликнинг, масъулиятнинг йўқолиши, шахсий адоватнинг ўсиши ва бошқалар
Гуруҳлараро зиддият	Жамоада гуруҳларнинг пайдо бўлиши, тарафкашлик, маҳаллийчилик, этник жиҳатдан тафовутланишнинг ортиши	Жамоа ичидаги гуруҳлар	Кескин ва сиёсий тус олиши, жамоанинг бўлиниб кетиши ва ходимлар ўртасида жамоавий адоватни келтириб чиқариши.

Ички ишлар идоралари жамоаларидаги зиддиятларни бартараф этишда психологик билимларнинг ўрнини бекиёсдир. Бу хусусда кейинги параграфда батафсил тўхталсак-да, аммо шу ўринда айрим тавсияларни ҳам келтириб ўтамиз.

Гуруҳ ичидаги ва гуруҳлараро муносабатларда зиддиятларни бартараф этиш, барқарор муҳитни яратиш низоларнинг олдини олишга олиб келади. Бунинг учун жамоа бошлиқлари куйидаги ҳолатларни инобатга олишлари мақсадга мувофиқ:

- ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- меҳнатни тўғри ташкил этиш;
- бошлиқ билан ходим ўртасидаги муносабат хусусиятларини фарқлай олиш;
- жамоанинг ҳар бир аъзосининг бурч ва мажбуриятларини яхши билиши;
- ишда қатъий интизомни яратиш;
- ҳар хил салбий психологик ҳодисаларнинг тарқалишига йўл қўймаслик (миш-миш, ғийбат, аноним ҳолатлар).

Ҳар қандай касбий фаолият кундалик муомала жараёнидан иборат. Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасидаги муносабатлар расмий-маъмурий қурилганлиги боис низоли вазиятлар учун шарт-шароитнинг намоён бўлиши анчагина қулайдир. Берилган буйруқни бажариш, бошлиқ билан муносабатда низоли ҳолатларнинг олдини олишга шай туриш, жазолашнинг мураккаб кўриниш олиши ходимларда анча қийинчиликлар туғдиради. Агар ички ишлар идораларида фаолият кўрсатувчи ходимлар ўртасидаги муносабат маъмурий кўриниш билан ҳамкорликда ишлаш кўринишини олган шароитларда раҳбар билан ходим ўртасидаги муносабатларда субординация сақланган тақдирда ҳам ўзаро ҳурмат тамойилига асосланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошлиқ-ходим, ходим-бошлиқ, ходим-ходим муносабатларини тўғри йўлга қўйиш низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг асосий шартларидан бири саналади. Бу эса муносабат иштирокчиларидан одамлар билан муомалага киришиш малакасини талаб этади. Психологияда шахслараро муносабат ўрнатиш технологияси етарлича ишланган бўлиб, бу борада ходимлар маълумотга эга бўлишлари керак, Хорижий психологик тажрибалар низоли вазиятларни ҳал этишда эмоционал кўринишдаги шарт-шароитларни яратиш кераклигини уқтиради.

Ички ишлар идоралари жамоасида бошлиқдан шахснинг индивидуал хусусиятларини фарқлай олиши, уларнинг кечинмалари ва қобилиятларини сезиш лаёқатига эга бўлиши талаб этилади.

Кўпчилик зиддиятлар бошлиқнинг жамоа аъзолари билан низолашишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Муомалага киришимлиликни таъминлашда, алоқа ўрнатишда қуйидаги принципларни босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

1-босқич – психологик тўсиқларни бартараф этиш;

2-босқич – мос келувчи қизиқиш ва манфаатларни топиш;

3-босқич – муомала принципларини аниқлаш;

4-босқич – муомала учун хавфли сифатларни ажрата олиш;

5-босқич – муомалада шеригига мослашиш ва психологик алоқа ўрнатиш.

Принциплардан фойдаланиш босқичларига амал қилиш ҳамсуҳбатга таъсир кўрсатишнинг ва низоларга шарт-шароит туғдирмасликнинг энг яхши воситасига айланади.

Зиддиятнинг нафақат назарий томонларини, шунингдек, унинг амалий томонларини ҳам, ечимини ҳам билиш керак. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари фаолиятидаги жуда ҳам зарур ва долзарб муаммомдир, бу долзарблик уни ўрганишимизга сабаб бўлади.

Зиддиятни ечиш методикаси амалиётга ҳеч қандай таъсир қилмаслиги керак. Умуман, жамоада зиддият чиқмаслигида раҳбарнинг ўрни беқиёсдир, раҳбар асабийлашмаслиги, бошқача қилиб айтганда, зиддиятни ечишда бардошли бўлиши керак.

Зиддиятни ечишнинг ижобий (педагогик) ва маъмурий (салбий) йўллари мавжуд. Биринчисида кишиларнинг яхши ишлашлари учун шароит яратилса, иккинчисида зиддиятни юзага келтирган шахслар жазоланади.

Педагогик-психологик таъсир этишнинг асосий усулларидан бири ишонтириш усулидир. Бу усул жамоа мурожаат қилганида қўлланилади. Зиддиятнинг барча турлари жамоа фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, чунки унинг сабабларини аниқлаш, уни ечиш йўллари излаш, айбдорларни жазолаш ҳамма-ҳаммаси вақт талаб қилади. Умуман олганда, маъмурий жазолаш ҳеч иложи бўлмаган ҳолларда қўлланиши керак.

Зиддиятни ечишнинг асосий усулларидан ташқари, қуйидаги қўшимча йўллари ҳам мавжуд:

1) зиддиятни умуман йўқ қилиш (бўшатиш, бир ишдан иккинчи ишга олиб қўйиш);

2) зиддиятлашган томонлардан бири ютади, иккинчиси ютқазади, ютқазган уни тан олиши;

3) зиддиятда икки томондан бири иккинчисига йўл бериши;

4) зиддиятнинг аста-секинлик билан ўз-ўзидан йўқолиши;

5) зиддиятлашган кишилардан бири иккинчисининг талабини қондириш;

6) зиддиятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларнинг олдини олиш;

7) томонларни ишонтириш (бир-бирга) йўли билан яраштириб қўйиш.

Зиддиятни ечиш қийин ижтимоий психологик муаммо бўлиб, у келтириб чиқарган томонларнинг иккаласи ҳам ўзларича рухий томондан ҳақдирлар.

Зиддиятнинг олдини олиш ва ечишда қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– зиддиятни бартараф этишда аввал зиддиятларнинг келиб чиқиш шароитларини тўғри баҳолаш;

– зиддиятнинг келиб чиқишга шарт-шароит яратиб бермаслик;

– зиддиятнинг ўзагини аниқлаш, зиддиятнинг энг юқори нуқта-сида шахсий ўзаро келишишларни топиш;

– зиддиятнинг субъектив сабабларини аниқлаш;

– субъектлар томонидан зиддиятнинг йўналишини аниқлаш.

– зиддият қатнашчиларининг ҳамма фикрларини эшитиш, шошма-шошарлик билан хулоса чиқариб қўймаслик, асосий диққатни зиддият предметига қаратиш;

– зиддиятни ечишда энг мақбул йўл излаш.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, зиддият борасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) зиддият психологик нуқтаи назардан олиб қараганда ўта мураккаб назарий ва амалий муаммодир;

2) зиддиятни ижтимоий-психологик нуқтаи назардан иккига бўла-миз: қарама-қаршилик ва қарама-қарши курашлар;

3) зиддият ўзининг тузилиши ва динамикасига эга;

4) зиддиятни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив са-баблар мавжуд;

5) зиддиятни ечишда асосан педагогик ва маъмурий усуллар қўлланилади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Психологияда зиддият тушунчасига қандай таъриф берилади?
2. Зиддиятли ҳолатларнинг шахс психологияси ва унинг хулқ-атвориға таъсири нималарда кўринади?
3. Зиддиятнинг турларини айтиб беринг.
4. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида зиддиятли ҳолатларни психологик таҳлил қилинг.
5. Зиддият динамикаси ва унинг ривожланишидаги асосий босқичларни айтиб беринг.
6. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги қандай ҳолатлар оддий зиддиятли ҳолатлар ҳисобланади?
7. Зиддиятларни ҳал қилиш ва олдини олиш, ўз вақтида тўхтатиш йўлларини айтиб беринг.
8. Зиддиятларни бартараф этишнинг қандай усуллари мавжуд?

VI БОБ. ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ АХЛОҚ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ва уни белгиловчи омиллар

Жамоадан ташқари хатти-ҳаракат шахснинг қонун доирасидан четга чиқиши ва жамиятда ўрнатилган тартиб-қоида ва қонунларни билиб-билмасдан уларга қарши зид хатти-ҳаракатларни содир этишидир.

Шу сабабли ҳар қандай жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатлар, яъни оммавий ижтимоий тартиббузарликлар ижтимоий қўрқув, ваҳима остидаги деликвент хулқ ўзгаришларини юзага келтиради. Деликвентлик – тартиб, тарбиянинг издан чиқиши, яъни тартибсизлик, тарбиясизлик, конформлилик (ташқи таъсирларга берилиш), маданиятсизлик каби психик камчиликларни намоён этади. Инсон хулқ-атворида конформлилик даражасининг кучайиши оқибатида ноадекват (нонуносиб) хатти-ҳаракатлар юзага келади ва ташқи таъсирларга берилувчанлик ҳолатлари кузатилади. Натижада шахс хатти-ҳаракатларининг маълум маънода қолипдан чиқиши ва жамиятдаги мавжуд қонунчиликка мос келмайдиган, жамият учун зид бўлган жамоадан ташқаридаги хулқ-атвор юзага келади.

Инсонларнинг жамоадан ташқаридаги салбий хатти-ҳаракатларига оид жиноятлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 244, 277-моддалари асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади.

Инсоннинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатлари доираси кенг бўлиб, биз шундан фақат *миш-мишлар* ва *оломон психологиясига* тўхталиб ўтамиз.

Турли жамоаларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бўлмиш миш-миш гаплар ҳамда оломон доимо ҳуқуқшунослар, психологлар ва социологлар диққат-эътиборида бўлган. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ҳақида бир қатор олимлар ўз қарашларини баён этган. Масалан, француз психологи Ле Бон Гюставнинг фикрига кўра, «инсоннинг маълум бир гуруҳ ёки жамоа орасида ўзига бўлган ишончи, продавий кучининг ортишини ва интеллектуал онгининг сусайишини кузатамиз. Аксарият ҳолларда оломондаги одамда ўз

хатти-ҳаракатига нисбатан назоратнинг йўқолганлигини кўриш мумкин»¹.

Рус олими Ф. Н. Плевако инсонларнинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини психологик жиҳатдан таҳлил этган ва умумий хулосага келган. Муаллифнинг фикрича, оломон – катта бир девор, ундаги одамлар эса ушбу девор элементларидир. Оломон орасида бўлиш, ундаги инстинкт белгиларидир². Инсоннинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатлардаги зарур элементлардан бири унда лидернинг мавжудлигидир.

Шу нуқтаи назардан «инсоннинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракати» тушунчаси ижтимоий психология ва юридик психологияда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, инсон хулқ-атворининг маълум маънода ҳуқуқий нормадан чиқиши, унда инпульсив (шартсиз рефлекс) ҳаракатнинг намоён бўлиши билан изоҳланади. Бундан ташқари, инсон руҳиятида кучли кўзғалишни, ҳиссий мувозанатсизликнинг ортишини ва идрок этиш кўламининг торайишини сезиш мумкин. Жамоадан ташқари хатти-ҳаракатда асосий ролни, яъни доминантлик (устунлик)ни инсонларга раҳбарлик, ташкилотчилик қилаётган йўлбошчилар бажаради. Шунинг учун ҳам инсонларнинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатларига жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо берилганда йўлбошчилар жамоанинг ташкилотчиси ва раҳбари ҳисобланади. Улар асосан миш-мишларни тарқатишда ҳамда оломонни ҳаракатга кетиришда катта роль ўйнайди. Ижтимоий психологияда шахснинг ижтимоий муносабатларга киришиши, турли ижтимоий кўринишлардаги хатти-ҳаракатларининг ижтимоий психологик қонуниятлари ўрганилади. Чунки инсонларнинг бир-бирларини идрок этиши муносабатлар механизмини яратади. Шу нуқтаи назардан инсонларнинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини тартибга солишда бевосита оломон психологиясини ўрганиш, яъни инсон хулқ-атворини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва меъёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Чунки ҳар бир жамиятда жамоатчилик фикри, кайфияти ва ички маънавий-руҳий дунёқараш асосида ижтимоий психологик кўринишлар, ҳодисалар, воқеалар намоён бўлиб, бу динамик характерга эга. Яъни оломондаги инсоннинг хатти-ҳаракатларига ҳам

¹ Қаранг: *Ле Бон Гюстав*. Психология масс и народов. – М., 2000. – С. 56.

² Қаранг: *Плевако Ф.Н.* Избранные речи. – М., 1993. – С. 74.

биологик, ҳам ижтимоий омиллар доминантлик (устунлик) қилади. Натижада инсонда ташқи ҳодисалар таъсирига берилиш ички иродавий бошқарув ва ўзини ўзи назорат қилишнинг сусайишини кузатиш мумкин.

Бу борада атоқли рус олими М.И. Еникеевнинг «аксарият жиной хатти-ҳаракатларнинг замирида одамларнинг айрим ижтимоий кўринишларга бўлган дезадаптациялашуви (мослаша олмаслиги) сабаб бўлади»¹, деган фикрларида қайсидир маънода ҳақиқат мавжуд.

Шу нуқтаи назардан ички ишлар идоралари ходимлари ўз касбий фаолиятларида асосий ижтимоий-психологик кўринишлар (миш-мишлар, оломон)га қарши курашишда оломоннинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ва географик шарт-шароитларини чуқур ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши муҳим ўрин тутди. Инсон ҳаёти давомида урф-одатлар, этник ва ижтимоий қадриятларга риоя этишга мажбур. Бу, ўз навбатида, унинг жамоада ички муҳитни яратишида психологик механизм сифатида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда инсонларнинг хатти-ҳаракатларида ҳуқуқий нормалардан четга чиқишларда уларнинг айрим ижтимоий муносабатларга мослаша олмаслиги бош омиллардан бири саналади. Чунки ижтимоий мослашувчанликнинг йўқлиги нафақат ички қадриятларнинг, йўналишларнинг сустлигида, балки ундаги ижобий ижтимоий стереотиплар ва кўникмаларнинг шаклланмаганлигида ва ўзига ўзи берган баҳонинг пастлигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан оломон таркибига кирувчи одамларнинг аксариятида миш-миш гапларга психологик юқимлилик, конформлилик (ташқи таъсирларга тез берилувчанлик) ҳолатлари кўпроқ кузатилади. Шунини айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бевосита инсонлар онига ўз таъсирини ўтказди ва бу, қайсидир маънода, инсон хатти-ҳаракатларини маълум бир меъёрдан чиқишига сабаб бўлувчи бош омиллардан биридир. Чунки ҳар бир инсон маълум бир жамоада ўзининг ички дунёқарашлари, эҳтиёж ва мотивлари асосида қандайдир вазифани бажаради.

Асосий ижтимоий психологик кўринишлар, яъни миш-миш гаплар ва оломон ички ишлар идоралари ходимлари учун доимо оператив қизиқув уйғотган ва ҳамма вақт миш-миш гаплар

¹ Қаранг: *Еникеев М. И.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 65.

тарқатган ҳамда жамоат хавфсизлиги, тартибига хавф солувчи шахслар ҳисобга олинган.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқадиган бўлсак, асосий ижтимоий-психологик кўринишлардан бири бўлмиш миш-миш гаплар ва оломон психологиясини ўрганиш бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятидаги муҳим муаммолардан бири саналади. Шу сабабли ушбу ижтимоий-психологик кўринишларга батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ички ишлар органлари фаолиятида ашаддий ва ғаразли миш-мишлар ва уларнинг олдини олиш

Миш-мишлар одатда асосларга эга бўлмаган ахборотдир. Уларнинг объектив мазмуни матбуот, радио, телевидение орқали тарқатиладиган ахборотга нисбатан ниҳоятда кам. Аммо фақат шу асосда уларга эътиборсизлик кўрсатиш, мажозий қилиб айтганда, бола чўмилтирилган тоғорадаги сувни бола билан бирга ташлаб юборишни англатади. Гап шундаки, миш-мишлар мантиқсизлигига қарамай, аҳолининг муайян табақалари онги ва хатти-ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатади. Айрим ҳолларда, афсуски, миш-миш гаплар хатти-ҳаракатнинг расмий ахборотга қараганда кучлироқ детерминанти (омили) бўлади.

Шу маънода, миш-миш психологик тузилишга кўра ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб махсус ўрганилиб келинмоқда. Бунинг сабаби ўша йиллардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий аҳвол ва аҳолининг саводсизлиги бўлиб, бундан кўпгина шахслар ғаразли ниятларда фойдаланишган. Шу даврда миш-мишлар инсонлар ҳаёти ва тақдирида катта роль ўйнаган.

Ички ишлар идораларининг миш-мишларга қизиқиши бежиз эмас, албатта. Миш-мишлар кўпгина ҳолатларда оператив вазиятни мураккаблаштирувчи жуда хавфли омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Масалан, у ёки бу товар нархининг оширилиши ҳақидаги миш-миш харидорларнинг дўконларга оммавий «оқиб боришига» ҳамда осон пул топишга қизиқувчилар фойдаланиб қоладиган сунъий тақчилликни юзага келишига сабаб бўлади.

Одамлар орасида тарқатиладиган хилма-хил миш-мишларнинг барчасини бир қатор асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Акс эттирилаётган воқеа **адекватлигига кўра**, мутлақо ишончсиз, ҳақиқатга яқин унсурлари бўлган ишончсиз, ҳақиқатга ўхшаш ҳамда ҳақиқатга ўхшамайдиган элементлари бўлган ишончли миш-мишларга ажратилади.

Миш-миш тарқатувчининг сўзларидан аниқланадиган **позицияларга кўра** қуйидагилар ажратилади: *истак миш-миш*, бунда хабар амалга ошмаган истак туфайли умидсизлик келтириб чиқариш ва, бинобарин, одамларни тушкунликка тушириш мақсадига эга бўлади; *қўрқитувчи миш-миш* – ташвиш, қўрқув ва ишончсизлик кайфияти устунлик қиладиган одамлар орасида энг самарали тур; *тажовузкор миш-миш*, у муайян шахслар ёки муайян одамлар гуруҳларига нисбатан адоват (нафрат) уруғини сочади; *ажратувчи миш-мишлар*, булар одамларнинг ўзаро муносабатларида низо-жанжал келтириб чиқаради, улар ўртасида шубҳа, ишончсизлик кабиларни юзага келтириб одатдаги ижтимоий алоқаларни бузади¹.

Келиб чиқишига кўра тартибсиз равишда юзага келадиган ёки атайин ўйлаб топиладиган миш-мишлар бўлади. Оралиқ турлари ҳам бўлиши мумкин. Баъзан миш-миш ўз-ўзидан юзага келади, аммо муайян заминга тушгач, ахборотни ўз манфаатларидан келиб чиқиб ўзгартиришга тайёр, унинг тарқалишидан манфаатдор шахслар топилади. Дастлаб миш-миш атайин тарқатилган, аммо стихияли равишда амал қилувчи ижтимоий-психологик механизмларга тушиб, улар туфайли кўп бора кучайган ҳоллар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, душманларнинг мамлакатимизга қаратилган радио эшиттиришларида мавжуд бўлган баъзи миш-мишларни сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан етарлича етук бўлмаган одамлар эшитиб, ўз ҳаракатларининг оқибатларини ўйламай уни яна тарқатган ҳолларда ана шундай бўлади.

Одамлар онгига **таъсир кучига кўра** миш-мишлар қуйидаги турларга бўлинади. Ижтимоий фикрни *қўзғатувчи*, аммо аниқ кўриниб турган ғайриижтимоий хулқ соҳасига кирмайдиган миш-мишлар; аҳолининг муайян қисмида *ғайриижтимоий хулқни келтириб чиқарадиган* миш-мишлар; одамлар ўртасидаги *ижтимоий алоқаларни бузувчи* ва жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишга (масалан, стадионлардаги тартибсизликлар, табиий офат шарои-

¹ Қаранг: Социальная психология: Краткий очерк / Под общ. ред. Г. П. Предвечногo и Ю. А. Шерковина. – М., 1995. – С. 168–190.

тидаги саросималар ва бошқаларга) айланувчи миш-мишлар мавжуддир.

Миш-мишлар муайян психологик шароитлар мавжуд бўлганда юзага келади. Ушбу шароитларни тушуниш учун таниқли олим П. В. Симонов ҳис-ҳаяжонлар (эмоциялар) ахборот назариясига қизиқиш уйғотади¹, деган фикрни баён қилган.

Ушбу назарияга кўра, вақтнинг ҳар бир муайян дақиқасида долзарб бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун инсон аниқ ҳаракатлар содир этиши керак. Лекин у доимий равишда ўзгариб турувчи эҳтимолли муҳитда ҳаракат қилгани боис, қўйилган мақсадга эришиш учун унга эҳтиёжларини қаноатлантирувчи нарсалар ва шарт-шароитлар ҳақидаги ахборот керак бўлади. Эҳтиёж қанчалик кескин бўлса, инсоннинг зарур ахборотни излашга қаратилган фаолияти ҳам шунчалик жадал бўлади. Агар инсон хатти-ҳаракати (хулқи)ни ташкил қилиш учун етарли ахборотга эга бўлса, ҳис-туйғулар (эмоциялар) амалда юзага келмайди, юзага келса ҳам жуда суст кўринишга эга бўлади. П. В. Симоновнинг ёзишича, агар рақибни енгиш усуллари яхши маълум бўлса ва унга қарши курашаётганлар ана шу усулларни билсалар, ғазабнинг кераги йўқ; ҳимоя воситалари мавжуд бўлса ва самарадорлиги шубҳа уйғотмаса, ташвиш ва кўркүв учун сабаб йўқ. Инсон тасарруфидаги ахборотнинг етарли эмаслиги натижасида аниқ вазиятларда салбий ҳиссиётлар юзага келади. Ахборотга бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш учун зарур деб башорат қилинаётган ҳажмдан ортиб кетганида инсонни ижобий ҳиссиётлар чулғаб олади.

П. В. Симонов математик символлардан фойдаланиб қуйидаги ифодани келтиради:

$$X = \exists (Z - M)$$

Бунда **X** – ҳиссиётлар; **Э** – эҳтиёжлар; **З** – эҳтиёжни қондириш хулқини ташкил қилиш учун зарур ҳисобланган ахборот; **М** – мавжуд бўлган, яъни инсон тасарруфидаги ахборот.

Бизнинг мавзуга татбиқ этганда мазкур ифодани қуйидагича талқин этиш мумкин. Агар эҳтиёж нолга тенг бўлса (масалан, у ёки бу воқеа инсонни асло қизиқтирмаса), у ҳолда шахс ахборотга

¹ Қаранг: Симонов П. В. Что такое эмоции. – М., 1966. – С 57.

мухтож бўлмайди ва бу масалада ҳиссиётлар юзага келмайди. Бинобарин, миш-мишлар юзага келиши учун ҳам асос бўлмайди. Эҳтиёжни қондириш учун зарур деб ҳисобланган ахборот (З) мавжуд ахборот (М)га тенг бўлганида ҳам улар юзага келмайди. Агар муайян сабабга кўра одамларнинг бундай ахборот билан тўлиқ таъминланган жамоасига ташқаридан миш-мишлар кирса, бундан кейин улар тарқалмайди, балки унинг ичида барҳам топади.

М нолга тенг бўлганида, яъни инсон ўз хулқини ташкил қилиш ва долзарб эҳтиёжини қаноатлантириш учун зарур бўлган ҳеч қандай ахборотга эга бўлмаса, ҳиссиётлар максимал аҳамиятга эга бўлади, миш-мишлар учун эса энг қулай замин юзага келади. Бир томондан, эҳтиёжларни қондириш учун ҳаракат қилишдек кескин зарурат, иккинчи томондан, бунинг учун керакли ҳар қандай ахборотнинг йўқлиги инсонни ахборот манбаларини баҳолашда уларнинг фарқига етмайдиган қилиб қўяди.

Миш-мишлар нафақат ҳеч қандай расмий ахборот бўлмаган шароитда, балки бундай ахборот одамларнинг қизиқишларини қондирмаган, етарлича ишончли бўлмаган ёки шубҳали бўлган ҳолларда ҳам юзага келади ва тарқалади.

Инсон унга келаётган ахборотни бепарволик билан қабул қилмайди. У ушбу ахборотни ўз қарашлари ва эътиқодлари, янглишувлари ва хурофотлари, майл ва хуш кўрмасликлари билан солиштиради. Шахс агар норасмий йўллар билан бошқа хабар олган бўлса, расмий ахборотга танқидий муносабатда бўлади. Бундай вазиятда нафақат ахборот бериш, балки қайта ишонтириш талаб этилади. Бу эса янглишаётган одамнинг ўзи учун ҳам, уни қайта ишонтираётганлар учун ҳам жуда қийин бўлади.

Психология фанида ахборотни одамлар айнан ўз эҳтиёжларини қондириш учун тарқатадилар ва ўзлаштирадилар деб тўғри таъкидланади¹. Ушбу эҳтиёжларни уларнинг миш-мишлар билан қондирилиши нуқтаи назари билан кўриб чиқамиз.

Утилитар эффект одамлар олинган маълумотлардан ўз ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш учун фойдаланишларида намоён бўлади. Бу расмий ахборот тарқатилган, аммо миш-мишлар ҳам муайян, лекин ўзига хос аҳамиятга эга бўладиган ҳолатларда энг ёрқин кўзга ташланади. Масалан, Иккинчи жаҳон уруши давомида инглиз

¹ Қаранг: Социальная психология: Краткий очерк / Под общ. рад. Г. П. Предвечного и Ю. А. Шерковина. – М., 1995. – С. 192–196.

разведкаси Гитлер Германиясининг ҳарбий заводлари ишини издан чиқариш учун портловчи моддалар ишлаб чиқарилаётган шаҳарда сартарошхонада сочи куритилаётган завод ходималаридан бирининг боши портлаб узилиб кетгани, бу гўёки атмосферада порох чанги ҳаддан ташқари кўплигидан аҳолининг сочларига илашиб қолаётгани ва сирли портлашнинг имкониятдаги хавфи юзага келиши сабабли келиб чиққани ҳақида миш-миш тарқатди. Инглизларнинг айтишича, бундай миш-миш таъсирида кўпчилик завод ходималари шаҳардан қочиб кетганлар ва оқибатда қўйилган мақсадга эришилган.

Обрў самараси ахборот инсоннинг ёки шахс ўзини мансуб деб ҳисоблаётган гуруҳнинг обрўсини оширишидан қониқиш ҳосил қилишида намоён бўлади. Бу ҳодиса одамлар ички жиҳатдан қабул қилган мақсад ва қадриятларни тасдиқловчи ахборот (жумладан миш-мишлар)ни жон деб қабул қилиши ва осон ўзлаштиришига асосланади. Бизни қизиқтираётган муаммо нуқтаи назаридан, масалан, ахлоқий жиҳатдан етук бўлмаган ходимлари унинг шуҳратпарастлигини хушомад билан кўкларга кўтарадиган, ўзига бино қўйган бошлиқнинг хатти-ҳаракатида ёрқин намоён бўлади.

Миш-мишлар тарафлардан бирига бошқасига қарши қўшимча далиллар берган ҳолларда *позиция (мавқе)ни кучайтириш эффектини* юзага келтиради. Бу каби мисоллар мамлакатга қарши олиб борилаётган психологик урушларда хоҳлаганча топилади.

Позицияларнинг кучайтиришга мўлжалланган миш-мишлар баъзан, афсуски, бизнинг меҳнат жамоаларимизда ҳам юзага келади. Масалан, ахлоқан бузуқ инсоннинг ҳамкасбларига нисбатан шахсий адовати баъзан ҳалол одамларнинг яхши номига доғ туширишига олиб келади. Турли идора ва ташкилотларга келиб тушаётган аноним хатлар таҳлили ана шундан далолат беради. Эпистоляр жанрнинг бу тури кўпинча ўзига ёқмаган одамларнинг мавқеини бошқаларнинг қўли билан сусайтириш, оқибатида ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадига эга бўлган муаллифларнинг эшитган ва ўйлаб топган миш-мишларидан иборат бўлади.

Миш-мишлар даражасида *билишга бўлган қизиқишларни қаноатлантириш* эффекти ҳаддан ташқари қизиқувчан одамларга хосдир. Бу ерда ҳам қаноатланиш, албатта, хом-хаёл, қизиқишларнинг ўзи ҳам арзимас ва ахлоқий жиҳатдан умидсиздир. Шунга қарамай, бу жамоани кўзғатувчи миш-мишлар юзага келиши ва тарқалишининг психологик сабабларидан бири ҳисобланади.

Бу ҳодисанинг бошқа томони ҳам мавжуд. Агар, масалан, шаҳарда кундузи одамлар мавзелардан бири узра кўтарилаётган қуюқ тутунни кўрган бўлсалар, нима бўлганини билишга интилишнинг юзага келиши табиийдир. Агар одамларнинг қизиқиши ваколатли органларнинг расмий ахбороти билан қаноатлантирилмаса, ақлга тўғри келмайдиган миш-миш гаплар юзага келиши муқаррар. Бинобарин, одамларда тушунмасликдан берилган савол юзага келса, бундай савол қанчалик нозик ва аччиқ бўлмасин, ундан қўл силтаб кетиш мумкин эмас. Ходимлар жамоаларида ҳам бундай зарурат юзага келади. Қўл остидаги ходимларнинг билишга оид қизиқишининг баҳс мавзусига айланган муаммоларни ўрганмайдиган, улар юзасидан расмий изоҳ бериш зарур деб ҳисобламайдиган раҳбар бу билан носоғлом миш-мишлар юзага келишига шароит яратади.

Миш-мишлардан келиб чиқадиган *ҳиссий эффект* ижобий модалликни ўткир ҳис этиш хусусиятига эга бўлиши мумкин. Ҳиссиётлар ахбороти назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, инсон ҳис қилаётган қониқиш, лаззат миш-мишлардаги хабар (гарчи ёлғон, воқеликка мос келмайдиган, аммо ростга ўхшаб кетадиган бўлса ҳам) кутилганидан ортиқ ахборот берганидагина мавжуд бўлади. Қандайдир (моддий ёки маънавий) қадриятларга эга бўлишга интилган ҳолларда ахборотнинг бундай ўзига хос кўплиги завқ, хурсандчиликни юзага келтиради. Масалан, амалга ошиш эҳтимоли жуда камдек туюлган азалий орзу кутилмаганда ушалганини таъкидловчи миш-мишнинг оқибати ана шундай. Ушбу ҳолда ҳиссий завқланишга (разрядкага) бўлган эҳтиёж қаноатлантирилади, ҳолбуки, албатта, миш-миш бундай мақсадга ўзига хос тарзда, инсон хабарнинг чин ёки чин эмаслигини билмаган бахтли ҳолатда бўладиган давр мобайнидагина эришади.

Кўриб турганимиздек, миш-мишларга қарши кураш – осон иш эмас, бу мақсадда турли-туман усуллардан фойдаланилади. Аммо, асосийси – одамларда миш-мишларга қарши маънавий-руҳий барқарорликни шакллантириш. Бунга эса бутун мафкуравий ишлар тизими билан эришилади.

Миш-мишлар ўзи моҳиятига кўра маълум маънода тасдиқлаган ёки ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган хабар (маълум маънода) вазифасини бажаради, шунинг учун ҳам баъзи шахслар ҳаётида ва жамиятда маълум бир ижтимоий психологик муаммоларни юзага

келтиради. Натижада жамиятни, инсонлар турмуш тарзини ўзгартириб юбориш хусусиятига эга.

Шу нуқтаи назардан миш-мишлар ижтимоий психологик хусусиятга эга бўлиб, жамоатчилик онгига салбий таъсир кўрсатади ва жамиятга зид бўлган оммавий тартиббузарликларни келтириб чиқаради. Бу эса ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятини янада мураккаблаштиради.

Кўп ҳолларда миш-мишларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг асосий сабабларидан бири шахсларда керакли маълумотларнинг етишмаслигидир. Бунинг натижасида шахсларнинг маълум муаммо, воқеа-ҳодисага нисбатан талаб, эҳтиёж ва қизиқишлари қондирилмайди. Бу эса, ўз навбатида, хабарларни тарқатишда унларга эмоционал тус беради, уларни бўрттириш ва бойитишга олиб келади. Миш-мишлар маълум мақсад ва манфаатларга қаратилиб, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маиший йўналишларда намоён бўлади. Улар ғаразли ниятларда тарқатилади.

Миш-мишларни тарқатувчи шахсларнинг психологик хусусиятига назар ташлайдиган бўлсак, улар ҳамиша хабарларини ишончли манбалардан олинган деб айтишади ва инсонларга ўзларини билағон қилиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бундай шахслар инсонлардаги ҳаяжонни кўриб, воқеаларга янада кўпроқ эмоционал тус беришга интилишади.

Албатта, баъзан миш-мишларнинг кучи ҳақиқий ахборотдан ҳам кучли бўлиши мумкин ва айрим ҳолларда маълум вақт худди шундай бўлади.

Кўп ҳолларда миш-мишлар ҳудуддаги оператив вазиятга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, нарх-навонинг кўтарилиши, пулнинг алмашиши борасидаги миш-мишлар инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатади ва бу кўпчилик ҳолатларда инсонларнинг ҳиссий зўриқишига сабаб бўлади, натижада улар хатти-ҳаракатларининг издан чиқишига олиб келади.

Кўпчилик ҳолатларда миш-мишларнинг тарқалиши ва эътирозли ҳолатларнинг пайдо бўлишига манфаатли шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва хабарлари сабаб бўлиши мумкин. Масалан, 2004–2005 йилларда ана шундай миш-мишлар тарқалган: гўёки ёш болаларни ўғирлайдиган савдойи пайдо бўлгани ва у болаларнинг тана аъзоларини трансплантация қилиши ҳақидаги миш-миш гаплар тарқалиб, одамлар руҳиятида кўрқув ҳиссини пайдо қилган.

Бундай пайтларда ички ишлар идоралари ходимлари маълум вақтгача хабарнинг ўзагини топишга қийналишади, охир оқибат шаҳарда кучайтирилган оператив вазият юзага келади.

Демак, миш-мишлар маълум бир воқеа, ҳодисалар ҳақидаги хабар бўлиб, бир киши томонидан иккинчи бир кишига етказиладиган оғзаки хабардир. Миш-мишлар баъзи шахслар томонидан ўйлаб топилган бўлиши ҳам мумкин.

Миш-мишларни қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ҳодисаларни тасвирлаш;
- 2) эмоционал тон (тус) бериш, изоҳлаш;
- 3) миш-миш гапларни таъсир кучидан фойдаланиш.

Миш-мишлар ўз маъно моҳиятига кўра уч турга бўлинади:

- 1) умуман ҳақиқатга тўғри келмайдиган миш-миш гаплар;
- 2) маълум маънода тасдиқланган (ҳақиқат бор) миш-миш гаплар;
- 3) тўлиқ маънода ҳақиқатга эга бўлган миш-миш гаплар.

Умуман, миш-мишлар ўз характериға кўра тўғри, айнан ҳақиқатнинг ўзини ташкил қилмайди, сабаби миш-мишлар бир шахсдан иккинчи шахсга ёки бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтишда қандайдир қўшимча ўзгариш бўлади, яъни «миш» қўшилади.

Миш-мишлар агрессив (ашаддий) бўлиши мумкин (1992-йилдаги талабалар шаҳарчасида бўлган воқеани кўз олдингизга келтиринг). Бундай вазиятларда одамлар ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қолади, бу ҳолатлар айниқса кичик-кичик гуруҳлардаги одамлар орасида кўп учрайди. Миш-мишлар ўз хусусиятига кўра махсус ташкил этилади ва бирдан юзага келиши мумкин.

Махсус ташкил этилган миш-мишлардан кўзланган мақсад яширин мотивлар, ғаразли ниятлар билан амалга оширилади.

Миш-миш гаплар шахслар онгига қуйидагича таъсир кўрсатади:

- 1) шу муаммо бўйича онгда маълум тасаввур юзага келади;
- 2) аҳоли орасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришиб, жамиятдаги мавжуд тартибни бузиш юзага келади.

Шунингдек, ер қимирлаш, табиий офатлар, террорчилик актлари ҳақидаги миш-мишлар инсонлар онгида кўрқув ҳиссини пайдо қилади.

Миш-миш гапларга қарши курашиш учун:

– оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш ва миш-мишлар ҳақидаги маълумотларга аниқлик киритиш ҳамда мазмун-моҳиятини очиб бериш;

– миш-мишларнинг тарқалиш ҳудудини кузатиш ва ўша ҳудудда профилактик ишларни ташкил этиш;

– жамоатчиликка миш-мишлар билан боғлиқ масалаларни тўғри тушунтириш ва аниқ ахборотлар бериш;

– миш-мишларнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда жамоатчилик кучларидан фойдаланиш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

1) миш-мишлар ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, ички ишлар идоралари ходимлари ишини қийинлаштиради, жамоатчилик онгига салбий таъсир кўрсатади;

2) миш-мишлар тасдиқланмаган хабар бўлиб, ўз кучи, мазмуни, характеридан келиб чиққан ҳолда одамларда эмоционал ҳисларни юзага келтиради;

3) миш-мишлар тарқатишнинг асосий сабаблари шахсларнинг гуруҳлар, жамоалар, одамлар орасида ўзини кўрсатиши, миш-мишларни қаёқдан келишини билган ҳолда бошқаларни содир этилиши мумкин бўлган воқеалардан хабардор қилиш, ўзларидаги мавжуд зўриқишни туширишдир.

3. Ички ишлар идоралари фаолиятида оломон психологияси ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хослиги

«Оломон» атамаси ижтимоий психологияга XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида юз берган омманинг қудратли инқилобий кўтарилиши даврида кириб келди.

Ўз табиатига кўра оломон ҳаракатдаги, шунингдек, *тажовузкор, қутқарилаётган, манфаатпараст, экстатик* (масалан, пир, айтайлик машҳур жаз мухлисларининг диний мутаассиблиги ёки ақлсизлиги туфайли юзага келадиган оломон) турларга бўлинади. Юқорида келтирилган таснифнинг муаллифи психолог Ю. А. Шерковин таъкидлаганидек¹, бундай ажратиш шартлидир. Оломоннинг бир тури айни вақтда бошқасининг жиҳатларига эга бўлиши ва янги турига айланиши мумкин.

Собиқ Иттифоқ ижтимоий психологлари (Б. Ф. Поршнев, Б. Д. Паригин, Ю. А. Шерковин, Н. Ф. Феденко ва бошқалар)нинг

¹ Қаранг: Социальная психология: Краткий очерк / Под общ. ред. Г. П. Предвечногo и Ю. А. Шерковина. – М., 1995. – С. 289–290.

илмий ишларини таҳлил қилиш асосида оломонинг бир қатор психологик хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Оломоннинг энг муҳим фарқли жиҳати уни ташкил этувчи одамлар таркибининг тасодифий хусусиятларидир. Бу, албатта, оломоннинг юзага келиши ижтимоий ҳодисаларнинг сабабоқибатлари доирасидан четга чиқишини билдирмайди. Оломоннинг дастлабки ўзаги оқилона мулоҳазалар таъсирида шаклланиши ва ўз олдига жуда аниқ мақсадлар қўйиши мумкин. Бироқ ўзакнинг бундан кейинги ривожланиши шиддат билан ва ўз-ўзидан юз беради. Оломон бунгача бир-бирини мутлақо танимаган, умумий томонларига эга бўлмаган одамларни ўз ичига олиб, ўсиб боради.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун спиртли ичимлик истеъмол қилган ва безорилик қилаётган ўсмирлар оломонига мурожаат этишнинг ўзи етарли. Бундай оломон таркибида уни жипслаштириш бўйича фаол ҳаракат қилувчи ва секин-аста унинг хатти-ҳаракатини йўналтирувчи *бошловчилар* ажралиб туради. Булар жамиятда ўрнатилган ахлоқ қоидаларини тан олмайдиган, ахлоқи бузилган одамлардир. Ўз қадриятларини оломон ҳаракатларининг йўналиши билан *бирдай кўрувчи* оломон иштирокчилари улардан ажралиб туради. Масалан, баъзан оломоннинг тажовузкор ҳаракатлари қаратилган объектдан аламзада бўлиб юрган одамлар ҳам гуруҳий тартиббузарликларга тортиладилар. Улар бошловчи эмас, аммо оломоннинг таъсир доирасида қолиб, унда фаол иштирок этадилар. Оломон ичида унга фақат ўз «бебош феълени» кўрсатиб қўйиш, ўзининг шафқатсизликдан хузур қиладиган импульсларини чиқариш имконияти пайдо бўлгани туфайлигина оломонга қўшилган *тажовузкор* шахслар айниқса катта хавф туғдиради. Энг оғир ҳаракатларни одатда улар содир этадилар.

Гуруҳий тартиббузарлик иштирокчилари орасида ҳалол, аммо *адашганлари* ҳам мавжуд. Улар вазиятни хато, адолат принципини нотўғри тушунганлиги туфайли оломонга кириб қоладилар. Бундай инсоннинг хулқини баҳолашда унинг объектив оқибатларини ва субъектив жиҳатларини фарқлаш зарур. Объектив жиҳатдан у гуруҳий тартиббузарлик иштирокчиси бўлиб қолади, субъектив жиҳатдан эса у ўзини жамиятга қарши унсур деб ҳисобламайди.

Оломонга, шунингдек тасодифий қўшилиб қолганлар (*обивателлар*) ҳам киради. Улар катта фаоллик кўрсатмайдилар, уларни, спорт шарҳловчилар айтганларидек, ҳаяжонга солувчи томоша

сифатидаги тартиббузарлик ўзига жалб қилади. Бу томоша гўёки уларнинг бир хил ва зерикарли, бемаъни тирикчилигига қандайдир янгилик киритади. Гуруҳий тартиббузарликларда умумий кайфиятга берилувчан, стихияли ҳодисалар ҳукмига ўзини қаршиликсиз бериб юборадиган ўта **таъсирчан** одамлар ҳам иштирок этадилар. Ниҳоят, оломонга ташқаридан (ички позицияси нуқтаи назаридан) кузатиб турадиган, воқеаларнинг боришига аралашмайдиган оддийгина **текин томошабинлар** ҳам киради. Бироқ уларнинг ҳозир бўлиши оммавийликни оширади, оломон стихиясининг одамлар хатти-ҳаракатига таъсирини кучайтиради.

Демак, юқорида таъкидланганидек, оломоннинг тасодифий таркиби – унинг ўзига хос психологик хусусиятларидан бири бўлиб, буни гуруҳий тартиббузарликларга қарши кураш чораларини кўришда инобатга олмаслик мумкин эмас.

Оломоннинг кейинги хусусияти одамлар **хатти-ҳаракатининг бир хиллигини белгиловчи** ижтимоий-психологик ҳодисаларнинг ўзига хослигида намоён бўлади. Жамоада, маълумки, бир хилдаги хатти-ҳаракат онгли равишда қўйилган ва барча эътироф этган ҳамда ижобий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кадриятларнинг умумийлиги билан таъминланади. Оломон эса асосан одамларнинг бундай умумийлигини норозилик объектига қарши қўйиш эвазига яратилади. Б. Ф. Поршинева таъкидлаганидек, оломонни унинг «қаршилиги», «уларга» қаршилиги умумийликка айлантиради.

Оломоннинг кейинги хусусияти – унда, шартли равишда, **ҳиссий резонанс** деб аташ мумкин бўлган ўзига хос ижтимоий психологик ҳодисанинг амал қилиши саналади. Гуруҳий тартиббузарликда иштирок этувчи одамлар нафақат оддийгина бир-бири билан ёнма-ён келади, балки атрофдагиларни кўзғатадилар ва ўзлари ҳам улардан таъсирланадилар. Бир кишининг олган кўзғалиши, бошқасининг идрок этиш объектига айланиб, унинг кўзғалишини янада кучайтиради ва бу ҳол онг томонидан назорат қилиниши қийин бўлган ҳиссий портлашгача бориши мумкин.

Оломон шаклланишининг илк белгиларидан гуруҳий тартиббузарликкача бир қанча босқичлар босиб ўтилади.

Баҳонанинг **юзага келишини** гуруҳий тартиббузарликларнинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. Одамларнинг эътиборини тортган ва улар нотўғри талқин этган ҳар қандай воқеа ёки

факт ана шундай баҳона бўлиши мумкин. Тадқиқотларнинг кўрса-тишича, баҳоналар ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин.

Гуруҳий тартиббузарликнинг етилишидаги иккинчи босқич дастлабки *хавотирли миш-мишларнинг* пайдо бўлиши билан боғлиқ. Тартиббузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолият ушбу босқичда анча қийинлашади. Одамлар воқеага нисбатан муайян қарашни ўзлаштиришга улгурган бўладилар ва ҳар қандай ахборотни ўзларининг янглишувлари орқали қабул қиладилар. Вазиятнинг янада мураккаблашувиға қарши курашнинг йўли – одамларни қайта ишонтириш, миш-мишларнинг ёлғонлигини далиллар билан исботлашдир. Бу босқичда воқеа ёки факт манфаатларига кўп даражада таъсир кўрсатган одамларни якка тартибда қайта ишонтириш энг кўп самара беради. Бу босқичда омма олдида миш-мишни рад этиш вазиятни чигаллаштириши, миш-мишларнинг янада кўпроқ тарқалишини келтириб чиқариши мумкин.

Учинчи босқични шартли равишда *ақлларнинг ачиши* деб аташ мумкин. Дарҳол рад қилинмаган миш-мишлар тарқалишда давом этади, катта ўзгаришларга учрайди ва одамларда ҳозирча «кар» кўзғалишни юзага келтиради. Бу босқич ҳам, аввалги иккита босқич ҳам одамларнинг – оломоннинг тўпланишидан аввал келади ва уни психологик жиҳатдан тайёрлайди.

Тўртинчи босқич оломоннинг шаклланиши билан боғлиқ. Дастлаб тўпланган одамлар орасида ўзига хос *циркуляр реакция* бошланади, яъни бундан кейин бир хилдаги хатти-ҳаракатга руҳий асос яратувчи фикр ва ҳиссиётларнинг жадал алмашинуви рўй беради. Сўнгра айланиш жараёни бошланади: ҳиссий кўзғалиш кучаяди, одамлар бунинг оқибатида зудлик билан ҳаракатга ўтишга тайёр бўлиб қоладилар. Айланиш жараёнида норозилик объекти аниқлашади, нафрат образи шаклланади. Ниҳоят, одамларнинг фаоллашуви бошланади. Бу жараёнда, масалан, оломон етакчиси амалга ошираётган қўшимча рағбатлантириш айланиш жараёнида шаклланган образга қарши қаратилган импульсларни юзага келтиради¹.

Бешинчи босқич оломоннинг *зайриижтимоий хулқининг ривожланиши*, яъни гуруҳий тартиббузарликларнинг

¹Қаранг: Социальная психология: Краткий очерк / Под общ. ред. Г. П. Предвечногo и Ю. А. Шерковина. – М., 1995. – С. 291.

ўзидир. Тартиббузарликни бошловчилар ифвосига учган энг тажовузкор шахслар бошлаб берадилар. Сўнгра, тақлид асосида, оломон ёмон намунага эргашади, бебошликни ривожлантиради. Оломоннинг ғайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олиш ва уларга чек қўйиш учун турли шакл ва усуллардан фойдаланилади. Улар учун умумий бўлган жиҳат – оломон хулқининг психологик қонуниятларини чуқур билиш ва аниқ ҳисобга олиш. Масалан, анонимлик ҳисси оломон иштирокчиларини онгсиз ҳаракатларга ундашидан қуйидагича фойдаланиши мумкин. Оломон анча катта бўлганида овоз кучайтиргич воситаси орқали унинг аниқ иштирокчиларига мурожаат этиш тўғри бўлади. Бу ҳол энг соғлом фикрловчиларни ўз ҳаракатларини англашга ундайди, уларга ўзини назорат қилишдек йўқотган ҳиссиётини қайтаришда ва ўз хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис қилишида ёрдам беради.

Шу нуқтаи назардан **оломон**, психологик жиҳатдан келиб чиқишига кўра, махсус, ҳеч қандай инсонлар томонидан ташкил этилмаган одамларнинг хатти ҳаракатлари йиғиндисиدير.

Француз психолог олими Ле Бон Гюставнинг фикрича, «оломон йиғилганда миллати, касби, тилидан қатъи назар, уларда мақсад битта бўлади ва уларнинг онгида тўла фикрлаш йўқолади, ҳатто ўлим ҳам уларга кўрқинчли эмасдек кўринади»¹.

Оломон психологиясини билиш ички ишлар идоралари ходимлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, оммавий тартибсизликлар, намойишлар, митинглар каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда қўл келади.

Оммавий тартибсизликлар, митинглар ва турли намойишлар уюлмаган бир гуруҳнинг салбий хатти-ҳаракатлари асосида амалга оширилади. Оломонга қўшилган шахслар онгида тақлид қилишга кучли мойиллик, ташқи таъсирларга берилувчанлик ва ижтимоий жавобгарлик ҳиссининг йўқлигини кузатиш мумкин. Шу сабабли оломон айрим ғаразли, ифвогар шахслар учун объектни йўқ қилувчи қуролга айланади.

Оммавий тартибсизликларнинг ташкилотчилари йиғилган оломоннинг салбий хулқ-атвор механизмларидан усталик билан

¹ Қаранг: *Ле Бон Гюстав*. Психология народов и масс. – М., 2000. – С. 62.

фойдаланиб, улардаги тажовузкорлик инстиктларини кўзгатадилар. Оммавий тартибсизликлар давлатга, унинг юритаётган сиёсатига қарши миш-мишлар уюштириш, халқ ўртасида тажовузкорлик ҳолатларини келтириб чиқариш учун қўлланилади. Бундай вазиятларда омманинг хатти-ҳаракатини тартибга солиб бўлмайди.

Оломон ўзи характерига кўра агрессив (ашаддий) бўлиши мумкин, ашаддий миш-мишлар оммавий тартиббузарликларни юзага келтиради.

Оломон психологиясида меники ва уларники деган фикр албатта мавжуд. Яъни оломон вазиятни мураккаблаштирувчи ва ўзига хос тезлаштирувчи генератордир. Мисол сифатида 2006 йили Испанияда, 2007 йил Покистонда бўлган халқаро митинглардаги оломонни келтириш мумкин. Оломон психологиясида маълум ўзгаришлар рўй беради, бу ўзгаришлар нималарда содир бўлишини кўриш мумкин.

Оломон хатти-ҳаракатининг юзага келиш психологияси қуйидаги кўринишга эга:

1) оломонда кўриш ва эшитиш орқали кучли эмоционал ҳолат юзага келади;

2) ўзининг хатти-ҳаракатларига жавоб бериш улар учун охириги ўринга ўтади;

3) ўзида кўшимча куч ва онгида ўзгариш сезади.

Оломон, содир бўлган воқеа ва ҳодисага қараб, қуйидаги турларга бўлинади.

1) тўсатдан юзага келган оломон;

2) экспрессив (тўсатдан юзага келган) оломон;

3) конвенциал оломон.

Тўсатдан юзага келган оломон бирдан тўпланади, воқеа-ҳодисанинг моҳиятини тушунишни хоҳлайди. Ушбу турга тўй-ҳашам, худойи, жанозалардаги оломон – халқ киради.

Конвенциал оломонга оммавий спорт тадбирлари, масалан, футбол учрашувларига йиғилган одамлар киради. Ушбу тоифадаги оломоннинг ўзига хослиги шундаки, кўп ҳолларда уларнинг ахлоқи маълум қолипдан чиқиб кетади. Бу уларнинг бақириқлари, қайғуришлари, қувонганларида кўринади.

Ҳаракатдаги оломонга Донбасдаги шахтёрлар ҳаракатини, Брянск ва Брестдаги ўқитувчилар ҳаракатини мисол қилишимиз мумкин. Ҳаракатдаги оломонни, кўпинча, кўзғолончи оломон деб аташади, бундай оломон кўзғолон орқали ўз ниятини амалга оширади.

Ашаддий оломон ҳамма ёқни бузади, синдиради, ўт ёқади, бу билан оломоннинг ўзи ҳам ваҳимага тушади.

Оломон ҳам ўз таркибига эга, масалан:

- 1) адашиб кўшилиб қолган шахслар;
- 2) ашаддий ҳаракатдаги шахслар;
- 3) оломон ҳаракатини қўллаб-қувватлайдиган шахслар;
- 4) бошловчилар (яъни, ўт ёқувчилар.)

Ўт ёқувчилар оломоннинг хатти-ҳаракатини, ахлоқини издан чиқаради ва бир йўналишга қаратади. Бундай шахслар ўзлари ҳеч қандай йўлга юрмайди, ишни бошлаб кейин оломон орасидан қочадилар.

Оломоннинг хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб юрадиган шахсларнинг бевосита иштироқи кам бўлади.

Оломон таркибидаги энг кўрқинчли шахслар тажовузкор шахслардир, улар ўз ахлоқини кўз-кўз қиладилар.

Баъзи ҳолларда айрим шахслар ўзлари билмаган ҳолда шу оқимга кўшилиб кетадилар ва оломонни тўлдиради. Уларнинг шундай аҳволга тушишига сабаб ёлғон хабарга учишидир.

Оломоннинг шаклланиш босқичлари:

- 1) шароитнинг юзага келиши (циркуляция);
- 2) миядаги қайнаш;
- 3) душман образининг шаклланиши;
- 4) оломоннинг фаоллашуви;
- 5) жамиятга қарши ҳаракатнинг авж олиши.

Циркуляр, яъни айланма реакция оломоннинг шаклланишига олиб келади, бунда ҳар хил имкониятлар, масалан, фактлар (далиллар), турли хабарлар яратилади.

Миядаги қайнашда одамлар бир-бири билан фақат хабар алмашади ва энг асосийси маълум бир фикрда туришади. Шунинг учун ҳам бошқа хабарни (янги) эшитганда ўзларини маълум маънода адашмаган деб ҳисоблайдилар.

Душман образининг шаклланиши шундай ҳолатки, унда оломон фақат салбий ҳолатларни тасаввур қилиб, ўзи норозилигини билдиради. Буларнинг ҳаммаси оломоннинг ҳаракатини фаоллаштиради.

Бундай тасаввурдаги объектлар оммани бирлаштиради ва бир бутун қилади. Охирги босқич жамиятга қарши хатти-ҳаракатни юзага келтириш ва оломон фаолиятини фаоллаштиришдир.

Ваҳима, кўрқув ва саросимага солиш оломоннинг асосий вазифаларидан бўлиб, бундай ҳолатларда шахсларнинг хатти-ҳаракатида ўзини ўзи бошқариш охирги ўринга туришини, жавобгарлик ҳиссининг йўқолишини кузатиш мумкин. Ваҳима, кўрқув ва саросима асосида мавжуд ёки эҳтимоллик хавфи олдида ожизлик, уни енгиб ўтиш ўрнига ундан қочиш фикри пайдо бўлади. Ваҳима кўрқувнинг психофизиологик механизми бўлиб, бош мия пўстлоғининг катта майдонида индукцион тормозланиш, англаш фаоллигининг сусайишига олиб келади ва тез эмоционаллик ҳолатини юзага келтиради. Натижада шахсда ноадекват (номос) фикрлаш, иллюзион (нотўғри) идрок қилиш, кучли эмоционал кўзғалиш оқибатида хавфни бўрттириш, кучли таъсирчанлик, берилувчанлик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Ваҳима ва кўрқув гуруҳий ва индивидуал тарзда юз беради. Индивидуал тарзда юз берадиган ваҳима ёки кўрқув ҳаракатларнинг ноадекватлигида, бирор-бир хулоса, қарорга келиш, мавжуд хавфдан қочиш, ундан кутилиш учун хавфсизлик чораларини кўра олмаслик ҳолатларида намоён бўлади. Оммавий тартибсизлик ҳолатларидаги вазият етакчининг индивидуал ваҳима ва саросимага бўлган акс таъсири билан бевосита боғлиқдир.

Ваҳима, саросима, кўрқув асосан икки турга бўлинади:

– қалтис вазиятларда кўрқиб натижасида ўлим хавфини ҳис этиш;

– муддатли хавотирланишдан сўнг кучли зўриқиш, асаб тизимининг бузилиши, диққатнинг хавотир предметиға йўналганлиги.

Ички ишлар идоралари ходимлари вужудга келиши мумкин бўлган бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида олдиндан профилактик чора-тадбирларни қўллашлари лозим. Оммавий тартибсизликлар пайтида оммани тарқатиш учун уни

кичик гуруҳларга ажратиш, оломондаги ашаддий иштирокчиларни топиш ва уларни жазолаш муҳим аҳамият касб этади.

Оломондаги жамиятга қарши ҳаракатларнинг олдини олишда ички ишлар идоралари ходимлари ижтимоий психология ва унинг қонуниятларини яхши билишлари, яъни ижтимоий жараёнлар, жамоа ва гуруҳларининг психологик хусусиятларини, уларни ҳаракатга келтирувчи психологик механизмларни ҳисобга олишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, жамиятдаги маънавий-руҳий муҳитни ўрганишлари, ижтимоий психологик муносабатлар тизимида жамоа ва гуруҳларнинг ўрнини билишлари зарур.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жамоадан ташқари ахлоқ субъектлари ва уларнинг психологик тавсифни айтиб беринг.
2. Миш-мишлар тарқалишининг психологик сабаблари қандай намоён бўлади?
3. Миш-мишлар қандай ижтимоий психологик тавсифга эга?
4. Оломон психологияси ва оломон турларига изоҳ беринг.
5. Оломон ҳаракатида қандай психологик механизм ва кўринишлар мавжуд?
6. Оломон таъсирида шахслар психикасида қандай ўзгаришлар рўй беради?
7. Оломон ва гуруҳли эксцессларнинг фарқи нимада?
8. Фавқулодда ҳолатларда оломоннинг ахлоқи тўғрисида фикр билдиринг.

VII БОБ. ҲУҚУҚБУЗАР ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Жиноий хулқ ва унда «нормадан четга чиқиш» тушунчаси

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қилади.

Анъанага кўра, ғайриижтимоий хулқ сабаблари икки гуруҳга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ-одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўринишларини таҳлил қилиш мазкур муаммони бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур, деган хулосага олиб келади.

Ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини ижтимоий-психологик-биологик сабаблар деб аташ зарур. Бунда «психологик» жиҳатнинг ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгаллигини англатади.

Ғайриижтимоий хулқ сабаблари ҳақида сўз борар экан, аввало, муаммони таҳлил қилишнинг асосий принципларини келтириб ўтамыз.

1. Ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омиллидир, у бир ёки ҳатто бир қанча сабабларнинг оқибати эмас. Бироқ, алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти уни ўрганиб бўлмаслигини билдирмайди. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва биологик омиллар ўз-ўзича эмас, балки жиноятчи хулқининг типини ҳосил қилувчи унинг шахсий-психологик

хислатларида бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

2. Ғайриижтимоий хулқ ижтимоий ижобий хулқдан йўналишининг мазмуни бўйича ҳам, психорегуляцион хусусиятлари бўйича ҳам ажралиб туради. Шахс хулқи унинг эҳтиёжлари, анланган ва анланмаган майллари тизими, олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Агар уни схема тарзида тасвирлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш ҳосил қилади.



Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

3. Ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан баҳрамандлик даражаси билан боғлиқдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда қандайдир ягона хулқ тизимларига маҳкум эмас, у кўп функциялидир. Унинг хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради.

4. Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.


5. Инсон хулқида на объектив, на субъектив омилларни алоҳида ажратиш мумкин. Ижтимоий омиллар одамлар хулқида бевосита ички шахсий, индивидуал-психологик ҳодисалар орқали таъсир кўрсатади (ва бу, баъзан «жиноий табиат» иллюзиясини юзага келтиради).

6. Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятидир), биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанчалик чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунчалик катта роль ўйнайди.

Криминолог олим З.С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; б) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилиқ) билан боғлиқ жараёнлар; в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар¹.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёни қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат бу шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳитнинг ўртасидаги алоқанинг натижаси деган фикрга асосланган ҳолда муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини қуйидагича тасвирласа бўлади:

¹ Қаранг: *Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996 –130-б.



Рус олими Г. А. Аванесов инсон хатти-ҳаракатига салбий таъсир этувчи қуйидаги биологик шарт-шароитларни ажратади:

– жинсий бузилиш ва жиноятларнинг сабабига айланадиган биологик эҳтиёжлар патологияси;

– асаб тизимининг қўзғалувчанлигини кучайтирадиган, ноадекват реакцияни келтириб чиқарадиган ва ҳаракатларни ижтимоий назорат қилишни қийинлаштирадиган асаб-руҳий касалликлар (психопатиялар, невротениялар, касаллик ва соғлиқ чегарасидаги ҳолатлар);

– турли хил психосоматик, аллергик, захарвандлик билан боғлиқ касалликларга олиб келадиган ва қўшимча жиноий омил бўлиб хизмат қиладиган психофизиологик зўриқишлар¹.

Руҳий аномалия (нормадан оғиш)лар эса ирсий (генетик) илдизларга эга бўлиб, асабий-руҳий бузилишлар фақат ноқулай муҳит таъсиридагина жиноий хулқнинг сабаби бўлиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидаёқ психиатрлар (Антонян Ю.М., Бородин Ц. А., Виноградов М. В., Голуб Ц. А. ва бошқ.) жиноий хулқ тури билан руҳий аномалия ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаганлар. Масалан, рус олими Ю.М. Антоняннинг фикрича, «...ақли ожизлар, кундалик ҳаётга мослаша олмайдиганлар ўзларининг тубан эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўғрилик, баъзан эса қотиллик жиноятларини содир этадилар. Беқарор ва ташқи муҳит таъсирига тез берилувчан ихтиёрсиз психопатлар одатдаги ўғрилар сафини осон тўлдирадидилар; маъносиз руҳий ҳис-

¹ Қаранг: Аванесов Г. А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С. 226–230.

туйғулар ва кучли тубан майлларга эга бўлган психопатлардан эса бандитлар, ғаразли қотиллар бошқаларга қараганда осонроқ ҳосил бўлади; патологик кўзгалувчанлиги билан ажралиб турадиган психопатлар арзимаган нарса туфайли атрофдагилар билан осон айтишиб қоладилар, жамоат тартибини бузадилар»¹.

Руҳий аномалияларга чалинган шахсларнинг улуши (коэффициенти) барча жиноятчиликларнинг тахминан 70 % ини ташкил қилади.

Маълум бўлишича, руҳий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган. Масалан, ақли расо деб тан олинган ва одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш жиноятларини содир этган вояга етмаганлар суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилганда уларнинг ҳар беш нафаридан уч нафаридан ақли расо бўлган ҳолда ўз жиноий қилмишларига йўл очувчи турли аномалия ҳолатлари борлиги аниқланган. Ички ишлар органларининг тегишли хизмат соҳалари ҳисобида турган вояга етмаганлар содир этган ҳуқуқбузарликларнинг² 23–43 % ини руҳиятида турли даражадаги руҳий камчиликлар мавжуд бўлган ёшлар амалга оширганлар. Жисмоний куч ишлатиш орқали оғир турдаги жиноят³ содир этганларнинг

¹ Қаранг: *Антонян Ю. М.* Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67.

² Ҳуқуқбузарлик – жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ўз хусусиятларига кўра ҳуқуқбузарлик – жиноят, ноҳуя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда ҳуқуқбузарлик қонунбузарлик сўзи билан ҳамоҳанг баён этилади. Барча ҳуқуқбузарликлар жиноят эмас. Шу билан бирга, қонунбузарликларнинг барчаси ҳам жиноят бўлмаслиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлиши зарур // *Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.* – Т., 2001. – Б. 652.

³ ЎзР ЖКнинг 14-моддасига асосан, ЖК билан тақиқланган айбли, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб ҳисобланади. Жиноят бошқа қоидабузарликлардан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигидир. Чунки жиноят натижасида жамият ва шахс учун ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказилади. Шунинг учун жиноятнинг ижтимоий хавфлилики даражаси жиноий оқибатда акс этади // *Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида.* – Т., 2001. – Б. 156.

умумий миқдорида аномалия ҳолатларининг мавжудлиги таҳлил этилганда 33 % шахсларда аномалия ҳолатлари, 19 % да марказий асаб тизимининг органик жароҳати, 18 % ида бош мия жароҳати, 17 % ида сурункали алкоголизм аломатларининг мавжудлиги аниқланган¹.

Шу маънода, аксарият жинойтчи шахсларнинг хулқида жанжалкашлик, тез таъсирланиш, салбий майлларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши, ўз хулқини ижобий қадриятлар ва мотивациялар билан бошқариш механизмининг сустлигини кузатиш мумкин. Мазкур ахлоқий кўринишларнинг бари генетик аномалиялар – Клайн Фельтер синдроми (ортиқча Х-хромосома – 47/XXY синдром ёки ортиқча Y-хромосома – 47/XYY синдром) деб номланади. Бунда ортиқча Х-хромосома ҳаддан ташқари тажовузкорлик билан, ортиқча Y-хромосома эса мақсад қўйиш ва унга эришиш соҳасидаги оғиш (аномалия)лар, хулқнинг иродавий бошқарувидаги бузилишлар билан изоҳланади².

Ҳозирги генетиканинг ютуқлари индивид психикасининг фақат «муҳит» билан боғлиқлиги ҳақидаги илгари шаклланган тасаввурларга ўзгартишлар киритмоқда. Биологик ва ижтимоий жиҳатлар инсон хулқининг мураккаб тизимли биоижтимоий омилини ҳосил қилади.

Шундай қилиб, *инсон хулқи ягона биоижтимоий омил билан боғлиқдир. Биологик жиҳатдан мерос сифатида олинган инсон хислатлари муайян ижтимоий шароитларда унинг руҳий хислатлари ривожланиши учун шарт-шароит ҳисобланади.*

Ҳар бир жинойт ғайриижтимоий йўналишдаги бошқарув механизмларга эга хулқ натижасидир. Хўш, бу субъектив руҳий омил жинойтни келтириб чиқаришга сабаб бўладими?

Албатта, руҳий омиллар жинойт содир этилишида биринчи ўринга чиқади ва бу уларнинг биринчи сабаби эканлиги хусусидаги фикрни юзага келтиради. Аслида, руҳий омилларнинг ўзи жинойтчи шахси шаклланишининг ҳақиқий шароитларида юзага келади.

Инсон хулқида ташқи омиллар тизими ички шарт-шароитлар тизими билан белгиланади. Шу боис ҳар бир жинойтда объектив ва субъектив омилларнинг бирлиги кўринади. Ҳеч бир ташқи омил

¹ Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 91.

² Қаранг: *Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 55.

ҳам, ҳеч бир ички ҳолат ҳам ўз-ўзича ахлоқий актни юзага келтирмайди.

Шу маънода, аксарият жиноятчиларда ўз-ўзидан юзага келадиган майлларнинг тасодифий вазиятларга боғлиқлиги хосдир. Шахснинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг тарқоқлиги аксарият жиноятчиларни бир-биридан ажратиб турувчи асосий психологик жиҳатлардан биридир. Жиноятчиларнинг айрим худбинона интилишлари ғайриижтимоий тус олганда уларнинг ахлоқий тизимини онг ости майллари даражасида бошқаради.

Яқин ўтмишда бўлган фрейдизмнинг асоссиз танқид қилиниши бизда «онг ости» тушунчасига салбий муносабатни юзага келтирди. Ҳозирги илмий психология «онг ости омилини» «ўз» ўрнига қайтарди.

Бироқ «онг ости омилининг тақиқланганлиги» фикри ҳали бизнинг ҳуқуқшуносликда ҳукмронлик қилишда давом этмоқда. Ҳуқуқшунослик дастлабки босқичларида фақат онгга асосланади. Бироқ, ушбу чекланган концепция асосида шахснинг аксарият вазият ва импульслар билан боғлиқ ҳаракатларининг маъноси ва ғайриқонуний моҳиятини тушуниб бўлмайди. Гарчи ушбу ҳаракатлар механизмини ифодалаш учун сохта илмий суррогат – «мотивсиз жиноят» тушунчаси ўйлаб топилган бўлса-да, бу вазиятдан чиқиш йўли эмас, чунки сабабсиз ҳодисалар содир бўлмайди.

Руҳий бошқарувларнинг онг ости механизмлари барча мақсадли ҳаракатларда, ахлоқий қарашларнинг кенг миқёсли тизимида намоён бўлади. Онг даражаси қанчалик паст бўлса (аксарият жиноятчиларга ана шу белги хос), хулқни тартибга солишнинг онг ости механизмлари шунчалик катта роль ўйнайди.

Инсоннинг асосий ахлоқий фонди умум қабул қилган меъёрларга айланиб улгурган. Муайян шахс хулқининг мустаҳкамланган, умумлашган усуллари унинг табиатига хос хислатлардир.

Ижтимоийлашган шахс барча вазият ва шароитларда барқарор ва яхлитдир. Жиноятчи шахс эса вазиятга тобедир. Шу билан бирга, ашаддий жиноятчиларга хос барқарор ғайриижтимоий йўналганлик уларда тегишли устунлик қилувчи криминоген мотивлар, жамият учун хавфли анланган, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги бошқа барча кўринишларни ўзига бўйсундирувчи интилишлар борлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, шахс, ўзининг руҳий хислатларига кўра жиноятчининг ижтимоий ролига муқаррар маҳкум этилиши мумкин эмас.

Бирок, ҳар бир жиноятда унинг субъектив томони сифатида жиноятчи шахснинг рухий ҳолатлари доимо намоён бўлади.

Жиноятчилар бир-бирларидан ҳамда ижтимоий ҳаётга мослашган, қонунга итоаткор одамлардан «жиноий жиҳатлари» билан эмас, балки ҳаёти ва фаолиятининг турли шароитларида шаклланган феъли-атвориға хос салбий жиҳатлари билан фарқ қилдилар.

«Жиноий руҳият» ҳам, «жиноий ворисийлик» ҳам мавжуд эмас. Айни вақтда руҳият ҳам, унинг табиий шарт-шароитлари ҳам ҳар қандай ахлоқий актга, жумладан ғайриқонуний ҳаракатларга «дахлдордир».

Ижтимоий қарашлари қатъий бўлмаган инсонда ҳатто унинг табиий майллари ҳам ғайриижтимоий ахлоқ шаклларида, яъни жинсий инстинкт – номусга тегишда; фаол муодофаа рефлексии – шахсга тажовуз қилишда; ўзини сақлаш инстинкти – дезертирликда намоён бўлиши мумкин. Ҳуқуқий белгиларига кўра бир хил жиноий қилмиш турли рухий омиллардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, ўғрилиқ жинояти айбдорнинг шахсий йўналиши билан ҳам, иродасининг сустиги ва ишонувчанлиги билан ҳам, патологик хусусияти билан ҳам содир этилиши мумкин.

Инсоннинг жиноий қилмишида намоён бўладиган шахсий хислатлари «ҳуқуқий онгдаги қандайдир умумий нуқсонлар»дан эмас, балки аниқ ахлоқий-психологик қусурлари (бахиллик, шафқатсизлик, ижтимоий негативизм)дан далолат беради.

Рус олими А. Р. Ратиновнинг ўтказган тадқиқотида жиноятчилар ва қонунга итоаткор фуқаролар ўртасидаги жиддий психологик фарқлар борлиги кузатилган. Яъни шкалалар таҳлилда текширилувчиларнинг қонунга итоаткор гуруҳи барча асосий қадриятларга ижтимоий-ижобий муносабатини, ўз ҳаётининг мазмунини баҳолаши бўйича жиноятчилардан анча устун эканлиги маълум бўлган. Жиноятчилар билан қонунга итоаткор шахслар ўртасидаги фарқлар ижтимоий муҳит, фаолият, бадиий завқ, никоҳ, севги, фарзандлар, оила каби қадриятларда ёрқин кўринади¹.

Айрим ҳуқуқшунослар аксарият жиноятларни ўз-ўзидан жиноятни келтириб чиқарадиган, унинг амалга ошиши учун шароит яратадиган криминоген вазият билан боғлайдилар.

¹ Қаранг: *Ратинов А. Р.* Судебная психология для следователей. – М., 1987. – С. 59.

Криминоген вазият – бу мазмун бўйича жиноий ниятнинг, жиноят содир қилиш мақсадининг шаклланишига ижобий таъсир қилувчи жиноий натижага эришиш учун қулай ҳисобланган, яъни жиноят содир этишга кўмаклашувчи вазиятдир. Шунини қайд этиш лозимки, ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича мустақил ҳолда шахсни жиноят содир этишга олиб келмайди.

Жиноят содир этиш вақтидаги криминоген вазият бу шахснинг муҳит билан алоқасининг алоҳида даражаси ҳисобланади. Бу алоқада салбий хусусиятларга эга бўлган шахсдаги жиноят содир этишга мойиллиги криминоген вазият таъсирида муайян хатти-ҳаракатга айланади. Аниқ ҳаётий вазиятнинг шахс муайян жиноят содир этишига таъсири қуйидаги тасвирга эга¹:



Жиноятлар бирдан юзага келган криминоген вазиятлар туфайли эмас, балки инсоннинг муайян барқарор шахсий хислатлари ва қадриятлари сабабли содир этилади.

Қонунга итоат қиладиган ва ўзини ўзи юксак даражада бошқара оладиган ҳалол инсон учун «жиноий» вазиятлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Вазият ўз-ўзича жиноятни келтириб чиқара олмайди, у фақат ғайриижтимоий феълга эга бўлган шахснинг муайян қарашлари ва мақсадларини амалга ошириши учун мос бўлиши мумкин, холос.

Ҳар бир инсонда ижобий хулқ мавжуд бўлиб, бу хулқ анланган бўлса ҳамда қарорни эркин, тўғри қабул қилса, вазиятнинг қулига айланмайди, албатта.

Бироқ, инсон хулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг хулқида вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик жиноятчиларга ҳақиқатан

¹ Қаранг: *Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996. – Б. 155–156.

ҳам хулқининг вазият билан боғлиқлиги хос бўлиб, бу унинг феълига хос жиҳатдир.

Инсон ўзи учун муайян қийматга эга бўлган нарса, ҳодиса сабаблигина фаол ҳаракат қилади. Қадриятлар тизими индивидуал бўлиб, у инсоннинг руҳий фаоллигини белгилаб беради: бир киши учун ҳаётининг муҳим бўлган нарса, бошқа шахс учун унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин.

Жиноятчининг хулқи ҳам қадриятлар асосида йўналган. Аммо жиноятчининг қадриятлари бузилган, улар ижтимоий қадриятларнинг умум эътироф этган тизимга мос келмайди.

Баъзи одамлар нотаниш инсонни ўлим хавфидан ўйлаб ўтирмай қутқарадилар, бошқалар эса ўйлаб ўтирмай пичоқни қариндошига санчадилар – ҳаммаси у ёки бу одамлар учун ҳаётнинг қайси томонлари муҳим эканлигига боғлиқ. Ижтимоий жиҳатдан ижобий қадриятлар тизими туғма эмас, у жамиятдаги тарбия жараёнида шаклланади.

Жиноятчининг ижтимоий-ижобий қадриятларга салбий муносабати доимо жамиятдаги тарбия нуқсонларининг натижасидир.

Ижтимоийлашган шахснинг энг асосий эҳтиёжи ижтимоий-ижобий қадриятларни амалга ошириш эҳтиёжидир. Ашаддий жиноятчида бундай эҳтиёжнинг йўқлиги унинг асосий хусусиятидир.

Жиноятчининг ижтимоий хавфлилиги унинг алоҳида «жиноий» қадриятлари ва эҳтиёжларида эмас, балки ижтимоий қадриятларни тан олмаслигидадир. Жиноятчининг йўналишларини аниқлаш жиноятчи рад этаётган ижтимоий қадриятларни аниқлашдир.

Жиноятчилар одатда ўзини оқлаш учун мотивлар, баҳоналар тизимини келтирадилар ва жиноий мақсадларига эришишларига ҳалал берувчи қадриятларни рад этадилар. Ўз ҳаракатларини оқлаш асосида жавобгарликдан бўйин товлаш аксарият жиноятчиларга хос хусусиятлардан биридир.

2. Юридик психологияда «жиноятчи шахси» тушунчаси

«Жиноятчи шахси» кўп қиррали тушунча бўлиб, бир қатор фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади. Уни нафақат психологлар, балки юристлар ҳам предмет объекти сифатида ўрганадилар. Жиноятчи шахс психологияси ҳақида бир қатор психолог

(М.И.Еникеев, О.Л. Кочетов, Ю.В. Чуфаровский, Ю.Л. Васильев ва бошқ.) олимлар илмий адабиётларда ўз фикрларини билдирганлар.

Юридик психологияда ҳам ушбу муаммо марказий ўринлардан бирини эгаллайди. **Жиноятчи шахси** – жиноятчининг асосий интеллектуал-маънавий хислатлари, руҳий ва жисмоний ҳолатининг мажмуидир. Жиноятчи шахсини ўрганиш шахс содир этган қилмишни малакали баҳолашни, жумладан индивидуал башорат қилишни таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жиноятчи шахси тўғрисида ҳар томонлама ва чуқур тасаввурга эга бўлиш учун таҳлил нафақат жиноят содир этилган вақтни ва уни текшириш даврини, балки текширилувчининг ривожланишини ҳам қамраб олиш керак. Бунда жиноят содир этилишининг яширин мотивларини ҳам, психологик-психиатрик хусусиятларини ҳам барабар инобатга олиш лозим. Жиноятчининг шахси ва жиноят ўзаро боғлиқ бўлганлиги боис, криминалистик иш доирасида жиноятчининг шахси тўғрисида тегишли маълумотларни олиш жиноятни тергов қилиш фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки ЎЗР ЖК 54-моддасига биноан, суд жазо тайинлашда жиноятчи шахсини бошқа ҳолатлар билан бир қаторда инобатга олиши лозим¹.

Жиноятчи шахсининг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф муҳитдаги воқелик, инсонлар, жамият, давлат, қонун, меҳнат ва ҳоказоларга муносабатини билиш лозим. Буни эса унинг эҳтиёжлари, маънавий йўналишлари ва фаолиятининг мотивларини ўрганмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас.

Яъни, ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноятчининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ. Жиноят-процессуал қонуни исботлаш предметини белгилашда айбланувчининг жавобгарлик даражаси ва хусусиятига таъсир этувчи ҳолатларни, шунингдек, айбланувчи шахсини ифодаладиган бошқа ҳолатларни аниқлашни талаб этади. Шу боис жиноятчи шахсининг аниқланиши лозим бўлган белгиларини ишлаб чиқиш юридик психологиянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Жиноятчи шахсини психологик жиҳатдан ўрганишда уни ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки жиноий хулқни шахс ёки муҳит эмас, балки айнан уларнинг ўзаро алоқаси юзага келтиради. Ижтимоий муҳитнинг

¹ Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 165.

жинойй хулққа таъсири мураккаб хусусиятга эга. Бошқача айтганда, жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатлари жиноятнинг моделлаштириладиган механизми шаклланишига ташқи таъсир кўрсатади, айти вақтда, моделлаштириладиган жиноятчининг психологик хусусиятлари унинг гўёки ички мазмунини ташкил этиб, уни шакллантиради.

Жиноятчи шахси юридик психология учун ҳам, криминология учун ҳам алоҳида қизиқиш уйғотади, зеро у муайян ташқи шарт-шароитларни оддийгина акс эттириб қолмай, балки ўзаро алоқанинг фаол томонини ташкил этади.

Бинобарин криминологияда «жиноятчи» ва «жиноятчининг шахси» каби атамалар категория, яъни ҳар бири мустақил тушунча сифатида талқин қилинади. «Жиноятчи шахси» тушунчаси ўзига хос равишда жиноятчининг ижтимоий белгиларини ифодалайди, яъни шахснинг «ижтимоий қиёфаси»ни очиб беришга хизмат қилади¹.

Ижтимоий шарт-шароитларнинг ғайриижтимоий хулқ билан алоқаси мураккабдир, бунинг устига доимо ижтимоий шарт-шароитлар жиноятда муайян шахс орқали ўзгарган ҳолда намоён бўлади. Бир қатор ҳолларда улар узоқ вақт ижтимоий ўзаро муносабатда бўлиш жараёнида шахсда нисбатан барқарор из қолдиради ва айрим жиноий ҳаракатларни эмас, балки барқарор ғайриқонуний йўналишни юзага келтиради. Бу йўналиш жиноятчиликлар мажмуида кўринади.

Ғайриижтимоий хулқнинг қонуний хатти-ҳаракатдан фарқи, бизнингча, қадриятлар, қарашлар ва ижтимоий мақсадлар тизимидан, яъни онгнинг мазмун билан боғлиқ томонидан келиб чиқади. Умум эътироф этишича, ғайриижтимоий хулқнинг бевосита сабабларини айнан шахс ва ижтимоий муҳитнинг қадриятли-норматив тизимларидан, уларнинг ўзаро муносабатидан излаш керак².

Юридик психологияга оид адабиётларни таҳлил қилиш ҳам жиноятчи психологиясини ўрганиш масалаларига катта эътибор қаратилгани ва қаратилаётганидан далолат беради

¹ Қаранг: Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 84.

² Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – М., 1999. – С. 222–224.

Шунга қарамай, амалиётнинг кўрсатишича, жиноятчиларнинг психологик хусусиятлари борасида амалга оширилган назарий тадқиқотлар жиний фаолиятнинг манзарасини етарлича тўлиқ акс эттира олмаяпти, яъни кўпгина саволлар (масалалар) «кадр ортида» қолиб кетмоқда. Масалан, жиноятни содир этиш усулини танлашда, жиноятчи кўп ҳолларда нафақат психологик хусусиятларни, балки рухий ҳолатларни ҳам ҳисобга олади. Рухий ҳолат эса, маълумки, психологиянинг предметини ташкил этади.

Шахсни психологик типлаштириши мазкур ҳодисани билиш усулларида биридир, аммо муайян жиноятчиларнинг шахсларини ўрганишда олинган маълумотларни тегишлича назарий асослаш зарур.

Жиноятчиликни ижтимоий детерминациялаш механизми шахсни ўрганишда икки хил ёндашувни – *ижтимоий-типологик* ва *ижтимоий-ролли* ёндашувларни бирлаштиришни талаб қилади. *Ижтимоий-типологик ёндашувда* аввало шахснинг ижтимоий ўрни (позицияси), унга мос ижтимоий қадриятлар, меъёрлар, уларнинг идрок этилиши ва бажарилиши таҳлил қилинади. Иккинчи ҳолда шахсга фаол арбоб, ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида қаралади. *Ижтимоий-ролли ёндашув* объектив жиҳатдан криминоген хусусиятга эга бўлган позиция ва функцияларни кўришга имкон беради, чунки улар шахс зиммасига амалдаги қонунларга зид мажбуриятларни юклайди ва шу боис у ушбу мажбуриятларни фақат жиноятчилик содир этиб бажариши мумкин бўлади, шахсга бир-бирини истисно этувчи талаблар қўяди, бу эса ижтимоий-ҳуқуқий низоларни келтириб чиқаради, шахсни унинг учун зарур бўлган ижобий таъсирлар мажмуи амал қиладиган доирадан чиқариб юборади.

Юридик психологиядаги асосий масалалардан бири, аввало, шахснинг мотивацион соҳаси ташқи муҳитдаги муайян омиллар билан ўзаро алоқадорликда ушбу шахс учун криминоген вазият яратиши мумкин бўлган ички шахсий шарт-шароитларни ажратиб олишдир.

Ҳар бир инсонга ўз эҳтиёжларини қондириш, шахсий ва умумий мақсадларга эришиш учун бошқа одамлар билан бирлашишга интилиш хосдир. Қонунга итоаткор одамлар, қонунбузарлардан фарқли равишда, ноқулай вазиятларда гуруҳдан чиқиш, ўзларини қаноатлантирмайдиган алоқадан қочишга қодирдирлар ёхуд бундай

ҳолатларга нисбатан ўз позициясини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар.

Амалиётнинг кўрсатишича, жиноятларнинг ҳар хил (ғаразли, зўравонликка асосланган, эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган) турларига жиноятчиларнинг мотивацион соҳасида бўладиган турли бузилишлар хосдир.

Шахснинг айнан жиноий ҳаракатни содир этиши ҳам ташқи вазият (объектив омил), ҳам ички (субъектив омил) мақсадлар билан боғлиқ.

Жиноятчилик сабаблари мажмуидаги муҳим таркибий қисмлардан бири истеъмолнинг аҳолининг тўловга қобилиятли талабидан орқада қолиши билан боғлиқ бўлган ана шу истеъмол соҳаси иштирокчилари бўлмиш одамлар талабларининг қаноатлантирилмаслигидир. Ҳозирги кунда моддий-товар бойликлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги узилиш ижтимоий салбий оқибатларни келтириб чиқараётгани ҳаммага маълум. Бу ўринда жиноий хулқ шаклланишининг камида икки вариантини фарқлаш лозим.

У биз юқорида кўриб чиққан меҳнат ва тақсимот соҳаларидаги ижтимоий зиддиятнинг таъсирига ўхшаш тарзда юз беради, яъни истеъмол товарлари ва хизматларнинг тақчиллиги аҳолининг психологиясига салбий таъсир этади ва ноадекват (номос) ижтимоий қарашларни юзага келтиради, бу эса аҳолининг жиноий фаоллик даражасида кўринади. Хизмат (иш) ўринларининг етишмовчилиги жиноятчиликнинг ортиб боришига олиб келади. Маиший хизматларнинг яхши ривожланмаганлиги одамлар ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг ортишига, низоли ижтимоий-психологик муҳит шаклланишига олиб келади. Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, маиший хизматлар камроқ ривожланган ҳудудларда ушбу соҳадаги низолар бошқа жойдагилардан кўпроқ бўлади¹.

Таъкидлаш лозимки, тақчиллик жиноий фаолият билан шуғулланишга шарт-шароит яратувчи омиллардан бири ҳисобланади. Истеъмол соҳасидаги тақчиллик буюртма қотилликлар, террорчилик ҳаракатлари, фирибгарлик, одам савдоси, порахўрлик, коррупция, наркобизнесларнинг тарқалишига шароит яратади².

¹ *Алимов С., Антонов-Романовский Г. В.* Криминологическое значение изучения конфликтов в основных сферах жизнедеятельности // Актуальные проблемы уголовного права и криминологии. – М., 1999. – С. 61–67.

² *Чуфаровский Ю. В.* Юридическая психология. – М., 2003. – С. 120.

Шу маънода жиноятчи шахси – индивид содир этган муайян турдаги жиноий қилмишни келтириб чиқарган унинг типологик хислатлари мажмуи.

Жиноят содир этган шахсни ўрганишда унда устунлик қилувчи, унинг қадриятлари, ҳаёт-фаолиятининг мазмуни, майллари ва қарашларини аниқлаш зарур.

Чунки, жиноятчилар ўзларининг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларининг асл моҳиятини кўпроқ ёки камроқ даражада англаган ҳолда, ўзларини оқлайдиган мотивлар, баҳоналар тизимини ахтарадилар ва жиноий мақсадларига эришишларига халал берувчи қадриятларни рад этадилар. Ўз ҳаракатларини оқлаш мақсадида жавобгарликдан бўйин товлаш, ўзини руҳий жиҳатдан ҳимоялаш аксарият жиноятчиларга хос бўлган психологик хусусиятдир.

Олдиндан режалаштирилган ва содир этилган жиноятни оқлаш турли усуллар билан амалга оширилади:

- жиноят қурбонининг айбдорлигини бўрттириб кўрсатиш;
- ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларни ғайриижтимоий гуруҳлар (банда, ўғрилар тўдаси)нинг қоидаларига қарши қўйиб қадрсизлантириш;
- жавобгарликни бошқаларнинг гарданига қўйиш, юзага келган вазият билан ўзини оқлаш ва ш.к.

Ижтимоий қадриятлардан бегоналашгани боис жиноятчи руҳий декомпенсациялар (ички руҳий мувозанат ҳосил қилувчи сохта «ўринбосар»лардан фойдаланиш) асосида ўзининг жиноий хулқи сабабларини ички салбий хислатларида эмас, балки ташқи вазиятлар, бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларидан ахтаради.

Жиноят мотивлари жиноятчининг шахсий салбий хислатлари – ғараз, кек сақлаш, рашк, шуҳратпарастлик, ёлғон қарашлар тизими (бурч, ўртоқлик каби хислатларни нотўғри тушуниш) орқали шаклланади.

Аксарият жиноятчилар кўп нарсага даъвогар бўладилар, аммо буни амалга ошириш имкониятлари жуда кам бўлади. Ушбу ҳолат деярли барча жиноятчиларнинг ички шахсий низолари асосида юзага келади.

Кўпчилик ҳолатларда жиноятчи шахсларнинг қадриятлар ва нормалар тизими бузилганини, яъни воқеликни нотўғри идрок этишини кузатиш мумкин. Уларнинг хулқини бир дақиқалик, муайян вазият билан боғлиқ майллар, энг қуйи даражадаги эҳтиёжлар эгаллаб туради.

Жиноят содир этган шахсларнинг эҳтиёжлари асосан қуйидаги хусусиятларга эга:

– эҳтиёжларнинг торлиги, чекланганлиги, моддий-утилитар характерга эга эканлиги;

– ижтимоий зарур эҳтиёжларнинг (меҳнат, ахлоқий хулққа бўлган эҳтиёжларнинг) ривожланмаганлиги;

– шакли бузилган, ўртача стандартдан ва қондиришнинг қонуний имкониятларидан ортиқ бўлган эҳтиёжлар;

– бузилган эҳтиёжлар.

Шу маънода аксарият ҳуқуқбузар шахсларда истеъмомчилик гипертрофияси мавжуддир. *Истеъмомчилик гипертрофияси* деганда талон-тороғлик, порахўрлик, ўғрилик, талончилик ва босқинчиликнинг асосий шарт-шароитларидан бирини тушуниш мумкин. Аксарият одамларнинг ижтимоий бузилиши уларнинг яратувчилик хислатларининг буюмларга эгалик борасида устунлик қилувчи ҳис-туйғулари томонидан сиқиб чиқарилишида кўринади. Уларда «жамғариш инстинкти» чегарага эга бўлмайди. Фалокат тўпланадиган буюмларда эмас, балки истеъмомчи одам ишлаб чиқарувчи шахс сифатида пассив бўлиб қолиши, ғайриижтимоий, сўнгра эса одатда жамиятга қарши (фирибгар, порахўр, мансабни суистеъмом қилувчи) бўлиб қолишидадир.

Баъзан салбий хулқнинг муайян шакллари шахснинг дастлабки эҳтиёжлари билан боғлиқ шарт-шароитлардан узилган ҳолда якка-ю ягона манфаатга айланади. Фитна, ғийбат, тухмат, бошқаларга кўнгилсизликлар етказиш, жанжаллар – кўпинча шахснинг ўзини қарор топтириш ва ижтимоий фаоллигини намоён этишнинг бузилган шакли сифатида юзага чиқади.

Бироқ, ҳаттоки бир қарашда бемаъни туюлган жиноятлар ҳам жиноятчи учун муайян маънога, тегишли шахсий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар қандай жиноят жиноятчи шахсининг эҳтиёжи, манфаат ёки қарашлари билан муайян тарзда боғлиқ бўлади.

Баъзи жиноятлар одатдаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Улар онг ости ва ярим автомат хусусиятига эга бўлиб, жавобгарликни бекор қилмайди, зеро шаклланиши жараёнида тўлиқ онгли назорат босқичидан ўтган бўлади.

Аксарият жиноятчиларга ўз-ўзидан юзага келадиган майллар, уларнинг тасодифий вазиятларга боғлиқлиги хосдир. Бу эса уларда ўзини ўзи бошқариш ва уюшган кадриятлар тизими йўқлигидан далолат беради.

Ҳар бир жиноят ниҳоятда индивидуал ва кўп омилли ходисадир. Жиноий хулқ генезисини назарий камраб олиш учун жиноий хулқнинг энг кўп тарқалган типларини таҳлил қилиш зарур. Жиноятчи хулқининг механизмларини тушуниш учун «жиноятчи шахсининг типи» тушунчасидан келиб чиқиш зарур.

Жиноятчи шахсининг типи – шахснинг унга хос бўлган жиноий хулқ усуллари билан боғлиқ барқарор жиноий йўналганлиги. Жиноятчи шахсининг тузилиши, албатта, жиноятнинг дастлабки сабаби эмас. Унинг дастлабки сабабини жиноятчининг шаклланиш шарт-шароитлари ташкил қилади.

3. Жиноятчи шахсларнинг типологияси

Жиноятчи шахсларнинг типологиясида уч даражани фарқлаш лозим:

- 1) жиноятчининг умумий типи;
- 2) муайян тоифадаги жиноятчи шахс;
- 3) муайян турдаги жиноятчи шахс. Бу даражалар бир-бири билан умумийлик, махсуслик ва яккалик каби муносабатда бўлади.

Шахснинг ижтимоий ўзагини унинг йўналганлиги, ҳаётий муносабатлари тизими, мотивли-қадриятли мўлжаллари ташкил этгани боис, бу ўзакнинг ўзи жиноятчи шахснинг типини белгилаши лозим.

Жиноятчидаги типик хусусиятнинг мезони, аввало, унинг ижтимоий хавфлилик даражаси, ғайриижтимоий бузилганлик меъёридир.

Ушбу мезонга кўра жиноятчиларнинг уч типини ажратиш мумкин:

- ғайриижтимоий (ашаддий);
- ноижтимоий (камроқ ашаддий);
- руҳий бошқарув нуқсонлари бўлган жиноятчи шахс типи (тасодифий).

Ашаддий жиноятчилар қадриятлари ва мўлжалларининг йўналиши мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади.

Ғайриижтимоий гаразли йўналишидаги жиноятчилар. Жиноятчиларнинг бу гуруҳи жамиятнинг моддий бойликларига, сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига кўра тақсимланишига тажовуз қилади. Бундай жиноятчиларни қуйидаги тўртта кичик гуруҳга ажратиш мумкин:

1) хўжалик соҳасида жиноят содир этувчи (товарларни сохта-лаштириш, солиқ тўлашдан, лицензия олишдан бўйин товлаш ва ҳ.к.) жиноятчилар;

2) хизмат вазифасини суиистеъмол қилувчи (хизмат лавозимини суиистеъмол қилиш, миждозларни алдаш, пора сўраш орқали талон-торож қилишлар) жиноятчилар;

3) ўғрилар – мулкни яширинча талон-торож қилиш билан боғлиқ тажовузлар қилувчи шахслар (ўғриликлар);

4) фирибгарлар (хужжатларни қалбакилаштириш, алдаб товламачилик қилиш ва ҳ.к.).

Ғайриижтимоий ғараз ва зўравонлик йўналишидаги жиноятчилар – шахсга нисбатан зўравонлик қилиш билан ғаразли тажовузлар қилувчи шахслар (зўрлик билан товламачилик қилиш, талончилик, босқинчилик хужумлари ва ҳоказо).

Инсонийликка зид, тажовузкорона йўналишидаги жиноятчилар – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва шахсий кадр-қимматига менсимай муносабатда бўладиган шахслар. Бу гуруҳда ҳам қуйидаги тўртта кичик гуруҳ мавжуд:

– безорилар;

– ашаддий безорилар;

– ҳақорат ва тухмат орқали шахснинг шаъни ва кадр-қимматига зиён етказувчи шахслар;

– шахсга қарши тажовузкорона зўравонлик ҳаракатлари – қотиллик, номусга тегиш, баданга оғир шикаст етказиш жиноятларини содир этувчи шахслар.

Ўз навбатида, шуни таъкидлаш лозимки, юридик психологиянинг алоҳида бўлимида эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятчиликнинг психологик жиҳатлари кўриб чиқилади, бунда маиший ва касбий эҳтиётсизлик тадқиқ этилади.

Техниканинг жадал ривожланиши ва ҳаётнинг турли соҳаларига кучли энергетик манбаларнинг кириб бориши билан эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларнинг ижтимоий хавфи кескин ошганлигини кўриш мумкин. Шу сабабли бундай жиноятларнинг психологик механизмини очиб бериш муҳим вазифа бўлиб, эҳтиётсиз хатти-ҳаракатларни шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлашга имкон беради.

Гарчи эҳтиётсизликнинг психологик манбаини тавсифлашда «эътиборсизлик», «енгилтаклик» ва «бепарволик» каби иборалар

ишлатилса-да, бироқ уларнинг юзага келиш механизми ҳамон номаълумдир. Шу боис, эҳтиётсизлик оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг психологик механизмини очиб бериш, эҳтиётсиз хулқни субъектнинг ички руҳий олами ва у асосланадиган кадриятлар тизими билан боғлаш муҳимдир.

Эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этадиган жиноятчилар типини тўрт турга ажратиш мумкин:

– бепарволик, ҳаракатсизлик натижасида жиноятга йўл қўядиган шахслар;

– ўзига ҳаддан ташқари ишониш натижасида жиноят содир этадиган шахслар;

– кучли руҳий ҳаяжон (аффект ҳолати) натижасида ва бошқа шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига жавобан жиноят содир этадиган шахслар;

– вазиятга мослаша олмагани боис жиноят содир этадиган шахслар.

Қадриятли йўналишда нуқсонлари мавжуд бўлган индивидуал жиноятчи шахсни жиноий гуруҳ аъзоси бўлган жиноятчи шахсдан фарқлаш лозим. Жиноий гуруҳ аъзоси бўлган жиноятчининг муҳим жиноий белгиси унинг гуруҳий мавқеи, жиноий гуруҳдаги ролли функциясидир.

Жиноятчи шахснинг таснифи – «жиноий-ҳуқуқий» тасниф бўлиб, шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси тушунчаси билан мувофиқ келиши керак. Жиноят қонунчилиқ нормаларида ижтимоий хавф, унинг даражасига аниқ таъриф берилган. Жиноятлар ўз хусусияти ва хавфлилик даражасига кўра: *ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир ва ўта оғир* жиноятларга бўлинади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга

озодлик маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.


Оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради.

Ўта оғир жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар қиради¹.

Жиноятчи шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси тавсифи содир этилган қилмишнинг кўплиги, уларнинг шакл ва турлари билан боғлиқ эмас. Бу жиноятчи шахсга табақалашган ҳолда ёндашиш имкониятини камайтиради.

Жиноятнинг оғирлиги бу ўринда шахснинг қанчалиқ чуқур жинийлашганлиги билан боғланмайди. Баҳо қилмишни содир этган шахсга эмас, балки қилмишнинг ўзига берилади.

Айни вақтда жиноятчининг ҳар бир типи ўзига хос «шахс схемаси» йўналишига эга.



Шунингдек, жиноятчи шахс ўзининг ҳуқуқий онги даражаси ва жиноят содир этишга тайёрлиги мезонлари бўйича ҳам таснифланади. Ушбу мезон бўйича қуйидаги жиний типларни ажратиш мумкин.

Жиний қилмишларни мажбуран содир этувчи, энг зарур эҳтиёжларни қонуний йўллар билан қондириб бўлмайдиган ҳаётий вазиятлар, ижтимоий шарт-шароитлар қурбони бўлган шахс типи. Бунда жиноятчи ўзини мажбуран йўл қўйган хатти-ҳаракати учун қоралаши, ички зиддият ҳолатида бўлиши мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2008. – 15-м.

Жиноятни юзага келган вазиятдаги васваса таъсирида, унинг учун қимматли бўлган натижага, унинг фикрича, ҳеч қандай салбий оқибатларсиз эришиши мумкин бўлган ҳолатда жиноят содир этадиган шахс типи. Ҳуқуқий онг даражаси, ноижтимоий хулқ бу ерда биринчи ҳолдагига қараганда анча паст.

Жиноий қилмиш содир этишни доимо қонунга итоаткор хулққа қараганда афзалроқ биладиган шахс типи. Бу жиноий таъсир юққан шахс типи.

Ҳаёт ва фаолиятнинг барқарор жиноий образи шаклланган жиноятчи шахс типи. Жиноий қилмишларни содир этиш ўз-ўзидан унинг учун эҳтиёжга айланади. Бу – профессионал жиноятчи типи. Бундай жиноий шахс доимо жиноий тажовуз предметини излаш ҳолатида бўлади. Унинг жиноий хатти-ҳаракат усуллари ишлаб чиқилган, зарур қурол ва воситалари доимо ёнида бўлади. Бу жиноятчиларнинг ижтимоий жиҳатдан энг хавфли типи.

Импульсив (ғайриижтимоий) жиноятчилар типи. Айрим ҳаётий вазиятлар улар учун бирданига, тўсатдан ноқонуний хатти-ҳаракатга ундовчи ҳисобланади. Бундай типдагилар асабий-руҳий зўриқиш кучайган шароитда тезда «ўзидан кетади», дарҳол тажовуз, ғазаб, рашк, вазият билан боғлиқ нафрат ҳолатига кирадилар.

Бундай жиноий типлар, айниқса, алкоголь ва наркотик воситалардан маст ҳолларда ўзларини намоён этадилар. Уларнинг ижтимоий хавфли хулқига хос нарса уларда ғайриижтимоий хатти-ҳаракат кўринишларининг шаклланганлиги, яъни ўзини ўзи назорат қилиш даражасининг пастлигидир.

Шунингдек, жиноят содир этувчи шахсларнинг барқарор мотивацион йўналганлиги уларнинг муҳим типологик хусусияти ҳисобланади. Шу асосга кўра, қуйидаги жиноий типларни ажратиш мумкин:

- 1) ахлоққа зид қарорлари устунлик қиладиган жиноятчилар;
- 2) барча қулай шароитларда одатий тусга кирган жиноий хатти-ҳаракат мотивлари устунлик қиладиган жиноятчилар;
- 3) муайян ҳодисалар, муайян гуруҳ шахслар, муайян ҳуқуқ билан муҳофаза этиладиган қадриятларга барқарор ёмон муносабатда бўлган жиноятчилар;
- 4) жиноий хатти-ҳаракати ғазабланиш ҳолати (дисфория), юқори руҳий ҳаяжон (аффектация), жамиятдан бегоналашув (аутиклик), ижтимоий бегоналик ҳисси туфайли юзага келадиган жиноятчилар.

5) ўзига хос «мажбурий» жиноятчилар – жиноятларни улар гўёки чорасиз вазиятда, субъектив талқин этиладиган зарурат орқасида содир этадилар.

6) гедонистик (содда-лаззатланиш) жиноятчиларнинг жиноятлари утилитар эҳтиёжлари ҳаддан ташқари ортиб кетган шароитда уларни қонуний йўл билан қондириш мумкин бўлмаганида юзага келади.

7) барқарор ғайриахлоқий майллар, ижтимоий салбий эҳтирос ва интилишларга эга бўлган маниак жиноятчилар. Кўп ҳолларда улар алкоголизм ва наркотикларга боғлиқликка, психопатологик хусусиятлар ва жинсий бузуқликка чалинган бўладилар.

Жиноятчи шахсининг барча оғир мотивацион хусусиятлари уларнинг жиной хатти-ҳаракатига хос барқарор усуллар, тегишли уқув ва кўникмалари билан боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, шахсининг жиной хатти-ҳаракати муайян жиной аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хусусиятлари тизими орқали ҳосил бўлади:

- шахсининг жиноятга берилганлик даражаси;
- асосан жиной ҳаракатлари қаратилган объекти;
- жиной мотивларининг устунлиги;
- жиноят содир этишнинг барқарор, яхши ишланган усуллари;
- руҳий ўзини бошқаришнинг умумий нуқсонлари (аномалиялари).

Жинойлашувнинг ушбу барча таркибий қисмлари, гарчи келиб чиқиши турлича бўлса-да, ўзаро боғлиқдир. Индивиднинг жиной ҳаракатлари учун асосий туртки вазифасини умумижтимоий (макромуҳит) ва микромуҳитдаги шароитлар бажаради. Микромуҳит шароитлари орасида эса шахсининг жамиятда тарбия олаётган дастлабки даврларидаги жиноятчилар муҳити, жиной субмаданият энг катта аҳамиятга эга. Жиноятчининг жиной муҳитга, жиной субмаданиятга «мослиги» ҳам унинг муҳим типологик хусусиятларидан биридир.

Жиной субмаданият нафақат жиноятчиларнинг жиной жипслиги омили, балки жиной тажрибани янги авлодларга бериш, салбий ижтимоийлашув воситаси ҳамдир.

Енгиш қийин бўлган жиной субмаданиятнинг ижтимоий хавфи жиноятчилар муҳитининг жипслигида, жиной романтика муҳити-

нинг яратилишида бўлиб, у ёшларнинг ижтимоий беқарор қисмини ўзига тортади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жиноий йўналганлик ижтимоий бошқарув ва ижтимоий назоратдаги камчиликлар, жиноий тажовуз объектларининг кўпайиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги жиддий нуқсонлар, ҳокимият тепасидаги амалдорларнинг коррупцияга берилганлиги, умум-ижтимоий ва ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг камчиликлари билан боғлиқ. Барча жиноий типлар жиноятчиларнинг асосан учта «классик» типи – *зўравонлик билан, гаразли ниятда* ҳамда *гараз ва зўравонлик* билан жиноят содир этадиган шахслар типларига мос тушади. Уларда жиноятчи шахсининг жиноий қадриятлари ва ахлоқий хусусиятлари бирлашади.

4. Алоҳида тоифадаги жиноятчиларнинг психологик хусусиятлари

Гаразли жиноятларни содир этишга мойил жиноятчи шахслар тоифалари ҳар хил бўлиб, улар сафига ўғрилик, хўжалик соҳасида гаразли жиноятларни содир этувчи жиноятчилар ва хизмат вазифаларини гаразли ниятда суиистеъмол қилувчи жиноятчилар ҳамда талон-торожлик жиноятларини содир этувчи жиноятчиларни киритиш мумкин¹.

Ўғрилик жинояти (ЖКнинг 169-моддаси)ни содир этувчи шахслар бир қатор умумий томонларга эга бўлиб, улар жиноятчиларнинг ижтимоий жиҳатдан энг тубан тоифасига кирадилар. Уларнинг жиноий хатти-ҳаракатлари бошқа тоифадаги жиноятчиларникига қараганда анча олдин юзага келади.

Ўғрилар катта жиноий тажрибага, ғайриижтимоий хулққа оид шаклланган қарашлар ва кўникмаларга эга бўладилар. Уларнинг бу хулқи барқарор жиноий йўналишга эгалиги билан ажралиб туради. Ўғрилар одатда безори ва майхўр бўлиб, эҳтиёж ва манфаатлари ниҳоятда чекланган ва содда, ижтимоий қадриятлардан бегона бўлган шахслардир.

Ўғриларнинг ижтимоий номослиги (дезадаптацияси) одатда оиласи, мутахассислиги, доимий иши ва турар жойи йўқлиги, турли

¹ Қаранг: *Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 80.

хил рухий аномалиялари билан чуқурлашади. Уларнинг жиноий хулқи кўпроқ ғайриижтимоий турмуш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир.

Жиноятчи ўғрининг шахси одатда унинг жиноятчилар муҳитига барқарор кириши билан, илк ёшидаёқ оиладаги тарбиясининг нуқсонлари, асосий эҳтиёжларининг сурункали равишда қондирилмаслиги, доимо вазиятга тобелиги билан бузилгандир.

Ўғрилар ўзларининг психологик хусусиятларига кўра зўравон жиноятчиларга яқин турадилар. Улар моддий муҳитдаги тўсиқларни енгиш тажрибасига эга бўлиб, талончилик ва босқинчилик содир этишга осон ўтадилар.

Ўғри – қонундан вақтинча чекинган инсон эмас, балки инсофсиз, одатда оилада ва микромуҳитда ахлоқий меъёрларни рад этиш, муҳтожлик, ижтимоий рад этилиш ва ижтимоий назоратнинг паст даражаси шароитида шаклланган барқарор салбий хислатлар тизимига эга бўлган иродаси бўш шахс.

Хўжалик ва хизмат соҳаларида заразли ниятда жиноят содир этувчи жиноятчи шахслар тоифаларини эса алоҳида гуруҳга киритиш лозим. Уларга қўшиб ёзиш, алдаш, ноҳақ равишда олинган мукофотлар ва шу кабилар орқали амалга ошириладиган тор гуруҳий манфаатлар хосдир. Бунда рухий ҳимоянинг муайян тоифаси – ғайриқонуний фирибларини «иш манфаати», «хизмат бурчи» билан ниқоблаш ҳосил бўлади.

Талон-торожлик жиноятлари эса кўп ҳолларда мансабдор шахслар томонидан содир этилиб, порахўрлик, харидорларни алдаш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, қалбаки хужжатлар ясаш, фирибгарлик ва бошқа жиноятларда намоён бўлади. Давомли талон-торожликлар талон-торож қилувчиларда назорат-тафтиш хизматларини алдашнинг «профессинал» усуллари борлигидан далолат беради. Талон-торожлик жиноятларини содир этувчи шахслар тоифасининг маълум бир қисмининг маълумот даражаси юқори. Маълумот даражаси жиноий хатти-ҳаракатнинг хусусиятида, талон-торожлик содир қилиш усулларида маълум даражада намоён бўлади. Талон-торожликнинг нисбатан юқори маълумотга эга бўлган бундай тоифадаги шахслар томонидан содир қилинишининг мураккаблиги, амалга оширилаётган ҳар бир ҳаракатни бирма-бир олдиндан ҳисоб-китоб қилиниши ва олдиндан кўра билиш қобилияти, керакли алоқаларни ўрнатиш, иштирокчиларни

танлаш, уларни ҳар бирига ажратиб берилган ролни аниқ бажарилишини ташкил қилиш ва таъминлаш билан боғлиқдир. Санаб ўтилган ҳолатлар бажарилаётган ишнинг барча нозик томонларини чуқур билишга кераклича имкон берадиган юқори даражадаги профессионал билимнинг мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради¹.

Аксарият мансаб талон-торожликлари норасмий гуруҳлар динамикаси қонунлари бўйича шаклланадиган жиноий гуруҳ таркибида содир этилади. Бунда кўплаб гуруҳлараро алоқалар шаклланади, ички руҳий кўникмалар ҳосил бўлади, меҳнат вазифалари («фойдали» ва «фойдасиз» иш) ва бошқа одамларни («керакли» ёки «кераксиз» одам) танлаш режаси ишлаб чиқилади.

Ўз жиноятларини яширишдек доимий зарурат «икки томонлама ҳаёт кечиришга», бузилган моддий эҳтиёжларни қондириш усулларини намойишкорона «оддий» ҳаёт кўринишлари билан ниқоблашга олиб келади.

Барча ғаразли жиноятчиларда умумий асос – ғаразли майлларининг барқарорлиги мавжуд. Ғараз – энг барқарор, йўқ қилиш қийин бўлган инсоний қусурлардан бири, яъни шахснинг барқарор салбий йўналганлигининг тизим ҳосил қилувчи омили ҳисобланади.

Ғаразли жиноятлар шахснинг умумий ғаразли йўналганлиги билан содир этилади. Бу эса шахс хулқининг тизим ҳосил қилувчи омили ҳисобланади. Ғаразли жиноятларнинг сабабларини шахснинг ғаразли мақсадларини шакллантирадиган омиллардан излаш лозим.

Зўравонлик жиноятларини кўпчилик ҳолларда маданий-билим даражаси паст бўлган шахслар содир этади. **Зўравон жиноятчи шахс** (жисмоний куч ишлатиб жиноят содир этишга мойил шахс) одатда тарбиянинг асосий соҳалари – оила, ўқув юрти, ишлаб чиқариш жамоасидаги камчилик ва нуқсонларни акс эттирувчи паст даражадаги ижтимоийлашув билан ажралиб туради. Ушбу шахснинг мотивацион соҳасига эгоцентризм (худбинлик), жамият вакилларининг бир қисми билан барқарор низолашув ва ўзини оқлашга бўлган интилишнинг мавжудлигидир. Бу ерда, аксарият ҳолларда, алкоголь жиноий мақсадни фаоллаштирувчи омил ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Исмаилов И.* Аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдаги талон-торожликларнинг тавсифи. – Т., 1993. – Б. 21–22.

Жиноий қасд ҳосил бўлиш механизмини аниқлашда жиноятчиликнинг умумий қонуниятларини билиш билан бир қаторда жиноятчининг шахсини чуқур ўрганиш ҳам зарур. Бунга кўп жиҳатдан ушбу индивид кирадиган ижтимоий гуруҳлар билан танишиш ёрдам беради. Ушбу шахснинг яқинлари ўртасида ҳукмронлик қилаётган ўзаро муносабатлар таркибини ўрганиш, бу шахс аъзо бўлган ижтимоий гуруҳлар психологиясини билиш, шахс билан жамият ўртасидаги алоқани, индивидуал ва ижтимоий онг алоқасини аниқлаш зарур. Ҳар қандай инсоннинг ижтимоий қиёфаси кўп жиҳатдан унинг микро олами мазмуни билан боғлиқ бўлиб, ушбу микро оламнинг психологик тузилиши индивидуал хулқ учун кучли катализатор бўлиб хизмат қилади. Жуда кўп ҳолларда хулқнинг хусусияти атроф-муҳитдаги ахлоқий меъёрларнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

Зўравонликка асосланган жиноятларнинг содир этилишида ижтимоий муҳит билан нормал ўзаро алоқаларнинг бузилиши, кучли низоли вазият сабаб бўлади. Кўпинча низоли вазиятнинг «юқиши» гуруҳий безорилик ҳаракатлари ва катта шахслар гуруҳларининг оммавий тартибсизликларида иштирок этиш жараёнида юз беради. Низоларнинг бундай тури беқарор психикага эга бўлган, ҳуқуқий онги паст, умумий маданият даражаси суст, осон қўзғалувчан, оломондаги шахсларнинг таъсирига тез берилувчан шахсларга хосдир. Бир инсоннинг безорилик ҳаракатлари бошқа шахслар учун эмоционал сигнал ёки тақлид учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Шу сабабли зўравонлик жиноятларини содир этувчи шахсларнинг асосий хусусияти – ижтимоий қадриятларининг нуқсонли эканлиги, ҳиссий тўмтоқлик, ғайриихтиёрий тажовузкорликда намоён бўлади. Қотилликда, баданга шикаст етказишда, қийнаш, номусга тегиш, безорилик ҳаракатлари содир этишда айбдор шахслар ниҳоятда ижтимоийлашмаганлиги, ғайриижтимоий хулқ кўникмаларининг шаклланганлиги билан ажралиб турадилар.

Уларнинг хатти-ҳаракатларига ашаддий худбинлик (эгоцентризм), қўққисдан юзага келадиган истакларни дарҳол қондиришга интилиш ва сурбетлик хосдир. Улар зўрликни низоларни ҳал этишнинг ягона воситаси деб биладилар. Уларга психологик ҳимоя воситаларидан кенг миқёсда фойдаланиш, яъни ўзларининг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларини оқлаш, айбни жабрланувчига ва ташқи ҳолатларга тўнкаш хосдир.

Ашаддий зўравонлик жиноятларини содир этувчи шахслар бир қатор шахсий-типологик, психологик хусусиятларга эга бўладилар. Булар:

– атрофдаги шахсларни доимо ўзига душман сифатида қабул қилиш;

– энг кичик шахсий муваффақиятсизликлардан ҳаддан ташқари таъсирланиш, уларни ижтимоий жиҳатдан мос (адекват) баҳолашга қобилиятсизлик;

– жамиятдан бегоналашганлик (аутиклик);

– ҳиссий жиҳатдан ниҳоятда беқарорлик, патологик даражадаги жиззакилик, қасоскорлик, руҳий нотайинлик, кайфиятнинг тез ўзгариши;

– даъвогарлик даражасининг ниҳоятда юқорилиги;

– экстремал вазиятларда бўлишга мойиллик, уларни фаол юзага келтириш;

– ўзини кўрсатишга бўлган мойиллик;

– ўзларига хос ҳиссий нуқсонларни доимо яширишга интилиш ва ҳоказо.

Ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг салбий хислатлари ижтимоий назорат етарли бўлмаган, ниҳоятда салбий микромуҳит шароитида шаклланади. Ушбу хулқ шаклланишининг муҳим омилларига қуйидагилар киради:

– болаликдаги эмоционал зўриқиш;

– оила ва ижтимоий фойдали гуруҳлардан ажралиш.

Шу нуқтаи назардан зўравонликка асосланган жиноятларда кўпинча шафқатсиз тажовузкорлик хусусияти намоён бўлади, оғир жисмоний ва руҳий шикастлар етказилади. Тажовузкор хулқнинг бу типини шахснинг чуқур бузилганидан, шахсда тажовузкор хатти-ҳаракатга ва одамларга зарар етказишга бўлган мойилликнинг шаклланиганидан, шахснинг ўзини назорат қилиш қобилияти ниҳоятда паст даражада эканидан далолат беради.

Ушбу шахсларнинг хулқига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- ўзини тажовузкор интилишдан тия олмаслиги;
- низонинг қай йўналишда ривожланиши ва тажовузкор ҳаракатларининг оқибатларини кўра олмаслик;
- низоли вазиятдан чиқиш усулларини билмаслиги.

Бироқ, вояга етмаганлар содир этадиган зўравонлик жиноятларининг аксарияти ғайриихтиёрий тажовузкорлик, жиноийлашган гуруҳ шароитида руҳий таъсирга берилувчанлик билан боғлиқдир.

Ғаразли зўравонлик жиноятларида тажовузкорликдан кўпинча фақат ғаразли мақсадга эришиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Зўравонлик жиноятларида эса биринчи ўринга адоватли тажовузкорлик чиқади – тажовуз, бировга зиён етказиш биринчи мақсадга айланади. Зўравонликнинг давомийлиги ва шафқатсизлиги бу ўринда жиноий мақсад – жиноят қурбонини таҳқирлаш, унга рашк, қасос, ўзини кўрсатиш мақсадида оғир азоб бериш кабиларга боғлиқ бўлади.

Гуруҳ бўлиб зўравонлик жиноятларини содир этиш кўпинча гуруҳ, гуруҳий анъаналар ва руҳий таъсирлар натижасида содир этилади.

Зўравон жиноятчининг барқарор *ашаддий тоифаси* доимий тажовузкорлик йўналиши, кўпол куч ишлатиш стереотипининг шакллангани билан ажралиб туради. Унинг учун ташқи муҳитда доимо баҳона топилади.

Зўравон жиноятчиларнинг ашаддий тоифалари учун тажовузкорлик – ўзини кўрсатишида устунлик қилувчи усул, қилмишнинг шафқатсизлиги эса ягона мақсад. Хулқнинг бу типи жиноийлашган микромуҳитда барқарор ўз эътирофини топади.

Зўравонликка асосланган жиноят қурбонларининг ғаламис хулқи *виктим* хулқ деб аталади (лотинча *viktima* – қурбон). Виктим хулқ – енгилтак, ҳаддан ташқари ишонувчан ёки ахлоқсиз, жанжалкаш, жиноят содир этилиши учун баҳона бўлувчи хатти-ҳаракатдир.

Виктимлик жиноят қурбонининг жинси, ёши, шахсий ва ижтимоий мавқеи билан боғлиқ умумий ҳамда шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари – ишонувчанлиги, билимсизлиги, иродасининг сустлиги, жиноятчига руҳан тобелиги, эксцентриклиги, таваккалга мойиллиги, шахсий жанжалкашлиги билан боғлиқ бўлган махсус турларга бўлиниши мумкин.

Безори зўравонлар тоифасида жисмоний куч ишлатиб, безорилик содир этишга мойил, барқарор салбий одатлари бўлган, жамоат тартибини мунтазам бузадиган ёшлар устунлик қилади. Одатда бу шахслар ахлоқ ва маданиятга зид тарзда вақт ўтказиш,

руҳий кайфиятини юктириш ҳамда ғайриижтимоий мисолларга тақлид қилиш шароитида жиноят содир этадилар.

Уларга хос умумий руҳий хусусиятлар қуйидагилардан иборат: беодоблик, ниҳоятда тажовузкорлик, жиззакилик, масъулиятсизлик, зўравонлик ҳаракатлари жазосиз қолишига ишониш, юқори даражадаги даъвогарлик, ўз ҳаракатларини оқлаш. Барча зўравонлик-безорилик жиноятларига умумий психологик ва ахлоқий асос – бошқа одамлар ҳаёти, соғлиғи ва қадр-қимматининг қадрсизланиши хос.

Аёлларнинг жиноий зўравонлик хатти-ҳаракатлари ўзининг баъзи психологик хусусиятлари билан ажралиб туради. Аёлларнинг зўравонликка асосланган жиноятчилиги ҳажмига кўра эркакларникидан анча кам. Аёллар хулқи воқеликнинг айрим ҳодисаларини кескинроқ қабул қилиши, уларга кўпроқ ҳиссиёт билан жавоб бериши, шахслараро муносабатларнинг айрим ҳолатларига каттароқ аҳамият бериши билан ажралиб туради.

Аёллар кескин низоли вазиятларда руҳий шикастланишга кўпроқ мойил бўладилар, улар оиладаги келишмовчилик ва низоларни кескинроқ ҳис қиладилар. Улар хавотирга кўпроқ тушиб таҳдид солаётган хавфни юқори баҳолашга мойил бўладилар. Юқори даражадаги ҳиссийлик (сенситивлик), оилавий ишларнинг кўплиги уларда юқори даражадаги руҳий зўриқишнинг барқарор фонини ҳосил қилади.

Аёллар орасида руҳий аномалиялар даражаси юқорироқ. Аксарият жиноятчи аёллар тез таъсирланишлари, ижтимоий ўзаро муносабат нуқсонлари, чиқиша олмаслик, асабийлик жиҳатлари билан ажралиб турадилар. Улар тажовузкор ҳаракатларида кўпинча тасодифан қўл остида бўлиб қолган нарсалардан фойдаланадилар.

Бироқ, аёллар қасддан қилинадиган оғир жиноятларини одатда пухта ўйлаб, ниқоблашга ҳаракат қиладилар. Шахсга қарши оғир жиноятларни кўпинча хатти-ҳаракатлари эркакларникига ўхшаш аёллар содир этадилар.

Зўравонлик жиноятларига *жинсий жиноятлар* ҳам киради. Бундай жиноятларда устунлик қилувчи руҳий хислат жинсий тажовузкорлик – жиноят қурбонига жинсий зўрлик ва жисмоний зарар етказиш, кўп ҳолларда ҳаётдан маҳрум қилишдир. Бу шахсда психик нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Мазкур нормадан оғишлар жинсий жиноятчиликнинг шарт-шароити ҳисобланади, аммо унинг сабаби эмас. Бундай

шахсларнинг аксарияти қонундан четга чиқмасликка ҳаракат қиладилар.

Жинсий жиноят – номусга тегиш, аёлни жинсий алоқага мажбурлаш, жинсий етуклик ёшига етмаганлар билан муносабатга киришишдир (ЖКнинг 118, 121, 128-моддалари).

Энг хавфли жинсий жиноят – номусга тегиш – жисмоний куч, таҳдид ёки жабрланувчининг чорасиз аҳволдан фойдаланиб содир этишдир. Бундай жиноят учун юридик жавобгарлик 14 ёшдан бошланади. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги аёлнинг жинсий эркинлигини кўпол равишда менсимаслик, жиноятчи ҳаракатларининг зўравонлик хусусиятига эгаллиги, жабрланувчига маънавий ва жисмоний зарар етказилиши, кўп ҳолларда руҳий ва жисмоний соғлиғининг бузилишидан иборат.

Шундай қилиб, зўравон жиноятчилар қадриятли-мотивацион ва руҳий бошқарув соҳасида бир қатор типик бузилишларга эга бўладилар. Воқеликни улар ижтимоий тақиқларга таъсирчанлик кескин пасайган шароитда акс эттирадилар.

Ҳар бир зўравонлик жиноятининг асосида бир қатор сабаб ва шарт-шароитлар, индивидуал-биологик, руҳий ва ижтимоий-психологик омилларнинг уланиши ётади

Қотиллик жиноятларини содир этган шахслар психологияси ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, уларда бошқа шахсларга нисбатан ниҳоятда тобеликни кузатиш мумкин. Қотиллар эркин ҳаётга мослашиши қийин бўлган шахслар тоифасига кирадилар. Жиноят факти – жиноят қурбони билан алоқадан чиқиш улар учун хатти-ҳаракатнинг деярли имкони йўқ усули эканлигини кўрсатади. Шунинг назарда тутиш лозимки, бу тобелик нафақат жиноят қурбони билан алоқада, балки бошқа биров билан алоқада ҳам амалга ошиши мумкин, ўшанда жиноят учинчи шахсга тобелик билан боғлиқ бўлади.

Қотиллик жиноятларининг келиб чиқишидаги асосий омиллардан бири – жиноятчини бошқа шахсларнинг рад этиши натижасида унинг мустақил бўлиш қобилиятини чекланиши (блок-ланиши)¹. Қотиллик жиноятларининг аксарияти тўғри қасд билан содир этилади, тажрибанинг кўрсатишича, уларнинг 1/3 қисми аввалдан режалаштирилади.

¹ Қаранг: *Самовичев Е.Г.* Убийство: психологические аспекты преступления и наказания. – М., 1998.

Қотиллиги учун жазога ҳукм қилинган (500 нафар) шахсларни ўрганиш куйидагиларни кўрсатди. Уларнинг тахминан ярми спиртли ичимликларни ёшлигидан истеъмол қила бошлаганлар. Алкоголь тажовузкорликнинг намоён бўлишини бир неча баравар кучайтирган ва оғирлаштирган. Тажовузкор ҳаракатлар асосан кўрқитиш, дўппослаш, ҳақоратлаш ва тўполонларда намоён бўлган, яъни шахс ва жамоат тартибига қарши қаратилган. Қотиллик жиноятларини асосан эркаклар содир этиб, қурбонларнинг ярмидан ортиғи аёллар бўлган. Ушбу жиноятларнинг 1/3 ҳолатида қотил ва жабрланувчи (жиноят қурбони) бир-бири учун нотаниш ёки бевосита жиноят содир этилишидан олдин танишган шахслар бўлганлар. 30 % ҳолатда улар қариндош, 8–6 % ҳолатда эр-хотин, қолган ҳолатларда таниш, хизматдош, қўшни бўлганлар. Аксарият қотилликларни 20–30 ёшлардагилар содир этганлар¹.

Ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганларнинг бутун гуруҳига шафқатсизлик хос бўлиб, бундай шафқатсизлик ҳайвонлар, болалар, қариялар, аёллар билан муомалада намоён бўлади.

Тарбияланиш шароитини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қотиллик жиноятлари учун ҳукм қилинганлар бир ярим баравар кўп ҳолларда носоғлом шароитларда тарбияланганлар. Болаликда уларнинг 20 %га яқини ота-онасиз, 1/3 қисми тўлиқсиз оилада, айти вақтда 9 % онасиз, 75 % отасиз ўсган. Ҳар бешинчи ҳолатда оиланинг тўлиқсизлиги ота-онанинг судланганлиги билан боғлиқ бўлган. Энг криминоген омил – бу онанинг судланганлигидир.

Материалларни таҳлил қилиш жараёнида болаликдаги тажовузкор хулқнинг ўсмирлик ва йигитлик даврида ғайриқонуний ва жиной хулққа ўтиши аниқланган. Текширилганларнинг 1/3 қисми илк бор 16–17 ёшларида жазога ҳукм қилинганлар. Бу шахслар ишга виждонан муносабатда бўлмаган, меҳнат интизомини кўпол тарзда бузган, ичкиликбозлик қилган, доимо жанжалли вазиятни юзага келтирганлар.

Ўта оғир даражадаги қотиллиги учун жазоланган 500 нафар текширилганларнинг 300 нафари суд-психиатрия экспертизасидан ўтказилган. 180 ҳолатда, яъни экспертизадан ўтган ҳар иккинчи шахсда ақли расоликни истисно этмайдиган турли нуқсонлар –

¹ Қаранг: *Чуфаровский Ю.В.* Психология оперативно-розыскной и следственной деятельности. – М., 2004.

сурункали алкоголизм, психопатия, бош миянинг органик касалликлари, шизофрения кабилар кузатилган.

Ўз навбатида қотиллик жиноятларини қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин.

Тасодифий қотил жиноятчилар. Улар ўзларининг рухий ҳолатларини бошқаришларида нуқсонлари мавжудлиги билан ажралиб турадилар. Жабрланувчини ўлдириш улар учун фожиали тасодифдир. Лекин, аслида, бу тасодифий эмас. Бу ерда шахснинг мураккаб, низоли вазиятдан ижтимоий мослашган ҳолда чиқиб кета олмаслиги намоён бўлади. Одатда бундай қотилликлар узоқ вақт тўпланиб борадиган салбий ҳис-туйғулар, зўриқишлар замирида юз беради.

Индивид ҳимояланишнинг ахлоқий-ижобий ва қонуний усулларини билмаган ҳолда чидаб бўлмас тушкунлик, жуда оғир аҳволининг чорасизлиги, ҳаётий зиддиятлардан қонуний йўл билан чиқиш мумкинлигига ишонмаслик натижасида охириги чорадан фойдаланади. Бунда одатда жабрланувчи инсоний муносабатларнинг оддий асосларини узоқ вақт ва қўпол равишда бузади, жиноят содир этилишига шароит яратади.

Айрим тасодифий қотилликлар кўққисдан, фавқулодда вазиятларда, айниқса аффект (ҳиссий портлаш) ҳолатида содир этилади. Халқ онгида лаънатланган ашаддий қотиллар ҳамда эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш ўртасида катта ахлоқий-психологик фарқ борлигини инобатга олиш лозим. Ушбу жиноятлардаги айни бир хил жиноий натижа жиноятчиларнинг турли даражадаги ижтимоий хавфлилиги, ахлоқий-психологик хусусиятлари билан боғлиқдир.

Аксарият қотилликлар маиший асосда, ғайриихтиёрий, баъзан ниҳоятда арзимас сабабларга кўра содир этилади. Бу тоифадаги қотиллар кўпинча ўч олинмаган аламлар узоқ вақт тўпланишининг натижаси ҳисобланади.

Шахсий мағлубият (ҳақорат, қўпол тарздаги хўрлаш, дўппослаш) ҳолатларида шахс вазиятга батамом тобе бўлиб, натижада ўзини ўзи бошқаришга қобилиятсиз бўлиб қолади.

Кўп ҳолларда қотилларнинг ҳаёт йўли тажовузкор хулқ тажрибасининг узоқ вақт тўпланиши билан кечган.

Ашаддий қотил жиноятчилар барқарор ғайриижтимоий қарашлари, йўналишлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг ахлоққа зид ишлари, салбий эҳтиёжларининг устунлиги зўравонлик ҳаракатларининг ниҳоятда қўпол усулларини келтириб чиқаради.

Улар, одатда, илгари судланган, озодликдан маҳрум қилиш жойларида қайта ижтимоийлашмаган (тарбияланмаган) ва сезиларли ижтимоий ўринга эга бўлмаган шахслардир. Уларнинг кундалик хулқи жиноятга яқин туради, ғайриижтимоий, жиноий субмаданият шароитида амалга ошади.

Улар ташқаридан бўладиган ҳар қандай таъсирни ўзига нисбатан ҳужум деб ҳисоблайдилар, «тўғри», ҳамма иши жойида одамларга нафрат билан муносабатда бўладилар. Улар сурункали равишда ҳиссий-руҳий зўриқиш, хавотирларни ҳис қилиб, арзимаган сабабларга кўра тажовузкор ҳаракатларга тайёр турадилар.

Қўпол, зўравонлик билан, жиноий усулда ўзини кўрсатишга бўлган мойиллик, чуқур ғайриижтимоий бузилишлар – ашаддий қотилнинг асосий психологик хусусиятидир

5. Профессионал жиноятчилар ва рецидивистларнинг психологик хусусиятлари

Профессионал жиноятчилик одатда доимий равишда ғайриқонуний даромад олиш билан чамбарчас боғланади. Бироқ, профессионал жиноятчиликни фақат «даромад» тушунчаси билан эмас, балки яхши ишланган, йўналиш, изга тушган усуллар билан амалга ошириладиган барқарор, доимий машғулот сифатида тушуниладиган «профессионализм» деган психологик тушунча билан ҳам боғлаш лозим.

Масалан, ўғрилик касбга айланганида у билан ҳар қандай касб билан бўладиган ходиса рўй беради: меҳнат тақсимооти юзага келади, касб турмуш тарзига айланади. Профессионал жиноятчи ўз ишини яхши билади ва бутун интилишларини унга бўйсундиради, шунингдек жиноий ихтисослашуви билан ажралиб туради.

Профессионал жиноятчилар ўз ҳаётларида бир неча марта айбли ижтимоий хавфли қилмиш содир этиб, муайян билим ва тажриба тўплаган, фақат жиноят содир этиш туфайли кўлга киритилган моддий неъматлар эвазига яшашга ўрганган кишилардир.

Профессионал жиноятчилар руҳий оламининг моҳияти ва хусусиятлари уларнинг ахлоқий ёмонлик қонунларида ўз ифодасини топган. Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунларига қуйидагилар киради:

1. *Ҳар бир жиноятчининг, жиноятчилар гуруҳи аъзоларининг асосий вазифаси, бурчи «ўғрилар гояси»га садоқат билан хизмат қилишидир. Ушбу қонун ҳар бир жиноятчидан:*

1) жиноят содир этиш ҳаётининг бош мақсадини ташкил этишини;

2) тўплаган маблағларини ўғриларнинг умумий пул маблағлари жамғармаси (обшак)га топширишни, ошиқчасини эса ҳар хил кўнгилхушликка, қиморбозликка сарфлашини;

3) махфийлик қоидаларига қатъий амал қилишни, ҳар қандай аҳволда ҳам, яъни қийноққа солинганда, наркотик моддалар таъсирида, ақлдан озганда ҳам «ўғрилар биродарлиги» ғояларига содиқ қолиб, уларни сотмасликни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчиларга ҳеч қандай маълумотларни ошкор қилмасликни;

4) жамият учун фойдали меҳнат қилмасликни, яъни умумий фойдали меҳнат фаолияти билан шуғулланиш – «фрайер учун ишлаш»ни энг ифлос, ҳазар қилинадиган иш деб билишни;

5) оила қурмаслик, қариндошлар билан алоқада бўлмасликни талаб қилади. Бу ахлоқий ёмонлик талабларини бузганлар қаттиқ жазоланадилар.

Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари жиноятчининг ўз онаси билан нормал инсоний муносабатда бўлишгагина монелик қилмайди. Бироқ, жиноятчининг баданига ёзилган «Не забуду мать родную» деган татуировканинг онага бўлган меҳр-муҳаббатни ифодалашга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу татуировка уларнинг фақат жиноятчилар гуруҳига бўлган муҳаббатини, садоқатини ифодалаб, жиноятчилар дунёсини «родная мать» – «жонажон она» деб билишларини ифодалайди, холос.

Жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари жиноятчиларга ишқ-муҳаббат, жинсий ҳаёт борасида фақат «шалавалар» – бузуқ аёллар билан ишқий-интим муносабатда бўлишларига, баъзида эр-хотин бўлишларига рухсат беради. Бунда профессионал жиноятчининг хотини бошқа жиноятчиларни ҳам интим жиҳатдан таъминлаб юриши кераклиги, айниқса, «қонуний эри» камоққа тушса, унинг бошқа жиноятчилар ихтиёрига ўтиб кетиши, айни вақтда камоқдаги эридан хабар олиб туриши талаб қилинади.

Бундай «шалава» хотинлар гарчанд ўз эрки билан ўғриларнинг хотини бўлган бўлса-да, ўғрилар дунёсига киргандан кейин улар бу ҳаётдан ўз ихтиёрлари билан чиқиб кета олмайдилар ва бир умр ўғрилар дунёсининг қул хотинига айланиб қоладилар. Ҳар қандай хиёнат, жиноятчилар дунёсидан чиқиб кетишга уриниш унинг учун фожиали тугаши муқаррар бўлади.

Ҳозирги замон жиноятчилари бола-чақа масаласида ҳам ахлоқий тарбияни жиноятчилар дунёсининг ахлоқий ёмонлик қонунлари асосида олиб боришга ҳаракат қиладилар. Айниқса, профессионал жиноятчининг боласи жиноят содир этса, у бола ва унинг отаси катта нуфузга эга бўлиб, унга ишонч билдирилади. Бундан асосий мақсад ана шу жиноятчилар ичидан «қонундаги ўғриларни» тарбиялаб етиштириш ҳисобланади.

2. Ҳар қандай профессионал жиноятчининг давлат органлари, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан алоқа қилишлари, муносабатда бўлишлари қатъиян тақиқланади.

Бу қонунни жорий қилишдан асосий мақсад жиноятчиларнинг ўз шерикларини сотмаслигини, уларнинг ишига ва ғоясига содиқ қолдиришни таъминлашдан иборат. Шунга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан қилинган ҳар қандай алоқа хиёнат ҳисобланади. Борди-ю, жиноятчи давлат органларига, қамок жойларидаги маъмуриятга бирор-бир маълумот берса, у жиноятчиларнинг «қардошлик» оиласидан чиқарилади ва жиноятчилар суди томонидан ўлимга ҳукм этилади.

Бу қонунни амалга ошириш учун махсус «қасамёд» қабул қилиш анъанаси қабул қилинган. Ҳар қандай ёш, қобилиятли ўғри маълум синов тажрибаларидан ўтганидан сўнг, жиноятчилар дунёсига қабул қилиниши олдидан «қасамёд» қабул қилади. Бу «қасамёд»да, масалан, «мен, ёш пацан, ўғрилар йўлини танлар эканман, мана шу йиғинда иштирок этаётган ўғрилар олдида бутун умрим давомида садоқатли ўғри бўлишга, чекистлар билан ҳеч қандай муносабатда бўлмасликка қасам ичаман...», дейилади.

Бу қасам жиноятчилар дунёси ахлоқий ёмонлик қонунларининг энг олий чўққилардан бири ҳисобланади.

Ана шундай қасамёд қилганларгагина ўғрилар ишонадилар. «Қасамёд»ни бузганлар, албатта ўлимга ҳукм этиладилар. Бу ахлоқий ёмонлик тилсимотини ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими яхши билмоғи зарур.

3. Ҳар қандай жиноятчи ўз гуруҳи аъзоларига нисбатан ҳалол ва тўғри муносабатда бўлиши, хушмуомалалик билан иш кўриши лозим. Бу қонун тенг тоифадаги жиноятчиларнинг бир-бирлари билан уришишини, ҳар хил ҳақоратомуз сўзлар айтиб сўқинишларини тақиқлайди. Ўғрилар «одоби»да тенг тоифадагилар ўртасида «қўл силташ»га рухсат берилади, холос. Бироқ, бу ахлоқий талаблар ўзларидан пастки табақадагиларга нисбатан қўлланилмайди. Юқори

табақадагиларнинг пастки табақадагиларни уриши, сўкишига рухсат этилади. Шунинг учун «қонундаги ўғрилар» ўзларини жинойтчилар дунёсининг «князлари» деб атайдилар.

4. *«Қонундаги ўғри»ларнинг қамоқ жойларидаги тартибни назорат қилиши, жинойтчилар орасида бутунлай ўз ҳокимиятини ўрнатиши ва унинг ишлашини таъминлаши шарт.* Бу қонун қамоқ жойларида «қонундаги ўғрилар» бошчилигидаги ҳокимиятни ўрнатиб, жинойтчилар дунёсининг бир бутунлигини таъминлаш ва уларни янги аъзолар билан тўлдириш мақсадига хизмат қилади. Бу ишни амалга ошира олмаган «қонундаги ўғрилар» ўғрилар йиғини олдида жавобгар ҳисобланадилар ва тегишли жазони оладилар.

5. *Ҳар бир ўғри-жинойтчининг асосий вазифаларидан бири жинойтчилар дунёсини янгидан-янги аъзолар билан тўлдириш ишлари билан мунтазам равишда шуғулланишидир.* Бу қонун жинойт қилишга мойил бўлган ёшлар орасида «ғоявий-мафкуравий иш» олиб боришни, яъни жинойтчилар дунёсидаги эркинлик, чиройли ҳаёт, ҳар хил кўшиқлар, татуировкаларни тарғиб қилиш, уларни наркотик моддалар истеъмол қилишга, спиртли ичимликлар ичишга ва бузуқ аёллар билан жинсий алоқа қилишга ўргатиш; шантаж қилиш, кўрқитиш, ифво қилиш, қимор ўйинларига жалб қилиш, қарздор қилиш орқали уларни жинойтчилар дунёсига жалб этиб, ўз сафларини кенгайтиришни ва жинойтчилар авлодининг узлуксиз давом этишини таъминлашни талаб қилади.

6. *Ҳар қандай профессионал жинойтчининг сиёсий фаолият билан шуғулланиши, яъни партияларга аъзо бўлиши, газета ўқиши, тергов ва суд ишларида гувоҳ сифатида, жабрланувчи тарзида қатнашиши тақиқланади.*

7. *Ҳар бир профессионал жинойтчи қимор ўйинларини яхши билиши лозим.* Қимор ўйинлари жинойтчиларнинг аклини пешлашдан ташқари, жинойтчилар дунёсининг бошқа одамлар билан тил топишишининг энг муҳим усулларида бири ҳисобланади. Бу ўйинлар орқали улар бошқа жинойтчилар устидан ўзларининг ҳукмронлигини ўрнатадилар, яъни уларнинг мол-мулки, хотини, бола-чақасини ва ҳатто ҳаётини ҳам ютиб оладилар. Ютқазиб қўйганларни ўзларининг хизматкорига айлантирадилар ва энг хавфли топшириқларни бажаришга мажбур қиладилар.

Профессионал жинойтчиларнинг ахлоқий ёмонлик қонунлари талабларини бузганларга ва бажармаганларга қарши қуйидаги жазолар қўлланилади.

1. *Ошкора тарзда шапалоқ уриш.* Бу жазо кўпинча қилган майда гуноҳлари, хусусан ҳақорат қилганлиги учун қўлланилади. Уни амалга ошириш чун жинойтчилар йиғиладилар ва тенг тоифадаги гуноҳсиз жинойтчи уларнинг олдида тенг тоифадаги гуноҳкорни бир шапалоқ уради.

2. *Жинойтчилар гуруҳидан чиқариш ёки бир табақа настга тушириш.* Бунда одамлар йиғилиб, гуноҳкорнинг қулоғи тагига ўйин картаси билан урилади. Бу «қулоғининг тагига тушириш билан жазолаш» дейилади.

3. *Катта пул жаримасини солиш.* Бу жазо чораси айна бозор иқтисодиётига ўтиш вақтида кенгайиб кетди. Айниқса, ўғри-жинойтчилар ўғрилар йиғинига кечикиб келганликлари ҳамда ўзлари бўлиб олган ҳудудлардан чиқиб, бошқаларнинг ҳудудида иш олиб борганлиги учун катта пул жарималарини тўлайдилар.

4. *Олий жазо – ўлим жазоси.* Бу жазо асосан хиёнат учун қўлланилади. Бунда ўлдириш қуроли сифатида кўпинча пичоқ ишлатилади.

Профессional жинойтчиларнинг қуйидаги тўрт асосий белгиси мавжуд:

1) жинойтчилик билан шуғулланишдаги барқарорлик, яъни бирор-бир жинойт турини содир этишга ихтисослашганлик;

2) маълум кўникма ва малакага эга бўлиш;

3) жинойт туфайли мол-мулк топиш ҳаётининг асосини ташкил этиши;

4) жамиятдаги тартибга хилоф тарзда ҳаёт кечирувчилар билан алоқада бўлиш.

Жинойтчилар дунёси жамиятнинг илллати бўлиб, ундан ажралган ҳолда иш кўради. Шунинг учун ҳам жинойтчилар бошқалар билмаслиги ёки тушунмаслиги учун ўзларининг тилини, ҳар хил лақабларини, белгиларини ишлаб чиққанлар. Бу тил (жаргон), лақаб, белги (татуировка)лар орқали улар сирли мулоқотда бўладилар. Ана шу сирни билиш ва натижада улар содир этмоқчи бўлаётган жинойтларнинг олдини олиш ва уларни фош қилиш ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жинойтчилар дунёси жинойтчилардан кишилар орасида ва ижтимоий ҳаётнинг иллатлари бўлган бошқа қатламлар билан мулоқот қилишда муомала қилиш элементларини, яъни: а) махсус

тил, яъни жаргонларни; б) жинойтчиларнинг белгилари (татуировкалар)ни; в) жинойтчиларнинг лақабларини яхши билишларини талаб қилади.

А. Жинойтчилар дунёси «эстетик маданияти»нинг асосий элементларидан бирини уларнинг нутқ маданиятига кирувчи тили (жаргонлари) ташкил этади.

Жинойтчилар дунёсида амал қилувчи жаргонларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) оддий ҳуқуқбузарлардан тортиб, профессионал жинойтчиларгача фойдаланадиган умумий жаргонлар;

2) озодликдан маҳрум этилганлар қамоқхоналарда ишлатадиган жаргонлар;

3) профессионал жинойтчилар ишлатадиган махсус жаргонлар.

Жинойтчилар дунёсининг жаргонлари икки хил вазифани: биринчидан, жинойтчиларнинг сўзларини оддий фуқаролар тушунмаслиги учун махфийлаштириш; иккинчидан, жаргонига қараб жинойтчининг қайси тоифага кириши ва жинойтчилар дунёсида қандай ўрин тутишини аниқлаш, билиш вазифасини бажаради.

Жинойтчилар ўзларининг тилини санъат билан қиёслаб, уларга эстетик тус берадилар, яъни «муסיқа садолари остида қадамма-қадам юради» («по музыке ходит») деб ўзларининг тил ҳунарларини мақтайдилар. Ҳозирги кунда жинойтчиларнинг луғавий бойлиги 10 минг сўздан ортиқ бўлган ҳар хил жаргонлари мавжуд. Шулардан баъзи бирларини келтирамиз: масалан, поляк тилидан кириб келган жаргонларга *капать* – етказиш, чақиш, *мент* – милиционер, турма назоратчиси; украин тилидан кириб келган жаргоналарга *хавать* – емоқ, *хомка* – пичоқ; лўлилар тилидан кириб келган жаргонларга *чувиха* – суюқоёқ; турк тилидан кириб келган жаргонларга *яманий* – ёмон, *кича* – турма; немис тилидан кириб келган жаргоналарга *гутен морген* – эрталабки ўғрилиқ; француз тилидан кириб келган *шпана* – майда ўғрилар каби сўзлар киради.

Шунингдек, ҳозирги кунда муомалада бўлган баъзи бир жаргонларни ҳам келтирамиз. Масалан, *айва* – қоч, *алкаш* – ароқхўр, *амба* – тамом, *ампула* – шиша идиш, *балда* – наша, *бан* – бозор, *бабан* – қишлоқи, *баруха* – хотин, *бугор* – бригадир, *шайба* – пул, *жук* – тажрибали ўғри, *шалото* – тилла, *артист* – фирибгар, *зажигалка* – тўппонча, *бродяга* – дайди, *басяки* – ялангаёқ, *ширмоч* – чўнтаккесар ва бошқалар¹.

¹ Қаранг: Империя страха. – М., 1992. – С.146–148.

Б. Профессионал жиноятчилар оламининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири – бу жиноятчиларнинг баданларига чизилган ёки куйдириб ёзилган ҳар хил мазмундаги белгилар – татуировкалар ҳисобланади.

Татуировкалар қуйидаги маъноларни англатади:

1. Жиноятчининг қайси табақага мансуб эканлигини англатади. Масалан, баданга чизиб ишланган «хоч» (крест) – киссавурни, «гладиатор» – безорини, «ўргимчак инидаги ўргимчак» – гиёҳвандни англатади ва ҳоказо.

2. Жиноятчининг қасд олишга ва қамоқдан қочишга бўлган майлларининг мавжудлигини англатади. Масалан, йўлбарс бошининг тасвири – тажовузкор жиноятчини, погонга санчилган пичоқ – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан ўч олишга қасд қилганлигини, қуролланган эчки – милиция ходимидан ўч олиш, каллага қадалган пичоқ, ханжар – етказилган ҳамма мусибатлар учун ўч олиш, оғзида пичоқ тишлаш – фаолларни сўяман, юракка қадалган ханжар ва ўқдон – қонундаги ўғрилардан ўч оламан, деган маъноларни билдиради.

3. Шунчаки баданни «безаш» учун хизмат қилади. Ҳаттоки, жаҳонга машҳур санъат асарларидан нусхалар чиздириш, яъни завқшавқ олиш мақсадида ҳамда ўзининг юксак эстетик дид эгаси, маданият соҳиби эканлигани кўрсатиш учун махсус чизилган татуировкалар бор. Масалан, Васнецовнинг «Уч баҳодир», Леонардо Да Винчининг «Сикстин Мадоннаси» асарларини баданга чиздирадилар.

4. Қаҳрамонлик ва чидамлилиқни намойиш қилиш учун чизилади. Масалан, жон оғрийдиган нозик жойларга, кўзнинг устига ва бошқа жойларга чизилган татуировкалар шулар жумласига киради.

В. Профессионал жиноятчиларда лақаблар уларнинг иккинчи исми ҳисобланади. Жиноятчиларнинг лақаблари асосан конспирация яъни ниқоблаш, яшириш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир жиноятчининг лақаби мавжуд бўлади. Лақабларига қараб улар бир-бирларининг нима иш билан шуғулланишларини, қаерда туришларини, ким билан алоқа қилишларини биладилар.

Лақаб уюшган жиноятчиларнинг ажралмас белгиларидан бири ҳисобланади. Баъзида лақаблар жиноятчининг жисмоний жиҳатларини билдириш учун ҳам ишлатилади. Масалан, «Япончик» (В.

Иваньков 1940 йилнинг 2 январида Москвада туғилган, унинг бу лақаби ҳақида икки хил тахмин бор: баъзилар унинг ташқи кўриниши шарқона бўлгани учун «Япончик» лақабини олган дейишса, баъзилар В. Иваньков «джиу-джитсу» деб номланган япон курашининг устаси эди, лақаб шундан келиб чиққан дейишади), «Қора кардинал» (Отари Квантришвили 1947 йилда Грузияда туғилган, «кардинал» католик динида Рим папасидан кейин турувчи мартабаси улуғлиги жиҳатидан иккинчи шахс ҳисобланади) ва ҳоказо. «Қонундаги ўғри»ларнинг лақаби: «Маша» ўғрилар бандасига бошчилик қилувчи аёлнинг лақаби, «Малина» ўғрилар учун махсус квартира сақловчиларнинг лақаби ва бошқалар. «Иван»лар деганда босқинчилик, иғво билан шуғулланган жинойтчилар; «Храпн» деганда ўз ишларини ўзгалар кўли билан қиладиган жинойтчилар; «Игроки» деганда ҳар хил қиморбозлар тушунилади.

Жинойтчилар дунёсининг ўзига хос «санъати» ҳам мавжуд. Буларга жинойтчилар ҳаётини куйлайдиган кўшиқлар, мусиқалар, рақслар киради. Уларда жинойтчилар дунёси «романтик» тарзда тарғиб қилинади. Бу «романтик» тарғибот эса жинойтчилар дунёсига янгидан-янги аъзоларни жалб этишга хизмат қиладди. Айни вақтда жинойтчилик руҳида ёзилган кўшиқлар, шеърлар, куйлар жинойтчиларга завқ бағишлайди. Масалан, Александр Галичнинг «Турма мотивлари» туркумидаги шеърлари шулар жумласига киради.

Жинойтчилар дунёсидаги ахлоқий ёмонлик қонунлари, уларнинг баданларига чизилган татуировкалар, кўйилган лақаблар, куйланган кўшиқлар ва бошқалар қанчалик гўзал кўринмасин, улар инсонийликка ёт нарсалар ҳисобланади.

Профессионал жинойтчиларнинг таркибий тузилиши ва тоифаси. Ҳозирги замон жинойтчилар оламининг таркибий тузилишини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг бир неча тоифага бўлинганлигини ва ҳар бир тоифадаги жинойтчиларнинг ўзига хос ички ва ташқи турмуш тарзи, унда амал қилувчи қандайдир қонунлар ва ахлоқ, хулқ-атвор меъёрлари борлигини, уларнинг барчаси ўзининг мазмун-моҳияти билан жинойтчилар оламини такомиллаштиришга қаратилганлигини кўрамыз.

Жинойтчилар оламининг психологик хусусиятларини ифода этувчи ўзига хос ёзилмаган хулқ-атвор меъёрлари, кўрсатмалар, тил (жаргон), лақаб, кўшиқ, мусиқа, татуировкалари мавжуд. Буларни

билмасдан туриб, жиноятчилар оламида бўлаётган ўзгаришларни билиш ва уларга қарши самарали курашиш мумкин эмас.

Ҳозирги кунда жиноятчилар олами қуйидаги тоифалардан ташкил топган:

- 1) «қонундаги ўғрилар» («вор в законе»);
- 2) «обрўлилар» («авторитеты»);
- 3) «ишбилармонлар» («дельцы»);
- 4) «қиморбозлар» («каталы»);
- 5) «тилёғламачи» («шестерки»);
- 6) «эркаклар» («мужики»);
- 7) «болалар, йигитчалар» («пацаны»);
- 8) «шўрпешоналар ва пасткашлар» («обиженные и опущенные»).

Ушбу гуруҳларнинг дастлабки бештасига жиноятчилар дунёсининг ўзагини ташкил қилувчи профессионал жиноятчилар киради.

Хўш, «қонундаги ўғрилар» кимлар?

Биз жиноятчи деб биладиган оламнинг ўзига яраша одатлари, анъаналари мавжуд. Ўзига яраша мартабаю «унвонлари» ҳам бор. Бу олам ўзига яраша улуғларию хиёнаткорларидан ҳам холи эмас. Жиноят оламининг энг юқори табақаларидан бири ўзбекчасига «Тож гули» (русларда «Цветная масть») деб аталади. Мана шу олий табақа бутун жиноят оламини бошқаради. Жиноят оламида «қонундаги ўғри» («вор в законе») деган тушунча ҳам бор. Тўғрироғи, бу оддий тушунча эмас, балки мартаба, унвон ҳисобланади. «Қонундаги ўғри» номини олиш учун, бу мартабага етиш учун кўп синовлардан ўтиш керак. «Қонундаги ўғри» атамасини «қонуний ўғри» деган маънода тушуниш керак эмас. Айримлар бу мавзуда ёзганларида «вор в законе»ни «тоза ўғри» деб таржима қиладилар. Бу ҳам унчалик тўғри эмас.

«Қонундаги ўғри» – ўғрилар оламининг қонун-қоидаларини ҳеч бир оғишмай амалга оширадиган, ўғрилиқ одатларига содиқ, ўғри дўстларига ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган, бутун ҳаётини шу оламга бағишлаган одамдир. Бу номни уларга НКВД ходимлари ХХ асрнинг 20–30-йилларида беришган. У вақтда бу ибора «ашаддий ўғри», «ашаддий жиноятчи» деган маъноларда қўлланилган. Жиноятчилар оламида «энг яхши ўғри – ҳалол ўғри», деган қараш мавжуд. Бу биз учун бир оз кулгили туюлади, албатта. Чунки жамият уларни жиноятчи деб ҳисоблайди, улардан нафратланади ва уларни жазолайди. Улар эса ўзларини жамият устидан ҳукмронмиз

деб ҳис қиладилар ва жамиятдаги ҳеч қандай қонун-қонидани тан олмай яшайдилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жиноят оламининг табақалашуви тезлашди. Аввало, жарима батальонларида («штрафбат») жанг қилиб тирик қайтган жиноятчи-жангчилар ҳукуматдан қурол олдилар. Ўғриларнинг ҳукумат билан мураса қилиши жиноят оламининг қонунига мутлақ зид бўлгани сабабли уларга «қанжик» деган «мартаба» берилган.

Уруш пайтида Ғарбий Европага кетиб қолган айрим жиноятчилар урушдан кейин тижорат билан шуғуллана бошлашган. Ўғрилар қонидасига кўра бу ҳам мумкин бўлмагани сабабли улар «польшалик ўғрилар» деб ном олишган. Мана шулар ва шуларга ўхшаб ўғри номусини қадрлай олмаганларга «эгилувчи ўғрилар» деган ном берилган ва улар билан аёвсиз уруш олиб борилган. Натижада «қонундаги ўғри»ларнинг сони кескин камайиб, фақат 3–4 % инигина ташкил қилган.

XX асрнинг 70–80 йилларида собиқ Коммунистик партиянинг калтабинлиги туфайли жиноят кодексларидан «бандитизим», «шайка», «уюшган жиноятчилик» каби тушунчалар чиқариб ташланди. СССРда гўё бундай хавфли жиноятчилар йўқ деб кўрсатишмоқчи бўлишди. Коммунистик партиянинг бундай нодон сиёсатидан жиноят олами унумли фойдаланди ва ривожланди. Оқибатда аввал 300 ўғри расмий равишда «қонундаги ўғри» тожини кийган бўлса, тўқсонинчи йилларнинг бошларида уларнинг сони 1500 дан ошди. Бу малакалари ошган, ўғрилиқ номуси, қоидаларига риоя қила оладиган ёшлар сафи кенгайди, деганидир.

«Ўғрилиқ» деганда биз уйга бостириб кирадиган, йўлда тунаган ёки чўнтак кесган одамларни тушунамиз. Тўғри бу ҳам ўғрилиқ, аммо бу олам йўлидаги биринчи босқичлардан ҳисобланади. Жиноят олами бизнинг ҳалол оламга нисбатан фарқли ўлароқ миллат ва динга аҳамият бермайди. Бугунги кунга келиб собиқ Иттифоқ ҳудудидаги «қонундаги ўғри»ларнинг 33 % ини руслар, 32 % ини грузинлар, 8 % ини арманлар, 5 % ини озарбайжонлар, 22 % ини курдлар, абхазлар, қозоқлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этишлари аниқланган.

«Қонундаги ўғри»лар одатда узоқ яшамайдилар. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларнинг ўртача умри кўпи билан 50–55 ёшдан ошмайди. Айримларигина 60 ёки ундан сал зиёдрок

умр кўрадилар. 65 ёшдан ошганлари бармоқ билан санарли, 70 дан ошганлари иккитагина бўлган. Шулардан бири саратовлик «Мордак»лақабли «қонундаги ўғри» бўлса, иккинчиси америкалик «Кац» лақабли «қонундаги ўғри» бўлган.

Шунингдек, жиноятчилик оламида 18–20 ёшдаги «қонундаги ўғри» ларни ҳам кўриш мумкин. Масалан: Бог (Худо) лақабли Гасоян 1953 йилда Тбилисида туғилган, 1997 йилда ўлдирилган. Валтер лақабли Валерьян Джанашия 1957 йилда Абхазияда туғилиб, 1997 йилда ўлдирилган. Улар 20 ёшидаёқ «қонундаги ўғри» унвонини олишган.

Маълумотларга қараганда, «қонундаги ўғри»ларнинг 80 % ни 30–35 ёшдаги жиноятчилар ташкил этар экан¹. Жиноятчилар оламининг «олий табақаси»га кирувчи бу тоифадаги жиноятчиларни ўзининг оғир ва ўта оғир жиноятлари билан камида 2–3 маротаба қамалиб чиққан, жазони ўташ жойларида 13–15 йиллаб ўтирган, жиноятчилар оламининг барча ахлоқий қонун-қоидаларини пухта ўзлаштириб олган, жиноятчилар дунёсида обрў-эътиборга сазовор бўлган ҳамда ўғриларнинг махсус йиғинларида ушбу «олий унвонни» олган профессионал жиноятчилар ташкил қилади.

«Қонундаги ўғрилар»га қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардан иборат:

- ўғрилар ғоясига чексиз содиқлик;
- жиноят қилишда тажриба ва катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиш;
- ўғриларнинг «қонунлари»ни пухта билиш;
- «обрўсизлантирадиган» (армияда хизмат қилганлиги, партияга аъзо бўлганлиги, давлат мукофотлари орден ва медаллар билан тақдирланганлиги ҳақидаги) маълумотларнинг бўлмаслиги;
- жиноятчилар оламида нуфузга эга бўлганлардан оғзаки ёки ёзма тавсияноманинг бўлиши.

Ҳаётнинг ўзгариши билан «қонундаги ўғрилар»нинг турмуш тарзи, уларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб боради. Ҳозирги кунда мавжуд бўлган «қонундаги ўғрилар» 50-йиллардагиларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади: биринчидан, жиноятни бевосита ўзлари эмас, балки бошқаларнинг («пехота»ларнинг) ёрдамида амалга ошириши; иккинчидан, катта ташкилий ишларни бажариш, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва

¹ *Разинкин В.С.* Воры в законе и преступные кланы. – М., 1995. – С. 30–31.

маъмурий органлар билан алоқа ўрнатиб, ишни ўзларининг фойдасига ҳал қилиш билан шуғулланиши; учинчидан, бевосита ўғрилик билан эмас, балки рэкет, қимор ўйини, гиёҳвандлик билан шуғулланишлари.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда «қонундаги ўғрилар»нинг икки тоифасини, яъни эски ўғрилик анъаналарига содиқ қолиб, уларнинг қонунларини қатъий равишда амалга ошираётган «нэпман ўғрилар» ҳамда эски қонун-қоидаларни замонга мослаб ўзгартирган «янги ўғрилар»ни кузатиш мумкин.

«Янги ўғрилар»нинг қамокда ўтирган бўлиши шарт эмас, улар катта пул эвазига «қонундаги ўғри» рутбаси (титули)ни сотиб олиб, эски «нэпман ўғрилар»га қарши кураш олиб борадилар. Бу кураш кўпинча бир-бирларини жисмоний йўқ қилиш билан тугалланади.

Умуман олганда, «қонундаги ўғрилар» қуйидаги ахлоқий ёмонликларни бажарадилар:

– жиноятчилар турмуш тарзини, ўғрилик «ахлоқи», хулқ-атвори қонун-қоидаларини тарғиб қилиш, ўз сафларини ўғриларнинг урф-одатларини яхши эгаллаб олган ёшлар билан тўлдириш;

– бошқа уюшган жиноятчи гуруҳлар билан алоқа ўрнатиш, битим тузиш, уларга ўзларининг таъсирини ўтказиш ҳамда янги хулқ меъёрларини ишлаб чиқиш ва жиноятчилар дунёсига татбиқ этиш;

– умумий пул жамғармасини ташкил этиш ва уни мунтазам равишда тўлдириб бориш;

– ўғрилар, фирибгарлар ва бошқа текин томоқларни топиш ҳамда уларнинг устидан ўз назоратларини ўрнатиш;

– қамалган ўғриларга, уларнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш;

– ўғриларнинг йиғинини чақириш ва унда кўриладиган масалаларни белгилаб олиш (Ўғрилар йиғини ўғрилар ҳаётининг муҳим масалаларини, масалан, пул жамғармасини ташкил этиш, уни тўлдириш, сотқинларни йўқ қилиш, ҳар хил низоларни ҳал қилиш каби масалалар бўйича кўпчилик томонидан «демократик» асосда қарор қабул қиладиган кенгаш ҳисобланади);

– жиноят қидирув ходимларига қарши иш олиб бориш, ўзга жиноятчи гуруҳлар томонидан тарқатилаётган гап-сўзларни текшириб кўриш, жиноятчилар бошлиқларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш;

– жинойтчилар ўртасида вужудга келган низоларни, зиддиятларни ҳал этиш, уларнинг ахлоқ меъёрларига, қонунларига мос келмаган хатти-ҳаракатларни содир этганларни суд қилиш, қилмишига яраша жазо чораларини белгилаш, ижро этилишини назорат қилиш ва ҳоказо.

Худди шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида қамок жазосини ўтаётган «қонундаги ўғрилар» қуйидаги ахлоқий ёмонликларни бажарадилар:

– ўзига рутбаси тўғри келадиган ёки ўғриларнинг олий табақасига мансуб ёхуд шуларга яқин бўлган жинойтчилар билан алоқа қилиш;

– ЖИЭМда бажариладиган ғайриинсоний, ахлоққа зид ишларни бевосита ўзи эмас, балки хизматкорлари «тилёғламачилар», уларнинг қилган гуноҳини ўзига олувчи «балогардонлар» («фомоотводлар»), жазолаш ишларини бажарадиган «буқалар» («быки»), «солдатлар» орқали амалга ошириш;

– ташқи дунё билан махфий йўллар орқали алоқада бўлиш, яъни ҳар хил товарлар, озиқ-овқат, пул кабиларни олиб туришни таъминлаш;

– қамокдаги назоратчилар устидан ҳар хил иғво гапларни тарқатувчи гуруҳга раҳбарлик қилиш, қонунларни бузиб талқин этиш каби тарғибот-ташвиқот ишларини уюштириш;

– камерада, ошхонада, ётоқда, ҳаммомда ўзига ёққан жойни зўрлик билан эгаллаш;

– ЖИЭМ раҳбарларининг, ходимларининг хатоларини, ишдаги камчиликларини топиш ва улардан бузғунчилик, иғво мақсадларида унумли фойдаланиш;

– қийин ишларни бажармаслик, енгил ишлар – бригадирлик, сартарошлик каби ишлар билан шуғулланиш;

– ЖИЭМ ходимлари ва ҳарбий хизматчилар орасидан ғайриқонуний иш қилувчиларни топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш;

– белгиланган шаклдаги кийим-бошлардан ажралиб турувчи кийим кийиш, ҳар хил маиший ҳожат предметларига эга бўлиш ва ҳоказо¹.

¹ Қаранг: *Гуров А. И.* Профессиональная преступность: прошлое и современность. – М., 1990. – С. 175–176.

«Обрўлилар». Булар жиноятчи унсурлар ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган профессионал жиноятчилар ҳисобланиб, «қонундаги ўғрилар»дан кейин турувчи тоифани ташкил қилади.

Бу тоифадаги жиноятчилар ҳам икки гуруҳга ажралади. Биринчи гуруҳга «қонундаги ўғриларга» яқин бўлган, улар билан бевосита боғланган «обрўлилар» кирса; иккинчи гуруҳга ўзларининг моддий имкониятларига кўра мустақил бўлган «обрўлилар» киради. Бу «обрўлилар»нинг ўз одамлари, кўриқчилари, маслаҳатчилари бўлади. Бундай «обрўлилар» одатда қаллоб, тамагир бўладилар ва улар билан «қонундаги ўғрилар» ҳисоблашишга, келишишга мажбур бўладилар.

«Обрўлилар» «қонундаги ўғрилар» амал қиладиган ахлоқий қоидаларни, бурч ва вазифаларни деярли бажарсалар-да, бироқ баъзи жиҳатлари билан фарқ қиладилар. «Обрўлилар» ўғрилар йиғинини чақиришга, озодликдан маҳрум этилган жойларда умумий пул жамғармасини ташкил этишга ёки ташкил этилган «касса»даги маблағларни сарфлашга, ўғрилар йиғинида ҳал қилувчи овоз билан қатнашишга, «қонундаги ўғрилар» ваколатларидан фойдаланиб, ҳар хил қарорлар қабул қилишга, судьялик функциясини бажаришга ҳақли эмаслар.

«Ишбилармонлар» ва «цеховиклар». Бу гуруҳдагиларга иқтисод ва хўжалик юритишда жиноят содир этганлар киради.

«Ишбилармонлар»га олибсотарлар, мансабдор жиноятчилар, «валютачилар» кирса, «цеховиклар»га хусусий тадбиркорлик билан яширинча, давлат ҳисобидан ўтмаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарувчи жиноятчилар киради. Нима бўлганда ҳам маҳсулотни ишлаб чиқариш ва тезликда сотиб катта фойда олиш уларнинг асосий қонуни ҳисобланади.

«Қиморбозлар» қимор ўйинлари билан шуғулланувчи профессионал жиноятчилар бўлиб, бу тоифадаги жиноятчилар фирибгарлар фаолиятининг давомчилари сифатида келиб чиққан. Уларнинг асосий вазифаларидан бири жиноятчилар дунёсининг пул жамғармаларини тўлдириш ҳисобланади.

«Тилёгламачилар» жиноятчилар дунёсининг энг пастки табақасига мансуб бўлган жиноятчилар жумласига кириб, ўғрилар бошлиқларининг хизматкорлари вазифасини бажарадилар, яъни уларнинг ҳар хил топшириқларини бажарувчи майда жиноятчилар ҳисобланадилар. Масалан, чақимчилик, воситачилик, алоқачилик,

пул маблағларини йиғиш каби вазифаларни бажарадилар. «Тилёғ-ламачилар» озодликда бўлганида, ўзлари жиноятчи гуруҳларга бошчилик қилиши, ўз одамларига эга бўлиши мумкин, бироқ «обрўли»га қатъиян бўйсунган ҳолда иш кўради, қамоқхоналарда эса хизматкорлик вазифасини ўтайди.

«Эркаклар» ва «болалар, йигитчалар». «Эркаклар» асосан хўжалик жинояти бўйича озодликдан маҳрум қилинганлар бўлиб, улар умуман яхши ишлайдилар, кун тартибини бажарувчан, маъмурият билан яхши муносабатда бўлиб, «қонундаги ўғрилар» билан алоқасини узиб, тезликда озодликка чиқишга ҳаракат қиладилар. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, қаттиқ, алоҳида режимдаги турмада ўтирган «эркаклар» ўзларининг қадри-шаънини ҳимоя қилиш учун бирлашиб «қонундаги ўғрилар» ва уларнинг гумашталарига қарши курашадилар. Улар ўзларини «бандитлар» деб атаган ҳолда «қонундаги ўғрилар»нинг етакчиларини топиб, кўпчилик олдида номусига тегиш – бесоқолбозлик қилиш орқали «қонундаги ўғрилар»ни шарманда қилиб, обрўсини туширадилар.

«Болалар, йигитчалар» қароқчилиги, ўғрилиги учун озодликдан маҳрум қилинган ёш жиноятчилар бўлиб, улар асосан жиноятчилар дунёсида яхши обрўга эга бўлиш учун «қонундаги ўғри»ларга яқин бўлишга, улар ўрнатган ахлоқ қоидаларини бажаришга ҳаракат қиладилар.

«Қонундаги ўғри»ларни қўллаб-қувватловчиларнинг ахлоқ меъёрларига қуйидагилар киради:

– озодликдан маҳрум этилганлар орасида мустақил бўлиш, яъни ҳеч кимга бўйсунмаслик, уларнинг ахлоқий қоидаларини бажариш;

– ўз ҳақ-ҳуқуқларини бошқа жиноятчи гуруҳлар поймол қилсалар, уларнинг устидан «қонундаги ўғри»ларга арз қилиш;

– жамоат жойларини супуриб-сидириш, тозалаш ишларидан бош тортиш;

– тақиқланган предметларга эга бўлишга ҳаракат қилиш ва ҳ.к.

«Шўрпешоналар ва насткашлар». Буларга бесоқолбозлар, баччабозлар, балоғат ёшига етмаганларни зўрлаб номусига текканлар ва шу қилмишлари учун озодликдан маҳрум этилиб, қамоқда ўтирганлар киради. Улар одатда ана шу қилмишлари учун қамоқхонадаги ўғри-жиноятчиларнинг ҳам тегишли жазосига дучор бўладилар, яъни зўрланадилар. Бундайлардан кўпчилик жиноятчилар ҳазар қиладилар.

Ўғрилар чўнтаккесарлар, уй ўғрилари, дўкон ўғрилари, автомобиль ўғрилари, антиквариат ўғрилари каби бир неча гуруҳларга бўлинадилар.

Фирибгарлар эса шулерлардан, фолбинлардан, «кўғирчоқ-боз»лардан, ёлғончи олиб-сотарлардан ташкил топади ва уларнинг ҳар бир тоифасининг ўзига хос ахлоқий қонунлари бўлади.

Жиноятчилар дунёсидаги қонунлар бирор жойда ёзилган, тасдиқланган ёки рўйхатдан ўтган бўлмайди. Шунинг учун ҳам уларни қонун деб ҳисоблаш мумкин эмас, уларни фақат жиноятчиларнинг «ахлоқ қоидалари» деб аташ мумкин.

Рецидивист жиноятчи шахслар ва уларнинг типологияси.
Рецидивист¹ жиноятчиларнинг энг кўп қисми ғаразли ҳамда ғаразли-зўравонлик жиноятчилари содир этганлар орасида кузатилади. Уларнинг аксарияти гуруҳий жиноятлар иштирокчиларидир. Улар ушбу жиноятларни ўз даромадларининг барқарор манбаига ва ҳаётий фаолиятининг асосий усулига айлантирадилар.

Бекорчилик, ичкиликбозлик, мулоқот доирасининг жиноий муҳит, жорий ибтидоий истаклар билан чекланганлиги, вазиятга тобелик уларнинг руҳий ривожланиш даражасини ниҳоятда чеклаб қўяди. Шафқатсиз уруш-тўполонларда ижтимоий жиҳатдан рўёбга чиқмаган шахс намоён бўлади.

Рецидивист шахсларнинг аксариятида руҳий бузилишлар ва аномалиялар кузатилади. Уларнинг хулқи ёрқин кўриниб турган бебошлик, жиззакилик, беадаблик, атрофдаги одамларга нисбатан душманлик билан ажралиб туради.

«Эркинликдаги» ҳаёт шароитларининг ниҳоятда ноқулайлиги, «зона»га кўникиб қолиш унинг жазодан кўрқиш ҳисси йўқолишига олиб келади. Янги жиноятни рецидивист одатдаги даражада – жиноий хулқнинг афзаллигига бўлган қараш туфайли содир этади. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги одатда энг юқори мақом, имтиёзли ҳолат таъминланган ҳаёт эса нафақат кўрқитмайди, балки ўзига тортади.

Рецидив жиноятчилик индивиднинг барқарор ғайриижтимоий хислатларининг намоён бўлишидир. Ўзини бошқаришдаги нуқсонлари ғайриижтимоий қадриятли мўлжаллари билан бирга-

¹ Рецидивист – жиноят ҳуқуқида суд ҳукми билан ҳукм қилингандан кейин, жазони ўтаб бўлганидан сўнг ва судланганлик муддати суд ҳукми билан олиб ташланмай туриб, қайтадан жиноятга қўл урган шахс.

ликда вазият билан муҳитга боғлиқлиги рецидивистнинг асосий психологик хусусиятларидан биридир. Рецидивистнинг жиноий хулқида ўзини бошқаришининг онгли ва онг ости механизмларининг ўзаро таъсирига хос хусусиятлар кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасига кўра, рецидив жиноят деганда, муқаддам қасддан содир этган жинояти учун судланган шахс томонидан такроран жиноят содир этилиши тушунилади. «Рецидив» сўзи такроран, бошқатдан бўлиб ўтган ишга яна қайтиш маъносини англатади¹.

Рецидивист шахс – хавфли жиноий йўналишга ва ўта юқори онгга эга бўлган ғайриижтимоий тип. Яъни криминал оламида ноижтимоий кўринишдаги юқори даражада анланган жиноий ҳаракатларга мойил шахс.

Рецидивист жиноятчи шахснинг барқарор ғайриижтимоий йўналишига эгаллиги унинг қийинчилик ва низоларни фақат куч ишлатиш орқали ҳал қилишга доимий тайёрлигида намоён бўлади.

Рецидив жиноятчилик рухий аномалиялар, психопатиянинг энгил даражаси, характернинг акцентуациялари, алкоғолли деградация кабилар билан юқори даражада мос келади. Аёлларда рецидивлик истерик ҳолат ва алкоғоллашув билан бирга келади. Улар эркакларга қараганда кўпроқ ҳолларда невротик ва психопатик бузилиш ҳолатида жиноят содир этадилар.

Рецидивист жиноятчиларнинг ижтимоий-ахлоқий бузилиши озодликдан маҳрум қилиш жойларида узоқ вақт бўлиш жараёнида чуқурлашади. Невротизм, психопатизация, характернинг акцентуациялашуви, хатти-ҳаракатнинг ноадекватлиги, тажовузкор кўринишларга барқарор мойиллик нафақат жиноий турмуш тарзининг, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларида узоқ вақт бўлишнинг ҳам одатдаги оқибатларидир.

XX асрнинг 20-йиллардаёқ машҳур психолог ва психиатр А. Ф. Лазурский таклиф этган психологик типлаштиришга асосланган ҳолда рецидивист жиноятчини шахснинг бузилган типига киритиш лозим, ушбу типнинг турларини эса ҳар хил характерологик оғишларга қараб аниқлаш мумкин.

А. Ф. Лазурский барқарор жиноятчиларни ақлли, иродаси суст, жиззаки ва ҳиссий беқарор турларга ажратган. Масалан, иродаси

¹ Криминология: Дарслик / Проф. З. С. Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 203.

суст рецидивистлар жиноятларни ижтимоий ҳаётга мослашмаганлиги, ниҳоятда ноқулай ҳаётий вазиятлар, турмушининг йўлга тушмаганлиги сабабли содир этадилар. Улар одатда ҳар хил жиноятларни содир этадиган, вазиятга боғлиқ индивидлардир.

Рецидивист жиноятчи шахсларни қуйидаги типларга ажратиш мумкин:

Импульсив (гайриижтимоий) рецидивистлар тип – эксплозив (портловчи) типлар, яъни ўз ҳаракатининг оқибатларини олдиндан кўрмайдиган индивидлар. Улар арзимаган сабабларга кучли таъсирни намоён этадилар. Содир этилган жиноятларнинг оғирлиги одатда уларнинг сабабларига мос келмайди.

Улар ўз мақсадлари, қарашлари, одатларининг қулларидир. Уларнинг истаклари (айниқса, алкогольдан маст ҳолатда) дарҳол кескин гайриижтимоий ҳаракатларга айланади, яхши кўрган иши – безорилик, зўрликка асосланган қилмишлар ҳисобланади. Улар одатда неврозлар, ичкилик туфайли бузилишлар, ақлий етишмовчиликлар, инфантивизмга дучор бўлган шахслардир.

Аффектив (кучли ҳис-ҳаяжон ҳолати) рецидивистлар тип ниҳоятда чуқур эмоционал беқарорлиги, асабий ҳолатни ҳатто мураккаб бўлмаган низоли вазиятларда ҳам тезлаштириши, қийинчиликка бардош бера олмаслиги билан ажралиб турадилар.

Улар ўзларининг камчиликларини ўта тажовузкорлик, хулқининг умумий кучли энергетизми билан қоплашга уринадилар. Улар доимо фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига тажовуз қилишга, мулкни ишдан чиқариш ва бузишга мойилдирлар. Ушбу жиноятчиларнинг рецидивлари одатда бир хил ёки ўхшаш жиноятлардан ташкил топади.

Рецидивистнинг эмоционал тип қандайдир барқарор, устунлик қилувчи ҳиссий-салбий ҳолат (ҳаддан ташқари кучли алам, қасос, рашк ҳисси) билан ажралиб туради. Барқарор ғазаб, қасоскорлик, шафқатсизлик, бахиллик уни узоқ вақт жиноий қасд режасини кўтариб юришга, жиноий мақсадга эришиш воситалари ва усулларини пухта ўйлашга ундайди. Жиноий ғаразни одатда ўта шафқатсизлик ва усталлик билан бажаради. Унинг яхши кўрган иши – ашаддий безорилик, қийнаш, номусга тегиш, қотиллик. Бундай жиноятчилар ҳиссизлиги, ачина олмаслиги, шафқатсизлиги билан ажралиб турадилар. Бу типдаги рецидивистлар одатда психопатия, деградация ва алкогольлашувнинг енгил даражаларига дучор бўладилар.

Ушбу тоифадаги жиноятчиларга хос жиҳатлар орасида доминантлик – атрофидагилардан устунлик, таваккал қилиш, сохта қаҳрамонлиги билан ўзига бино қўйиш, мақтанчоқлик, савлатга зўр бериш алоҳида кўзга ташланади. Жиноятчилар орасида улар шаддодлик, шафқатсизлик, ниҳоятда қўполлик, куч ишлатиш, шантаж ва таҳдидларни намоён этадилар.

Рецидивист жиноятчиларнинг ижтимоий хавфлилиги уларнинг ахлоқий жиҳатдан беқарор шахсларга, айниқса ўсмирлар ва ёшлардан бўлган ана шундай шахсларга ғайриижтимоий таъсири-нинг кучи туфайли ошиб боради. Рецидивист жиноятчилар терговга қаршилик кўрсатиш тажрибасига эгаллиги туфайли ўз жиноятчи-ларини пухта яширадилар.

Махсус рецидив (ўхшаш жиноятни такрорлаш) жиноий «ихтисослашув»нинг кучайиб бориши, жиноий қилмиш усуллари-нинг такомиллашуви билан боғлиқ. Ўта хавfli рецидивистнинг белгиларидан бири – жиноятни содир этишнинг оғир усулидир. Узоқ давом этувчи жиноий фаолият муайян барқарор шароит-ларнинг яратилиши – «ишончли» шерикларнинг танланиши, жиноий йўл билан топилган буюмлар, қимматбаҳо нарсаларни ўтказишнинг ташкил қилиниши ва кўп ҳолларда жиноий гуруҳнинг ташкил этилиши билан боғлиқ.

Бир турдаги рецидивнинг кўпайиб бориши жиноятчиларнинг маҳорати ошиб бораётганидан, уларнинг ғайриижтимоий йўналган-лиги чуқурлашаётганидан, жиноий фаолиятининг таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Рецидивист жиноятчилар жиноят оламининг ўзаги, жиноий субмаданиятнинг қўриқчилари, жиноят содир этиш ва уларни яширишнинг нозик усулларини ишлаб чиқувчилардир.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий ахлоқ ва унда «нормадан четга чиқиш» нима?
2. Психик аномалиялар инсон ахлоқи ва психикасига қандай таъсир қилади?
3. Психологияда жиноятчи шахс тушунчасига қандай таъриф берилган?
4. Шахсларнинг асосий криминал типларини психологик тавсифланг.
5. Алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузарларнинг психологик хусусиятлари ҳа-қида нималарни биласиз?
6. Хўжалик ва хизмат соҳаларига оид ғаразли жиноятчилар тоифасига таъриф беринг.
7. Рецидив жиноятчиларнинг қандай типлари мавжуд?

VIII БОБ. ЖИНОЙ ГУРУҲЛАР ВА УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ

1. Жиноий гуруҳлар шаклланишининг психологик сабаб ва шароитлари

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар шароитида фуқаролар, давлат ва, умуман, жамиятимизга хавф солаётган, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш сиёсатини амалга оширишга салбий таъсир ўтказишга уринаётган уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Буни ўз вақтида тушуниб етган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов инсон, оила, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан, айниқса уюшган жиноятчиликнинг хавфли кўринишларидан бири бўлган террорчилик тажовузларидан ҳимоя қилишга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, у «Жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат юзага келиши учун шароит яратади. Ислохотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан «қудратли марказнинг кучли қўли»ни қумсаш ҳиссини туғдиради. Ўтмиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга хилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради»¹, деб таъкидлайди.

¹ Қаранг: *Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида*. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 91–92.

Касбий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири гуруҳ бўлиб жиноят содир қилувчи шахслар психологиясини ўрганишидир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида бир шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши ёки жиноий фаолият юритиши қонунда айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига киритилган (масалан, такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиш). Ҳақиқатан ҳам ушбу кўрсаткич шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади. Агар жиноий фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахслар содир этган бўлса, жиноятларнинг ҳамда гуруҳнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлади.

Шу маънода жиноятчилар дунёсига қириб бораётган жиноий гуруҳлар шаклланишининг умумий психологик сабаб ва шароитлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, жамиятда мавжуд истеъмол ва тақсимот ўртасидаги адолатсизликнинг мавжудлиги бўлиб, бу, ўз навбатида, айрим шахслар психикасида кучли эмоционал зўриқишларни келтириб чиқаради. Натижада айрим шахслар жиноий гуруҳ тузишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйиши;

иккинчидан, жамиятдаги айрим шахс, гуруҳ ва жамоалар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг доимий мавжудлиги бўлиб, унинг кескинлашуви ҳам жиноий уюшмаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши;

учинчидан, қонун ҳукмидан қониқмаслик, одатда уни «адолатсиз» ҳукм деб билиш тариқасида ҳис-ҳаяжоннинг, ички руҳиятнинг жумбишга келиши, нафрат ҳиссининг кўзғалиши ҳам ўз навбатида жиноий гуруҳларнинг пайдо бўлишига асосий мотив бўлиб хизмат қилиши;

тўртинчидан, жиноятчилар дунёсининг таъсирига тушиб қолиш, уни тарғиб қилувчи ғояларга эмоционал ҳолатда берилиб кетиш натижасида онгли ва онгсиз тарзда жиноий гуруҳ тузилиб қолиши;

бешинчидан, мавжуд қонунларни билмаслик, ундан етарли даражада хабардор бўлмаслик натижасида, ёшлик, укувсизлик, шунчаки қизиқиш туфайли жиноий гуруҳ тузиш ёки унга аралашиб қолиш эҳтимолининг мавжудлиги;

олтинчидан, аниқ бир мақсадни кўзлаб, маълум режа, мотив асосида жиноят содир этиш учун бирлашиш натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, жиной гуруҳларнинг шаклланишига олиб келувчи махсус психологик омиллар ҳам мавжуд, уларга:

– «бирлашмай туриб» жинойт содир этиб бўлмаслиги;

– жиной манфаатларнинг умумийлиги;

– шахсий майллар;

– умумий ахлоқ нормалари, умумий эътиқодлар, ҳуқуқий онгдаги ўхшаш нуқсонлар ва шу қабилар киради.

Жиной гуруҳларга қуйидаги белгилар хосдир (улар ушбу гуруҳларнинг уюшқоқлик даражасига кўра кўп ёки кам даражада намоён бўлади):

– уюшганлик – қатъий иерархик тузилишнинг мавжудлиги, қаттиқ интизом, қуйи бўғинларнинг юқори бўғинларга бўйсунishi;

– барқарорлик – узоқ муддатли ва барқарор жиной алоқалар ҳамда фoш бўлганидан ва жиной таъсир чораси қўлланилганидан кейин тикланиш (бутунлай ёки қисман);

– жипслик – гуруҳ аъзоларининг алоқа, бирлашиш даражаси. Жипсликнинг детерминантлари қуйидагилардан иборат:

а) аъзоларнинг бир-бирига тортадиган мотивацион асос, жумладан уларнинг ғаразли шахсий манфаат ва эҳтиёжлари мажмуи;

б) жиной гуруҳ аъзоларининг гуруҳ мақсадлари, дастури, низомида ўз ифодасини топадиган мотивлари;

– ҳимояланганлик – тузилмада ҳимоя, таъминот блокларининг, руҳий таъсир ва жисмоний зўрлик аппаратининг мавжудлиги.

Иштирокчиликнинг уюшган шаклларига уюшган гуруҳ ва жиной уюшмалар киради. Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодекси 29-моддасининг 4-қисмида «уюшган гуруҳ» тушунчаси кўрсатилган бўлиб, унда «икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиной фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади»¹, дейилган. Бу билан қонун «жиной фаолият» уюшган гуруҳнинг зарурий белгиси эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, Жинойт кодексида «жиной фаолият»га таъриф берилмаган. Хўш, унда «фаолият» сўзининг ўзи нимани англатади?

Фаолият – инсоннинг турмуш кечириш усули. Бу тушунча инсон онгли равишда иштирок этадиган, мақсадга йўналтирилган жараёни билдиради. Фаолият одам эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида вужудга келади. Лекин бу фақат восита ва шароитдангина

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодекси. –Т., 2008. –Б. 13.

иборат бўлмайди, балки турмушнинг шакли ва усули ҳисобланади. Фаолиятда инсоннинг ўзи шаклланади, унинг қобилияти ривожланади. Инсон фаолиятининг бошланғич шакли – меҳнат, моддий амалиёт ҳисобланади. Меҳнат фаолияти жисмоний меҳнат ва тафаккурдан иборат бўлиб, бир-бирини ўзаро тақозо этади. Мақсад, предмет, восита ва натижа фаолиятнинг зарурий жиҳатларидир.

«Фаолият» тушунчасининг мазмунидан кўриниб турибдики, у инсоннинг турмуш тарзини англатади. «Фаолият» тушунчасини жинойий фаолият билан таққослаб шуни айтиш мумкинки, жинойий фаолият бир неча ижтимоий хавфли қилмишларни доимий содир этишда ёки жинойят содир этишни «касб» қилиб олишда намоён бўлади.

Уюшган гуруҳнинг жинойий фаолият билан шуғулланиши муаммосига кўпгина олимлар тушунча беришга ҳаракат қилган, аммо уларнинг мулоҳазалари турлича бўлиб, ҳанузгача ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, А. И. Гуров «жинойий фаолият жинойятчиларнинг асосий ёки қўшимча фойда олиш манбаи»¹, деб ёзади

Бу фикр чуқурроқ таҳлил қилинса, айрим уюшган гуруҳларга мос келмаслиги кўринади. Масалан, шахсларнинг миллий, ирқий ёки диний мансублигига қараб, уларнинг қонуний манфаатларига зарар етказиш мақсадида тузилган уюшган гуруҳ; геноцид жинойятини содир этиш учун бирлашган гуруҳ; доимий равишда номусга тегиш жинойятини содир этиш учун бирлашган гуруҳ ва бошқалар.

Ҳуқуқшунос олимлар А. С. Якубов ва Р. Кабулов қуйидаги белгиларни ажратишган ва уларнинг йиғиндиси гуруҳни уюшган деб ҳисоблаш учун жинойий-ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашган:

- 1) олдиндан тил бириктириш;
- 2) жинойий фаолият билан ҳамкорликда шуғулланиш учун бирлашиш;
- 3) уюшганлик.

Юқорида келтирилганлар олимлар берган таъриф бу борада масаланинг моҳиятини аниқроқ ифодалайди. Яъни, «жинойий фаолият – айрим жинойят таркиблари йиғиндисидан иборат ягона тизимни вужудга келтирувчи, ташкиллашган бир неча қилмиш-

¹ Қаранг: *Гуров А.И.* О некоторые вопросы криминального профессионализма // Советское государство и право. – 1987. – №5. – С. 82–86.

лардан иборат»¹, дейилган. Бу таъриф қисқа бўлишига қарамай, бир неча жинойтларни содир этиш фақат ягона тизим шаклида жинойий фаолиятни ташкил этишини англатади. Аммо бу таърифда бир неча жинойт таркиблари ҳақида сўз юритилган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, уюшган гуруҳ нафақат таркибида бир неча жинойт бўлган қилмишни, балки таркибида биргина жинойт бўлган қилмишни содир этиш билан ҳам кўзга ташланиши мумкин.

Уюшган гуруҳнинг жинойий фаолият билан шуғулланишининг объектив ва субъектив белгилари мавжуд. Гуруҳнинг жинойий фаолият билан шуғулланганлигини кўрсатувчи биринчи мезон сифатида гуруҳ аъзоларининг бир неча жинойтлар содир этганлигини ва яна содир этишга тайёргарлик кўраётганини айтиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, ўта пухта ташкиллаштирилган, тайёргарлик кўриш учун кўп вақт талаб қилинадиган ягона жинойтнинг содир этган гуруҳни ҳам жинойий фаолият билан шуғулланган деб ҳисоблаш мумкин (бунда жинойтнинг ва унда иштирок этган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда бошқа бир қанча омиллар инобатга олинади).

Умуман олганда, жинойий гуруҳлар жинойт содир этиш учун ташкил этилган, деб айтиш мумкин.

Жинойий гуруҳларнинг шаклланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

- 1) жинойий жамоа;
- 2) жинойий корпорация;
- 3) гуруҳ ассоциацияси;
- 4) аморф (диффуз) гуруҳлар.

Аморф гуруҳдагиларда аниқ тизим йўқ, вазифа бўлинмаган, аслида жинойтнинг содир қилиш нияти йўқ. Масалан, кинога, самолётга, поездга чипта олишда пайдо бўлиб қолади.

Ассоциация гуруҳи уюшган, бошида улар жинойт содир қилиш учун эмас, балки баъзи бир эҳтиёжларини қондириш учун йиғилади, лекин яхши жинойий гуруҳ бўлиб шаклланиши мумкин. Лекин бу гуруҳларнинг ядросини ташкил этадиган, жинойтга қарши зид ҳаракат қиладиган шахслар мавжуд, улар барибир жинойт содир қилиши мумкин. Шунинг учун улар ҳуқуқбузарлар компанияси деб номланади.

¹ Қаранг: Якубов А. С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. – Т., 1995. – С 14.

Тез-тез йиғилиб турадиган жиной гуруҳлар мавжуд, улар жинойт содир қилишдан аввал йиғилишади, масалан, ўғирлик, фирибгарлик, буларни гуруҳ ичидаги ядро бошқаради. Улар билан ишлаш анча оғир, уларнинг ўз анъаналари мавжуд, бу анъаналардан чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда вазифалар тақсимланади, ўзаро ҳамкорликда поғона пайдо бўлади, субъектив боғланиш жуда тўғри ва ишончли бўлади. Бундай гуруҳлар жинойтни олдиндан режалаштиради, ташкиллаштиради. Бу *жинойт корпорация* дейилади. Шахс бу гуруҳда қолар экан гуруҳ ахлоқини ўзлаштиради ва ўзида шунини синаб кўради.

2. Жинойт гуруҳ ва уюшган жинойтчилик психологияси

Уюшган жинойтчиликка хос асосий хусусият юксак даражадаги ўзини ўзи бошқариш ва иерархик тузилишга эга бўлишдир. У бошқарув, раҳбарлик, бўйсунуш ва жинойтчилар ўртасида вазифалар тақсимланишининг учта, бир қатор ҳолларда эса ундан кўпроқ даражаларига эга. Аксарият ҳолларда ушбу жинойт ташкилотлар пирамидасимон тузилишга эга бўлади. Мазкур пирамиданинг чўққисида асосий етакчи (лидер), унинг бевосита атрофида эса асосий қарорларни қабул қиладиган кичикроқ гуруҳ бўлади.

Жинойт гуруҳ психологияси жинойт психологиянинг махсус бўлими сифатида тузилманинг келиб чиқиши, таркиби, унда вазифалар тақсимооти, шунингдек, бошқарувнинг психологик механизмларини ўрганади.

Ўз вақтида фош этилмаган ва жазоланмаган жинойтчи жуда хавфлидир, чунки у сурбетлашиб боради ва майда жинойтлардан кўпинча катта жинойтларга ўтади, бунинг устига жазосиз қолиш бошқа беқарор шахсларда ҳам жинойт мақсадлар шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва жинойт гуруҳлар ташкил этилишига кўмаклашади. Жинойт гуруҳнинг ташкил этилиши ижтимоий хавфнинг нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан кучайишидир. Бир қатор ҳолларда шахс ёлғиз ўзи соф техник жиҳатдан жинойт ҳаракатларнинг бутун режасини амалга ошира олмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жинойт гуруҳни таҳлил қилишда иштирокчилари орасидан қуйидагилари ажратилади:

– умуман гуруҳ ёки унинг айрим қисмларининг (иштирокчиларининг) ташкилотчиси;

- «масъул» жойдаги ижрочи;
- иккинчи даражали ижрочи;
- мухолиф, гуруҳнинг «бўш бўғини» (иродали инсон бўлиши ҳам мумкин)

– ўзи иштирок этаётган жиноятнинг содир этилишига қалбан рози бўлмаган субъект. Кўпинча бу бўғин гуруҳ ичида низоли вазиятни юзага келтиради.

Жиноий гуруҳлар уюшганлик даражасига кўра уюшган жиноий гуруҳлар, жиноий ташкилотлар ва жиноий уюшмаларга бўлинади.

Жиноий гуруҳнинг психологик тузилиши – қарор топган, интеграциялашган (бирлашган) муносабатлар – жиноий гуруҳ аъзоларининг атроф муҳит билан муносабатлари. Интеграциялашган муносабатларнинг психологик тавсифи гуруҳ ичида шаклланган (шахслараро, горизонтал ва вертикал) муносабатни билдиради.

Уюшган жиноий гуруҳнинг интеграциялашган муносабатлари (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳокимият органлари билан муносабатлар) аввало у жиноий қилмишларни содир этадиган муҳитга, унинг шаклланиши ва ривожланишига имкон берган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва бошқа шарт-шароитларга (коррупция, хуфия иқтисодиёт ва ш.к.) боғлиқ.

Интеграциялашган муносабатлар гуруҳ аъзоларининг функционал вазифалари табақалашувига, яъни вазифалар тақсимотига, жиноий гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги жиноий фаолиятнинг хусусияти билан боғлиқ вазифаларга, иерархик поғонада эгаллаб турган мавқеи, мақоми ва шу кабиларга асосланади.

Жиноий гуруҳнинг қандай фаолият кўрсатишига қараб интеграциялашган муносабатларнинг хусусияти ҳақида сўз юритиш мумкин.

Жиноий гуруҳ фаолиятига унинг фаолият соҳасининг замон ва маконда аста-секин кенгайиб бориши, содир этилган жиноятларнинг кўпайиши, оғирроқ жиноятларга ўтиши хосдир.

Жиноий фаолиятнинг кенгайиши жараёнида жиноий гуруҳ ичида психологик ва функционал тузилмаларнинг шаклланиши юз беради. Гуруҳнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ички психологик тузилиши ҳам шунчалик аниқ кўринишга эга бўлади. Гуруҳ жипслашиб боради, унинг таркиби барқарорлашади, фаолияти мақсадга йўналган тус олади, гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади.

Жиноий гуруҳ ривожланишининг қонуниятини ушбу гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги эмоционал (ҳиссий) муносабатларнинг аста-секин биргаликдаги фаолиятга асосланган соф ишга, функционал муносабатларга айланиши ташкил қилади.

Уюшган жиноий гуруҳда ишга оид муносабатлар ҳал қилувчи хусусиятга эга бўлиб, ҳиссий, шахсий муносабатлар аста-секин йўқолиб боради, бир қатор ҳолларда эса бундай муносабатлар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Иштирокчилари қариндошлик ришталари билан боғлиқ бўлган гуруҳларда ҳам худди шундай жараёнлар кўзга ташланади.

Жиноий гуруҳ шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг охириги қонуниятини – унда доимо икки қарама-қарши куч амал қилишидир. Бири жиноий гуруҳ аъзоларини янада жипслаштириш ва яқинлаштиришга қаратилган бўлса, бошқаси уларни ажратишга қаратилган.

Бироқ жиноий гуруҳ муваффақиятли фаолият кўрсатаётган даврда руҳий жиҳатдан жипслашган тузилма сифатида намоён бўлади. У жиноятларни муваффақиятли содир этишда давом этаётган, фош бўлмай қолаётган экан, унинг аъзолари ўртасида бирлашиш ва жипслашиш тамойили устунлик қилади. Агар жиноий гуруҳ қандайдир муваффақиятсизликка учраса ҳамда фош бўлиш ва гуруҳ аъзоларининг жавобгарликка тортилиш хавфи юзага келса, унинг ажралиш тамойили кучаяди, яширин низолар, зиддиятлар кўринади, иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда кескинлик ортади.

Жиноятнинг гуруҳ таркибида содир этилиши жиноят таркибининг айбни оғирлаштирувчи белгиси ҳисобланади. Одатда оддий, уюшган жиноий гуруҳлар ва жиноий ташкилотлар ажратилади.

Ҳар бир жиноий гуруҳ унга хос бўлган гуруҳий ташкилот, гуруҳий динамика, аъзоларининг гуруҳдаги вазифаларининг ва социометрик мақомларининг функционал тақсимотига эга бўлган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади ҳамда жиноий фаолиятнинг жамоа субъектини ташкил этади.

Бир неча шахсдан ташкил топадиган *оддий жиноий гуруҳ* қатъий иерархик ташкилотга эга бўлмайди, бундай гуруҳда етакчилик қисқа муддатли хусусиятга эга бўлиши мумкин (квартира ўғрилари, кўча талончилиги, фирибгарлар, вояга етмаган ҳуқуқ-бузарлар гуруҳлари).

Уюшган жиноий гуруҳга иерархик тузилиш, гуруҳда вазифаларнинг функционал тақсимланиши, барқарор жиноий жипслик, қатъий ягона бошчилик, жиноий субмаданиятга эгалик хосдир. Бундай гуруҳда жиноий «ҳунар» пухта режалаштирилади, кенг тармоқ отган гуруҳлараро алоқалар мавжуд, ахборот хизмати, жиноят изларини яшириш, ниқоблаш ва йўқ қилиш йўлга қўйилган. Бундай жиноий гуруҳ таркибида барқарор жиноий-касбий малакаларга эга бўлган профессионал жиноятчилардан иборат бирламчи гуруҳ (гуруҳ ядроси) ажралиб туради. Бундай гуруҳлар нисбатан мустақил бўлиб, одатда коррупциялашган алоқаларга эга бўлмайдилар. Улар доимий даромад келтирадиган масканлар ва доимий назорат қилинадиган ҳудудларга эга бўлмайди. Бироқ уларнинг жиноий фаолияти юқори даражадаги профессионализми, гуруҳий жипслиги, шафқатсизлиги билан ажралиб туради (бандалар, шайкалар). Булар одатда анъанавий жиноий гуруҳлар деб аталади.

Бундай гуруҳларнинг асосий қисмини «жангарилар» – жисмонан бақувват, шафқатсиз ва гуруҳ бошлиғига садоқатли одамлар ташкил қилади. Улар муайян ҳудудни назорат қилади (фирибгарлик билан шуғулланади, тижорат тузилмаларига «ҳомийлик» қилади, ўлпон йиғади ва даюслик билан шуғулланади).

Уюшган жиноий гуруҳлар ижтимоий уюшган бирлик сифатида фаолият кўрсатадилар, кенг миқёсдаги ижтимоий алоқаларга эга бўлган умумий (ягона) функционал-иерархиялашган тизимга бирлашадилар, катта миқдордаги пулга эга бўлган жамғармалар ташкил қиладилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини коррупцияга тортиш орқали ўз хавфсизлигини таъминлайдилар. Уларнинг жиноий фаолияти кўп ҳолларда легал (қонуний) ташкилотларнинг фаолияти билан ҳам боғлиқ бўлади. Жиноий синдикатлар хайрия ишларини амалга ошириш, сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш орқали ўзининг обрўсини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

Жиноий гуруҳни уюшган деб аташ учун асосий мезон тариқасида қуйидаги белгиларни ҳисобга олиш лозим:

- гуруҳнинг барқарорлиги;
- ташкилотчининг бўлиши;
- бир неча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги;
- жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги;
- ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги;

- техника билан таъминланганлиги;
- жинойтни яшириш чоралари кўрилганлиги;
- умумий интизомга ва жиной гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши ва шу кабилар.

Уюшган гуруҳнинг яна бир неча қўшимча белгилари мавжуд бўлиб, улар факультатив белгилар деб юритилади. Бу белгиларнинг мавжудлиги гуруҳнинг ижтимоий хавфлилигини оширади, аммо иштирокчиликни шаклларга ажратишга таъсир этмайди. Буларга қуйидагилар киради:

Гуруҳнинг техник воситалар билан таъминланганлиги. Суд амалиёти ходимлари ишини енгиллаштириш мақсадида бу белгини биз факультатив белгилар қаторига қўшдик. Чунки гуруҳнинг жиной фаолият билан шуғулланиши учун техника керак бўлмаслиги мумкин, масалан, буюртма орқали одам ўлдириш жинойтини бажарувчи уюшган гуруҳларнинг жиной фаолияти учун фақат ўқотар қурол керак ва улар бошқа техника сотиб олмаслиги мумкин. Техника билан таъминланганлик деганда, гуруҳнинг фаолият юритишда техникадан, масалан, автотранспорт воситаси, овоз эшитиш, суратга олиш, видео ва бошқа аппаратлар, турли рациялар ва бошқа шунга ўхшаш воситалардан кенг фойдаланишини тушуниш керак.

Вазифаларнинг тақсимланганлиги. Бу уюшган гуруҳнинг яна бир факультатив белгиси ҳисобланади. Гуруҳ аъзолари белгиланган вазифаларни бажаради, аммо айрим ҳолларда вазифалар аниқ белгиланмайди ва гуруҳ аъзоси кейинги жинойтни содир этишда қайси вазифани бажаришини билмайди, жиной фаолият давомида у бир вазифани бажаришдан иккинчи вазифани бажаришга ўтказилиши ёки бевосита жинойт содир этиш вақтида вазифаси аниқ бўлиши мумкин.

Умумий пул жамғармасининг мавжудлиги. Умумий пул жамғармаси жинойтчилик дунёсида «обшак», «умумий қозон» деб юритилади. Уни ташкил этишдан асосан икки мақсад кўзда тутилган: биринчидан, гуруҳ аъзоларининг фавқулодда вужудга келадиган эҳтиёжлари (қамоққа олинган пайтда уни ва оила аъзоларини таъминлаш), гуруҳнинг манфаатлари ва йўлбошчининг айрим харажатлари учун сарфлаш; иккинчидан, гуруҳ аъзоларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилади. Гуруҳ аъзолари ўзларини «ижтимоий» ҳимояланган ҳисоблайдилар ва шу йўл билан уюшган

гуруҳ аъзоларига нисбатан ғамхўрлик қилинаётганлиги кўрсатилади. Ушбу жамғарма айрим уюшган гуруҳларда мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Гуруҳда жиноий фаолиятни касб қилиб олган шахсларнинг мавжудлиги. Айрим уюшган гуруҳлар таркибида жиноий фаолият ҳаёт тарзига айланган шахслар бўлади. Кўп ҳолларда бундай шахслар гуруҳга йўлбошчилик қилади ёки гуруҳнинг «обрўманди» саналади. Бундай шахслар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Уларни гуруҳ жиноий фаолиятда уддабурон «малакали кадр» сифатида ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларига ўртак қилиб кўрсатиш мақсадида сақлайди.

Гуруҳнинг ўқотар қуроллар билан таъминланганлиги. Уюшган гуруҳлар доимий равишда катта фойда олиш ва гуруҳнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятларни «муваффақиятли» содир этишга интилади. Кўпчилик уюшган гуруҳлар шу мақсадда ўқотар қуролларни кўлга киритадилар ва жиноятларни содир этишда бевосита ундан фойдаланадилар.

Ижтимоий назоратни бартараф этиб, жиноий фаолиятга шароит яратиб берувчи тизимнинг мавжудлиги. Уюшган гуруҳнинг мавжудлиги ва жиноий фаолият билан шуғулланишида ушбу тизимнинг аҳамияти катта. Уни ташкил этувчи шахслар бевосита жиноят содир этишда қатнашмасалар ҳам жиноят содир этилишига шароит яратиб берадилар. Масалан, айрим давлат назоратини олиб борувчи мансабдор шахслар жиноий гуруҳ фаолиятига, маълум сабабларга кўра, тўсқинлик қилмайдилар ва бунинг натижасида давлат ҳамда фуқароларга жиддий моддий ва маънавий зарар етказилади.

Уюшган жиноятчиликнинг асосий белгилари:

- 1) турғунлиги ва режа билан иш қилиши;
- 2) юқори ташкилотчилиги ва лидер ядросининг борлиги;
- 3) кўлга тушмаслик учун ниқобланишнинг мавжудлиги;
- 4) катта пулга эгалиги;
- 5) чуқур конспиратив характерга эга эканлиги;
- 6) таъсир доирасининг кенглиги;
- 7) фаолиятини янгилаб бориши (тажриба асосида);
- 8) жамиятга қарши ғоясининг аниқлиги.

Аниқ вазифаларнинг тақсимланиши, гуруҳлардаги иерархиялашган тизимнинг ички жипслиги асосида манфаатлар ётади.

Қаттиқ тартиб, топшириқларни сўзсиз бажариш, фаолиятни ўз қонун-қоидалари асосида олиб бориш, сукут сақлаш гуруҳ учун муҳим роль ўйнайди. Мана шу тартибдан қайсидир банди бузилса, гуруҳ аъзоси қаттиқ жазоланади, оғир жисмоний жазо белгиланади.

Гуруҳ аъзолари қўлга тушмаслик учун ниқобланадилар. Бунда орган ходимларини шантаж қилиш, сотиб олиш ва уларнинг режаларини олдиндан (разведка қилиб) билиш ва керакли чораларни кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат аппаратидаги мансабдор шахсларнинг орган ходимлари билан боғлиқлиги, орган ходимларининг жиноят олами билан боғлиқлиги уларнинг ишини енгиллаштиради, улар орқали жиноят оламига кириб боришади. Агар коррупция билан иш битмаса, мансабдор шахсларни дискриминация (камситади, болаларини ўғирлайди) қилиш, уларни бошқа шахслар билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар.

Уюшган гуруҳда катта миқдордаги пулни мавжудлиги мансабдаги шахсни сотиб олишга имконият яратиб, бу билан фаолият масштабини кенгайтиришга хизмат қилади.

Уюшган жиноятчилик чуқур конспиратив характерга эга. Жиноят содир этишга кўпроқ одамларни жалб қилиш уни очишни анча мушкуллаштиради. Орган ходимлари жиноятчиларнинг бир қисмини қўлга олса, иккинчи қисми жиноят содир этади. Орган ходимлари улар орасига қанча кўп кириб борса, иш шунча мушкуллашади. Бу уюшган жиноятчиликка қарши курашмаслик керак дегани эмас, балки курашнинг янги усулини топиш демакдир.

Жиноят содир этган гуруҳни уюшган деб баҳолаш учун юқорида келтирилган асосий белгилар мавжуд бўлиши керак. Чунки бу белгилар барча уюшган гуруҳларга хос ва шу белгиларнинг ўзи гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Қўшимча белгилар уюшган гуруҳни кенгрок таърифлаб, унинг ижтимоий хавфлилигидан далолат беради, унинг уюшганлик даражасини белгилайди ва шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг амалий ишларида гуруҳни уюшган деб баҳолашда кўмаклашади. Бу турдаги белгиларнинг факультатив деб аталишига сабаб уларнинг барча уюшган гуруҳларда мавжуд бўлмаслигидир.

Юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, уюшган гуруҳга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. «Уюшган

гуруҳ – умумий мақсадга эга бўлган, ўзининг мустаҳкамлиги, таркибининг барқарорлиги, гуруҳ раҳбарига бўйсуниб асосида (доимий ядрога эга бўлган) ташкил этилганлиги билан белгиланадиган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бир ёки бир неча жинойтни содир қилиш учун бир гуруҳга бирлашиши»¹ дир.

Биз юқорида санаб ўтган белгилари мавжуд бўлган гуруҳни уюшган деб аташ мумкин. Чунки бу белгилар гуруҳ фақат жиноий фаолият билан шуғуллангандагина мавжуд бўлади. Жиноят кодексида берилган таърифда ҳам гуруҳнинг фақат жиноий фаолият билан шуғулланган вақтда уюшган бўлиши эътироф этилган.

Амалиётдаги жиноий ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда бевосита жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари гуруҳни уюшган деб баҳолаганлар, аммо қайси белгиларига қараб бундай хулосага келганликларини баён қилмаганлар.

Демак, жиноий фаолият билан шуғулланиш мақсадида барқарор йўсинда бирлашган ва норасмий қоидаларга риоя қилиб, ташкилий тарзда жиноят содир этувчи ҳамда ягона йўлбошчига бўйсунувчи гуруҳ уюшган деб ҳисобланади.

Жиноий ташкилот – функционал-иерархик кўринишга эга бўлган, гуруҳ ичида табақалашган – раҳбар, ижрочиларнинг турли гуруҳлари (қўриқчилар, алоқачилар, касса сақловчилар, назоратчилар ва бошқалар), яхши йўлга қўйилган разведка ва контрразведка, ҳокимият тузилмаларидаги ўз одамларига, жуда катта моддий базага эга бўлган, ниҳоятда уюшган жиноий гуруҳ.

Жиноий ташкилот қуйидаги йўллар билан фаолият кўрсатади:

– жиноий фаолиятнинг фойдали йўналишлари ва барбод бўлишининг имкониятдаги йўлларига оид зарур маълумотларни доимий тўплаш. Тўпланадиган маълумотлар башорат (прогноз) йўналишига эга бўлади. Жиноий фаолиятни режалаштиришда башорат (прогноз) қилиш ўзини ўзи ташкил қилиш хусусиятига эга, яъни жиноятчилар уни албатта амалга ошириш йўналишида ҳаракат қиладилар. Ушбу фаолиятнинг барбод бўлиш имкониятларини башоратлаш (прогноزلаш)да уни «ўзини ўзи бузувчи» деб ифодалаш мумкин: у уюшма ёки унинг тегишли бўлинмаси

¹ Пулатов Ю.С. «Уюшган жиноятчилик» тушунчаси ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. – Т., 1994. – Б. 97–100.

фаолиятини эҳтимол тутилган прогноз амалга ошмаслигига йўналтиради;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларини зарарсизлантириш ва доимий равишда коррупция–лаштириш йўли билан. Коррупциялашган мансабдор шахслар жиноий ташкилотни зарур маълумотлар ҳамда кадрларга оид масалаларни ҳал қилишда, жиноий фаолиятнинг фойдали йўналишларини аниқлашда ва ўзини ҳимоя қилишни ташкил этишда ҳақиқий ёрдам билан таъминлайдилар;

– ўз ҳаракатларига ташқаридан қараганда қонуний тус бериш мақсадида мамлакатда амал қилаётган асосий ижтимоий-иқтисодий институтлар ва шарт-шароитлардан моҳирлик билан фойдаланиш;

– кўрқув ҳамда ўзининг қудрати ҳақида миш-мишлар тарқатиш. Бу жиноий гуруҳга кўп фойда келтиради, миш-мишлар ва кўрқув гувоҳлар ва жабрланувчиларни тушкунликка туширади. Улар жиноятчиларнинг жазолашидан қўрқадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳимоя қила олишига ишонмайдилар;

– жиноий фаолиятни бошқаришнинг раҳбарларни муайян қилмишларни бевосита ташкил қилиш ва уларнинг содир этилишида иштирок этиш заруратидан халос этадиган тузилмасини ташкил қилиш. Бу тариқа улар жиноий жавобгарликдан қутулиб қоладилар. Жиноий уюшма бошқа шахслар ёки гуруҳчаларни жиноий жавобгарликка тортиш орқали ўзини сақлаб қолади, ўзига содиқ одамларга зарур ёрдамни таъминлайди;

– ғаразли мақсадларга эришиш ҳамда муайян бир соҳа ёки қайсидир бир ҳудудда назоратни, ҳокимиятни қўлга олишдан иборат етакчи ва устун мотивларга эга бўлган ҳолда турли жиноятларни содир этиш.

Уюшган жиноятчилик ижтимоий институтлар фаолиятининг механизми ҳисобига яшовчи жиноий тузилма ҳисобланади.

Жиноий уюшмалар жиноий гуруҳларнинг энг хавфли тури бўлиб, жиноий мақсадлари йўлида гуруҳий уюшганликнинг ижтимоий-психологик механизмларидан – ижтимоий назорат воситасининг гуруҳий нормалари, гуруҳ ичидаги функционал табақалашув ва иерархиядан, расмий тузилмалар билан қўшилиб кетишдан, коррупцияга берилган давлат, маъмурий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳимоясидан фойдаланадилар. Уюшган жиноятчиликнинг тарқалиши жамиятнинг ижтимоий-иқти-

содий ва сиёсий беқарорлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддаси 5-қисмида «Икки ва ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади»¹, деб кўрсатилган.

Уюшган жиноятчиликни ажратиб турувчи жиҳат унинг жамият «танасига» – давлатнинг маъмурий бошқарув аппаратиغا, ҳокимиятнинг энг юқори поғоналаригача кириб олганлигидир. Бу эса унинг ижтимоий хавфлилигини кучайтиради, яъни давлат бошқарувининг негизларига зарар келтиради, оммавий ҳуқуқий онгга жиддий таъсир кўрсатади, ҳуқуқий давлатнинг, маданий-иқтисодий муносабатларнинг амал қилиш имкониятига путур етказди.

Жиноий уюшмалар бошлиқлари салобатли турмуш тарзи кечириб, расмий элита гуруҳлари таркибига кирдилар.

Қуйидагиларни жиноий уюшманинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

– таркибида икки ва ундан ортиқ уюшган гуруҳларнинг мавжудлиги;

– уюшган гуруҳнинг ҳамкорликда жиноий фаолият билан шуғулланиши;

– уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши;

– жиноятчилик оламида ягона йўлбошчининг бошқариши ва унинг атрофида жиноятчилик дунёсида ном чиқарган «обрўманд» шахсларнинг тўпланиши;

– умумий пул фонди («общак»)нинг мавжудлиги;

– уюшмада норасмий тартиб-қоидаларнинг мавжудлиги;

– «жазо» гуруҳи ёки «шахсий соқчилар»нинг мавжудлиги;

– жиноий фаолиятнинг махсус тарзда ташкил қилиниши;

– жиноятларни содир қилишда ўта уюшқоқлик билан ҳаракат қилиш, яъни жиноий режани пухта тайёрлаш, техника воситаларидан тўла фойдаланиш, жиноят изларини яшириш чораларининг кўрилиши ва бошқалар;

– «ҳимоя» гуруҳининг ташкил қилинганлиги;

– ўқотар қуролларнинг мавжудлиги;

– жиноий мафкурани тарғиб қилиш;

– гуруҳ аъзоларининг барқарор йўсинда бирлашганлиги;

¹Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т., 2008. –14-б.

– жинойтчилик дунёсида яккахокимлик қилишга қаратилган ҳаракатлар.

Жиноий уюшманинг кўшимча белгиларига қуйидагилар киради:

– жинойий йўл билан топилган даромадни қонунийлаштириш;

– озодликдан маҳрум қилиш жойларида уюшманинг «филиал»ларини ташкил қилиш ва бошқалар.

Юқори даражадаги жинойий уюшмалар ўз ташкилотининг тармоқ отган тузилишга эгаллиги билан ажралиб туради. Улар бошқарувнинг мураккаб иерархик тизимига, барқарор, даромад келтирувчи мулкка (банк ҳисобварақлари, кўчмас мулкка), расмий ҳимояга (рўйхатдан ўтган корхона, жамғармалар, дўконлар, ресторанлар, казинога) эгадирлар.

Бу гуруҳлар баъзан бир неча минг кишидан ташкил топади, жамоа бўлиб бошқарувчи марказларга, катта ижтимоий гуруҳлар типигади барқарор ташкилотга, махсус режалаштириш ва назорат, ахборот хизматларига, минтақалараро алоқаларга, ҳокимиятнинг коррупцияга берилган тузилмалари билан ўзаро алоқа таъминотига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларига эга бўлади.

Улар жуда катта таъсир зоналарига, кўплаб минтақавий ва «тармоқ» тузилмаларига эга бўладилар (қимор бизнеси, фоҳишаликни назорат қилиш, жинойий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланидилар), коррупциялашган расмий идораларда илдизларига эга бўладилар.

Ушбу гуруҳлар мотивларининг йўналишига кўра ғаразли йўналишга эга бўладилар. Уларнинг асосий мақсадлари – қонунга хилоф йўл билан катта фойда олиш. Зўрлик ишлатиб амалга ошириладиган жинойятларни улар ғаразли мақсадларига эришиш, капитал тўплаш учун содир этадилар. Уларнинг ниҳоятда катта даромадлари хорижий банклардаги ҳисобварақларда туради, мамлакатдаги ва хориждаги катта кўчмас мулкка инвестиция қилинади.

Жиноий уюшма жамият фаровонлигига асосий хавфдир. У ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоийлашувига таҳдид солади, жамият негизлари ва иқтисодиётига путур, тадбиркорлик ва кредит-банк тизимига зарар етказади. У миллий даромадни стихияли тарзда жинойий уюшган ҳолда қайта тақсимлайди, қонуний иқтисодий тузилмаларга улкан моддий зарар етказади.

Жиноий уюшма жиноий йўналишга эга бўлган қуйидаги заїри-ијтимоий функцияларни шакллантиради:

- жиноий уюшма фаолиятининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- жиноий мафқурани тарғиб қилиш ва тарқатиш;
- хавфсизликни таъминлаш, «элита»ни қўриқлаш, унинг юксак обрўсига кўмаклашиш;
- жиноий йўналишга эга бўлган разведка;
- жиноий йўл билан топилган бойликларни легаллаштириш;
- уюшма аъзоларининг индивидуал талаблари ва манфаатлари амалга ошишига кўмаклашиш.

Жиноий уюшма асосий эътиборини хавфсизликни таъминлаш, жиноий ташкилотнинг фoш этилишига тўсқинлик қилувчи шарoитларни яратиш, ижрoчиларни қонуний (легал) ҳимоя воситалари билан таъминлашга қаратади.

3. Жиноий гуруҳларда етакчилик (лидерлик) ва унинг психологик тавсифи

Жиноий гуруҳнинг ривожланишидаги муайян бoсқичда унинг ички тузилишида етакчи сиймоси пайдо бўлади. У одатда гуруҳ ташкилотчиси ва раҳбари сифатида фаолият кўрсатади. Гуруҳ етакчиси пайдо бўлиши билан гуруҳ уюшади ва жипслашиб қолади, унинг фаолияти жадаллашади, мақсадга қаратилган хусусиятга эга бўлади ва борган сари ијтимоий хавфли тус ола бошлайди. Ички психологик тузилиш билан бир вақтда жиноий гуруҳнинг функционал тузилиши ҳам ташкил топади. Ҳар бир янги жиноят гуруҳ иштирокчиларининг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб беради: айримлар қилмишни бевосита бажаради, бошқалар жиноят объектини қидириб топади, яна бошқалари ўғирланган нарсаларнинг ўтказилишини таъминлайдилар ва ҳоказо. Функционал тузилиш жиноий гуруҳнинг шахсий таркиби, содир этилаётган жиноятнинг тури, тајовуз объекти ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлади.

Етакчилик қoбилияти ва атрофдагиларни бошқариш маҳорати етакчининг қайғудош бўлиш субъектив имкониятларини жиддий равишда чекловчи ёки бунга тўсқинлик қилувчи ҳиссий совуқ-қонлик билан таъминланади. Айни вақтда бу жиҳат атрофдагилар билан зарур ијтимоий-психологик масофани сақлаб туриш, юзага

келаётган вазиятнинг барча муҳим жиҳатларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда шу асосда оқилона қарор қабул қилишга имкон беради. Етакчиларнинг ушбу гуруҳлари ўртасида рақобат, яширин душманлик мавжуд, аммо мақсадлар ва унга эришиш йўллари умумийлиги сабабли улар ҳамкорлик қиладилар. «Етакчи» кўпинча судланмаган, жуда ақлли, маълумотли, ташкилотчилик қобилиятига, маслаҳатчилар сифатида эса «обрумандлар» ва ҳатто «қонундаги ўғрилар»дан иборат тажрибали профессионал жиноятчиларга эга бўлади¹.

Жиноий гуруҳлар етакчилари кўл остидагилар устидан руҳий ҳокимиятга эгадирлар. Уюшган жиноий гуруҳлар юзага келиши ва мавжудлигининг ўзи ана шу ҳодисага асосланади. Психологияда «ҳокимият» тушунчасининг шундай таърифи мавжуд: индивид ўзини ўраб турган дунёга таъсир кўрсатиб ҳосил қиладиган ҳар бир самара (эффekt) унинг қобилият, куч, билимдонлик сифатида тушуниладиган ҳокимияти билан боғлиқдир. Ҳокимиятнинг манбалари – ҳокимиятни кўллаётган субъект бошқа бировнинг тегишли мотивлари қондирилишини таъминлашига, ушбу қондирилишнинг ушлаб турилиши ёки олди олинишига ёрдам берадиган воситалардир. Мавжуд таснифлардан бирига кўра ҳокимиятнинг олти та имкониятдаги манбаи ажратилади².

Жиноий гуруҳ ташкилотчилари унинг аъзолари ўртасида етакчилигини сақлаб қолиш учун фойдаланиладиган ҳокимият манбаларини кўриб чиқамиз.

Мукофотлаш ҳокимияти. Унинг кучи гуруҳ талаблари ҳокимият объектлари (жиноий гуруҳ аъзолари)нинг умидларини қанчалик қондиришига, шунингдек етакчи бундай қондиришни гуруҳ аъзосининг ўзи учун исталган хатти-ҳаракатига боғлаб қўйишига боғлиқ. Аслида жиноий гуруҳ аъзосининг ғаразли мотивлари фақат етакчи қўйган вазифалар бенуксон бажарилган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Ушбу ҳокимият кутиладиган мукофот миқдори билан бирга ошиб боради.

Мажбурлаш ёки жазолаш ҳокимияти. Унинг кучи қуйидагиларга боғлиқ: 1) эҳтимол тутилган жазолар репертуарига; 2) жазо

¹ Қаранг: Гуров А. Организованная преступность: не миф, а реальность. – М., 1992. – С. 23.

² Қаранг: Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. – М., 1986. – С. 354–362; Политическая психология. – СПб., 1992. – С. 7.

тахдиди минус итоаткорлик туфайли жазодан қутулиш эҳтимоллигига. Етакчи ўрнатган ва сақлаб турадиган қаттиқ интизом, сотқинлар ва муртадлар, шунингдек, уларнинг яқинларига ўлим жазосини назарда тутган қонунлар ҳамда энг кичкина жазо сифатида – даромадни тақсимлаш чоғида улушини камайтириш (бинобарин – ғаразли мотивини қондирмаслик) – буларнинг бари ҳокимиятнинг ушбу манбаи эга бўлган кучдан далолат беради.

Эталон ҳокимияти. У гуруҳ аъзосининг етакчи билан идентификациясига ҳамда гуруҳ аъзосининг етакчига ўхшашга исташига асосланган. Дастлаб «янги келганлар жамият олдидаги мажбуриятлардан холи бўлган гўзал ҳаётнинг ўғрилар романтикаси, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш, кўп пул топиш кабилар билан йўлдан урилади»¹. Буларнинг бари жиноий гуруҳ тепасида турган «обрўманд»да мавжуд.

Норматив ҳокимият. Бунда гап етакчи муайян хатти-ҳаракат қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, зарур бўлганида эса, буни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладиган нормалар ҳақида боради. «Жиноий ташкилотларнинг асосий белгиларидан бирига норасмий хулқ нормалари, анъаналар ва қонунлар, уларни бузганлик учун жазолар кўринишидаги низомнинг мавжудлиги киради (ўрганиб чиқилган ташкилотлардан иккитасида ёзма низом мавжуд бўлган)»².

Билимдон ҳокимияти. Бутун куч гуруҳ аъзоси етакчида бор деб ҳисоблайдиган ҳамда гуруҳнинг ушбу аъзоси шуғулланадиган жиноий фаолият соҳасига доир алоҳида билимлар, интуиция ёки маҳоратларнинг катталигига боғлиқ. Айтиш мумкинки, раҳбариятнинг стратегик хатолари жиноий фаолиятнинг фош этилишига, ўта катта фойда олинмаслигига ҳамда жиноий гуруҳлар ўртасида таъсир доиралари бўлишда рақобатбардошликнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган юксак даражада уюшган жиноий гуруҳларда муайян етакчининг обрўси айнан шу ҳокимиятга асосланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноий гуруҳлар етакчилари «...уларнинг таълим даражаси анча юқори – ўрта, ўрта-техник ва олий маълумотга эгаллиги, аксарияти судланмаганлиги билан ажралиб туради»³, улар жиноий гуруҳнинг ақлий маркази ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Гуров А.* Организованная преступность: не миф, а реальность. – М., 1992. – С. 31.

² Ўша манба. – Б. 25.

³ Мафия: призраки и признаки // *Экономическая газета.* – 1988. – №. 48.

Гуруҳ етакчиларининг турли соҳалардаги мутахассисларни жалб этишга интилиши ҳам ана шундай ҳокимият манбаининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Ахборот ҳокимияти. У етакчи гуруҳ аъзоларига номаълум бўлган, бунинг устига вазиятни баҳолаш ва хатти-ҳаракатни бошқариш учун муҳим ахборотга эга бўлган шароитларда юзага келади. Уюшган жиноий гуруҳларда ҳокимиятнинг бу тури аввало етакчининг ахборотни гуруҳнинг оддий аъзоларига оз-оздан беришида, айти вақтда тўлиқ ахборотга фақат гуруҳ етакчисининг ўзи эга бўлганлигида кўринади.

Ҳозирги замон жиноий гуруҳларида, махсуслик қонунига кўра, қуйи бўғинлар ўз раҳбарларини умуман билмайдиган тизим ташкил қилиниши ҳам етакчиликка ёрдам беради. Гуруҳнинг оддий аъзолари етакчининг фақат кўринишларини, атрибутларини – кучли кўриқланиш, қаттиқ сир тутилиши (ахборотнинг телефон орқали берилиши, раҳбарнинг фақат овозини эшитиш мумкинлиги, бу эса фантазия учун майдон беради), операцияларга сарфланадиган катта пул маблағларини кўрадилар – буларнинг барчаси гуруҳ аъзоларига психологик таъсир кўрсатади, етакчининг олдида кўрқиш ва иззат-икром муҳитини яратади.

Ташкилотда етакчи қанчалик юқори турса, иерархик пиллапоя қанчалик юқори бўлса, унда кўрқув шунчалик кам бўлади, қанчалик паст бўлса, кўрқув шунчалик кўп бўлади. Низоларнинг асосий сабаби – иерархик тузилмадаги тенгсизлик, даромадларнинг тенг тақсимланмаслигида кўринади.

Бироқ гуруҳ етакчиси иштирокчилар унинг жиноий фаолияти ҳақида тергов органларига хабар беришлари, гуруҳ фош бўлган тақдирда гуруҳнинг жиноий фаолияти учун бутун айбни етакчига тўнкаб, ўзларининг ҳолатини яхшилашлари, эҳтимол тутилган жазони енгиллаштиришлари мумкинлигидан кўрқади.

Етакчи билан «муҳолиф» ўртасидаги низолар муҳолиф ўзини гуруҳ етакчисига, унинг бошқа аъзоларига, баъзи ҳолларда эса бутун гуруҳга қарши қўйиши натижасида юзага келади. Бундай муҳолафатнинг сабаблари турлича: ҳокимият учун кураш, етакчиликни эгаллаб олишга интилиш, ҳасад, рашк, бошқа иштирокчиларнинг жиноий фаолият усулларида қониқмаслик, ўзининг гуруҳдаги мавқеидан, шунингдек, ўғирланган нарсалардан оладиган улушидан қониқмаслик.

Шу маънода жиноий гуруҳларнинг зарур элементларидан бири етакчи (лидер)нинг мавжудлиги бўлиб, у маълум бир вазиятда норасмий раҳбар вазифасини бажаради. Бундай шахсларда раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти устун туради. Шунинг учун ҳам жиноий-ҳуқуқий нуктаи назардан баҳо берилганда лидер гуруҳларнинг ташкилотчиси ва раҳбари ҳисобланади. Етакчи (лидер)нинг асл маъноси «ташкилотчи», «раҳбар» деган маънони билдиради.

Етакчи фақат баъзи бир юқоридаги сифатлари учун танланади дейиш катта хато бўлади. Агар етакчи ўзининг қайсидир томонлари билан гуруҳ ташкил этилган дамларда панд берса, уни алмаштириш чоралари кўрилади. Лекин етакчиликдан кетиш албатта курашлар, керак бўлса қурбонликлар талаб қилади.

Етакчининг функциясига қуйидагилар киради:

- ташкилотчилик;
- хабар бериш;
- маълумотларни стратегик ишлаш;
- тартиб ўрнатиш ва бошқалар.

Етакчининг раҳбарлиги қуйидаги ҳолатларда кўринади: жиноий гуруҳни ташкил қилади, раҳбарлик қилади, жиноятни амалга оширишда ҳар бир иштирокчига вазифаларни бўлиб беради. Хабар бериш, олиш, хабардор бўлиш раҳбарнинг энг асосий сифатларидан биридир, яъни хабарни ташқаридан олиш билан бирга, гуруҳ ичидаги вазиятдан ҳам хабардор бўлиб туради, гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатни билиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Стратегик ишлар гуруҳ етакчисининг ғоялари билан амалга ошади, у олдиндаги қийинчиликларни кўра билади, гуруҳга ўзгартиришлар киритади, олинган ўлжаларни тақсимлайди. Етакчининг кўрсатмаларини бажармаган ёки бажаришдан бош тортганлар қаттиқ жазоланади, етакчи жазонинг турини аниқлайди, амалга ошириш йўллари таклиф қилади ва жазоловчини тайинлайди.

Етакчининг бу сифати айниқса уюшган жиноий гуруҳларга тааллуқлидир. Жиноий гуруҳлар содир этилиши керак бўлган жиноятни амалга оширишга кетаётганда, иштирокчилардан бири операцияда баъзи камчиликлар бор, режани аниқлаштириш керак деган фикрини шипшитиб қўяди, бу лидернинг қулоғига етгандан кейин шу шахсни қаттиқ жазолашни буюради, чунки гуруҳ орасида иккиланиш пайдо бўлиб, операция муваффақиятсизликка учраса,

бояги фикрни тарқатган одам ҳақ бўлиб, қаҳрамонга айланиши мумкин.

Мазмунига кўра жиной гуруҳ раҳбари етакчи ташкилотчи, етакчи руҳлантирувчига, раҳбарлигига қараб демократик ва авторитарга бўлинади. Демократик раҳбарликда ҳам, авторитарда ҳам демократик йўл тугилади, авторитарда барча вазифа шакллари шахснинг ўзи ҳал қилади, тартибни жуда қаттиқ ушлайди.

Жиной гуруҳлар ичида қуйидагилар ўртасида зиддиятлар бўлган, бўлиб келади:

- лидер ва гуруҳ аъзолари;
- лидер ва тарафкашлар;
- гуруҳнинг янги ва эски аъзолари;
- жиной фаолиятини тугатмоқчи бўлган шахс ва гуруҳдаги аъзолар ўртасида;
- ҳар хил жинойтларни содир этишда турли вазифаларни бажарувчи жинойтчилар ўртасида;
- гуруҳда юқорироқ мавқени эгалламоқчи бўлган шахс ва гуруҳ аъзолари ўртасида;
- жиной гуруҳ билан бошқа бир жиной гуруҳ ва ҳоказо.

Жиной гуруҳлардаги шахслар ўртасида тенглик йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас, агар тенглик бўлса, у гуруҳ бўлмайди. Улар ўртасида ёпиқ психологик бир-бирини кўра олмаслик ётади. Гуруҳнинг ядроси, ўзаги бўлиб, у энг фаол қатнашчилардан ташкил топган бўлади.

Гуруҳнинг етакчиси (верхушкаси) жинойтдаги асосий хатти-ҳаракати билан аниқ ажралиб туради ва «мозговой центр» ҳисобланади. Улар ички тартибни ўрнатади, бошқарувчи вазифасини бажаради. Бундай шахслар ўлжанинг кўпроқ қисмини олишга ҳаракат қилади, етакчиликда асосий фаолиятни тартибга солиш билан бирга, кўп масъулиятни ҳам ўзига оладилар.

Шу нуқтаи назардан етакчи жамиятга қарши гуруҳ тузувчи ёки тузилган гуруҳ тепасига ўз фаолияти билан чиққан жиной фаолият ташкилотчисидир.

Ижтимоий психология етакчининг баъзи бир хислатларини ажратади:

- 1) ғоя беришига кўра фаоллиги;
- 2) ташкилотчилик қобилияти;
- 3) мулоқотга кириша билиши, ўзига жалб қилиши;

4) баъзи масалаларни ечишда компитентлиги.

Криминоген гуруҳнинг асосий тавсифи:


- 1) жиной хатти-ҳаракати;
- 2) жиной тажрибага эга эканлиги;
- 3) ўғрилар анъанасига риоя қилиши;
- 4) ўғрилар жаргонини ва татуировкаларини яхши билиши.

Ҳозирги вақтда жинойт оламида етакчиларнинг қуйидаги ижтимоий-психологик таснифи мавжуд:


- ҳаракат дастурини бериб, руҳлантиради;
- мураккаб вазифани бажаради;
- гуруҳни ташкил қилади ва йўналтиради.

Жиной гуруҳни психологик таҳлил қилишда унинг аъзолари ўртасида ахборот узатиш усуллари аниқлаш жуда муҳим. Ахборот узатишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Тўлиқ тузилиш – коммуникатив алоқаларнинг бундай турида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолари билан алоқа ўрнатиши мумкин.




Айлана тузилиши – ахборот айлана бўйлаб бир ёки икки йўналишда ҳаракатланади.



Узилган айлана – ахборот гуруҳнинг бир аъзосидан бошқасига ўтади, аммо учинчи аъзоси иккинчисига ахборотни ким берган-


лигини, иккинчиси эса занжирнинг тўртинчи бўғинида ким турганлигини билмайди.

Узилган айлана




Ўзакдан ажралган алоқада ташкилотчи гуруҳнинг фақат бир аъзоси билан алоқада бўлади. Гуруҳ аъзолари ўзаро алоқа қилмайдилар ва бир-бирларини билмайдилар.

Ўзакдан ажралган



Ўзакли айлана – ташкилотчи гуруҳнинг фақат бир аъзоси билан алоқада бўлади. Гуруҳнинг бу аъзоси эса, ўз навбатида, қолган барча аъзолар билан алоқада бўлади.

Ўзакли айлана




Аралаш тузилма – ташкилотчи гуруҳ аъзоларига ахборот бериш учун алоқанинг икки ёки ундан ортиқ турларидан фойдаланади.

Аралаш тузилма




Мураккаб тузилма – ташкилотчи икки ёки ундан ортиқ кичик гуруҳга раҳбарлик қилади, бу гуруҳлар эса, ўз навбатида, коммуникатив тузилишга эга бўлади.

Мураккаб тузилма



Кўп блокли тузилма – гуруҳ етакчиси мамлакатнинг турли минтақаларида жиноятлар содир этадиган ёки жиноий фаолиятнинг айрим турларига ихтисослашадиган бир неча жиноий гуруҳларга, ҳимоя ва таъминот блокларига эга бўлади.

Кўп блокли тузилма



Ташкилотчи фақат асосий йўналишлар (молни ўтказиш, транспорт, бухгалтерия, муайян ҳудуддаги жиноий фаолиятнинг аниқ бир турига масъул шахслар) раҳбарлари билан алоқада бўлади. Бу раҳбарлар, ўз навбатида, одатда ижрочилар билан бевосита алоқаларга эга бўлган воситачилардан фойдаланган ҳолда у ёки бу коммуникатив тузилмани ўрнатадилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, уюшган гуруҳ етакчиси иштирокчиликнинг бошқа (оддий ва мураккаб) шаклларидаги гуруҳ раҳбаридан (ташкилотчисидан, йўлбошчисидан) фарқ қилади. Уюшган гуруҳ етакчиси барча фаолият устидан назорат олиб боради, жиноят содир этишга розилик беради ёки бермайди, жиноий режаларни кўпинча ўзи тузади, жиноят содир этиш вақтини белгилайди, жиноий фаолият орқали топилган моддий бойликларни тақсимлайди, гуруҳ ичида «норасмий» тартиб-қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, уни бузганларга нисбатан чора кўради.

Жиноий уюшма таркибига кирадиган уюшган гуруҳларда етакчи ҳар бир жиноятдан тушган «даромад»дан уюшма аъзоларига ҳисса бериб туради ҳамда уюшма кўрсатмаларининг бажарилишини таъминлайди. Бундан ташқари, етакчи бевосита гуруҳ йиғиладиган жойни тайинлаши мумкин.

4. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг психологик муаммолари

Жамиятимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатлари ва жиноят қонунига оид ҳозирги либераллаштириш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда жиноий фаолият билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ қатнашчиларига жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг икки йўналишини ажратиш мумкин.

Биринчиси, жиноий фаолият билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ аъзоларига жазо тайинлаш ва айрим моддаларга жазони оғирлаштирувчи белгиларни киритиш.

Иккинчиси, уюшган гуруҳнинг айрим аъзолари ҳаракатига енгиллаштирувчи ҳолат тусини бериш ҳамда рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш.

Ҳуқуқшунос олимлар И. Исмаилов ва Д. Бухаров бугунги кунда уюшган жиноий тузилмалар фаолиятини ва улар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлик қуйидаги тўрт даражада амалга оширилади, деб таъкидлайдилар:

- ички идоравий ҳамкорлик;
- идоралараро ҳамкорлик;
- жамоатчилик билан ҳамкорлик;
- халқаро ҳамкорлик.¹

Жиноий уюшма ва уюшган гуруҳларнинг аъзоларига жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан асосий мақсад – жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиб, айбдорларни аниқлаш ва уларга қонунда белгиланган тартибда тегишли, одилона жазо тайинлашдан иборат.

¹ Қаранг: *Исмаилов И., Бухаров Д.* Уюшган жиноий тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар). – Т., 2007. – Б. 11.

Шу маънода уюшган жиноятчиликка қарши курашда психология, социология ва иқтисодиёт соҳасидаги олимларнинг уюшган жиноятчиликдек салбий ҳолат юзасидан олиб борган тадқиқотларининг хулосаларига таяниш катта аҳамиятга эга. Чунки жамият ҳаётидаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий камчиликлар, қайд этиб ўтганимиздек, уюшган жиноятчиликни юзага келтиради ва унинг ривожланиши учун шароит яратиб берувчи омиллардан бири саналади.

Ушбу ижтимоий иллатга қарши олиб бориладиган кураш стратегияси билан боғлиқ ҳуқуқий, психологик ва профилактик чоратadbирларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур. Бундай тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш эса мавжуд хуфиёна иқтисодиёт ва иқтисодиёт билан боғлиқ барча жиноятларни атрофлича таҳлил этиш билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, ҳозирги кунда жамиятнинг ижтимоий тизимини илмий жиҳатдан баҳолаш, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига нисбатан дифференциал сиёсат юритишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Шу маънода қуйидаги тоифадаги шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

– шубҳали тарзда даромад топаётган ва кўп миқдордаги мулк ва молиявий маблағларга эга шахслар;

– кам даромадли, умуман моддий таъминотга эга бўлмаганлар;

– жинойий ва маънавий бузуқ йўлга кирганлар (жиноятни касб қилиб олганлар, бир неча бор судланганлар, ичкиликка ружу қўйганлар, гиёҳвандлар, ўзгалар ҳисобига кун кўрувчилар, дайдилар ва ҳ.к.)¹.

Ўтказилган тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатадики, охириги тўққиз йилда жиноятчилик таркибида бир гуруҳ шахслар содир этган жиноятлар 15–16 % ни ташкил этган бўлса, талон-тарожлик жиноятлари бўйича бу кўрсаткич 28–30 % ни ташкил этади. Жиноятни бир-икки марта оддий иштирокчилик асосида содир этган шахслар, *биринчидан*, содир этган жинояти учун жазосиз ёки енгил жазо билан чекланиб қолаётганидан; *иккинчидан*, жиноятдан ўзлаштирилган маблағ ҳисобига «яхши ҳаёт» кечираётганлигидан; *учинчидан*, ортиқча маблағ эгаси бўлаётганлигидан; *тўртинчидан*, айримлари эса «руҳланиб», бу «ютуқларни» янада мустаҳкамлаш учун аста-секин жинойий гуруҳ

¹ Қаранг: Криминология / Проф. З. С. Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – Б. 391.

фаолиятини кучайтириш, кенгайтириш, режалаштириш, уни қуроллантириш ва бошқа жиной гуруҳлар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қила бошлайдилар¹.

Умуман олганда, уюшган жинойтчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шакл ва усуллари яратиш орқали уларнинг фаолият йўналишларини тармоқлараро тузиладиган мувофиқлаштирувчи орган олиб борадиган ҳамда маълум бир вақт оралиғига мўлжалланган дастур асосида зарур вазифаларнинг бажарилишини белгилаш;

– уюшган жинойтчиликка қарши курашишда махсус тайёргарликдан ўтган шахсларни жалб қилиш;

– уюшган жинойтчиликка қарши курашувчи махсус гуруҳларни зарур моддий-техника воситалар билан таъминлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жинойт йўлига кирган ёки жинойт ҳаракатларидан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига ўтмоқчи бўлганларнинг ижобий ҳаракатларини жазони енгиллаштириш ёки ундан озод қилиш йўли билан жинойтларнинг олдини олишга шароит яратиш ёхуд жинойтни касб қилиб олган ва жинойт фаолият билан доимий шуғулланмоқчи бўлганларнинг жазосини оғирлаштириб, уларнинг янги жинойтлар содир этишига тўсқинлик қилиш умумий жинойтчиликнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Жинойт гуруҳлар шаклланишининг психологик сабаб ва шароитлари нималардан иборат?

2. Жинойт гуруҳлар ва жинойт гуруҳ етакчиларининг типологияси қандай кўринишларга эга?

3. Жинойт ҳаракат усуллари ва уларни ниқоблаш қандай амалга оширилади?

4. Жинойт гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаро мулоқотнинг психологик тавсифланг.

5. Жинойт ҳамкорликнинг психологик хусусиятлари нималардан иборат?

6. Жинойт гуруҳларни очиш ва фош этишнинг психологик асослари нималардан иборат?

7. Жинойт гуруҳларга таъсир этишнинг психологик усуллари айтиб беринг.

¹ Қаранг: *Исмоилов. И. Жинойтчиликда уюшганликнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш.* – Т., 2007. – Б. 19.

IX БОБ. ТЕРРОРИЗМ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Замонавий терроризмнинг психологик хусусиятлари

Бугунга келиб терроризм умумбашарий хавфга айланди. Уни жиной хатти-ҳаракатнинг муайян кўриниши сифатида юридик жиҳатдан таснифлаш заруратидан ташқари, тарихий илдизларини, юзага келишининг ижтимоий-психологик сабаб ва оқибатларини ўрганиш, ниҳоят, сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш эҳтиёжи туғилмоқда.

Терроризм деган даҳшатли аждарҳо сайёрамизнинг турли минтақаларида бош кўтараётгани, бу офат умумбашарий цивилизация учун катта хатар экани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу иллатнинг ўз вақтида тушуниб етган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов инсон, оила, жамият ва давлат манфаатларини жиной тажовузлардан, айниқса, уюшган жинойтчиликнинг хавфли кўринишларидан бири бўлган террорчилик тажовузларидан ҳимоя қилишга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, у «кейинги йилларда жаҳоннинг турли худудларида рўй бераётган террорчиликнинг ёвуз кўринишлари тобора кучайиб бормоқда... Халқаро терроризмнинг ўтакетган ёвуз кирдикорлари дунёдаги барча соғлом фикрли кишиларнинг қаҳр-у ғазабини уйғотди, унга нисбатан бефарқ бўлиш мутлақо мумкин эмаслигини кўрсатди»¹, деб таъкидлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзининг деярли ҳар бир нутқида бу глобал муаммога жиддий эътибор бериб ўтади. Масалан, «юртимизда чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабих ва узоқни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т., 2007. – Б. 9.

ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни портлатиб юборган бўлур эди»³.

Динни ниқоб қилиб, турли қўпоровчиликлар, зўравонликлар содир этаётган кучлар муайян марказлар томонидан бажарилмоқда. Буни сўнги йилларда нафақат юртимизда, балки АҚШ, Россия, Жазоир, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия, Буюк Британия каби мамлакатларда юз бераётган воқеалар ҳам кўрсатиб турибди. Диний-экстремистик ташкилотлар сўзда бир қарашда ижобийдек туюладиган мақсадларни илгари сургани билан, уларнинг асл нияти ҳокимиятни эгаллашдир. Бу йўлда улар ҳар қандай ваҳшиёна усуллардан тап тортишмаяпти. Керак бўлганда миллатчилик, этник низолардан ҳам устунлик билан фойдаланишмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар халқ, шахс эркинлигига дахл қилиши, уруш ва зўравонликни келтириб чиқариши оқибатида минглаб бегуноҳ одамлар жафо чекиши, қирилиб кетиши мумкин. Аммо ҳеч қандай динни, эътиқодни зулм-зўравонлик ёрдамида қурол кучи билан ёйиш мумкин эмас. Маънавий кадриятлар ҳақида гап кетганида қурол ҳал қилувчи роль ўйнамайди¹.

Бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ҳодисалар ичида терроризм хавфи алоҳида ўрин тутаети. Терроризм энг мураккаб ва хавфли ҳолатларни ўз ичига қамраб, одамларда ёвузлик ва кўрқув ҳиссини пайдо қилади.

«Терроризм» лотинча сўз бўлиб, «*даҳшат*» деган маънони англатади. Терроризм Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида назарда тутилган ва портлатишлар, ўт қўйишлар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулккий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят. Мазкур ҳаракатларнинг жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилганлигига, шунингдек, ана шу мақсадларда амалга оширилиш хавфи мавжудлиги ушбу жиноятнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади².

¹ Қаранг: *Баймуханов З.* Дин – бузғунчиликка қарши // Қалқон. – 2006. – №5. – Б. 28–29.

² Қаранг: *Юридик энциклопедия / проф. У. Таджиханов таҳрири остида* – Т., 2001. – Б. 434.

Терроризм ва халқаро терроризм уюшган жиноий гуруҳ сифатида худудий ва миллатлараро муаммоларни юзага келтиради. Бугунги кунга келиб сиёсий экстремистлар, криминал ишга қўл урган бизнесменлар ва жиноий жазони ўтаб қайтган баъзи бир шахслар жамиятга, аниқроғи одамлар тақдирига катта хавф туғдирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда террорчи шахс ва террорчилик хатти-ҳаракатларини юзага келтирувчи психологик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган, шунинг учун терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олишда психологик билимлар муҳим ўрин эгаллайди.

Замонавий терроризмнинг психологик ўзига хос белгилари:

- 1) террор – психологик таъсир этиш воситаси;
- 2) террорчилик актлар олдиндан пухта режалаштирилади ва ваҳшиёна амалга оширилади;
- 3) террор умуминсоний қонуниятларни инкор этади;
- 4) ўз қарашларини очик-ойдин ошкора этади;
- 5) террорчилик замонавий оммавий ахборот воситалари билан қуролланган.

Террор психологик таъсир этиш воситаларидан биридир. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири инсонлар онгида қўрқув ҳиссини пайдо қилиш, жамиятда мураккаб вазиятларни юзага келтиришдан иборат. Одамлар онгида қўрқув ҳиссини пайдо қилиш унинг асосий моҳияти саналади. Уларнинг асосий объекти ким террор қурбони бўлгани эмас, балки кимнинг тирик қолганидир. Террорчиликнинг асосий мақсади одам ўлдириш эмас, тирик қолган шахсларни руҳан синдиришдир. Шу нуқтаи назардан террорчилик фақат моддий ва сиёсий зарар етказди.

Террорчилик актини содир этиш бу оддий иш бўлмай, у яширинча, пухта ва мукамал равишда амалга оширилади. Бу ишларни амалга ошириш учун ойлаб, йиллаб тайёргарлик кўрилади.

Террор умуминсоний қонуниятларни инкор этади, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмайди. Террорчилар ўз хатти-ҳаракатларини очик ойдин ошкор қиладилар. Террорчилик жамиятга ноошкора эълон қилинган удум, унинг асосида кадрсизланган инсон ҳаёти мавжуддир.

Ҳозирги кунга келиб террорчилик замонавий оммавий ахборот воситалари билан тўлиқ қуролланган. Баъзи ҳолатларда оммавий ахборот воситалари орқали улар инсонлар онгига кучли психологик таъсир кўрсатадилар.

Террорчилик фаолиятида катта аудиторияларга, кенг оммага таъсир ўтказиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга, замонавий террорчиликда ижтимоий хавфли бўлган қуйидаги сифатлар аниқ намоён бўлади:

– инсонларнинг оммавий қурбон бўлиши, моддий зарар келтириши, унинг ошкорона ва ҳамда ваҳшиёна тус олиши;

– террорчилик тизимининг моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг юқори даражаси;

– халқаро террорчилик тизимларининг фойдали қазилмалар ҳамда энергия манбаларига эгалик қилиш учун интилиши;

– халқаро ва миллат даражасидаги террорчилик тизимлари ўртасида қатъий алоқа, шу билан бирга, одам савдоси, қурол-яроғ, психотроп моддалар ва наркотик воситалар билан, ноқонуний жиноий уюшмалар билан алоқадорлиги;

– ёлланма шахслардан фаол фойдаланиши;

– ядро қуроли, химик, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларига эга бўлишга интилиш, террорчиларнинг ушбу қуроллардан жиноий фаолиятларида фойдаланиш хавфи;

– янги террорчилик кўринишларининг пайдо бўлиши (муҳим саналган давлат ва жамиятдаги компьютер бошқарув тизимини блокировка қилиш);

– ижтимоий ташкилотлар қарамоғи остида ҳаракат қилиши, яъни жанггариларни тайёрлаш учун ўқув марказлари ва лагерлар, қурол-яроғ ва озик-овқат учун омборхоналар ташкил этиш, террорчилик актларини содир этиш учун фирма, банк ва фонд ташкилотлари хизматидан фойдаланиш ва бошқалар¹.

Бундан кўриниб турибдики, террорчилик фаолияти ва у амалга ошириши мумкин бўлган қилмишлар жамият учун жиддий хавф туғдириши мумкин.

Халқаро терроризмга қарши курашишда самарали усулларни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш учун унинг келиб чиқиши ва намоён бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак:

– террорчилик актлари содир этиладиган жойларини олдиндан кўра билиш жуда қийин, баъзан умуман аниқлаб бўлмайди, бироқ жиноятчилар юқори даражада натижага эришиш учун объект танлайдилар;

¹ Қаранг: Основы противодействия терроризму / Под ред. Я. Д. Вишнякова. – М., 2006. – С. 27–28.

– террорчи шахсининг сифатларини одатда аниқлаб бўлмади (ўз жонига қасд қилади, у воқеа жойидан қочиб кетганида ҳам номаълум бўлиб қолади);

– халқаро терроризм жаҳон бўйлаб ривожланмоқда, шунинг учун террорчиларнинг хужум қилиш объекти аҳоли, маъмурий бинолар ва қурилмалар бўлиб, улар нафақат террорчилик актлари олиб борилаётган давлат ҳудудида, балки бошқа давлатларда ҳам ўз аксини топади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, терроризмга қарши кураш комплекс тарзда амалга оширилиши (террорчи гуруҳлар ва аъзоларининг йўналганлик даражасини аниқлаш, террорчиларнинг халқаро алоқаларини бузиш, содир этилиши мумкин бўлган террорчилик актларига тайёргарлик ҳақидаги маълумотга ўз вақтида эга бўлиш, айбдорларни ушлаш ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ихтиёрига топшириш) лозим. Террорчилик актларини содир этувчининг шахси, содир этилиши вақти ва жойининг номаълумлигида асосий диққат-эътиборни акт содир этилиши мумкин бўлган объектларга ва улар томонидан фойдаланиш мумкин бўлган воситаларга қаратиш керак.

Турли кўринишдаги жиноятларга қарши комплекс тарзда олиб бориладиган курашда асосий эътиборни жиноятларни келтириб чиқарувчи шарт-шароит ва сабабларга қаратиш лозим. Замонавий халқаро ва миллий терроризмда бундай таъсир этиш баъзи бир қийинчиликларни юзага келтиради.

Террорчи шахсининг замонавий сифатлари ўзига хос хусусиятга эга. Бу одатда диний фанатлар, замонавий цивилизация ва маданиятга бўлган муносабат, бошқа эътиқодларга ва бошқача фикрловчиларга ғаразлик билан қарашда намоён бўлади. Террорчилик актини содир этишга чоғланган шахс маълумки ўзини ўзи қурбон қилишга тайёр бўлади. Бундай инсонларнинг шахсига таъсир этиш жуда ҳам қийиндир. Уларни қайта тарбиялашнинг умуман иложи йўқ. Террорчи шахсни индивидуал тарбиялаш мумкин, буни эса инсоний, барча маданий қадриятлар ўз аксини топган демократик давлатда амалга ошириш мумкин.

Терроризм маълум сабаб ва вазиятларга кўра пайдо бўлади. Бу сабаблар шахсий (фанатик тарбия базаси асосида) мотивлар бўйича, яъни яқин қариндошларидан (турмуш ўртоғи, отаси, акаси) бирининг ўлими ёки қамалиши, уруш даврида уйининг бузилиши

ёки моддий бойлигини йўқотиши, маҳаллий раҳбарнинг қаттиқ-қўллиги натижасида (агар улар бошқа миллат ва бошқа эътиқодда бўлса) намоён бўлади.

2. Террорчи шахси психологияси

Инсонни террорчилик фаолияти билан шуғулланишга ва шундай ташкилотларга аъзо бўлишга қандай мотивлар ундайди? Бу саволга жавобни унинг психологиясидан қидириш лозим. Аслида терроризмни вужудга келтирувчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа кўплаб сабаблар мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси шахси ва мавжуд шахсий омилларни, психологик механизмларни, шахсининг қадриятларини издан чиқаради, охир-оқибат уни террорчилар сафига олиб киради.

Психологлар индивидларнинг терроризм йўлига киришига ундовчи мотивларга айланадиган бир қатор шахсий мойилликларни ажратадилар¹.

Террорчилик фаолияти билан шуғулланишга ундовчи шахсий омиллар:

- 1) ўз «мен»ини доимий равишда ҳужумкорлик – ҳимояга тайёргарлик орқали мудофаа қилишга тайёр туриш;
- 2) етарли бўлмаган шахсий мослик, ўз-ўзини қуйи баҳолаш;
- 3) гуруҳга ёки гуруҳий айнанликка бўлган кучли эҳтиёж;
- 4) ўзининг омадсизликларига жамиятни айбдор деб билиш, ижтимоий адолатсизликни бошдан кечириш;
- 5) ижтимоий яққаланиш ва бегоналашув, ҳаётга ва келажакка қизиқишнинг сўниши;

Юқорида келтирилган тавсифлар террорчи шахсининг қандайдир умумлашган психологик хусусиятлар ҳисобланади. Шу ўринда шахсининг гуруҳга киришида бир қатор сиёсий-мафкуравий мотивлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин улар кўпроқ чуқур шахсий мотивларни такомиллаштириш шакли ҳисобланади.

Террорчи гуруҳлардаги индивидлар психологик жиҳатдан тўлиқсиз ёки издан чиққан психоижтимоий мослик натижаси эканлигини кўришимиз мумкин. Булар унинг учун барқарорлаш-

¹ Қаранг: Психологи о терроризме (Материалы круглого стола) // Психологический журнал. – 1995. – №4.

тирувчи психологик асос ҳисобланади, ўзини яхлит шахс сифатида ҳис қилади.

Террорчи шахс учун дунёни салбий жиҳатдан тушуниш бир қатор омиллар таъсири остида вужудга келиши характерлидир. Биринчидан, ўз-ўзини бошқариш имкониятлари ва реал дунёни идеал образи орасидаги тафовут тегишлидир. Бу идеал субъектнинг шахсий ва ижтимоий жиҳатдан билишининг қарама-қаршилигидир, натижада террорчи шахсда «Мен яхши, дунё ёмон» деган қараш шаклланади. Бу қараш турли хил деспруктив ҳаракатларни оқлаш ва ўз-ўзини руҳий ҳимоялаш воситаси бўлиб қолади.

Террорчилик фаолиятини таъминлашга жалб этилган ижтимоий-психологик омиллар.

Террорчи ташкилот, бошқа ҳар қандай жиноий ташкилот сингари, мураккаб иерархик тузилишга эга ва унинг турли поғоналарида турли хил одамлар жойлашадилар ҳамда уларга индивидуал хусусиятлар хосдир. Лекин террорчилик фаолияти, бошқа ҳар қандай фаолият сингари, ана шу фаолият билан шуғулланувчи инсонларда маълум бир типик хулқ-атвор ва шахснинг ўзига хосликлари ишлаб чиқилишига олиб келади. Бинобарин, террорчи ташкилотга қўшилишнинг ўзи ҳам шахсдан муайян у ёки бу иерархик поғонага мансуб бўлган хусусиятларнинг мавжуд бўлишни олдиндан тақозо қилади.

Терроризм муаммосининг турли хил психологик тадқиқотларини умумлаштирган ҳолда, террорчилар шахсиятининг қуйидаги таснифини келтириш мумкин:

1. Ташкилотчилар: мафкуравий фанатлар; бевосита ташкилотчилар; намоёишкорона тип.

2. Таъминловчилар: ёлловчилар; терактларни тайёрловчилар; педагог-мураббийлар; технологлар.

3. Бажарувчилар: тажовузкор тип, фанатик тип, зомбилаштирилган тип, қасоскор тип; авантюрист тип.

Биринчи категорияга аъзо бўлганларни генетик террорчилар ёки инсонлар дейиш мумкин, улар ёшлик давридан террорчилик фаолияти билан шуғулланишга мойил бўлган шахслардир. Ҳозирги замон тиббиёти нуқтаи назаридан олиб қарасак, генетик террорчилар мия тузилишининг мавжуд туғма ёки эрта ёшлигидаги оғишлари натижасида ҳокимиятни қўлга олиш, бошқариш каби иллатларга мубтало бўладилар. Уларда сиёсий ёки ижтимоий

кўринишдаги ҳокимиятга поғонама-поғона эришиш эмас, балки умуминсоний қадриятларга зид бўлган ваҳшиёна хатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали эришиш устун туради.

Мафкуравий фанатлар террорчиларнинг жуда хавфли типи ҳисобланади, шахсий эътиқодлари (диний, мафкуравий, сиёсий) ва хатти-ҳаракатларига, шунингдек ўз дунёқарашлари, ўзининг гуноҳсизлиги ҳамда инсонларнинг тақдирини бошқариш мумкинлигига ишонадилар. Ушбу тоифадагилар нотиклиги, етарли даражада юқори ақлий даражаси ва бошқа одамларга самарали психологик таъсир эта олиш қобилияти мавжудлиги билан ажралиб турадилар.

Бевосита ташкилотчилар – маълум маънода барқарор ва совуққон тип. Аниқ терактлар, олдиндан ўйланган ва режалаштирилган террорчилик актлари ғоявий таъминланганлик ва эмоционал қатъиятлилик билан амалга оширилади. Лидер ушбу фаолиятдан ташқарида бўлишни маъқул кўради.

Намойишкорона тип – очикчасига жанговар бошқарувчи, мақтанчоқ ва ўзини яхши кўрувчи «довюррак-жангчи». Барча нарсалар ва ҳаммага нафрат кўзи билан қараб лаззатланади. Ўз ўзини буюклигига ишонтириш уларга хос хислат.

Иккинчи категорияга турли кўринишдаги ноқонуний ёки жиноий йўллар ёрдамида оддий маблағ йиғиш билан шуғулланувчи шахслар киради.

Ёлловчи – бошқаларни террорчи ташкилотларга жалб қилувчи шахс. Юқори ва тез психологик алоқа ўрнатишга мойил, психотехнологик кўникмаларга эга, ишонтириб (гипноз) таъсир қилиши билан ажралиб туради. Ушбу тоифадагилар террорчи ташкилотларда энг кучсиз бўғин ҳисобланиб, уларнинг вазифаси таъсирга тез берилувчи одамларни аниқлаш ва топиб, психологик таъсир ўтказишдан иборат.

Терактларни тайёрловчилар асосан собиқ махсус хизмат ходимлари бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлатларда махсус хизматларда тайёргарликдан ўтганлар. Уларда узоқ йиллар давомида кўпорувчилик, баъзан эса антитеррорчилик фаолияти билан шуғулланиш натижасида террорчи шахсларга хос бўлган психологик сифатлар шаклланган. Бироқ, ёш жиҳатидан ёки бирор-бир сабаб туфайли давлат хизматининг ижтимоий йўналганлигини ўзгартиради. Масалан, улар одатий давлат хизматида, бироқ

«душман тарафи»да бўлиб фаолият олиб борадилар. Бундай махсус хизмат ходимларининг маънавий-ахлоқий, инсоний кадриятлари кўпорувчилик фаолияти билан узоқ йиллар давомида шуғулланиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Ижтимоий йўналганликнинг ўзгаришида асосий ролни «моддий манфаат» ўйнайди. Терроризмда ушбу фаолият билан шуғулланувчилар учун давлат хизматига қараганда бир неча баробар кўп ҳақ тўланади.

Педагог-мураббийлар терактларни тайёрловчилар билан бир жабҳада фаолият кўрсатадилар. Бу шахслар террорчилик фаолиятининг барча мутахассислиги бўйича йўриқчи (инструктор)лик фаолияти билан шуғулланадилар. Одатда улар бойлик гирдобига тушган собиқ махсус хизмат ходимларидир. Педагог-мураббий террорчиларнинг профессионал фаолияти ўзгармайди. Улар илгари терроризмга қарши курашишни ўргатган бўлсалар, эндиликда эса, ўтмишдаги тажрибаларига суянган ҳолда, террорчиларни ўзларининг собиқ шогирдларига қарши курашишга ўргатадилар.

Технологлар ҳам террорчи ташкилотларнинг аъзолар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси терактларнинг содир этилишини техник жиҳатдан таъминлаб бериш ҳисобланади. Аниқ террорчилик хатти-ҳаракатларини содир этиш учун шарт-шароитларни тайёрлаш ва портловчи мосламаларни яратиш соҳасида техник ҳамда бошқа малакаларга эга бўладилар. Кимдир террорчилар учун сохта ҳужжатлар, кимдир транспорт воситаси ва самолёт учун чипта, яна кимдир портловчи мосламалар учун омборхоналар тайёрлайди.

Учинчи категориядаги шахслар террорчи ташкилотнинг энг куйи поғоналарида турадилар ва уларнинг асосий вазифаси бево-сита терактларни амалга ошириш ҳисобланади. Булар портловчи мосламани ҳодиса жойига олиб борувчи, масофада туриб портловчи мосламани ҳаракатга келтирувчи, ўлимдан қайтмайдиган йўл кўрсатувчилар, ўзини «қурбон» ёки «шаҳид» қилувчи аёл ва эркеклардир.

Тажовузкор тип тоифасидаги одамлар зўрлашга, ўлдиришга, ҳамма нарсани бузишга ва ҳаммани кўрқитишга хос тажовузкор эҳтиросга эга. Террор – эмоционал қониқишнинг асосий усули. Ушбу тоифадагилар «қотиб қолган» (отмарозка), умуман маънавийтсиз, ваҳший, рағбатлантириш учун ишловчи, кимни сўйиш ва кимни отиш уларга барибир.

Фанатик тип террорчиларнинг энг хавфли типларидан биридир, улар терактларни содир этишга боришда ўз ўлимига олдиндан ва онгли равишда тайёрланадилар.

Зомбилаштирилган тоифадагилар ўз жонига қасд қилиш вазифаларини идеал тарзда бажарувчилардир. Дастурлаштирилган автомат сифатида ва таъсирга берилиш оқибатида ҳаракат қилади. Вазифани бажаришда тез фикрлайди ва кўрқувни ҳис қилмайди.

Қасоскор типнинг асосий мотиви ўзи учун, яқинлари ёки дўстлари ҳамда ягона эътиқоддошлари учун қасос олиш ҳисобланади. Ушбу тоифадагилар ичида кўпроқ ўспиринлар ва аёллар учрайди.

Авантюрист тип – қаттиқ сиёсий эътиқод ва барқарор сиёсий йўналишга эга бўлмаган одам. Ушбу тоифадаги одамнинг бошқалардан фарқи – якка ҳолда ҳаракат қилади.

Учинчи категорияга кирувчи «бажарувчиларни» **ўз жонига қасд** қилувчи-террорчилар тоифасига киритиш мумкин. Ушбу тоифадаги одамларда ўлиш ва ўлдиришга хоҳиш юқори бўлади, ўзини жуда кучсиз ҳис қилади. Ушбу эътиқоднинг ички мотивларидан бири ўз кучи билан заифликдан қутилишдир. Бундай одамларда тобелик экстремал кечинма ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилувчи террорчиларнинг мақсадлари – одамлар кўп жойларда, шаҳарнинг марказий туманларида ўзларига катта эътибор қаратишни назарда тутаяди. Агар аҳолидан тўсиб қўйилса, у кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини йўқ қилишга ҳаракат қилади. Улар музокара олиб боришда бир мақсадни кўзлайди – ён-атрофига имкони борича кўпроқ одамларни йиғиш, яъни ўз жонини қимматроққа сотишга ҳаракат қилади.

Терроризм кейинги пайтларда турли кўринишда намоён бўлмоқда. Агар илгари муайян мақсадларга эришиш йўлида унинг одамларни гаровга олиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, у ёки бу давлат объектларини портлатиш, давлат арбобига суиқасд қилиш ва ҳоказо кўринишлари кузатилган бўлса, бугун ўз ғаразли мақсади йўлида тўғридан-тўғри инсон ресурсларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам оммалашиб бормоқда. Терроризмнинг бу кўриниши «қурбонлик» ёки «шаҳидлик» терроризми деб аталади.

«*Қурбонлик*» ёки «*шаҳидлик*» терроризми халқаро терроризмнинг бир кўриниши сифатида турли ижтимоий-сиёсий тартибларда

муайян сабаблар ва омиллар таъсирида намоён бўлади. Унинг бундай кўриниши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 2004 йил 29–30 март кунлари «шаҳидлик» терроризмининг дастлабки кўриниши кузатилди¹.

Одатда «шаҳидлик»ни қарор қилган шахслар ўз жонини қурбон қилишни таклиф қилмайдилар. Уларни «маънавий мураббийи» ёки сардори танлаб олади. Шундан сўнг эса узоқ муддатга режалаштирилган психологик тайёргарлик жараёнлари бошланади. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» мақомидаги террорчиларни одатда Яқин Шарқ, Кавказorti, Афғонистон ва Покистонда тайёрлайдилар.

«Қурбонлик» ёки «шаҳидлик»ка мубтало бўлган террорчиларни зарарсизлантириш жуда мушкул, чунки у ўлимга тайёр. Бундай нобакор ишларга қарши махсус хизмат ходимларининг самарали меҳнатлари орқали натижага эриши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, террорчи ҳар сонияда ҳаёт билан видолашишга тайёр эмас. У доимий равишда бармоғини ҳаракатга келтирувчи тугмада тутиб туриши мумкин эмас. Террорчи ўз жонига қасд этиши учун камида ярим дақиқа вақт керак бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Мана шу ярим дақиқа ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Террорчи шахснинг сифатлари:

- 1) тажовузкор ва шафқатсиз (қаттиқ қўл) хулқ-атворга эгалик;
- 2) ўзини оқлаш. Сиёсий мафкуравий мотивлар одатда шахсни яширин эҳтиёжларини қондириш сифатида намоён бўлади;
- 3) агрессивлик хусусияти, яъни воқеликка тўғри баҳо бера олмаслик, айбни ташқи омиллардан қидириш ва ўзининг муваффақиятсизлигини вазиятга юклашга мойиллик;
- 4) террорчи ташкилотларга, унинг вазифа ва идеалларига кўр-кўрона содиқлик;
- 5) етарли даражада ақлий ривожланмаганлик, билим даражасининг пастлиги;
- 6) одатда носоғлом оилалардан чиққанлиги, ижтимоий патологик ривожланишга эга бўлмаганлиги. Жамиятда ўз ўрнини топа олмаган одамлар, иш ўрнини йўқотган ёки унга эга бўлмаганлар, яқин кишиларини йўқотганлар, жисмоний имконияти чегараланган шахслар, оғир психотравмаларни бошидан кечирганлар, террор-

¹ Қаранг: Қодиров А., Исмоилов М. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» кўринишидаги терроризм // Хуқуқ–Право–Law. –2004. – №2. – Б.16–17.

чилик ёки диний анъаналарга риоя қиладиганларнинг қариндошлари, фарзандлари ёки неваралари бўлиши мумкин;

7) доимо ўз «мен»лигини ҳимоя қилиш, ўз фикрини тасдиқлашга интилиш, бошқа инсонларнинг истак ва ҳиссиётларига эътибор бермаслик ва фанатизм;

8) шошқалоқлик, ўзгарувчанлик ва иккиланишлар ва ҳоказо.

3. Терроризмга қарши курашишнинг психологик муаммолари

Шуни таъкидлаш лозимки, терроризм хавфини бартараф этиш мумкин, ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблаш нотўғри. Терроризм устидан ғалаба қозониш жамиятнинг барча қатламлари ва гуруҳларининг ҳаракатларини бирлаштириш орқали амалга оширилади.

Ички ишлар идоралари ходимлари профилактик чора-тадбирларни олиб бораётганда замонавий терроризмнинг асосий ғоялари ва мафкурасини, мавқеини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларни ташкил этишлари керак. Профилактик фаолият давомида шахснинг бирданига террорчи бўлиб қолмаслиги ҳолатини ҳисобга олиш лозим. Террорчилик фаолиятга шахсларни жалб қилиш узоқ муддатли жараён дир. Одатда бу ҳол ўзига хос психологик тузилишга эга бўлиб, алоҳида гуруҳлар фаолияти билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ушбу гуруҳларни аниқлаш ва фаолиятининг олдини олиш жуда муҳим дир.

Профилактика фаолияти террорчи гуруҳ ва ташкилотларнинг шаклланиши ва амал қилишининг ижтимоий-психологик механизмларини ҳисобга олишни тақозо этади. Бу гуруҳларнинг психологик таркиби, бажараётган вазифаларининг тақсимланиши, гуруҳлараро ўзаро муносабатларининг хусусиятларини билиш жуда муҳим дир. Бундай уюшган жинорий гуруҳларни бўлиб ташлаш (ажратиш) учун ишлаб чиқилган тактик психологик методларни қўллаш муҳим дир:

- гуруҳ лидерларини ажратиш методи;
- гуруҳ лидерларини обрўсизлантириш методи;
- гуруҳни ичидан «бузиш» методи (портлаш);
- гуруҳнинг ички муносабатларида зиддиятларни келтириб чиқариш методи;
- «заиф бўғиндан» фойдаланиш методи ва бошқалар.

Террорчилар нарса ва шахсларни гаровга олган вазиятларда аниқ контртеррор операцияларни амалга ошириш психологик жиҳатдан жуда қийиндир. Бундай вазиятларда ходимларнинг муваффақиятли ҳаракати гаровга олинганларни озод қилиш бўйича музокараларни тўғри олиб боришига боғлиқ.

Гаровга олинганларни озод қилиш бўйича олиб бориладиган музокараларда психологик нуқтаи назардан нимани ҳисобга олиш зарур?

1. Жиноятчи шахсини чуқур ўрганиш. Бу жиноятчи битта ёки кўп бўлишидан қатъи назар муваффақиятли музокара олиб боришнинг бирламчи асосидир. Бу масаланинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда жинойий гуруҳнинг ҳар бир қатнашчиси ўрнини аниқлаш, унинг имкониятлари, бошқа қатнашчиларга таъсирини ўрганиш муҳимдир.

2. Жиноятчилар билан музокара олиб бориш мажбурий характерга эга. Бу фуқаролар эркинлиги, соғлиғи, ҳаётини ҳимоя қилиш зарурати ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳимоя қадриятлари билан боғлиқ.

3. Жиноятчилар билан музокаралар олиб боришнинг яна бир муҳим хусусияти бор: улар кўпинча ким билан музокара олиб бормоқчи бўлса, ўша одамни танлайдилар. Ўрганилган ҳолатлар қолиб, музокаралар жиноятчилар билан алоқаси йўқ воситачилар ёрдамида олиб борилади.

4. Барча тугалланган муваффақиятли музокаралардан олинган асосий хулоса шуки, жиноятчи гаровга олинганларнинг соғлиғи ва ҳаётини кафолатласа музокара ўтказишдан маъно бордир. Музокара давомида гаровга олинганларга нисбатан зўрлик ишлатилмаслиги учун жиноятчиларнинг талаби албатта қондирилишига ишонтириш керак.

Гаровга олинганларни қутқариш учун музокара олиб боришда қуйидаги психологик омиллар ҳисобга олиш керак:

- 1) гаровга олган жиноятчининг шахси;
- 2) гаровга олишнинг одатий мотивлари;
- 3) гаровга олувчиларнинг ўзини тутишини олдиндан кўриш;
- 4) музокаралар ўтказиш жараёни;
- 5) музокара олиб боровчи ва психолог маслаҳатчини таъминлаш;
- 6) музокара олиб боровчи, раҳбар ва қутқарув гуруҳи ўртасидаги ўзаро ҳаракат.

Музокара олиб борувчининг муҳим касбий сифатлари:

- 1) ҳиссий барқарорлик ва чидамлилиқ;
- 2) эшитиш қобилияти ва мулоқотга киришимлилиқ;
- 3) ўзгаларни асосларга таянган ҳолда ишонтириш ва мантиқий ҳукм чиқаришни билиш;
- 4) суҳбатдошининг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар осон психологик алоқа ўрната олиши;
- 5) соғлом тафаккур ва нозик дидга эғалиги;
- 6) ноаниқ ҳолатларда ҳаракат қила олиши ва масъулиятни ўз зиммасига ола билиши;
- 7) музокарага жиддий ёндашиши;
- 8) агар музокаралар ижобий натижа бермаса ва гаровдагиларнинг ҳаёти хавф остида бўлса, куч ишлатиб бўлса-да озод этишга ёрдам бера олиши.

Нима учун одамлар гаровга олинади? Одамларни гаровга олишнинг мотивлари турлича бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам аён бўлавермайди. Сиёсий терроризмда хусусан жамоатчиликка ҳокимият аҳолини ҳимоя қилишга қодир эмаслигини сингдириш ҳақида гап боради. Шу билан бирга, одамларни гаровга олиш оммавий ахборот воситаларининг эътиборини жалб қилади. Террорчилар шундай низолар сонининг ортиши охир-оқибат аҳолининг кўзғалиши ва ҳукуматни ағдариб ташлашига олиб келади, деб умид қиладилар.

Лекин гаровга олишнинг бирламчи мотиви қандай бўлишидан қатъи назар, уларни кейинчалик ушлаб туриш мотиви ўзгариши мумкин. Масалан, банкни талаш пайтида фош қилинган жиноятчи аввалига катта миқдорда пул талаб қилиши, кейинчалик эса ўзининг жисмоний хавфсизлиги ёки суднинг муруввати кафолатланиши билан қониқиши мумкин. Террорчилар дастлаб зудлик билан сиёсий ўзгаришлар ёки бошқа шартларни талаб қилиш, лекин охир-оқибатда ушбу шартлар юзасидан музокараларга розилик бериши мумкин. Одамларни гаровга олишнинг дастлабки мотиви қандай бўлишидан қатъи назар, кўпинча маълум вақт ўтганидан кейин гаровга олувчи ўз даъволарини камайтиришга рози бўлади.

Гаровдагиларнинг ўзи музокараларда муҳим роль ўйнайди. Гарчи уларнинг ҳар бири ўзини турлича тутса-да, баъзан хатти-ҳаракатлардаги «Стокгольм синдроми» деган ном билан маълум бўлган умумий қирралар аниқланади. Бу синдромнинг ўзига хос белгилар тўплами қуйидагича:

– асирлар ўзларини қўлга олувчиларга қиёслай бошлайдилар;
– қурбон кўпинча қутқарувчилар кўраётган чоралар унга зарар етказиши эҳтимоли борлигини тушунади;

– асирда узоқ вақт бўлиш қурбоннинг жиноятчини одам сифатида билиб олишига олиб келади;

– асир ҳиссий томондан вазиятдан узоқлашади, бу нарса у билан содир бўлмаслиги керак, бунинг ҳаммаси туш, деб ўйлайди.

Асирдагилар ўзларини гаровга олганларга қиёслай бошлайдилар. Ҳеч бўлмаганда, бу аввалига ҳимоя механизми бўлиб, у агар ҳаракатлар биргаликда бўлса ва ижобий қабул қилинса, жиноятчи қурбонга зарар етказмайди, деган янглиш ғояга асосланади. Асир амалда чин дилдан гаровга олувчининг ҳомийлигига эришишга ҳаракат қилади.

Қурбон кўпинча қутқарувчилар кўраётган чоралар унга зарар етказиши эҳтимоли борлигини тушунади. Қутқаришга уриниш вазиятни тубдан ўзгартириши, барқарор вазият ўта хавфлига айланиши мумкин. Агар гаровдаги одам қутқарувчилар ўқиға учрамаса, гаровга олувчининг ўқиға дучор бўлиши мумкин.

Асирда узоқ вақт бўлиш қурбоннинг жиноятчини одам сифатида билиб олишига олиб келади. Унинг муаммолари ва интилишлари маълум бўлади. Бу, айниқса, асир ўзини гаровга олувчининг нуқтаи назарини, ҳокимиятдан норозилиги сабабларини билган сиёсий ва мафкуравий вазиятларда жуда яхши иш беради. Шунда қурбон жиноятчининг йўли ягона тўғри йўл деб ўйлаши мумкин.

Асир ҳиссий томондан вазиятдан узоқлашади, бу нарса у билан содир бўлмаслиги керак, бунинг ҳаммаси туш, деб ўйлайди. У фойдасиз, лекин вақтни олувчи «оғир ишда» қатнаша туриб вазиятни эсдан чиқаришга уриниши мумкин. Ўзини гаровга олувчи билан бир хил деб ўйлаши натижасида қутқарувчилар ва уларнинг интилувчанлигини ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтаётган воқеада қоралаши мумкин.

Музокара олиб бориш нуқтаи назаридан бу синдром бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга. Ижобий томони шундан иборатки, «Стокгольм» синдроми қанчалик кучли бўлса, гаровга олувчи гаровдагиларни ўлдириши эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Бошқа томондан гаровга олинганлардан келаётган хабар ишончли бўлмаслиги мумкин.

Одамлар гаровга олинганда уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, гаровга олувчиларни ушлаш ва мулкни қайтариш ёки муҳофаза қилиш асосий вазифа ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари музокара предмети бўлиши мумкин. Фақат сўрашаётган нарсанигина бериш керак. Агар бутерброд сўрашса, фақат бутерброд бериш, унга ичимликни ёки бошқа нарсани кўшиш керак эмас.

Ичимликлар ҳам музокара предмети бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, бу алкоғолли ичимликларга тегишли эмас. Борди-ю, ишончли манба орқали алкоғоль гаровга олувчини бўшаштириши ва юмшатиши маълум бўлса, уни беришга таваккал қилиб кўриш мумкин. Агар аксинча, алкоғоль уни асабий ва жангари қилиб кўйиши маълум бўлса, ҳеч қандай ҳолатда унга ичимлик бериш керак эмас.

Гаровдагиларни озод қилиш ҳамиша музокара предметиدير. Гаровга олувчиларга озодлик бериш ҳам шундай предмет бўлиши мумкин. Уларни озод қилишга фақат гаровдагилар кўйиб юборилгандан кейингина ваъда берган маъкул.

Сотиб олиш энг кўп тарқалган талаблардан биридир. Бу тажриба кўпинча гаровга олувчи шахс ўраб олинганда қўлланилади.

Гаровдагиларни бошқа шахсларга алмашиш кўп сабабларга кўра қоникарсиз тактикадир. Гаровдаги одамни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимига алмаштириш кескинликни кучайтиради, чунки у гаровга олувчи учун катта хавф туғдиради. Бундан ташқари, гаровга олувчи учун оддий фуқародан кўра ҳуқуқ-тартибот ходимини ўлдириш кўпроқ обрў келтиради.

Гаровдагиларни гаровга олувчининг оила аъзоларига ҳам алмаштирамаслик керак. У «ўз-ўзини ўлдириш учун одам тўплаш» мақсадида қариндошлари ва дўстларини талаб қилаётган бўлиши мумкин.

Алмашувни амалга ошириш анча қийин жараён, чунки сиз гаровга олувчига яна бир кишини гаровга бериб, эвазига ҳеч нима олмаслик таваккали хавфи остида қоласиз. Бундан ташқари, ҳар бир алмашилган гаровга олинувчи билан сиз «Стокгольм синдроми» билан боғлиқ бўлган устунликни йўқотасиз.

Қандай қилиб бўлса ҳам музокараларни чўзиш керак. Вақт гаровдагилар соғ-саломат ва зиён етмай озод қилинишига хизмат қилади. Бунинг қуйидаги сабаблари бор:

1) озиқ-овқат, ичимлик суви, уйқу ва шу кабиларга бўлган эҳтиёж ортиб боради;

2) хатар камайиб боради;

3) одамларнинг кўпчилиги ҳиссиётларини жиловлай бошлайди;

4) «Стокгольм синдроми» шакллана бошлайди;

5) гаровдагиларда қочиб кетишга кўпроқ имконият пайдо бўлади;

6) олинган маълумотлар ишни яхшироқ билиб қарор қабул қилишга имкон беради;

7) музокара олиб борувчи ва гаровга олувчи ўртасида яхши муносабат ва ишончлар муҳит ўрнатилиши мумкин;

8) гаровга олувчининг талаблари камайиши мумкин;

9) низо ўз-ўзидан барҳам топиши мумкин. Баъзан гаровга олувчилар эвазига ҳеч нима талаб қилмай, ўз асирларини шунчаки қўйиб юборганлар.

Гарчи вақт шубҳасиз музокараларга қулайлик туғдирса-да, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Музокара олиб борувчи ва қутқарувчилар чарчоқ таъсирига тушиб қолишлари натижасида хатолар қилишлари, низони тугатиш истагида ҳуқуқ-тартибот кучлари воқеаларни тезлаштиришни хоҳлаб қолишлари, масалан, улар тегишли эҳтиёт чораларини кўрмай, гаровга олувчиларга яқинлашиши ёки ўзлари яширинган жойда хушёрликни йўқотишлари мумкин.

Мулоқот ўрнатиш учун вақтни аниқ белгилаб олиш, гаровга олувчига тинчланиши учун вақт бериш лозим. Вақтидан олдин қилинган алоқа стресс ҳолатини келтириб чиқариши ҳамда уни ўйлаб кўрилмаган ва тажовузкор талабларга ундаши мумкин. Агар унда тинчланиш ва вазиятни реал баҳолаш учун вақт бўлса, унинг талаблари мулоҳазалироқ бўлади.

Алоқага киришишда мегафон ва бошқа овоз кучайтиргичлар ўзаро ишонч муҳити ҳамда яхши муносабат ўрнатишда самара бермаслиги мумкин. Юзма-юз мулоқот гаровга олувчининг руҳий ҳолати ҳақида яхшироқ мулоҳаза юритишга имкон беради. Музокара олиб борувчини кўриш имкони ҳам муносабатларни яхшилаши мумкин. Юзма-юз мулоқотнинг асосий камчилиги музокара олиб борувчи дуч келадиган хавфнинг катталигидир. Фақат бошқа алоқа воситалари орқали алоқа ўрнатилгандан кейингина юзма-юз музокара олиб боришга киришиш, яъни музокара ҳимоя тўсиқлари мавжуд бўлганда олиб борилиши керак.

Юзма-юз музокара олиб бориш жараёнида кўйидаги тавсияларга амал қилиш керак:

1. Аввало инсонларни гаровга олган одам Сизга ҳеч қандай зарар етказмаслиги тўғрисида сўз берсин.

2. Сизга нисбатан қурол ўқталган ҳолатда гаплашманг ва ундан қуролни тушириб мулоқотга киришишни сўранг.

3. Юзма-юз гаплашиш учун бироз вақт талаб қилинади, жиноятчи шахс билан тегишли муносабатлар ўрнатилиб, ўзаро ишонч ва муҳит пайдо бўлганидан кейин музокарага киришинг.

4. Ҳеч қачон бир нечта жиноятчи билан юзма-юз ва айнан бир вақтда суҳбат олиб борманг.

5. Музокара давомида, вазият тақозо этса, қочиш имконияти ва шароит ҳисобга олинг.

6. Музокара вақтида гаровга олган одамга ҳеч қачон орқа ўгирманг.

7. Одамларни гаровга олган шахснинг кўзига доимо тик қаранг.

8. Одамларни гаровга олган шахснинг олдига бориш ёки яқинлашишдан аввал унинг ташқи кўриниши ва қиёфасини тезда кўздан кечиринг.

9. «Хавфсизлик доирасини» баҳоланг, жиноятчининг шу доирага кириши натижасида юзага келадиган хавфни ва ҳимояни чамаланг.

Телефон орқали мулоқот олиб бориш мулоқот олиб бораётган шахс учун максимал даражада хавфсизликни таъминлайди ва мулоқот олиб борилишини соддалаштиради.

Одамларни гаровга олган жиноятчи шахслар билан алоқа ўрнатиш. Одамларни гаровга олган жиноятчи шахснинг ёши, жинси, атрофдагилар тўғрисида имкони борича кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилиш керак. Жиноятчи савол берганда «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоб билан чекланмасдан, тўлиқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилиш лозим. Алоқа ўрнатиш жараёнида одамларни гаровга олган жиноятчи шахсга шундай саволлар берилиши керакки, у саволга жавоб бериш учун кўпроқ вақт сарфласин.

Музокара жараёнда жиноятчи билан жиноятчилар олами тилида гаплашиш яхши самара бериши мумкин. У билан мулоқотлик ва босиқлик билан, кўполлик ишлатмасдан, «Инжил» ёки «Қуръондан» суралар ўқиса, ширк келтирмасдан гаплашиш лозим.

Одамларни гаровга олган жиноятчи шахс билан алоқа ўрнатиш жараёнида энг муҳим жиҳатлардан бири жиноятчининг руҳий

ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Жиноятчининг руҳий ҳолати (кучли стресс ҳолатида, кўрқувда, хаяжонланяпти, девонасифат ва ҳоказо)ни билиш музокара олиб боришда ёрдам беради. Шунингдек, унинг фикрлаш доираси, билими, дунёқарашларини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Одамларни гаровга олган жиноятчи шахс билан музокара жараёнида ошкора алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Мулоқот олиб борувчи ўзини таништириши, исмини айтиши ва жиноятчи ўзини қандай атаган бўлса, уни шундай чақириши керак. Унга «мулоқотларни олиб борувчи шахс» сифатида ўзини мунтазам таништиришдан, шунингдек, жиддий салбий жавоб беришдан воз кечиш лозим. Бу ҳаракатлар муносабатларни чигаллаштиради. У билан муроасага келишга ҳаракат қилиш тавсия этилади. Масалан: *«Сиз ва мен бир қарорга биргаликда келиб, муаммонинг ечимини топишимиз мумкин», «Мен бошлигимга Сизнинг мактубингизни етказаман ва талабларингизни тўла қабул қилиши учун ҳаракат қиламан, аммо ўйлайманки, бу масалани ҳал қилиш жараёни қийин кечади»* ва ҳоказо.

Жиноятчи шахснинг мунтазам равишда қарорлар қабул қилиш билан банд бўлишига эришиш керак. Нима қилиш, муаммони қандай ва қачон ҳал қилишни ўзи ўйласин. Агар у овқатланишни хоҳласа, нимани емоқчи ёки ичмоқчи эканлигини билиб, етказиб беришга ҳаракат қилиш лозим. Бу мулоқотнинг самарали яқунланишига ёрдам беради.

Жиноятчи шахс билан мулоқотни мунтазам равишда олиб бориш, агар у бирор нарсани талаб қилса, эвазига ундан ҳам бирор нарсани талаб қилиш керак. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, сигарета эвазига гаровдаги шахслар алмаштирилган.

Содир этилган ҳаракатлар, отишма натижасида ходимлар орасидан кимдир ҳалок бўлган ёки атрофдагилардан кимдир ўлган бўлса, бу тўғрисида жиноятчига билдирмаган маъқул. Акс ҳолда жиноятчи шахс боши берк кўчага кириб қолади ва бу ҳолат уни фавқулодда ҳаракатларни амалга оширишга ундайди.

Мулоқот жараёнида жиноятчи шахснинг бирон-бир нарсага эришиш умидининг сўнмаслигига мулоқотнинг давом эттирилишига сабаб бўлади. Мулоқотни шундай олиб бориш лозимки, бунда барча шахслар, яъни гаровга олинганлар, жиноятчи ҳамда музокара олиб борувчида ижобий натижага эришиш туйғуси устунлик қилсин. Рақибни алдаш билан боғлиқ ҳар хил уринишлар,

масалан овқат ва ичимликларига гиёҳвандлик моддаларини қўшиб бериш катта таваккалчиликни юзага келтиради. Амалиётда кимёвий моддалар ёки гиёҳвандлик моддалари мавжудлигини осон йўл билан аниқлаш мумкин. Агар жинойтчи уни алдашга ҳаракат қилинганини билиб қолса, мулоқот жараёнига путур етади. Шунинг учун шубҳа остига тушадиган ҳеч қандай ҳаракатларни содир қилмаслик лозим.

Гаровдаги шахсларни озод қилиш билан боғлиқ музокараларни олиб бориш мураккаб жараён бўлиб, оқилоналик ва яхши тайёргарлик натижасида олиб борилган мулоқотнинг ижобий натижа билан тугаши шубҳасиз.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ислом Каримовнинг қайси асарларида террорчилик муаммоси бора-сида атрофлича фикр юритилган?
2. Террорчи шахси психологик жиҳатдан қандай таснифланади?
3. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» кўринишидаги террорчилик нима?
4. Террорчи шахсларнинг типларини тавсифланг.
5. Террорчилик хавфи ва уни бартараф этиш йўлларини айтинг.
6. Музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари қандай намоён бўлади?
7. Террорчи шахси табиатидаги сифатларни сананг.
8. Террорчиликка қарши курашнинг қандай психологик муаммолари мавжуд?

Х БОБ. ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Профилактик фаолиятнинг психологик таҳлили

Маълумки, ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини профилактика (жиноятларнинг олдини олиш) инспекторларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Профилактика инспекторининг асосий вазифаси жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ўз ҳудудида ҳисобда турадиган фуқароларни назорат қилиш ҳамда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишдан иборат.

Профилактика инспектори ижтимоий фаолияти жараёнида давлат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларни ўз ҳудудида тарғибот ва ташвиқот қилади, ўз ҳудудидаги жиноят содир этишга мойил бўлган фуқароларни ҳисобга олади ва жиной жазони ўтаб келган шахсларни қайта тарбиялашда ҳамда носоғлом оилалар билан профилактик ишларни олиб боришда катта роль ўйнайди.

Профилактика инспекторининг ташкилий фаолияти қуйидагилардан иборат: ўз ҳудудидаги аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишиш; иқтисодий ночор оилаларга, боқувчиси йўқ фуқароларга ёрдам бериш ишларини ташкиллаштириш, фуқаролар томонидан берилган ариза ва шикоятларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этишдир.

Профилактика инспекторлари фаолияти касбий психология ёхуд психология фан билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни бири-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди. Профилактик фаолият психологиясининг предмети, мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) *предмети* – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш жараёнида турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш ва ҳуқуқий меъёрлар орқали таъсир этиш усулларини ўрганиш;

2) *мақсади* - ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда тингловчиларда психологик билимлардан фойдалана олиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

3) *вазифалари* – ички ишлар органлари фаолиятида профилактик ишларининг ўзига хос психологик хусусиятлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш, профилактик хизмат ходимларининг шахсий-касбий сифатлари ва касбий маҳоратларини шакллантиришнинг психологик шарт-шароитлари билан таништириш.

Ички ишлар органлари ходимлари профилактик фаолиятининг асосий мақсади жиноятчиликнинг олдини олиш ва фавқулодда ҳолатларни бартараф этишдан иборатдир. Бинобарин, профилактик фаолият ҳар бир ички ишлар органлари ходими фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолияти бир қатор ўзига хос психологик хусусиятлар билан тавсифланади:

- ҳуқуқий регламентация;
- фаолиятнинг турли хил кўринишлари ва унинг ижодий характери;
- тегишли шахсларнинг қарама-қаршилиги;
- ҳокимият ваколатига эгаллиги;
- аҳолининг кўз ўнгида воқеа содир этилганида юқори масъулият билан ёндашиш;
- фуқаролар билан муносабатларни яхшилашда жамоат ташкилотлари ва институтларининг вакиллари, ҳамда маҳалла фаоллари билан доимий алоқаларни ташкил этиш мажбурий аҳамият касб этади.

Профилактик фаолият асосан фуқаролар, маҳаллий ўз ўзини бошқариш органлари вакиллари, мансабдор шахслар билан фаол коммуникатив муносабатларга кириши орқали олиб борилиб, бу, ўз навбатида, ички ишлар орган ходимларининг коммуникатив ва педагогик қобилиятларини ҳамда фуқаролар билан муносабатда уларнинг ҳуқуқларини қонун, қонун ости актларига риоя этган ҳолда ташкил этишни талаб қилади.

Профилактика инспекторининг психограммаси мутахассислар томонидан таҳлил қилинганда ходимнинг муваффақиятли фаолият олиб бориши учун қуйидаги психологик сифатлар бўлиши аниқланган:

- касбий кузатувчанлик;
- зиддиятли ҳолатларда ўзини бошқара олиш қобилияти;
- ўз атрофида инсонларни жамлай олиш ва уларнинг ишончига кира олиш қобилияти;

- инсон ҳаётига эътиборли бўлиши ва уни кузата олиши;
- ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш;
- воқеа ходисалар образини фикран қайта тиклаш;
- қарама қарши маълумотлардан хулоса чиқара олиш уқуви;
- инсоннинг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қолиш;
- бегона инсонлар билан тез психологик алоқа ўрната олиш қобилияти¹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолиятини самарали олиб боришига тўсқинлик қиладиган кўрсаткичлар мавжуд, булар: индивидуализм, шахслараро муносабатлар ва ижтимоий ўзаро ҳаракатлар тизимини бузувчи ижтимоий бегоналашиш; пешқадамликка (лидерликка) интилишнинг кучлилиги ва қатъиятлилиги; фаолият мақсадига эришиш мотивларининг паст даражаси; иродавий жараёнларнинг ва иродавий интилишларнинг етарли даражада эмаслиги; психологик оғишларнинг мавжудлиги ва бошқалар.

Профилактик фаолият билан шуғулланадиган ички ишлар орган ходимларининг асосий вазифаси жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этилиш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда ўз ҳудудида уларни бартараф этиш ҳисобланади. Профилактика инспекторлари ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ташкилот, корхоналарни ноқонуний ҳаракатлардан сақлашдир. Унинг барча хатти-ҳаракатлари қонун доирасида амалга оширилади.

Профилактика хизматида фаолият олиб бораётган ички ишлар орган ходими профессиограммасида унинг шахсий сифатларини, кўникма ва малакаларини, мураккаб, аммо керакли фаолиятида намоён этувчи қуйидаги фаолият кўринишлари мавжуд, булар:

- ижтимоий фаолият;
- конструктив фаолият;
- ташкилий фаолият;
- тасдиқловчи фаолият;
- коммуникатив фаолият;
- қидирув фаолияти.

¹ Основные виды деятельности и психологическая пригодность к службе в системе органов внутренних дел: Справ. пособие. / Под ред. Б.Г. Бовина, Н.И. Мягких, А.Д. Сафронова. – М., 1997. – С. 85.

Ижтимоий фаолият – бу профилактика инспекторининг давлат томонидан қабул қилинган қонунларни тўғри ва чуқур англаган ҳолда ўзига бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкиллаштириши, шахсларни тарбиялаш ишларида шарт-шароитларни яратиши, тарбиялаш қийин бўлган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларга педагогик таъсир этиши, бирор соҳага, меҳнатга жалб қилиш орқали ижтимоий ҳуқ нормаларига риоя этиш ҳиссини ошириши, жамиятга фойдаси тегадиган инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишидир. Профилактика инспекторларининг маслаҳатлари, сидқидилдан кўрсатган ёрдами инсон ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

Профилактик фаолият билан шуғулланаётган ҳар бир ходимнинг ҳаётда мураккаб вазиятга ёки ҳолатга тушиб қолган фуқарога ёрдам бериш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Бундай ёрдамга одатда ёлғиз ва қаровсиз бўлган ёши улуғ қариялар, оилада ичкиликка ружу қўйган ота-оналар, носоғлом оилада тарбия кўраётган вояга етмаганлар ва жиноий жазони ўтаб келган собиқ маҳкумлар муҳтож бўладилар.

Бундай тоифадаги ҳар бир инсонга ўз ҳаёт йўлини топишга кўмак бериш, яъни ишга жойлашишга ёрдамлашиш, сурункали алкоголь истеъмол қиладиган шахсларни мажбурий даволаш марказларида даволаш ишларини ташкиллаштириш, маҳалла фуқаролари йиғинларида кам таъминланган ва носоғлом турмуш-тарзи олиб бораётган оилаларга маҳалла фуқаролари орқали таъсир этиш ва бошқалар профилактика инспекторлари фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Бундай инсонлар тақдири ҳақида қайғуриш профилактик фаолиятнинг **конструктив фаолият** кўриниши ҳисобланади.

Ташкилий фаолият ходимнинг ўз касбий фаолияти жараёнида турли вазифаларни амалга ошириш учун мақбул шароитларни таъминловчи бош омил ҳисобланади. У содир этилган воқеа, ҳодисаларга оид турли тахминлар ва ишчи режалар тузиш ҳамда уларни амалга ошириш чоғида юзага келадиган иродавий хатти-ҳаракатлардан иборат. Ташкилий фаолият муайян касбий масалаларни ҳал этиш учун ўзини ва вазиятга алоқадор бўлган мансабдор шахсларни сафарбар қилиш сингари омилларда намоён бўлинади.

Профилактика инспектори кўпроқ ташаббус кўрсатиши, кимга қандай ёрдам кўрсатиш, ким билан қандай муомалада бўлишни билиши керак. Бундан ташқари, ходим ариза ва шикоятларни фақатгина қайд этмасдан, балки бевосита фуқароларнинг муаммоларини ижобий ҳал қилишни ташкиллаштира олиши ҳам талаб этилади.

Далиллаш фаолияти содир этилган жиноий иш бўйича олинган барча маълумотларни қонунда кўзда тутилган тарзда, махсус шаклда баён (қарор, баённома, ҳукм ва ҳоказо тарзда) этишни билдиради.

Коммуникатив фаолият алоқага киришиш ва фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатишдир. Шу билан бирга, профилактика инспекторининг коммуникатив фаолияти ўз ҳудудидаги аҳоли билан доимий равишда алоқада бўлиш, аҳолиси гавжум ҳудудлардаги фуқароларнинг кайфиятларини ўрганиш ва уларга дўстона муносабатни намоён этишдан иборат.

Профилактика инспекторларининг асосий хусусияти бириктирилган ҳудудда фуқаролар билан ишончли алоқа ўрната олиши ҳисобланади. Бу осон кечадиган жараён эмас, чунки ҳудудда турли тоифадаги фуқаролар бўлиб, баъзи бирлари дўстона муносабатда бўлса, баъзилари агрессив, талабчан, тез хафа бўладиган ва бошқа сифатларга эга бўладилар. Фақатгина психологик алоқа ўрнатиш билан чекланмасдан, балки улар орасида ҳурмат қозониш, ишонч ҳиссини уйғотиш ва обрў-эътиборга эга бўлишга ҳаракат қилиш лозим. Профилактика инспекторлари ўз ҳудудларидаги фуқаролар билан турли вазиятларда учрашади. Масалан, оилада, кўчада ва бошқа жойлардаги жанжалли вазиятлар. Бундай вазиятларда ходим тўғри ва қонуний ҳаракат қилиши учун фуқароларнинг турмуш тарзини, оилавий шароитини, феъл-атворини яхши билиш керак.

Қидирув фаолияти. Ҳуқуқбузар шахслар одатда ўзларининг жиноий хатти-ҳаракатларини яширадилар, ёлғон маълумотлар берадилар, вазиятни мураккаблаштиришга ҳаракат қиладилар. Бундай вазиятларда профилактика инспекторлари ҳаракатлари ҳақиқатни юзага чиқариш ва қонун устуворлигини таъминлашда аниқ, кескин, мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил орқали вазиятнинг моҳиятига етиб бориш ҳамда адолат қарор топишга эриш билан изоҳланади.

Шуни унутмаслик керакки, ички ишлар орган ходими ҳар доим ва ҳар ерда давлат бошқарув орган ходими ҳисобланади ҳамда

унинг адолатли ва одил ҳимоячисидир. Ходим кўполлик ва дағалликка шундай муносабат билдириши ва тарбиясизга тарбиясизларча муносабатда бўлиши мумкин эмас. У ҳар ерда ўзининг хулқ-атвори билан ибрат бўлиши, ўзининг маънавий ва маърифий етуклиги, юксак сиёсий онги, маданияти, юриш туриши, кийиниши, муомаласи, ахлоқ-одоби билан ёш авлод қалбида ўзларига нисбатан ҳавас уйғотишга интилиши керак¹.

Профилактик фаолият билан шуғулланувчи ходим бевосита унга бириктирилган ҳудуддаги криминоген вазиятдан тўлиқ хабардор бўлиши керак, унинг психологик ўзига хослигини инобатга олиш орқали олдига қўйган вазифаларни тўлиқ амалга оширади.

Ҳудудда кўп учрайдиган муҳим психологик тавсифлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- аҳолининг ҳуқуқий тартиб-қоидалар ва қонунга хилоф иш қилишга муносабати;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аҳоли орасидаги обрў-эътибори;
- мазкур ҳудудда истиқомат қиладиган аҳолининг миллий, касбий-психологик ва ёшга оид ўзига хослиги;
- аҳолининг турлича яшаши ва турмуш тарзи;

Профилактика инспектори шундай кўринишларни нафақат чуқур билиб қолмай, балки уларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятини ташкиллаштириши керак.

Ижтимоий-психологик кўринишларга қуйидагилар киради:

- ижтимоий фикр;
- гуруҳий кайфият;
- урф-одат ва қадриятлар;
- ирим- сирим ва таассуб;
- инсонларнинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатлари (оломон, ваҳима, саросима, бирор-бир сабаб юзасидан ёки тасодифан йиғилган инсонлар гуруҳи);
- миш-миш гаплар.

Шахснинг маънавий шаклланиш жараёнида муҳитда муайян салбий маънавий омиллар мавжуд бўлади, улар шахсни жиноятга

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланма. – Т., 2011. – Б. 4.

етакловчи омил бўлиб хизмат қилади ва бу муайян ҳаётӣ вазият деб ҳисобланади. Муайян ҳаётӣ вазият шахснинг қарашлари, хоҳишлари ва одатлари билан бир вақтда унга таъсир қилувчи омиллар йиғиндисидир. Ҳаётӣ вазиятларни криминоген ва криминоген ҳисобланмаган вазиятларга ажратиш мумкин.

Криминоген вазият – мазмуни бўйича жиноий ниятнинг, жиноят содир қилиш мақсадининг шаклланишига ижобий таъсир қилувчи, жиноий натижага эришиш учун қулай ҳисобланган, яъни жиноят содир этишга кўмаклашувчи вазият. Ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича мустақил тарзда шахснинг жиноят содир этишига олиб келмайди.

Жиноят содир этиш вақтида криминоген вазият шахснинг муҳит билан алоқасининг алоҳида даражаси ҳисобланади. Бу алоқада салбий хусусиятларга эга бўлган шахсдаги жиноят содир этиш мойиллиги криминоген вазият таъсирида муайян хатти-ҳаракатга айланади.

Криминоген вазиятлар мазмунан қуйидаги турларга бўлинади:

1) шахс ўз мақсадлари йўлида қийинчилик ва тўсиқларга дуч келгандаги вазият;

2) айбдор билан бошқа шахслар ёки давлат ва жамият манфаатлари, қарашларининг қарама-қаршилиги оқибатида вужудга келган вазият.

Шуни таъкидлаш лозимки, криминоген вазиятлар шахсни турли салбий-ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга ундайди, ундаги муайян жиноий тажовузнинг мотивини шакллантиради, унинг характери, мақсадини белгилайди ва жиноят содир этишда субъектив омилнинг муайян жиноий хатти-ҳаракатда намоён бўлишига кўмаклашувчи шароит ролини бажаради. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, криминоген вазиятлар турли хил қарашларга эга бўлган шахсларга турлича таъсир қилади. Яъни, жамиятга зид қарашга эга бўлган шахсларга жиноий хатти-ҳаракатлар содир этишига ёрдамлашади, ҳар томонлама баркамол, ижобий хусусиятларга эга бўлган шахслар эса бундай вазиятларда умуминсоний ва ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ҳаракат қиладилар.

Профилактика хизматлари томонидан криминоген вазиятни умумий таҳлил қилиш фаолиятининг моҳиятини қуйидагиларда кўриш мумкин: криминоген вазият, уни таҳлил этиш; криминоген вазиятни ташкил этувчи омиллар; криминоген ахборотларни

ўрганиш; ҳуқуқ-тартибот ҳолатини акс эттирувчи ахборотларни ўрганиш ва уларнинг мақсади; ҳуқуқбузарликларни таҳлил қилиш; ҳуқуқбузарликлар динамикасини таҳлил қилиш; ҳуқуқбузар шахсини таҳлил қилиш ва ҳоказо.

Криминоген вазиятни ўрганишда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- ҳудудни тавсифловчи маълумотлар (майдони ва унинг ўзига хослиги);

- ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолини тавсифловчи маълумотлар (қариялар, етук ёшдагилар ва вояга етмаганлар сони);

- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тавсифловчи маълумотлар (иш билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш, корхона, ташкилотларнинг мавжудлиги);

- ҳуқуқбузарликларни тавсифловчи маълумотлар;

- ҳуқуқбузарлик содир этган ва унга мойил шахсларни тавсифловчи маълумотлар;

- ҳудуддаги жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти субъектларини тавсифловчи маълумотлар.

Юқорида санаб ўтилган ҳолатлар бўйича маълумот тўплаш, уларни таҳлил этиш ва улар асосида тегишли профилактик чоратадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уни амалга ошириш керак бўлади.

Профилактика фаолияти билан шуғулланувчи ходимлар ўзларига бириктирилган ҳудуддаги криминоген вазиятни аниқлашда қуйидаги маълумотлардан фойдаланадилар:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги аҳолининг сони ва ишсизлар ҳақидаги маълумотлардан;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, кам таъминланган, жанжалкаш ва ноқобил оилалар ҳақидаги, шунингдек, вояга етмаганлар борасидаги маълумотлардан;

- маҳалла посбонлари жамоат тузилмаларидаги паспорт тизими қоидаларини бузаётган ҳамда уйдан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар, шунингдек гиёҳвандликка мойиллар, диний экстремистик оқимга аъзо бўлганлар ҳақидаги маълумотлардан;

- диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий, тарбиявий масалалар бўйича маслаҳатчиларда тўпланган ҳудуддаги аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар орасидаги ишсизлик, диний

экстремистик оқимларга аъзо бўлганлар, шунингдек жиноят содир этишга мойиллар, гиёҳвандлар ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланмайдиганлар, фоҳиша, қўшмачи, ахлоқан бузук аёллар ҳақидаги маълумотлардан.

Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг криминоген вазиятни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятини такомиллаштириш бутун фаолият давомида режалаштирилган асосда олиб бориладиган тадбирлар мажмуидан иборат бўлиб, айтиш мумкинки, у ички ишлар органлари фаолиятининг барча йўналишлари такомиллашувига чамбарчас боғлиқдир. Бу такомиллашув ҳамкорликдаги фаолиятга ҳам тааллуқлидир. Бунда ҳамкорликни тўғри йўлга қўя оладиган, касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар ва раҳбарларнинг роли каттадир.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, криминоген вазиятни таҳлил қилиш ва унга биноан келгусидаги профилактик ишларни режалаштириш яхши самара беради. Шунинг учун ҳар бир режа ҳудуднинг ҳолати, тузилиши, содир этилган жиноятлар сони, жиноятчиларнинг сони, аҳоли гавжум жойлар ёки оммавий тадбирлар ўтказиладиган ҳамда фуқаролар кўп тўпланадиган жойларни алоҳида назарда тутган ҳолда пухта ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши лозим.

2. Профилактик фаолият субъектлари ва улар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Жиноятчиликка қарши кураш ишларини ташкил этишда жиноят ва, умуман, барча ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос ички қонуниятларини билиш орқали ҳамда ҳар бирига алоҳида ёндашган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади. Бу профилактика фаолияти субъектларининг ишларини тўғри ташкил этишларига ҳам ёрдам беради.

Профилактика инспекторлари кундалик фаолияти мобайнида доимо фуқаролар билан муносабатга киришадилар, улар билан мулоқот олиб борадилар, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқадиладар, зиддиятли вазиятларни бартараф этадилар, тарбиявий таъсир кўрсатадилар.

Бириктирилган ҳудудда истиқомат қиладиган барча фуқаролар профилактик фаолиятнинг субъектлари ҳисобланадилар. Улар таркибини оддий фуқаролар, вояга етмаганлар, ўз хулқ-атвори ва фаолиятини ўзгартиришга, тиббий, ижтимоий, педагогик ёрдамга

мухтож бўлган фуқаролар ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари фаолиятининг баъзи йўналишларига тўхталиб ўтамиз.

Профилактика инспекторларининг фаолиятини умумий ва якка тартибдаги профилактик фаолият кўринишларига ажратиш мумкин.

Умумий профилактик фаолият йўналиши ҳуқуқбузарликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳисобланади. Умумий профилактик фаолият ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқот ишлари назарда тулади.

Якка тартибдаги профилактик фаолият бир мақсадга қаратилган, яъни муайян шахс онгига психо-педагогик таъсир этиш, мавжуд салбий хислатларини (жамиятга қарши фикр ва мақсадлар, салбий одат ва мотивлар ва бошқалар) йўқотиш, бартараф этиш, иродавий сифатларини ошириш, шу билан бир вақтда қонунга итоаткорлик, ижобий фазилатлар кўринишидаги хулқ-атвор кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Профилактик фаолият билан шуғулланадиган ходим касбий фаолиятининг субъекти шахс ёки гуруҳ бўлиб, у шахснинг ҳуқуқий психологияси ва хатти-ҳаракати қайси йўналишда шаклланаётганини билиши керак.

Шахс психологиясининг ҳуқуқий тузилиши асосини шахснинг қонунга итоаткорлик хулқ-атворга йўналганлиги ташкил қилиб, ўзида қонунийликка ундайдиган кучни қамраб олади. Ўлар қуйидагилар:

- *маънавий ва моддий эҳтиёжлар ривожланишидаги уйғунлик*, яъни криминоген оғишларнинг йўқлиги (сурункали ичиш, гиёҳвандлик, клептомания, ўғриликка мойилликдан иборат руҳий касаллик, жинсий бузуклик ва ҳ.к.);

- *ҳуқуқий онг* – ҳуқуқий қараш, ғоялар, ишончлар, адолат орзуси, қонунийлик, тенг ҳуқуқлилиқ, ҳуқуқий бирлик, мажбурият ва ҳоказо.

- *ҳуқуқий қарашлар* – жамоа, гуруҳнинг бир аъзоси бўлган инсон жамият ҳаётида юзага келадиган ҳуқуқий саволларга синчковлик ва диққат билан қизиқиши ва уни ҳал этишда қонунийликка итоат этиши;

- *қонунийликни ва ҳуқуқий тартиб-интизомни мустаҳкамлашга кўмаклашиш ва қонуний ҳаракатларни амалга оширишдаги қизиқиш ва эҳтиёжлар*, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

фаолиятини қўллаб-қувватлаш, оилада, ишда ва атрофдаги кишиларни ҳуқуқий норма ва талабларга риоя этишни таъминлаш;

• *ҳуқуқий мотивлар* – шахсни қонуний хатти-ҳаракатларини ифода этишга ундайдиган куч.

Психо-педагогик таъсир этиш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш, ҳаракатни ташкил этиш усуллари.

Мулоқот жараёнида психо-педагогик таъсир этиш принциплари:

1. Таъсир этиш шахснинг муайян ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

2. Психологик таъсир этиш учун инсон психикасининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш керак.

3. Таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиш шарт.

4. Шахснинг ижобий таъсирланиши рағбатлантириб борилиши керак.

5. Таъсир этиш инсон ҳуқуқларини поймол этиши керак эмас.

6. Шахсга таъсир этиш режалаштирилганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак.

7. Таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур.

8. Таъсир этиш шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

9. Таъсир этиш жараёнида таъсир йўлланаётган шахснинг психологик фаоллигини таъминлаш зарур.

Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда психологик аспектларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Маиший турмуш соҳасидаги муносабатлар асосида содир этиладиган жиноятларнинг умумий профилактикаси аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари орқали таъсир этиш ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини юксалтириш жараёни тизимли амалга оширишни талаб этади. Бунинг учун кўрғазмали тарғибот воситаларидан, турли-туман ижтимоий таъсир этиш воситасидан кенг фойдаланилади. Тарғибот ва ташвиқот ишлари ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий мавзулардаги маъруза, учрашувлар, яшаш жойларида маҳалла фуқаролик жамоалари фаоллари иштирокидаги

муҳокамалар, телевидение ва радио кўрсатувларда иштирок этиш ҳамда чиқишлар орқали амалга оширилади.

Якка тартибдаги профилактика ишлари профилактика ходимлари томонидан амалга оширилиб, унда маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда огоҳлантириш мақсадида ва амалга ошиши мумкин бўлган салбий хатти-ҳаракатларни бартараф этишга йўналтирилгандир. Якка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишнинг қуйидаги элементлари мавжуд:

- шахсларни ўрганиш ва маълумотларни текшириш ҳамда уларни оператив-профилактик ҳисобга қўйиш;

- маиший турмуш соҳасидаги қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни ўрганиб, шахсларга таъсир этиш;

- ҳисобга олинган шахсларни доимий равишда яшаш шароити ва феъл-атворини кузатиб бориш;

- маиший соҳадаги низоли вазиятлар пайдо бўлишига омил бўлувчи ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва унинг ҳуқуқбузарликка кўчишининг олдини олиш;

- жабрланувчиларга профилактик таъсир этиш (виктимологик эффектга эришиш йўлида шахсларнинг сунъий зиддиятли вазиятларни юзага келтирувчилар орасида);

- вақти-вақти билан якка тартибдаги профилактик тадбирлар натижаларини текшириш ва уларни психологик таҳлил қилиш.

Маиший турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда яшаш жойларида ташкил этиладиган тарбиявий ишлар муҳим ўрин тутаяди ва бунда дам олиш жараёнларини самарали томонга буриш лозим. Бу тадбирларни ҳам умумижтимоий чора сифатида асосан жойлардаги ҳокимиятлар фаолиятлари билан узвий боғлиқ тарзда комплекс ёндашув асосида амалга ошириш талаб этилади.

Аҳолининг ҳуқуқий жиҳатдан ўзини тутиш самарадорлигини оширишда омма ўртасида ғоявий, меҳнат ва маънавий тарбиянинг ўзаро бирлигини таъминлаш лозим. Бунда асосий эътибор асосан маиший турмушда жиноят содир этишга мойил шахсларга қаратилмоғи зарур. Айнан шу каби шахсларда ўзгаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурмат билан қарашни ҳамда жисмоний куч ишлатишдек ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан низоларни ҳал этмаслик одатларини шакллантириш катта аҳамиятга эга.

Вояга етмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этишнинг ижтимоий- психологик асослари:

- оиладаги кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш;
- мактабдаги кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш;
- ўсмирга баъзи гуруҳларнинг салбий таъсир этиши;
- тарбияси қийин ўсмирда ўзини ўзи тарбиялаш ва ўзини кўрсатишнинг пайдо бўлиши.

Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича инспектор профилактик ишлари турли усулларни қўллаш орқали амалга оширилади. Тарбиявий таъсир этиш усуллари якка, гуруҳий ва оммавий кўринишларда бўлиши мумкин.

Якка тартибда амалга ошириладиган тарбиявий ишлар вояга етмаганлар билан ишлашнинг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Унга кўра, вояга етмаганларни ҳисобга олиш, уни ички ишлар органлари бўлимларига чақириш, ишга жойлаштириш, ўқув муассасаларига қайтариш, махсус ўқув масканларига жойлаштириш, спорт ва бошқа секция, тўғаракларга жалб этиш ва расмий огоҳлантириш каби ҳаракатлар амалга оширилади.

Носоғлом оилалар ва норасмий вояга етмаганлар гуруҳи *гуруҳий кўринишдаги* тарбиявий ишларни олиб боришда профилактик тадбирларнинг объекти ҳисобланади.

Умумий профилактика чоралари асосан беқарор оилаларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш, муҳтож ўсмирларга давлат ва жамоат ёрдами кўрсатиш (васийлик ва ҳомийлик ўрнатиш, меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатга юбориш, ўқишга ёки ишга жойлаштириш), вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўсмирларнинг дам олишини оқилона ташкил этиш, вояга етмаганлар қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказоларни назарда тутади.

Оммавий кўринишдаги тарбиявий ишларнинг мақсади, гуруҳ ёки аниқ шахс бўлишидан қатъи назар, профилактик таъсир этиш ҳисобланади. Уларга ходимнинг аҳоли олдида, оммавий ахборот воситалари, яъни радио, телевидение ва матбуотда чиқишлари (бундай чиқишларда оилада, жамоат ташкилотларида фойдаланмаган ва таъсир этилмаган тарбиявий ишлардан фойдаланилади. Бунда доимо шуни таъкидлаш керакки, тарбия ва профилактик ишларни амалга ошириш жараёнидаги камчиликлар ўсмирдан

масъулият ҳиссини камайтирмайди, тарбиячи тарбия учун жавоб берса, жиноятни ким содир этган бўлса ўша жавобгар бўлади) ва омма олдидаги суҳбатлар, ҳудуддаги таълим муассасалари ва бошқа турли ташкилотларда амалга оширилади.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар билан профилактик ишларни амалга ошириш жараёнида уларнинг ёшга оид ўзига хос сифатларни ва оилавий шароитидаги маънавий қадриятларни шаклланганлик даражасини инобатга олиши керак. Шунинг учун юқорида таъкидланганидек, ўсмир ва болаларни ўраб турган микромуҳитдаги салбий таъсирларни бартараф этиш зарур бўлади. Вояга етмаганлар билан якка тартибдаги профилактик ишларни амалга оширишда ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали амалга оширилади.

Вояга етмаганлар билан профилактик ишларни амалга ошириш усуллари турлича бўлиб, улардан суҳбат усули кенг тарқалган оммавий усул ҳисобланади. Ўсмир ва болалар билан якка тартибда профилактик суҳбатни амалга ошириш жараёнида уларнинг психологик ўзига хослигини, яъни: кўнгли нозиклиги, арзимаган нарсага хафа бўлавериш, жиззакилик, кўрқув ва ташвишга берилувчанлиги, ғазабланганлиги, қасоскорлик, тажовузкорлик, тақлид қилишга мойиллиги ва бошқаларни ҳисобга олиш даркор.

Вояга етмаганлар билан ишлаш жараёнида ишонч ҳиссини уйғотиш ҳар бир профилактика инспекторларидан катта масъулият талаб этади. Шу сабабли суҳбатни расмий охунгда эмас, балки дўстона муносабатлар орқали бошлаш, ҳамда суҳбатнинг асосий мазмунига бирдан берилмаслик тавсия этилади. Суҳбат мобайнида ишонч ҳиссини уйғотиш профилактика инспекторининг самимий муносабати орқали бошланади, ўсмирнинг берган саволларига оддий ҳаракат ва сўзлар ёрдамида муносабат билдириш унда яхши таассурот қолдиради.

Профилактика инспектори суҳбат мобайнида ўсмирнинг ота-онаси ёки синф раҳбарини таклиф этса, унинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлади. Бундай ҳолатда профилактика инспектори кўпроқ маслаҳатчи вазифасини бажаради, яъни яқинларига фарзандининг ўқиш ёки ишлашга хоҳиш-истаги йўқлигини, жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормаларга зид бўлган ҳаракатларни амалга ошираётганлигини мисоллар билан келтириб ўтади, қонунларни тушунтириб, изоҳлаб беради.

Профилактика инспектори ўсмирнинг ота-онаси билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари орқали унга тарбиявий таъсир этишлари керак. Ушбу тарбиявий жараён, агар ўсмирнинг ота-онасининг ўзи носоғлом турмуш тарзини олиб бораётган бўлса, тарбиявий жараённи анча мураккаблаштиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари вояга етмаганларни жамоат ишларига, ижтимоий зарур машғулотларга кўпроқ жалб этишлари тавсия этилади, бунда ўсмирда ижобий қизиқиш ва эҳтиёжлар пайдо бўлади, маънавий-иродавий сифатлар, керакли ва зарур одатлар шаклланади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш билан боғлиқ барча чоралар унинг бош вазифасини амалга ошириш – шахс бузилиши бошланишини тўхтатишга, унинг айрим салбий хусусиятларига барҳам беришга, шунингдек криминоген омиллар таъсирига чек қўйишга қаратилиши лозим. Профилактика чора-тадбирлари тарбияси оғир ўсмирлар ғайриижтимоий хулқ-атворининг янада хавфлироқ шаклларга ўтишини тўхтатишлари, улар келажақда тўғри йўлга кириб, фаол ҳаётий нуқтаи назарни эгаллашларини таъминлаши лозим.

Жиддий камчилик шундан иборатки, вояга етмаганлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарликлар содир этганларидан кейин тушадилар.

Муқаддам судланганлар билан профилактик ишларни олиб боришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- муқаддам судланганлар шахсини ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганиш (шахснинг ижобий сифатларни аниқлаш мақсадида);

- муқаддам судланган шахслар ўзини яхши тутиши учун махсус ва педагогик вазиятларни ташкил этган ҳолда таъсир этишни амалга ошириш;

- маънавий-моддий рағбатлантириш усулидан меҳнат тарбиясида фойдаланиш;

- муқаддам судланганларни тўғри йўлга солиш усулларини танлаш;

- муқаддам судланган шахсларни меҳнат фаолиятга жалб этиш орқали тўғри ҳаётга йўналтириш.

Профилактика инспекторлари жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатишган шахсларнинг хулқ-атворини, яшаш ва иш

жойларини мунтазам назорат қилиб борадилар ҳамда улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилса, бу ҳақида ўз вақтида тегишли чораларни кўрадилар. Улар тўғрисида маълумотларга эга бўлиш учун бошқа хизмат ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан узвий ҳамкорлик қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, профилактика инспекторлари кундалик иш жараёнида судланганлигига кўра маъмурий назоратга олиш керак бўлган шахсларни аниқлаш чораларини кўрадилар, улар ҳақида тегишли маълумотларни тўплаб, ҳужжатларини расмийлаштирадилар. Жиноят содир этишга мойил бўлган хавфли шахсларнинг ўз вақтида назоратга олиниши ва тегишли профилактик чоралар кўрилиши муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, профилактика инспекторлари маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий ҳаётга мослашишларини таъминлаш мақсадида ижтимоий кўникма марказлари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича профилактик фаолиятни амалга оширишда носоғлом оилалар билан профилактик ишларни олиб бориш ва ичкиликбозлик ҳамда гиёҳвандликка қарши тарғибот ва ташвиқот ишларни ташкиллаштириш талаб этилади, бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш керак:

- соғлом турмуш тарзи ва унинг афзалликлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;
- оммавий ахборот воситаларини жалб этиш;
- таълим муассасаларда ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши тарбиявий тадбирлар ўтказиш;
- психолог, педагог, тиббиёт ходимларини тадбирларда иштирок этишини таъминлаш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишдаги иштирокини йўлга қўйиш;
- жамоатчилик фикрини ичкиликбозлик ва гиёҳвандликни қоралашга қарши йўналтириш ва уни шакллантириш, мазкур муаммога маҳалла қўмитаси ва жамоатчиликни жалб этиш;
- ҳуқуқий талаблар даражасини ошириш, гиёҳванд моддаларни тарқатувчи шахсларни аниқлаш;

Гиёҳвандликка ружу қўйган шахс маънавиятида жамият учун хавфли иллатлар шаклланади. Энг аввало, қонунбузарлик учун жавобгарликдан қочиш мақсадида аста-секин хуфия фаолият

юритишга ўтади, бу эса уларнинг хавфлилигини янада оширади. Чунки гиёҳвандларнинг жамият ва давлат органлари назоратида бўлмаслиги уларнинг оғир жиноятлар содир этишига олиб келади. Шу билан бирга, бу босқичда гиёҳвандлар руҳиятида ёлғончилик, одамовилик каби иллатлар шаклланади.

Умуман олганда, ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши курашга психологик тавсиф беришда ижтимоий турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини имкон даражасида ҳисобга олиш катта аҳамиятга эгаллигига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан эътибор қаратиш лозим.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари аниқ ва масъулиятли вазифаларни бажариши билан ажралиб турадилар. Улар жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос субъект сифатида турли йўналишларда профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари жиноятчиликнинг олдини олишда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори махсус профилактика ишларини ташкил этадилар ва олиб борадилар. Бу криминоген вазиятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ҳисобга олиш ҳамда бартараф қилиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, жиноят содир этишга мойил шахслар билан яқка тартибда иш олиб бориш кабиларда намоён бўлади.

Шу билан бирга, мунтазам равишда жиноятчиликка оид ахборотларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ҳокимият органлари ҳамда жамоатчиликни бу ҳақда хабардор этиш ҳам ички ишлар органларининг вазифасига киради. Баён этилганлар ички ишлар органларининг махсус профилактика чора-тадбирлари сифатида идрок қилиниши лозим. Шунингдек, ички ишлар органлари томонидан умумий профилактика ишлари ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу фаолият йўналишини амалга оширишда жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилган. Айнан шу ҳамкорликни ташкил этиш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ва профилактика инспекторларининг ваколат доирасига киради. Профилактика инспекторлари ўз фаолиятларини ташкил этишда маҳалла йиғинлари ва уларнинг фаоллари билан ҳамкорликда профилактика ишларини

ташқил этадилар. Бу эса у ёки бу аҳоли яшаш жойларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, ташкилотларда турли хил жиноятларнинг содир бўлишига сабаб бўлаётган шароитларни аниқлаш ва, умуман, криминоген вазиятлар юзага келишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

3. Профилактик хизмат ходимлари фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик муаммолари

Жиноятчиликнинг олдини олиш давлат томонидан олиб бориладиган ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ўз мазмун ва моҳиятига эга. Шу билан бирга, бу фаолият йўналиши давлат ва жамиятда ўзига хос махсус чора сифатида эътироф этилган.

Жиноятчиликка қарши доимий равишда кураш олиб бориш алоҳида ёндашувни талаб этади. Чунки ижтимоий ҳаётда юзага келувчи ҳар бир ўзгариш жиноятчилик билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ҳам ушбу жараёнлар билан бирдек бўлишини таъминлаш лозим. Бинобарин, жиноятларнинг олдини олишда зарур бўлган доимий ҳаракатдаги ва ўзаро ҳамжиҳат тизим орқали иш юритиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноятчиликнинг олдини олишда ички ишлар органлари ҳам аниқ ва масъулиятли вазифаларни бажариши билан ажралиб туради. Улар жиноятчиликнинг олдини олишда ўзига хос субъект сифатида турли йўналишларда профилактик чора-тадбирларни амалга оширадилар.

Таъкидлаш жоизки, ички ишлар органлари жиноятчиликнинг олдини олишда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари қатори асосан махсус профилактика ишларини ташқил этади ва олиб борадилар. Бу эса криминоген ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш, ушбу криминоген ҳолатларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни ҳисобга олиш ҳамда уларни бартараф қилиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш, жиноят содир этишга мойил шахслар билан яқка тартибда иш олиб бориш кабиларда намоён бўлади. Шу билан бирга, мунтазам равишда жиноятчиликка оид ахборотларни жамлаш, таҳлил қилиш ва ҳокимият органлари ҳамда жамоатчиликни бу ҳақда хабардор этиш ҳам ички ишлар органларининг вазифасига киради.

Ички ишлар органлари, айтиб ўтилганидек, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ўз таркибига кирувчи турли хизмат соҳалари, бўлим ва бошқармалар билан ҳамжиҳатликда ваколатлари доирасига кирувчи бошқа вазифаларни ҳам бажарадилар.

Умуман олганда, жиноятчиликнинг олдини олишда зарур ҳуқуқий асослар ушбу фаолият йўналишининг умумий жиҳатларини мувофиқлаштириб боради. Шу боис умумий-ҳуқуқий мувофиқлаштиришни ташкил этиш мақсадида зарур даражадаги ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилади. Бу жиноятчиликнинг олдини олишда комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди.

Ички ишлар органи ходими ҳар ерда ва ҳар доим давлат ходими ҳисобланади ва қонуннинг, адолатнинг тантанаси учун кураш олиб боради. Касбий иш фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришиши учун ҳар томонлама обрў эътиборга эга бўлиши унинг фаолият олиб бориш усулига боғлиқ.

Обрў-эътибор мураккаб бўлган ижтимоий-психологик кўри-нишлар таркибига кирувчи билимдонлик, касбий қобилият ва таж-риба, хизмат вазифаларини бажаришда фаолиятни ташкиллаш-тиришда ифодаланади.

Ходимнинг иш услуби, фаолияти, шахсий ҳаёт кечириш тарзи кўпгина омилларга: асаб тизими, характери, йўналганлиги, қизи-қишлари, эҳтиёжлари ва бошқаларга боғлиқ.

Профилактика инспекторининг иш олиб бориш усулига қуйи-даги талаблар қўйилади:

- қонунчиликка риоя этиш;
- касбий йўналганлик;
- қарор қабул қилиш уқуви;
- доимо ўз касбий маҳоратини такомиллаштириб бориш.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашни ташкил этиш ўзига хос ва мақсад сари йўналтирилган, бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ифодаловчи бир бутун тизимдан иборатдир.

Шунинг учун ҳам жиноятларнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган профилактик ишларни ташкил этишда қуйидаги босқичлар орқали зарур тадбирлар амалга оширилади:

– ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва омилларини таҳлил қилиш;

– профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга оширишни режалаштириш;

– профилактик фаолият олиб боришда иштирок этувчи шахсларнинг ишларини мувофиқлаштириш;

– режалаштирилган, мақсад қилиб қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва олинган натижаларни психологик таҳлил қилиш.

Профилактика фаолиятини умумий, яхлит тизимда ташкил этиш, табиийки, жамоатчилик фикри ва аҳолининг ташаббускорлигини эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этади.

Шу сабабли профилактик ишларни олиб боришда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

- профилактик фаолиятни олиб боришда турли ҳуқуқбузарликлар ва салбий хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи омилларни ҳисобга олиш;

- шахснинг маънавий шаклланишида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ҳаёт тарзи ва муҳит (оила, мактаб, иш жойи, дам олиш жойлари ва ҳ.к.) ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш;

- жиноий хатти-ҳаракатлар ва криминоген вазиятларга нисбатан турли ижтимоий тузилмалар фаолиятини профилактик тадбирларга жалб этиш;

- турли соҳа вакиллари ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тарбиявий чора-тадбирларни белгиланиш

Профилактика инспекторининг тарбиявий таъсир бир қатор омилларга боғлиқ бўлади: ташқи қиёфаси; ташаббускорлик; обрў-эътиборга эгаллиги; демократия; эшитиш қобилияти; вазиятни ҳаққоний баҳолаш ва қабул қилмоқ; масъулият.

Профилактика инспекторлари аҳоли билан ҳамкорликда фаолият олиб боришда мулоқотнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор беришлари лозим:

- суҳбатдошига тушунарли бўлган сўз ва бирикмаларни танлаш, унинг фикрларини диққат билан эшитиш;

- ҳуқуқбузар билан мулоқот даврида аниқ, қисқа ва хушмуомалалик билан суҳбат олиб бориш;

- суҳбатдош томонидан берилаётган ахборотга қизиқиш билан муносабат билдириш. Агар ходимга берилаётган ахборот тушунарсиз бўлса, у ҳолда айтилган фикрларни ва баъзи жумлаларни такрорлаш хушмуомалалик билан сўралади;

- суҳбат давомида салбий таъсир этувчи омилларга эътибор қаратмаслик (кўнғироқлар, бегоналарни йўлакда юриши ва бошқалар);

- суҳбатдошнинг мимика, жестлар ва реакцияларига эътибор бериш.

Суҳбатдош фикрларини тугатган бўлса, олинган маълумотлар умумлаштирилади, таҳлил қилинади, аниқ далиллар ойдинлаштирилади, зарур бўлган вақтда далиллар билан ҳужумга ўтилади. Ходимга қўйиладиган асосий талаблардан бири эшитиш қобилиятининг шаклланганлиги ҳисобланади.

Профилактика ходимлари ишлаш усулларини такомиллаштириш учун кузатиш техникасини яхши эгаллаган бўлишлар лозим. Ходимларнинг кузатиш техникасини эгаллашлари шахснинг ҳаётий тажрибаси, одатлари, руҳий ҳолати, ҳиссий барқарорлиги, ўз ҳаракатларини назорат қила олиши, маданият даражаси, характер сифатларини билишга хизмат қилади.

Ходимнинг ривожланган касбий кузатувчанлиги ривожланган касбий диққатлилиқ, сезги ва тасаввур аъзоларининг машқ қилиш орқали ривожланганлиги, ҳал этилиши керак бўлган вазифалар учун муҳим бўлган маълумотларни тез, тўлиқ ва аниқ эсда олиб қолиш, хотирада яхши сақлаш ва тўғри баён этиш бўйича машқ қилганлик ҳисобланади.

Кузатишнинг предмети ходим учун инсоннинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати ва унинг фикр-мулоҳазаси бўлиши мумкин. Инсон қиёфаси, мимикаси (ҳаракатлар ифодаси) унинг вақтинчалик психик ҳолати ва воқеалиқка муносабатини тўлиқ ёки қисман ифодалайди. Шу сабабли инсоннинг юз ифодаси кузатишнинг асосий объектларидан бири ҳисобланади. Мимика эса тўрт асосий психик ҳолатлардан бирини ифода этади, булар: хурсандчилик, норозилик (хафа бўлиш, алам, уят ва ҳ.к.), ғазаб ва кўрқув.

Кескин, носамимий мимика, юзнинг қизариши ёки оқариб кетиши, лабларнинг титраши кучли ҳиссий безовталанишни намоён этади. Носамимий мимика (масалан, қайғули воқеалар айтилгандаги кулгу) бўлаётган ҳодисаларга нисбатан ўзининг аниқ позициясининг йўқлиги, ўзига ишончсизлик ва ҳақиқий муносабатини яширишда намоён бўлади. Жазава ҳолатидаги намоёишкорона мимика одатда суҳбатдошни ўзига жалб этишга, унда қандайдир таассурот қолдиришга эътиборини қаратади. Содда, ифодасиз

мимика депрессив (рухий сиқилиш), тушкунлик ҳолатида кузатилади.

Ташқи кўринишга оро бериш (соч турмаги, кийим-бош, зебзийнат), инсоннинг хатти-ҳаракат мотивлари, ўзига муносабати, эстетик тасаввури, яшаш тарзини ифодалайди. Ташқи кўринишга ҳаддан ташқари оро бериш (масалан, эркакларда узук, занжир, биллак узук тақиш) қарама-қарши жинсга юқори даражада қизиқиш, ўзини кўрсатишга мойилликни англатади.

Ташқи кўринишни безашнинг баъзи кўринишлари баъзи урф-одатлар, қизиқишлар, муайян гуруҳларнинг маънавиятини билдиради.

Профилактика инспектори шахс юз аъзоларининг барча ҳаракатларини кузатиши алоқа ўрнатишни мувофиқлаштиради ёки тўсқинлик қилади. Кўпгина ҳолатларда тўсқинлик, қаршилик қилиш инсонда ички кўзғалиш, ўз-ўзини назорат қилишининг ўсиши, ташқи носамимийлик, ҳаракатларнинг эркин эмаслигида ўз ифодасини топади. Бундай кўзғалишларни ҳеч ким тўлиқ бартараф эта олмайди. Агар фуқаро суҳбат мобайнида ўзининг ички ҳис-ҳаяжонидан қутила олмаса, бундай ҳолат унинг ниманидир яшираётгани ёки бирор нарсадан қўрқаётганини англатади.

Қўлларнинг ҳаракати алоҳида эътиборга эга. Шу сабабли кўпгина инсонлар ўзларига ишонмаганларида, хижолат бўлганида, журъатсизликда онгли ёки онгсиз равишда қўлларини яширадilar. Ходимга самарали кузатиш олиб бориш учун касбий ва ҳаётий тажриба зарур бўлади. Шу сабабли фуқаронинг ҳар бир хатти-ҳаракати синчковлик билан таҳлил қилиниши керак.

Нутқли мулоқот фақатгина оғзаки нутқ эмас, балки жестлар, интонация, пауза ва мимикалар ёрдамида ҳам амалга оширилади. Нутқий ҳаракат объекти сўз бойлиги, нутқнинг грамматик тузилиши, кўринишлари (монологик ва диалогик), интонация, нутқ темпи, артикуляция ва бошқалар ҳисобланади.

Нутқий ҳаракатларнинг баъзи бирлари шахснинг эмоционал ҳолатларини намоён этади: ҳиссий кўзғалиш (ғазаб, кўрқув, шубҳаланиш ва ҳ.к.), нутқ темпининг ўзгариши, дудуқланиш, паузанинг узайиши ёки торайиши билан давом этади. Кучли асабий-рухий зўриқиш нутқий фаолиятни секинлаштириши, яхши маълум бўлган сўз ва ибораларни эсдан чиқиши, уларни қайтарилиши, талаффуздаги хатоларни келтириб чиқаради.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Криминоген шароитнинг ҳолатига таъсир қилувчи психологик омиллар. ОАВнинг аҳоли ҳуқуқий психологиясига таъсирини изоҳланг.
2. Профилактика хизмати ходимларининг аҳоли билан самарали мулоқот қилишнинг психологик шароитлари нималарни ўз ичига олади?
3. Ҳуқуқбузарларга таъсир ўтказишнинг психологик омиллари нималардан иборат?
4. Фуқаролар муурожаатларининг психологик таҳлили қандай амалга оширилади?
5. Вояга етмаганлар орасида жиноятларнинг олдини олиш фаолиятнинг психологик асосларини тушунтириб беринг.
6. Оилада гиёҳвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олишнинг психологик асосларини изоҳланг.
7. Турли тоифадаги фуқаролар билан ишлашнинг психологик хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
8. Профилактик хизмат ходими шахсига қўйиладиган талаблар санаб беринг.

XI БОБ. ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Жиноятларни тергов қилиш фаолиятига психологик тавсиф

Республикамызда ҳозирги сиёсий аҳвол, замон билан ҳамнафас ўсиб бораётган жиноятчиликнинг турли кўринишлари ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан ва масъулиятли вазифаларни юклармоқда. Бу борада республика ҳукуматининг бир қатор қонун, қарор, фармонлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 ва 2004 йилларда Республика ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги фармонлари қабул қилингандан сўнг ички ишлар органлари, хусусан тергов бўлимлари фаолиятида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 майдаги 206–35-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишларнинг нақадар долзарблигидан далолатдир.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда халқимизнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Биз ўрганаётган дастлабки тергов фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари кўпгина фанлар томонидан ўрганилади ва уларнинг объекти ҳисобланади. Масалан, криминалистика, тезкор-қидирув, педагогика, жиноят процесси каби фанлар ушбу муаммога ўз нуқтаи назаридан қарайди ва илмий асосда тадқиқ этади. Дастлабки тергов фаолияти терговчи ва жиноятчи ўртасидаги ўзаро психологик қарама-қаршилиқдир.

Юридик психология фани дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув ва бошқа тергов ҳаракатларининг психологик жиҳатларини бошқа фанлар билан боғланган ҳолда тадқиқ этади. Бу борада бир қатор психолог олимлар (А. В. Дулов, А. Р. Ратинов, В. В. Романов, Н. Селиванов, М. И. Еникеев, В. Л. Васильев ва бошқ.) ўз қарашларини илмий ишларида баён этишган.

Жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади. Бироқ суд иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириши учун дастлабки тергов деб аталадиган тайёргарлик ишлари талаб қилинади.

Дастлабки тергов фаолияти – терговчи топилган излар бўйича содир этилган жиноятни қайта тиклашдан иборат бўлган ва муайян мақсадни кўзлайдиган жараён. Шу маънода дастлабки тергов фаолияти фақат амалий фаолият бўлмай, балки назарий идрок этиш жараёни ҳамдир. Қонунчиликда тергов ҳаракатларининг айрим жиҳатларигина белгиланиб қолмасдан, терговнинг бошдан-оёқ тартиби тасдиқлаб қўйилган.

Дастлабки тергов фаолиятининг мақсади асосий ижтимоий кадриятларни ҳуқуқий кўриқлаш, тергов қилиш чоғида содир этилган жиноятлар бўйича ҳақиқатни аниқлаш, айбдор шахсларни одил судловга топширишдир. Шу боис терговчи шахсининг касбий-психологик сифатлари унинг фаолиятига хос ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва психологик хусусиятлар билан боғлиқ.

Дастлабки тергов фаолиятининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

– жиноят ҳодисаси ҳақида келиб тушган ариза ёки хабарни терговгача текшириш;

– жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал этиш;

– жиноятларни тергов қилиш;

– жиноятларнинг олдини олиш;

– фуқароларни тарбиялаш ва маърифатли қилиш;

– тергов материалларини умумлаштириш, бир тизимга солиш, таққослаш ва такомиллаштириш чораларини кўриш;

– жиноятни очиш – жиноят ҳодисаси ва жиноятчи шахсини аниқлаш;

– жиноий далилларни мустаҳкамлаш, текшириш ва дастлабки тартибда баҳолаш. Бундан мақсад айбдорни судга топшириш, яъни унинг бир томондан айбига муқаррар бўлишига, бошқа томондан эса етарлича асосларга эга бўлишга эришишдир.

Шу нуқтаи назардан дастлабки тергов фаолиятида келиб тушаётган маълумотларнинг мазмун-мундарижаси терговчининг хоҳиш-истагига тўғри келмаслиги, битта тизимга мос тушавермаслиги мумкин. Тергов фаолиятидаги вазифалар хилма-хиллиги жиҳатидан ўзига хос бўлиб, уларни ҳал этиш турли шахсий фазилатлар, кўникмалар, билимларни талаб қилади.

Терговчининг дастлабки тергов бошланишида зарур маълумотларга эга бўлмаслиги унинг муайян даражада нотўғри қарорлар қабул қилишига олиб келади. Иш мобайнида терговчининг тафаккури фақат ўз фаолиятини акс эттириб ва йўналтирибгина қолмай, ишнинг барча иштирокчилари ва ишга дахлдор шахсларнинг ақлий (интеллектуал) даражаси, руҳий ҳолатларини ҳисобга олиши, уни қиёслаши, мувофиқлаштириб бориши лозим. У нафақат ўзи, балки ўзгалар учун ҳам фикр юритиши, қарор ва хатти-ҳаракатларни олдиндан кўра олиши, уларни йўналтириб туриши ҳамда ана шу барча омиллардан келиб чиқиб, ўз хулқ-атворини идора этиши зарур. Ушбу жараёнда манфаатлари турли-туман, бир-бирига мос келмайдиган, баъзан бутунлай қарама-қарши бўлган шахслар: терговчи ва айбланувчи, сўроқ қилувчи ва сўроқ бераётган ҳамда ҳоказолар тўқнаш келадилар.

Дастлабки тергов жараёнида турли-туман манфаатлараро зиддиятлар ҳамда уларнинг тўқнашуви тергов тактикасига эҳтиёж туғдиради. У психологик нуқтаи назардан маълум даражада терговчи ва ишда иштирок этаётганлар ақл-идрок, ирода, характер, ахлоқий тамойилларининг ўзаро кураши тарзида намоён бўлади.

Жамланаётган маълумотларнинг мантиқий таҳлилида хатога йўл қўймаслик учун терговчи мантиқий тафаккур қонуниятлари ва шакл-тамойилларини яхши билиши ва уларга риоя қилиши, маълумотларга маълум фактлар асосида ёндашиши, у ёки бу хулосани чиқаришда далил-исботларнинг тўлақонлигини доимо назорат қилиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Муайян хулосага келишда хаёлан жиноят содир этилиш жараёнида ўзини айбланувчи ўрнига қўйиб кўриш, айбланувчининг моддий ва маънавий манфаатдорлиги нуқтаи назаридан фикр юритиши тергов учун қимматли натижаларни бериши мумкин.

Тергов қилинаётган ҳолат юзасидан жиноий ишларни очиш ва зудлик билан тергов ҳаракатларини бошлаш талаб қилинадиган вазиятлар терговчи учун психологик жихатдан ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Жиноий ишлар бўйича тергов ҳаракатлари ҳамда шахсларни ҳибсда ушлаб туриш муддатлари тугаган вазиятни энг қийин деб ҳисоблаш мумкин. Бундай вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш бир қатор билим, қобилият, фазилат, малака ва кўникмалар: ишлар бўйича самарали режа тузиш, ҳис-туйғуларни жиловлаш, психология тили билан айтганда руҳий тетиклик, ҳиссий

барқарорлик ва ўзини уюштира билиш каби сифатларни талаб этади. Терговчининг белгиланган муддатда айбдор шахсларни аниқлаш учун жиноят устида иш олиб бораётган гуруҳга бош бўлиши ва унинг ҳақиқий етакчисига айланиши ундан бошқарувчанлик қобилиятини талаб этади.

Терговчи тергов жараёнида талаб қилинадиган ўзига хос жиҳатларни ҳеч қачон диққат-эътибордан четда қолдирмаслиги зарур. Жумладан, тергов хатти-ҳаракатлари мобайнида ҳиссиётларга берилмаслик ва шошма-шошарликка йўл қўймаслиги, ўзининг иродавий сифатларини намоён қилиши муҳим аҳамият касб этади. Касбий вазифани муваффақиятли адо этиш, жиноятни тезроқ очиш, ишда айбдор шахсларни фош этиш учун йўл-йўриқ ва воситаларни танлаш, тергов йўналишларини белгилашга ҳар томонлама, атрофлича фикр-мулоҳаза қилган ҳолда ёндашиш муҳимдир.

Маълумки, терговчи давлат номидан фаолият олиб борар экан, ҳокимиятининг обрўси ва ҳукмрон кучи унга руҳий мадад беради, унинг қўлида турли санкцияларни қўллаш имконияти мавжуд бўлади. Бу ваколатдан оқилона ва қонун доирасида фойдаланиш терговчига қўйиладиган асосий профессионал талаблардан биридир. Тергов сирини сақлаш тергов жараёнининг ўзига хос қонун-қоидаси ҳисобланади. Тергов ҳаракатларига халақит бериш мақсадида жиноят содир этган шахс ҳамда унинг шериклари ҳар доим тергов ҳаракатининг йўналиши, терговчининг ниятлари ва қарашлари ҳақида имкон борича кўпроқ маълумотларни билиб олишдан манфаатдор бўладилар. Терговчининг далилий материаллар, ўз мақсади ва йўналишларини бевақт ошкор этиб қўйиши терговни муваффақиятли олиб боришга тўсқинлик қилади ва жиноятни фош этишда ёрдам берган шахслар ҳаётини хавф остида қолдиради.

Терговчи хизмат сирларини ошкор этмаслик мақсадида, жиноят иши бўйича шуғулланаётган шахслар билан пинҳона иш кўриш (конспирация)нинг махсус талабларига сўзсиз риоя этиши зарур. Бу талабларни бажариш ва унга риоя этиш терговчининг касбий одати ва кўникмасига айланиши керак.

Шу билан бирга, терговчи фаолиятига тергов воситалари ва муддатларининг процессуал жиҳатдан тартибга солинганлиги, ижтимоий вазифасининг шаклланганлиги; муайян билиш-излаш фаолияти; ҳаракатларининг тезкорлиги ва ниқобланганлиги; манфаатдор шахсларнинг эҳтимол тугилган қаршиликларини енгишга

шайлиги ва йўналганлиги; ҳокимият ваколатларининг мавжудлиги, кенг миқёсдаги ижтимоий коммуникативлик (киришимлилик), қабул қилинадиган қарорлар учун ниҳоятда катта шахсий масъулият каби хислатлар хосдир.

Терговчи фаолияти психологияси тузилишининг асосий ҳал қилувчи жиҳати унинг хилма-хил фактларни тўплаш ва текшириш борасидаги билиш фаолиятидир.

Тўпланган фактлар асосида у ўтмишда бўлган воқеани, ушбу ходиса билан боғлиқ турли шахсларнинг ўзаро муносабатларини идрок қилади ва хотирада тиклайди, жиноят содир этган субъектнинг шахсини аниқлайди. Айнан дастлабки терговда ўтмишда содир этилган жиноятнинг хаёлий моделини яратиш жараёни амалга оширилади.

Терговчи фактларни тўплаш жараёнини бошлар экан, кўпинча ушбу маълумотларни тўплаш қандай натижага олиб келиши мумкинлигини билмайди, ўтмишда бўлиб ўтган воқеанинг тўлиқ фикрий моделини тасаввур эта олмайди. Билиш фаолиятининг бу хусусияти олинган маълумотларни тўплаш, танлаш ва баҳолашда жиддий қийинчиликларга олиб келади, у ёки бу фактларнинг табиати ва ҳақиқий қадр-қиммати, алоҳида фактлар ўртасидаги ўзаро алоқа масаласида ниҳоятда кўп ва турли-туман тусмоллар (тахминлар)ни илгари суриш ва текшириш заруратини келтириб чиқаради.

Терговчининг фаолиятида мавжуд ахборотни тушуниш, етишмаётганларини излаш, зарур маълумотларни тўғри танлаш учун шароит яратадиган криминалистик билим ва амалий тажриба катта аҳамият касб этади. Бу билим ва тажриба тикловчи хаёлотни фаоллаштириш учун ҳам зарур ҳисобланади.

Ўтмишдаги воқеани идрок қилиш, хотирада тиклаш ва билиш доимо айни пайтдаги фактларга асосланади. Шу сабабли мавжуд фактлар ва ҳодисаларнинг бўлиб ўтган воқеа билан ўзаро алоқаларининг фикрий моделларини қуриш зарурати юзага келади. Билиш жараёнлари (диққат, хотира, тафаккур, сезги, идрок, хаёл) ўрганилаётган фактлар, ҳодисаларни текшириш ва баҳолашга қаратилган амалий фаолиятни ҳам қамраб олади. Ушбу фаолият жараёнида аниқланган объектлар билан кенг миқёсдаги экспериментлар ўтказилади¹.

¹ Қаранг: *Селиванов Н.* Критерии допустимости применения тактических приемов при расследовании // Законность. – 1999. – №. 3. – С. 23–28.

Дастлабки терговда билиш жараёни ахборот келиб тушишининг муайян тартибсизлиги билан ажралиб туради. Жиноят тадқиқот предмети сифатида мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, у жиноят содир этилишига доир барча элементларни, яъни жиноятга тайёргарлик ҳаракатлари, иштирокчиларнинг тил бириктириши, субъектлар ўртасидаги алоқа, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва бошқаларни мушоҳада этмаслик мумкин эмас. Буларнинг барчаси биргаликда маълум бир фактлар орқали аниқланади (исботланади).

Умуман олганда, юқорида таъкидлаганимиздек, дастлабки тергов назарий билиш фаолияти эмас, балки жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган амалий фаолиятдир. Қонун нафақат тергов ҳаракатларининг айримларини тартибга солади, балки бутун терговнинг муайян тартибини белгилайди.

Одиллик, холислик, айбловга ён босишдан қочиш, қонунни оғишмай амалга ошириш – тергов фаолиятининг асосий талаблари ҳисобланади.

Тергов фаолиятининг вазифалари ниҳоятда хилма-хиллиги билан ажралиб турадики, уларнинг тўғри ҳал қилиниши терговчидан турли-туман хислатлар, касбий кўникмалар ва билимларни талаб қилади. Терговчига тиббиёт, педагогика, бухгалтерия ва психология сингари турли соҳалардан олиннадиган махсус билимлар керак бўлади. Бу билимлар терговнинг мураккаб вазиятларида қўллаш учун муайян тартибга солинган бўлиши зарур. Терговчи у ёки бу тергов ҳаракати даврида амал қилувчи объектив психологик қонуниятлардан самарали фойдаланиш учун яна шахсни атрофлича ўрганиш ҳамда ахборот олиш ва қайта тарбиялаш мақсадида унга кўрсатиладиган психологик таъсирни уюштиришга қаратилган психологик дастурга ҳам эга бўлиши лозим¹.

Тергов фаолиятига жиноят ишининг муваффақиятли тергов қилинишидан манфаатдор бўлмаган шахсларнинг қаршилиқ кўрсатиши табиий, албатта. Шу маънода, терговчи жиноятни тергов қилиш ҳамда очишга қаратилган фаолиятига айбдорларнинг уюшган ҳолда қаршилиқ кўрсатишини ва бу ушбу фаолиятни жиддий қийинлаштириши мумкинлигини инобатга олиши лозим.

Бундан аввало жиноятчининг ўзи энг кўп даражада манфаатдор бўлади ва, одатда, бутун кучини сарфлаб, терговчига қаттиқ

¹ Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – М., 2005. – С. 331.

қаршилик кўрсатади. Бу борада у хилма-хил найрангларни ишла-тади: шантаж, алдаш, тухмат қилиш, қалбакилаштириш, гувоҳларни сотиб олиш каби у қўллайдиган воситаларнинг ушбу тўплами амал-да ҳеч чекланмаган. Терговчи эса фақат қонуний ҳамда ахлоқий жиҳатдан нуқсонсиз воситалардангина фойдаланишга ҳақлидир.

Терговчи ва манфаатдор шахслар ўртасидаги тенгсизлик ман-фаатдор шахслар қайси ҳолатларни яшириш маъқуллигини билиш-лари билан ҳам боғлиқ. Айти вақтда терговчи иш юзасидан айнан нима аниқланиши керак ва мумкинлиги хусусида ниҳоятда кам та-саввурга эга бўлади. Терговни ўтказаетган шахс жиноят изидан борар экан, доимо «воқеалар ортида» бўлади. Жиноятчи эса доимо вақт ва ташаббусда муқаррар устунликка эга бўлиб, терговчини ниҳоятда қийин вазиятда ҳаракат қилишга мажбур этади.

Буларнинг барчаси терговга психологик кураш тусини беради, ушбу кураш баъзан ниҳоятда кескин шаклларга киради. Хавфли вазиятларни енгиш, терговчининг йўлида атайин яратиладиган тў-сиқларни бартараф этиш зарурати, унда турли эмоционал реакция-ларни юзага келтиради, бу эса ундан доимий ҳиссий-иродавий зўриқишни ва кучли ақлий фаолиятни талаб этади¹.

Терговчининг касбига хос хислатлар орасида **ақлий, иродавий** ва **коммуникатив** хислатлар биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Терговчининг асосий вазифаларидан бири мавжуд низоли вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиши мумкин бўлган психологик (мотивацион, ақлий, тарбиявий, эмоционал ва бошқ.) тўсиқларни ҳушёрлик билан бартараф этиш ҳисобланади ва бу жуда муҳимдир. Бунда эса унга вазиятни тизимли таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш ва аниқлаштириш ижобий ёрдам бериши мумкин. Терговчи унга кўрсатилаётган психологик қаршиликларни инобатга олиши ва унга тайёр туриши лозим, чунки улар холисона тергов қилишга ҳалал беради. Терговчи муайян усулни танлар экан, унинг ҳаракат стратегияси ушбу вазиятда энг яхши стратегия эканлигини кўрсатадиган асосга эга бўлиши, ўз танловини мустаҳкамлашга, миқдорга оид маълумотлар билан асослашга ҳаракат қилиши керак.

Таъкидлаш лозимки, терговга фақат кураш хос эмас, ҳақиқий терговчи учун янада кўпроқ даражада сўроқ қилинаётган шахсга нозик психологик таъсир кўрсатиш, мулоқот маромини тўғри

¹ Қаранг: *Чуфаровский Ю.* Юридическая психология. – М., 2005. – С. 152–153, 205–206.

танлаш зарур. Чунки инсонни инсон томонидан идрок қилиниши муносабат механизмини яратади. Бундан мақсад жиноятни очиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун ушбу шахснинг ички руҳий-эмоционал ҳолатларини ва ҳатто ҳаракат йўналишини ўзгартиришдир.

Юридик адабиётларда терговда «**психологик реагент**»дан фойдаланиш билан боғлиқ тактик усуллар қўллашга йўл қўйилиши кўрсатилган. Бундай реагентлар вазифасини нарса, инсон, факт, ҳодиса, хабар бажариши мумкин. Психологик реагентлар улардан фойдаланишнинг асл мақсадига кўра муайян тарзда тизимлаштирилади (мисол учун терговчининг «бехослик» омилини ишга солиши гумонланаётган шахсда худди унинг шериги фош этилгандай таассурот туғдириши мумкин). Бунда айбсиз одамга у фарқсиз бўлади, айбдор онгида эса у жиноят билан боғланади ва тегишли шартсиз реакцияларни келтириб чиқаради. Ушбу реакция кўпинча ташқаридан, масалан, шахс қўлларининг қалтираши, юз мимикалари ва овоз тембрларининг ўзгариши ва ҳоказоларда кўриниб туради¹. Айбланувчининг ҳар бир кўрсатмасини диққат билан текшириб кўриш, ўз фаолиятини қонун ва ахлоқ нормалари доирасида юритиш терговчига қўйиладиган асосий талаблардан биридир.

Тергов жараёнида махсус билимларни ишлатишнинг энг муҳим шаклларида бири терговчи томонидан жиноятларни тергов қилганда, яъни жиноят воқеаси ва уни содир этган шахсларни аниқлашда, бевосита тегишли фактик маълумотларга алоҳида диққат-эътиборни қаратиш бўлиб, улардан унумли фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади.

Тергов ҳаракатларини олиб боришда кўпгина ҳолатларда воқеадаги мужмаллик ва ҳар хил субъектив сабаблар криминалистикадан, суд тиббиётидан мутахассисларни жалб қилишни тақозо этади, иккинчи томондан мутахассиснинг фикри шартдир. Бундай шахслар шу соҳада махсус билим, кўникма ва тажрибага эга бўладилар.

Тергов жараёни психологик таҳлил объекти сифатда қуйидагиларга бўлинади.

¹ Қаранг: *Селиванов Н.* Этико-тактические вопросы расследования. – М., 1999. – С. 55.

Умумий тергов жараёни. Бунда терговчи ҳар хил умум фаолият орқали мақсадга эришади. Бунинг учун турли тусмоллар, операциялар ўйланади ва кўпгина шахслар ёрдамида амалга оширилади. Гувоҳ ва гумон қилинаётган шахслар билан мулоқотга киришиш орқали маълумотларни йиғишда ички ва ташқи бир-бирига манتيкий боғлиқлик юзага келади, унинг эҳтимоллик даражаси ҳам ҳар хил бўлади.

Алоҳида тергов ҳаракати. Бу маълум бир вақтда бир нечта субъект билан боғлиқ бўлади. Ушбу тергов жараёнига очик ривожланувчи тизим сифатида қараш мумкин, бунда ҳар бир шахс алоҳида вазифани бажаради.

Тергов жараёни олиб бориш фаолияти аниқ шахсларга қаратилади. Тергов фаолиятининг объекти шахслар ва уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Ўрганилаётган объект тергов жараёнида нафақат ўрганиш объекти, шунингдек тарбия субъекти ҳамда маълумот олиш манбаи ҳамдир, унинг (субъектнинг) ҳиссий-эмоционал ҳолати ва хатти-ҳаракати тергов жараёнига ижобий ёки салбий таъсир қилади. Жиноятчи шахсининг фаолиятини ўрганиш спирал шаклида деб қараш мумкин, чунки спирални бир учи топилгандан кейин унинг охирини топиш осонроқ бўлади, яъни фактлар бир-бирига уланади. Бизга маълумки, содир қилинган жиноят изсиз қолмайди, қандайдир даражада, қандайдир ҳажмда психологик из қолади, бу из орқали жиноятнинг тузилишини идрок қилиш ва хаёлий моделини яратиш мумкин.

Тергов ишларини олиб боришда терговчи назарий фикрлар асосида, йиғилган фактларга суяниб энг қулай йўл танлайди ва яқуний хулосага келади. Ўтмишдаги воқеаларни хотирада тиклашда фақатгина биринчи босқичда ҳаётин назарий билимларга таянади ва тахминий воқеаларнинг моделини тизимлаштиради, фактларни бир-бирига боғлайди, иш давомида фактларни тўлдириб боради.

Бунда билиш жараёнлари терговчининг амалий фаолиятини ҳам қамраб олади. У фаолиятида кўпроқ ўз билими, кўникмаси ва тажрибасига суянади. Тергов фаолияти давомида бутунлай шу муаммо билан яшайди, шу муаммо билан нафас олади. Тергов жараёнида маълумотларнинг кўпайиб ёки жуда ҳам камайиб кетиши терговчи

ишини оғирлаштиради. Бир қарашда ҳамма фактлар ишга тааллуқлига ўхшайди, амалда эса кейинчалик кўпи пучакка чиқиб кетади. Бундай далиллар терговчининг қандай қийинчиликлар ва қайси йўллар билан объективлик муаммосини ечаётганини кўрсатади. Табиийки, бундай вазиятлар терговчидан кучли иродавий хислатларни талаб этади.

Тергов ҳаракатини олиб боришда терговчининг руҳий ҳолати ҳам кўп нарсани белгилайди. Жумладан:

1) жиноят содир бўлганидан кейин жабрланувчиларнинг ҳиссий-эмоционал ҳолати терговчида руҳий ўзгаришларни юзага келтириши;

2) жиноят содир бўлганидан кейин шахсни аниқлашдаги ҳолатлар;

3) ёмон ҳолатни юзага келтирувчи объектлар (масалан, мурда);

4) тергов фаолиятида кутилмаганда воқеаларнинг бирдан ўзгариши (кўрсатмаларидан воз кечиш ҳоллари).

Тергов фаолиятида воқеаларнинг хаёлий моделини тиклашда терговчи иккита йўлни танлайди:

– объектив борлиқни қабул қилиш (яъни хоналарни, нарсаларни кўриш ва ҳужжатларни текшириш);

– оғзаки, ёзма хабар ва далилларни қабул қилиш.

Дастлабки тергов фаолиятини олиб боришда терговчининг қуйидаги хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга:

1) ўзи ҳиссиётини бошқара билиши;

2) тергов давомида гумон қилинаётган шахснинг руҳий-эмоционал ҳолатини тушуниши;

3) шахснинг тўлиқ гапириши учун шароит яратиб бериши ва уни эшита билиши.

Тергов фаолиятида ҳар хил соҳа кишиларини тергов қилиш жараёнида терговчи керакли, зарур маълумотларни олади, лекин бу маълумотлар ҳамма вақт ҳам аниқ ва равшан бўлавермайди. Шунинг учун ҳам турли воқеа-ҳодисалар билан таққослаш, умумлаштириш, тажрибали ходимлардан маслаҳат сўраш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ишнинг самарали бўлиши ҳамда муваффақиятли яқун топишига олиб келади.

2. Воқеа содир этилган жойни кўздан кечириш психологияси

Юридик психологияда воқеа содир бўлган жойни кўриш маълумот тўплаш жараёни бўлиб, уларни анализ, синтез қилиш, таққослаш ва умумлаштириш орқали зарур маълумотларни йиғиш, демакдир.

Юриспруденцияда эса воқеа содир бўлган жой – жиноят, бахтсиз ҳодиса, табиий офат ёки ҳодиса аломатлари бор деб қараладиган жой. Кўрсатмаларни воқеа жойида текшириш, баъзи бир ўхшашликлар мавжуд бўлишига қарамай, сўроқ қилиш, воқеа содир бўлган жойни текшириш, жиноятчини таниш учун кўрсатиш, тергов эксперименти каби тергов ҳаракатларидан моҳияти жиҳатидан фарқ қилади.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш алоҳида тергов ҳаракати бўлиб, жиноят изларини, бошқа далилий ашёларни излаб топиш, воқеа тафсилотини ҳамда ушбу жиноий ишга алоқадор бошқа тафсилотларни аниқлашга қаратилган бўлади. Айни чоғда кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари: ҳибсга олиш, далилий ашёни топиш, тергов эксперименти, кўрсатмани воқеа жойида текшириш каби жараёнларнинг таркибий қисми ҳамдир.

Воқеа жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатларининг энг муҳим, асосий шартларидан бири айнан шу пайтда олинадиган таассуротлар, маълумотларнинг ўрнини бошқа тергов ҳаракатлари ёрдамида тўлдириб бўлмаслигидир. Жиноятчининг қўл ва оёқ излари, фойдаланилган қуроли ҳақидаги маълумотлар бунга мисол бўла олади. Воқеа жойидаги таассуротлар терговчиларга тафсилотларни тўғри тасаввур қилиш имконини беради.

Воқеа жойини кўздан кечириш ҳаракати зудлик билан ўтказилиши шарт. Ушбу ҳаракатни кечиктириш ёки ортга суриш шарт-шароитнинг ўзгариши, излар ва далилий ашёларнинг ғойиб бўлиши, ҳодисани кўрган ва гувоҳларнинг муҳим ҳолатларни унутиб қўйишларига олиб келиш эҳтимолини туғдиради. Агар терговчи воқеа жойини бевосита кўздан кечириб, далилий ашёларни топиб, натижасини протоколга қайд этса, тезкор ходим терговчи руҳсати билан жиноятни очишга қаратилган тезкор-қидирув ишлари билан шуғулланади, мутахассис ёки эксперт-криминалист

терговчига изларни топиш, акс эттириш ва нусха кўчиришда ёрдам беради,

Бу тадбирлар кўздан кечириш билан бир пайтнинг ўзида ўтказилиши, кейинроқ аслига тўғрилигини текшириб кўриш имкони сақланиши лозим.

Кўздан кечириш мобайнида маълумотларнинг камлиги ёки танқислиги шароитида қийин масалаларни фикран ҳал этишга тўғри келади. Терговчи бундай вазиятда қўлга киритилган фактлар, айрим тафсилотларга таянади, ўз билимлари, профессионал ва ҳаётий тажрибасидан кўпинча ҳиссий (интуитив) эҳтимоллик ва тахминлар даражасида фойдаланади. Айниқса, гувоҳларсиз содир этилган қотиллик жиноятларини очишда терговчининг ижодий тасаввури ва сезиш қобилиятининг фойдаси каттадир.

Тергов сезиш қобилияти маълумотлар қарийб йўқ бўлган бир вазиятда вазифани тез ва бевосита ҳал этишга оид тажриба ҳамда билимлардан орттирилган ақл-идрок қобилиятидир. Турли тусмоллар (версия)нинг текшириб кўрилиши жараёнида дастлабки фараз пуч бўлиб чиқиши мумкин. Бу психологик нуқтаи назардан иккита оқибатни келтириб чиқаради. Аввало етишмаётган маълумотларни қидиришга киришилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладикки, янги маълумотлар топилмайди, айтини чоғда масаланинг ечими мавжуд фактлар ичида яширинган, деб ўйлашларига асос бўлади. Бундай ҳолатларда илгари яратилган тафсилотлар тизимини алоҳида қисмларга ажратиш ҳамда уларнинг ҳар бирини илгари эътиборга олинмаган алоқадорликда қайтадан мушоҳада қилиб кўриш зарур. Иккинчидан, ана шу ҳолатда объектни янги алоқадорлик занжирида кўриб чиқиш, унинг янги белгиларини очишда тафаккурнинг асосий ҳиссаси кўзга ташланади. Янгича алоқадорликда ўша предметларнинг ўзи янги мазмун касб этади. Бу таҳлил асосида янги тафсилотлар тизими пайдо бўлади, шунингдек бошқа тахминлар туғилади.

Жиноятнинг қай йўсинда содир этилгани, жиноятчининг қай жинсга мансублигини ҳам воқеа жойини кўздан кечириш пайтида тусмоллаб билиш мумкин. Воқеа жойида жиноятчининг ёши, жиноятчиларнинг касб-кори, профессионал малакаси, билим ва кўникмалари айнан акс этади (мисол учун слесар сейфни бузишга,

электромонтёр огоҳлантирувчи сигнализацияни ўчириб қўйишга устаси фаранг бўлади).

Воқеа жойини кўздан кечириш жараёнида ўтказиладиган психологик таҳлил содир этилган жиноят мотиви хусусида хулоса чиқариш имконини туғдиради. Жиноят характер чизгилари (очкўзлик, шафқатсизлик), иродавий хусусиятлар (жанггарилик, кўрқоқлик)ни акс эттириши мумкин. Воқеа жойидаги тафсилотлар баъзан субъект томонидан жиноят содир этилаётган пайтдаги унинг айрим психологик, хусусан ҳиссий (эмоционал) ҳолатини ҳам намоён этади.

Шунингдек, тергов ҳаракатида жиноят изининг қалбаки эканлигини кўйидаги ҳолатларда кузатиш мумкин:

- жиноят изининг очик-ойдин қолдириб кетилиши;
- жиноят содир бўлган жойда ҳар хил изларни қолдириш;
- жиноят содир этилган жойда жиноят излари бекитилганининг аниқ кўришиб туриши билан изоҳлаш мумкин.

Тергов ҳаракатларини ишлаб чиқишда воқеа содир бўлган жойни кўриш кенгроқ мақсадларга хизмат қилади.

Биринчидан, сўроқ қилинаётган шахс воқеа жойида бўлган воқеанинг механизмини намоёиш қилиш, воқеани хотирада қайта тиклаш, у ҳақида янада тўлиқ, ҳар томонлама ва объектив кўрсатмалар бериш имкониятига эга бўлади.

Иккинчидан, воқеа содир бўлган жойни кўриш жараёнида терговчи кўрсатмаларни фақат эшитибгина қолмай, балки уларни ифодаловчи ҳаракатларни бевосита кузатиш имкониятига эга бўлади, кўрсатилган буюмлар, бино, ер участкаларини текшири-лаётган кўрсатмаларга таққослаш асосида яхшироқ тушуниб олади.

Учинчидан, воқеа содир бўлган жойда кўрсатмаларнинг қайтарилишида ва натижаларини қайд қилишда фақат аниқ шахс-нинг кўрсатмалари ифодаланмай, балки бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатлари, хонадаги буюмлар, излар шунингдек, реал шароит, вазият билан олинган фактик ҳолатлар ҳам қайд қилинади.

Шу билан бирга, мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда албатта холис гувоҳларнинг иштирок этиши талаб қилинади. Воқеа содир бўлган жойда кўрсатмаларни текшириш жараёнида фақат жойнинг, бинонинг, шахс кўрсатган ер майдонларининг ўзигина текширилади ва қайд қилинади. Агар кўрсатмада қайд этилган жой илгари

текширилган бўлса, текширув ва тинтув вақтида нарсаларнинг ҳолати ўзгартирилган, ҳатто улар тергов ишига кўшиб кўйилган бўлиши мумкин. Бундай ўзгаришлар психологик нуқтаи назардан кўрсатмаларни тўғри беришга шароит яратади. Шахс сўроқ қилиб бўлинганидан кейингина унинг кўрсатмаларини воқеа жойида текшириш мумкин.

Тергов ҳаракатларини ишлаб чиқишда воқеа содир бўлган жойни кўришнинг тахминий 7 та ҳолати мавжуд:

- 1) воқеа содир бўлган жойни умумий ҳолда кўриш;
- 2) ён-атрофдаги жойларни кўриш;
- 3) хоналарни кўриш;
- 4) предметларни кўриш;
- 5) хонадаги ҳужжатларни кўриш;
- 6) агар шахс ўлган бўлса, жасадни кўриш;
- 7) почта, телеграф, хатларни кўриш

Дастлабки тергов ҳаракатларини ишлаб чиқишда терговчи куйидаги учта асосий вазифани ечишга ҳаракат қилади:

1) тергов жараёнига алоқадор бўлган маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш;


2) йиғилган ҳужжатларни фикран таҳлил қилиш ва тахминий хулосаларга келиш;

3) воқеа содир бўлган жойдан йиғилган материалларни аналитик нуқтаи назардан таҳлил қилиш.

Кўриладиган ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишда, жинойтнинг турини аниқлашда психология фанининг аҳамияти ўзига хосдир.

Кўрсатмаларни ҳодиса жойида текширишнинг психологик функцияси икки манбани ўз ичига олади. Биринчиси, сўроқ қилинаётган шахснинг ички рухий ҳолати, индивидуал психологик хусусиятлари, иккинчиси, ҳодиса жойидан олинган кўрсатмалар ва ҳаққоний ахборотлардан иборатдир.

Кўрсатмаларни ҳодиса жойида текшириш илгари берилган кўрсатмаларни мазмунини аниқлаштиради. Терговчининг сўроқ қилинаётганга берадиган саволлари унинг рухий-эмоционал ҳолатига таъсир қилади ва объектларни аниқлашга имконият яратади, сўроқдаги шахснинг ёлғон гапиришига йўл қўймайди, кўрсатмаларни ойдинлаштиради.



Шундай экан, воқеа жойини кўздан кечириш моддий объектлар, уларнинг белгилари ҳамда ходисани тергов қилиш учун катта аҳамиятга эга бўлган, у юз берган ва излари топилган макондаги ўзаро алоқаларни аниқлаш ҳамда бевосита тадқиқ этишдир. Воқеа жойини кўздан кечириш юз берган жиноий ҳодиса ҳақидаги маълумотларни, жиноят ишини кўриб чиқиш учун аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишда фаол, мақсадли идрок этиш, таҳлил қилиш ва олинган ахборотни синтезлаш сифатида таърифланади. Терговчининг воқеа жойини кўздан кечириш чоғидаги фаолиятини, шунингдек, ҳар хил маълумотларни қидириб топиш ва ишлатиш ҳамда процессуал жихатдан қайд этиш орқали жиноий воқеанинг фикрий моделини тузиш жараёни сифатида ҳам таърифлаш мумкин.

Ҳар бир жиноят моддий вазиятда муайян ўзгаришларга учрайди ва одамларнинг онгида ўз аксини топади. Воқеа жойидаги вазиятнинг ўзгариши аниқланиши, қайд этилиши, текширилиши ва далил сифатида фойдаланиши мумкин.

Воқеа жойини кўздан кечириш одатда бирламчи тергов ҳаракатларига киради, шахсга қарши ўта хавфли жиноятларга доир ишларнинг аксарияти эса воқеа жойини кўздан кечиришдан бошланади. Бунда ишнинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги кўп жихатдан тўғри тусмолнинг илгари сурилишига боғлиқ. Бошқа томондан, у кўп ҳолларда терговнинг боришига салбий таъсир кўрсатади, уни нотўғри йўлдан кетишига ёки боши берк кўчага киришига олиб келади.

Воқеа жойини кўздан кечириш жиноят изларини, бошқа ашёвий далилларни топиш, воқеа ҳолатларини, шунингдек иш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадларида ўтказиладиган мустақил тергов ҳаракати ҳисобланади. Шу билан бирга, кўздан кечириш бошқа тергов ҳаракатлари – ушлаб туриш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, тергов эксперименти, кўрсатмаларни воқеа жойида текшириш кабиларнинг таркибий қисми бўлиши ҳам мумкин¹.

Воқеа жойини кўздан кечириш алмаштириб бўлмас тергов ҳаракати ҳисобланади, чунки кўздан кечириш чоғида олинadиган маълумотни аксарият ҳолларда бошқа жойдан топиш, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали олиш мумкин бўлмайди. Масалан, жиноятчининг оёқ ва қўл излари, унинг бузиш қуролини қўллаш усуллари ана шуларга мисол бўла олади. Терговчи воқеа жойидаги объектларни ўрганиш жараёнида билишнинг тергов йўналишини белгилаш ва воқеаларнинг ҳақиқий хусусиятини аниқлаш имконини берадиган фактлар ва ҳолатларни топишга қаратилган турли хил шакл ва усулларидадан фойдаланади².

Воқеа жойидаги ҳолатни идрок этиш терговчига ҳодисанинг манзарасини тасаввур қилиш имконини беради, тусмолларни илгари суриш, бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарур эмпирик база яратади. Албатта, ҳеч қандай ҳужжат таҳлили, баённомалар, чизмалар, фотосуратлар бевосита кўришнинг ўрнини боса олмайди, ана шунинг учун ҳам аввалги йилларда содир этилган ва очилмаган жиноятлар ишлаш учун қабул қилинганида, вазият катта ўзгаришларга учраган ҳолларда ҳам воқеа жойида бўлиш ва у билан танишиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жуда кўп ҳолларда воқеа жойини кўздан кечириш терговнинг бошланғич босқичига хос бўлган ноаниқ тергов вазияти шароитида ўтказилади. Бунда нима юз бергани, яъни жиноят, бахтсиз ҳодиса, уюштирилган воқеа, агар жиноят содир этилган бўлса, у қандай жиноят, уни ким ва нима учун содир этиши мумкинлиги аниқланади.

¹ Қаранг: *Чуфаровский Ю.* Юридическая психология. – М., 2005. – С. 158.

² Қаранг: *Шмидт А. А.* Сущность и понятие осмотра места происшествия. Следственные действие (криминалистические и процессуальные аспекты). – Свердловск, 1999. – С. 89.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ўзига хослигини унинг кечиктириб бўлмас хусусиятга эгаллиги ҳам ташкил этади. Аксарият бошқа дастлабки тергов ҳаракатларидан фарқли равишда воқеа жойини кўздан кечириш зудлик билан ўтказилиши керак. Ҳар қандай кечикиш вазиятнинг ўзгаришига, из ва далиллар йўқолишига, воқеа шохидлари ва гувоҳлари иш учун муҳим ҳолатларни унутишига олиб келиши мумкин. Бундай шароитда терговчида кўздан кечиришга, унинг тактикасини ўйлаб кўришга, маслаҳат олишига етарли вақт бўлмайди. У жуда тез ҳаракат қилиш керак, акс ҳолда йўл қўйган хатосини тузатиш қийин кечади, бу далиллар ўрнини тўлдириб бўлмас даражада йўқолишига олиб келиши мумкин. Буларнинг бари терговчида юқори даражадаги масъулият ҳиссини юзага келтиради, ёш, етарли тажрибага эга бўлмаган ходимларда эса кўпинча «хато қилишдан қўрқиш» деб аташ мумкин бўлган ўзига хос ҳолат юзага келади. Бу ортиқча ҳаяжонланиш, ўзини йўқотиш, шошма-шошарлик, оқилона фаолликнинг, мақсадга мувофиқликнинг пасайишида намоён бўлади, аниқ фикрий фаолият юрита олмасликка, кўздан кечириш иштирокчиларининг ҳаракатларини тўғри бошқаришда қобилиятсизликка олиб келади. Айни вақтда шу нарса яхши маълумки, малакали терговчилар худди шундай мураккаб вазиятда нафақат тез, балки мақсадга йўналтирилган тарзда, бутун диққат-эътиборини жамлаган ҳолда ҳаракат қиладилар. Уларнинг кузатувчанлиги, фикрий фаолияти кучаяди, улар кўздан кечиришнинг боришига моҳирлик билан раҳбарлик қиладилар. Умуман олганда, бундай терговчиларда барча маънавий ва жисмоний кучлар сафарбар этилади¹.

Воқеа жойига чиқиш учун тайёргарлик кўриш чоғида терговчининг бўлғуси фаолиятга руҳий жиҳатдан тайёрланиш зарурати юзага келади. У воқеанинг хусусиятига қараб ўз ҳаракатларининг умумий тартибини моделлаштиради, юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш йўналишларини шакллантиради.

Воқеа жойини кўздан кечириш иштирокчиларининг қарашлари психологик жиҳатдан мос келиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Терговчи ҳокимият ваколатига эга бўлса-да, шахслараро муносабатларнинг психологик жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Унинг кўздан кечириш иштирокчилари билан

¹ Қаранг: *Глазырин Ф. В.* Психология следственных действий. – Волгоград, 1993. – С. 7.

иш юзасидан хушмуомала муносабатда бўлиши бир гуруҳ шахслар иштирок этадиган воқеа жойини кўздан кечиришни муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шартидир.

Пухта ишланган дастлабки руҳий, ташкилий ва техникавий тайёргарлик воқеа жойини кўздан кечириш муваффақиятли ўтишининг гаровидир.

Воқеа жойини кўздан кечириш бошланишидан аввал терговчи ташкилий ишларни (тезкор гуруҳни танлаб олиш, илмий-техникавий воситаларни тайёрлаш ва текшириш, мутахассисларни таклиф этиш, воқеа жойини қўриқлаш кабиларни) амалга ошириши керак. Тезкор гуруҳ аъзоларининг ўз вазифаларини яхши билиши, бир-бирлари билан аниқ ҳамкорлик қилиши катта аҳамиятга эга. Тезкор гуруҳни ташкил қилишда иштирокчиларининг касбий маҳорати ва ҳаётий тажрибасини уйғунлаштиришнинг, ўзаро психологик мос келишининг (бирга ишлашга, ўзаро ёрдам беришга, ҳар қандай вазиятда оғир бўлишга, хайрихоҳлик, ўзаро тутиш, ўзаро ҳурматни сақлаб қолишга тайёрлик, юзага келган низоларни тез бартараф эта олишнинг) мақсадга мувофиқлигини ёдда тутиш зарур.

Воқеа жойини кўздан кечириш терговчи ошкора, бошқа одамлар ҳозирлигида ҳаракат қиладиган кам сонли тергов ҳаракатлари қаторига киради. Бу ҳам муайян руҳий тайёргарликни, жумладан фикрни жамлай олиш, оғир-вазмин бўлиш, диққатни жамлаш ва зарур бўлганида бошқа нарсага кўчира олиш, айти вақтда воқеа жойини кўздан кечириш иштирокчиларининг ҳаракатларига раҳбарлик қилиш, зарур интизомни, ҳамкорлик муҳитини сақлаш маҳоратини талаб қилади.

Воқеа жойини кўздан кечириш – терговчи, суриштирув органининг ходими, мутахассислар ва шохидлардан иборат бўлган ҳамда терговчи раҳбарлик қиладиган мураккаб, кенг қамровли фаолият тури. Терговчининг фаолияти бир қатор операциялардан ташкил топади ҳамда билиш, излаш, ташкил қилиш ва ишонч ҳосил қилиш элементларида амалга ошади. Уларни қисқача тавсифлаб ўтамиз.

Фаолиятнинг билиш элементи куйидагиларни ўз ичига олади:

- вазиятни, фактлар ва ҳодисаларни идрок этиш;
- улар ўртасидаги сабабий алоқани аниқлаш;
- тахминлар, тусмолларни илгари суриш.

Фаолиятнинг қидириш элементи – жиноятчининг ҳаракатлари туфайли келиб чиққан ўзгаришларни излаш ва топиш; излар, ашёвий далилларни олиш.

Терговчи фаолиятининг ташкилий элементи кўздан кечириш вақтида тезкор гуруҳга раҳбарлик қилиш ҳаракатларини (воқеа жойининг қўриқланишини ташкил қилиш, жабрланувчига кўмаклашиш, вазифаларни кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида тақсимлаш кабиларни) ўз ичига олади.

Терговчи фаолиятининг далиллаш элементи ўз ичига кўздан кечириш давомида топилган излар, ашёвий далилларни, аниқланган фактларни қайд этиш, тасдиқлаш ва мустаҳкамлашни олади.

Терговчи воқеа жойини кўздан кечириш баённомасини тузади, чизмалар тайёрлайди; ўзи ёки мутахассис ёрдамида фотосурат, киносурат, аудио-видео ёзувга олишни амалга оширади. Кўпинча воқеа жойидаги барча нарсалар келтирилган инвентар рўйхатга ўхшаш баённомалар учрайди. Терговчи бу тариқа ҳаракат қилганида айрим ҳолатларнинг аҳамияти ҳақида ўйлаб ўтирмайди, қамраб олиш мумкин бўлмаган нарсани қамраб олишга ҳаракат қилади. Муваффақиятсизликка маҳкум бўлган бундай ҳаракат кўздан кечириш доирасини аниқлаш, ушбу иш бўйича муҳим белгиларга эътиборни қаратишга ҳалал беради.

Терговчининг воқеа жойини кўздан кечириш чоғидаги фаолиятининг юқорида санаб ўтилган томонларини ажратиш муайян даражада шартли хусусиятга эга. Амалиётда терговчининг воқеа жойини кўздан кечириш жараёнидаги фаолияти доимо яхлит бирликни ташкил қилади.

Рус олими В. Л. Васильевнинг ёзишича, воқеа жойини муваффақиятли кўздан кечириш учун қуйидаги учта вазифани айнан баён этилган кетма-кетликда бажариш тавсия этилади.

Биринчи вазифа – тергов қилинаётган ҳодисага алоқадор бўлиши мумкин бўлган ҳамма маълумотларни тўплаш. Бу босқичда фақат бир тусмолга тўғри келадиган маълумотларни тўплаш билан чекланмаслик керак.

Иккинчи вазифа – тўпланган ахборотни таҳлил қилиш ва шу асосда юз берган воқеани изоҳлайдиган тусмолларни яратишга уриниб кўриш.

Учинчи вазифа – илгари сурилган ҳар бир тусмолни воқеа жойидаги барча ҳолатлар билан қиёслашдан иборат. Бундай қиёслаш давомида барча зиддиятлар ҳолисона таъкидлаб ўтирилиши лозим.

Агар иккинчи вазифани бажаришда лоақал битта, етарлича асосланган тусмолни илгари суриш имкони бўлмаса, терговчи шошилганлигини тан олиши ва биринчи вазифани (ахборот тўплаш вазифасини) бажаришга қайтиши лозим.

Илгари сурилган ҳар бир тусмолни текшириш чоғида зиддиятлар аниқланса, яна биринчи вазифани бажаришга қайтиш, сўнгра эса иккинчи вазифага ўтиш зарур¹.

Воқеа жойини кўздан кечириш нафақат жиноят ҳодисалари ҳақида, балки шахсининг кўплаб (жисмоний, биологик, психологик) хусусиятлари тўғрисида ҳам маълумотлар олишга имкон беради. Жиноят инсоннинг мақсадга қаратилган онгли фаолияти турларидан бири сифатида ҳуқуқбузар шахсининг кўпгина хусусиятларини акс эттиради. Шу боис жиноят содир этилганида далиллар муқаррар равишда юзага келади, уларнинг юзага келиш жараёнининг ўзи эса қонуний хусусиятга эга.

Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатига психологик тавсиф берар эканмиз, бу махсус уюштирилган, режа асосида олиб бориладиган комплекс тадбир бўлиб, бунда асосий вазифани терговчи ўйнайди.

3. Тинтув ўтказиш психологияси

Тинтув ўтказиш воқеа жойини кўздан кечиришдан фарқли ўлароқ, терговчининг излов фаолияти тинтув вақтида кўпинча қидириладиган нарсалар топилишидан манфаатдор бўлмаган шахслар билан бевосита мулоқот шароитида, ўзларининг процессуал мақомига кўра терговчининг ҳаракатлари самарадорлигини, индивидуал психологик, касбий хислатларини ва унинг шахсига хос бошқа жиҳатларни баҳолаш учун бевосита имкониятга эга бўлган шахсларнинг очиқчасига руҳий қаршилик кўрсатиши шароитида амалга оширилади².

Тинтув психологик жиҳатдан мураккаб ва ўзига хос тергов ҳаракати ҳисобланади. Унинг асосий элементларидан бирини тинтув қилинадиган шахсга нисбатан мажбурлов чораларининг қўллалиши ташкил қилади. Тинтув вақтида терговчи ва унда иштирок этаётган бошқа мансабдор шахслар жиноятни тергов қилиш учун

¹ Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – М., 2001. – С. 352–353.

² Қаранг: *Романов В. В.* Юридическая психология. – М., 1998. – С. 358.

зарур маълумотлар топиш мақсадида уй-жой, турли иморатлар, худудларни, кийим-кечак ва ҳатто инсоннинг баданини кўздан кечирадилар ва текширадилар.

Тинтув яширилган (кўпинча била туриб онгли равишда яширилган) объектларни қидириб топиш бўлиб, кўздан кечиришдан фарқли равишда терговчига ушбу ҳаракат олдига қўйилган мақсаднинг маълумлиги, шу билан бирга, қидирилаётган объект қаерда эканлигини аниқлаш йўллариининг ниҳоятда ноаниқлиги билан ажралиб туради.

Тинтув – шахсларни, предметларни, хоналарни онгли равишда яширинган объектларни топишда фаол ва мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок этилган, кейинчалик тўпланган маълумотларни анализ ва синтез қилишдан иборат бўлган тергов ҳаракати.

Тинтув ўтказиш терговчидан турли-туман психологик сифатлар, профессионал билим, қобилият ва малакани талаб қилади. У тинтув учун кўмаклашадиган омил, вазиятлардан фойдалана билиши шарт. Муайян мақсадни кўзлайдиган кузатув ҳамда тинтув ўтказилаётган жойда ҳолатни тўғри таҳлил қилиш, қидирилувчи ва яширинувчи шахс психологиясидан бохабар бўлиш, тинтув қилинаётган шахс хулқ-атворини кузатиш терговчи учун муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан тинтув кўп табақали фаолият бўлиб, унда иштирок этаётган ходимлараро ҳаракатларни мувофиқлаштириб олиш, умуман ҳар томонлама тайёргарлик ва ишларни режалаштиришни талаб этади. Шунинг учун тинтув қилинажак объектнинг ҳамда тинтув тартибининг лойиҳасини тузиб олиш, унда ҳар бир мансабдор шахснинг вазифаларини белгилаб қўйиш, тергов бўлини маси билан алоқа йўсинини кўзда тутиш, холислар танлашни аввалдан ўйлаш керак.

Тинтув ўтказишга оид ташкилий ишлар одатда терговчи зиммасига юкланади. У ўз ҳаракатлари ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари аниқлиги, бир-бирини тўлдириши, узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлаши лозим.

Жумладан, терговчи тинтув вақтини тайинлайди, тергов ҳаракати иштирокчиларини жамлайди, зарур техник воситаларни тайёрлайди, зарурат туғилганда мутахассисларни жалб этади,

тинтув қилинажак жой эгаларининг шахсларини ўрганишни уюшти-
ради, тинтувнинг энг мақбул тактикасини белгилайди.

Тинтув пайтида маълумот олишнинг асосий усулларидан бири кузатиш ва унинг натижаларини дарҳол таҳлил қилиш ҳисобланади. Айниқса, тинтув қилинаётган шахс хулқ-атвори жуда кўп нарса-
ларни айтиб бериши мумкин. Бундай кузатишдан имкони борича тўлароқ ва ҳаққонийроқ натижага эришиш учун бевосита тинтув вазиятида тинтув қилинаётган шахс хулқ-атворининг психологик қонуниятларидан ҳар томонлама бохабар бўлиш зарур.

Тинтув ўтказиш учун турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб этиш керак, улар ҳар бир нарсанинг моҳиятини, қўлланиш соҳа-
сини, ундаги нуқсонларни, ўзига хос аломатларини илғаб олишга қодирдирлар.

Тинтув ўтказиш учун хоналарни хонадон эгаси фойдаланадиган чироқ нуридан ортиқроқ даражада ёритиш, теварак-атрофни яхши-
роқ идрок қилиш шароитини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу тин-
тув қилинаётган шахс оддий ёруғликда кўрмай, пайқамай қолган, йўқотишга улгурмаган белги ва изларни топиб олиш имконини яратади.

Кўпчилик пайтларда тинтув қалтис вазиятларда, асабий таранг-
лик, мураккаб психологик муҳит, нафрат, қаҳр-ғазаб кучайган вақт-
ларда ўтади. Тинтув жараёнида можароли вазият туғиладиган бўлса, таъсир кўрсатиш методларидан бири – буйруққа бўйсундириш ҳам қўлланиши мумкин. Бу ўша заҳоти тинтув қилинаётганнинг хулқи, организмнинг асаб-гуморал регуляция жараёни ўзгаришига олиб келади.

Терговчининг иккинчи муҳим вазифаси – тинтув жараёнида тинтув ўтказилаётган шахс билан оғзаки муомала (контакт) ўрна-
тишдан иборат. Тинтув пайтида тинтув қилинаётган шахсни имкони борича суҳбатга тортиш, у ёки бу предметларнинг зарурати ҳақида саволлар бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг сўзлари ички ҳолатини, терговчининг айрим ҳаракатларига ёки сўз бораётган нарсага муносабатини сездириб қўяди. Сўз оҳанги, гапириш услуби кишининг ҳақиқий кечинмалари, муносабати тўғрисида нисбатан кўпроқ маълумотларни бериши мумкин.

Тинтув қилинаётган шахснинг турли хатти-ҳаракатлари:

– тинтув иштирокчилари диққатини айрим жой ва предметлардан чалғитиш, тинтувга халақит бериш ва уни тўхтатишга уриниш;

– баъзи нарсаларни олиб қўйиш ёки уларга кишиларни яқинлаштирмасликка интилиш;

– тинтувнинг бесамаралиги, айрим объектларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигига ишонтириш кабиларда намоён бўлиб, унга нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Терговчи тинтув мобайнида ахлоқий-этик меъёрлар доирасидан четга чиқмаслиги, бошдан охиригача хушмуомалалик билан иш кўриши, қўполлик, ҳақорат, қўрқитишга йўл қўймаслиги зарур. Терговчи уйи тинтув қилинаётган шахсга нисбатан нафрат, ғазаб, жирканиш ҳисларини яшира олиши, ўзини тута билиши, айниқса, хатти-ҳаракатлари билан оиланинг бошқа аъзолари иззат-нафсига тегмаслиги даркор. Тинтув пайтида ҳужжатларни, тинтув қилинаётган шахснинг шахсий ҳаётига оид гувоҳномаларни, ёзишмалар, суратлар, кундаликларни кўздан кечираётганда терговчилик одобига риоя қилиш талаб қилинади.

Психологик характерга эга муаммолар тинтув бошиданоқ пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун айбланувчи ёки гумонланувчининг уйига киришда шундай усулни қўллаш керакки, қаршилиқ кўрсатиш, жиноят қуролларини, қимматбаҳо буюмларни, муҳим далилий ашёларни яшириш ёки йўқ қилишга имкон қолмасин.

Тинтув ўтказилаётганда айбланаётган шахснинг маълумоти, маданияти, касби, билими, ақл-идроки, қобилятини эътиборга олиш муҳимдир, бу далилий ашёларни яшириш жойи ва усулини чамалаб олишда катта ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, қуролни олиб қўйиш мақсадида ўтказиладиган тинтувда тинтув ўтказаетган кишилар ҳамда шу ердаги бошқа одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг асосий шартлардан биридир, шунинг учун тергов ҳаракати бошланиши билан шахсий тинтув ўтказилмоғи талаб қилинади. Айбланувчи ва унинг оила аъзоларини жинорий ишда муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни топиш мақсадида бошдан-оёқ тинтиб кўришни эса тинтув жараёнининг охирида ўтказган маъқул.

Тинтув мобайнида айбланувчини фош этадиган предметларнинг топилиши уни оғир психологик аҳволга солиб қўяди, кўпгина психологик жараёнларни издан чиқариб, содир этилган

жиноятга дахлсизлигини тасдиқлашга уринишдан иборат иродавий ҳаракатларини сустлаштиради. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда тинтув пайти топилмаган маълумотларни янги ҳолатлар билан мустаҳкамлаб олиш мақсадида тинтувдан кейин дарҳол сўроқ ва юзлаштиришни ўтказиш яхши самара беради.

Тинтув жойида қатъий интизом ўрнатилиши, асосий ишдан диққатни чалғитувчи ортиқча гап-сўзларга йўл қўймаслик, бекордан-бекорга хонама-хона юриш тақиқланиши зарур.

Тинтув содир этилган воқеа-ҳодиса жойини кўздан кечиришдан яна шуниси билан фарқ қиладики, унинг объект географияси жуда ҳам кенгдир. Тинтув ўтказишда орган ходимларининг ҳаракати, эътибори жиноятчининг атайлаб яширган нарсаларини топишга қаратилади. Тинтув ўтказишдан аввал тинтув ўтказувчининг бунга тўлиқ асоси бўлиши керак.

Тинтувнинг психологик ўзига хослиги:

- 1) тинтувнинг мажбурлаш характериға эғалиги;
- 2) тинтувда зиддиятли ҳолатларнинг юзаға келиши;
- 3) тинтувда аниқ стресс ҳолатларининг мавжудлиги;
- 4) тинтувда муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги.

Тинтув ўтказиш дастлабки терговнинг кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларидан бири бўлиб, у жиноятни очишда жиноят изларини топиш ва уларни йўқ бўлиб кетишининг олдини олишға қаратилган ҳаракатдир. Ҳар қандай тинтув ҳаракатлари ўтказилишида қонун терговчи учун асос бўлади.

Тинтув олиб бориш яширувчи ва қидирувчи шахслар психологиясидаги қарама-қаршиликлар курашидан иборат. Тинтув психологик жиҳатдан оғир ва ўзига хос тергов ҳаракатлари ҳисобланади.

Яширилган нарсани топиш учун терговчи икки турдаги фаолиятни амалға ошириши лозим:

– муайян объект қаерда эканлигини топишдан иборат қўйилган вазифани фикран ҳал қилиш, бунинг учун яширган шахснинг фикрий жараёнлари ва ҳаракатларининг эҳтимол тугилган кетма-кетлигини очиб бериш;

– терговчининг ўзи яширилган нарсани излаб топиш борасида ҳаракат қилиши.

Тинтув қилинаётган шахснинг бойликлар ёки жиноят қуролларини яшириш борасидаги ҳаракатларининг фикрий моделини тузиш тинтувға тайёргарлик кўришнинг мажбурий элементи ҳисобланади. Бунинг учун рефлексия усулидан фойдаланиш, яъни терговчи ўзини тинтув қилинаётган шахснинг ўрниға қўйиб кўриши

(касби, маълумоти, характери ва одатларини, қизиқишлари ва бошқаларни инобатга олиши) лозим.

Терговчи тинтув ўтказилаётган шахснинг объектни яшириш усули ва жойи ҳақидаги масалани ҳал қилиш чоғида унинг фикрлаш йўллари билиши жуда муҳим. Одатда ҳар қандай инсон объектни яшириш ҳақидаги масалани мавжуд амалий имкониятлар, объектнинг хусусиятлари, касб-кори, касбий билимлари ва ниҳоят, ўзининг аниқ руҳий ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадики, тинтув ўтказиладиган инсоннинг шахсини, ҳаётининг барча шарт-шароитларини аввалдан ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Тўпланган маълумотлар кўп жиҳатдан рефлексив тафаккур – яширилган объектларни излаш усуллари аниқлаш имкониятларини оширади.

Тинтув терговчининг асослангандир қарори бўйича амалга оширилади. Қарорга тинтув нима сабабдан ва қаерда ўтказилиши, шунингдек, қайси бойликлар, нарса ва ҳужжатлар олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилади. Қарорда (у тинтилаётган шахсга кўрсатилгани боис) ошкор этилиши терговнинг боришига ҳалал бериши мумкин бўлган маълумотлар бўлмаслиги керак. Тинтув фақат прокурорнинг рухсати билан амалга оширилади. Кечиктириб бўлмас вазиятларда у бундай рухсатсиз ҳам ўтказилиши мумкин, аммо бир сутка ичида бу ҳақда прокурорга хабар берилиши шарт.

Тинтувга, бир томондан, терговчи ва тинтувнинг бошқа иштирокчилари, бошқа томондан, тинтилаётган шахс мақсадларининг қарама-қаршилиги ҳосдир. Тинтувнинг мажбурлаш хусусиятига эгаллиги ҳамда унда иштирок этаётган шахслар мақсадларининг қарама-қаршилиги деярли доимо низоли вазиятларни келтириб чиқаради.

Тинтув, тергов ҳаракати сифатида, ёрқин ифодаланган излов хусусиятига эга. Демак, ички ишлар органлари ходимлари айбланувчи томондан яширилган жиноят қуроллари, нарса ва бойликларни топишлари зарур. Терговчи тинтув ўтказиётганида одатда уни ўтказишнинг шарт-шароитлари, олиб қўйилиши лозим бўлган объектлар, уларнинг қаерда эканлиги ҳақида жуда чекланган маълумотларга эга бўлади. Ушбу омиллар терговчининг яширилган нарсалар қаерда эканлиги ҳақида ахборот олишига салбий таъсир кўрсатади.

Тинтув ўтказиш терговчидан психологик сифатлари, касбий билим, уқув ва кўникмаларини намоён этишини талаб этади. У

тинтувнинг муваффақиятига ёрдам берадиган омиллардан фойдаланиши керак. Уларга қуйидагилар киради:

– тинтув ўтказишга психологик тайёргарлик кўриш;
– тинтув ўтказилаётган жойдаги вазиятни мақсадли кузатиш ва тўғри таҳлил қилиш;

– тинтилаётган шахснинг хатти-ҳаракатини кузатиш ва ҳоказо.

Тинтувнинг ижобий ёки салбий натижаси кўпгина ҳолатларда ушбу тергов ҳаракатига лозим даражада тайёргарлик кўрилишига боғлиқ. Тинтувга яхши тайёргарлик кўриш ушбу ҳаракатнинг ўз вақтида бошланиши, режали ўтказилиши, иштирокчиларда муваффақиятга бўлган ишончни таъминлайди. Ёмон тайёргарлик кўриш тасодифий, тартибсиз изловларга, тинтув ўтказаетган шахслар ҳаракатининг номувофиқлигига ва охир оқибатда муваффақиятга ишончсизлик ҳисси пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Терговчи тинтувга тайёргарлик қилаётганида қуйидаги саволларга жавоб топиши тавсия этилади:

1) нимани излаш керак, қидирилаётган нарса қандай кўринишга эга (шакли, ранги, ҳиди ва ҳ.к.);

2) қидирилаётган объект нима; объектнинг майдони, рельефи, тузилиши, хоналари, эшиклари ва деразаларининг сони ҳамда жойлашуви, мебель ва унинг жойлашуви ва ҳоказо;

3) объектда тинтув ўтказилаётган пайтда тинтилаётган шахсдан бошқа яна ким бўлиши мумкин;

4) объектнинг сунъий ва табиий ёритилиши қандай;

5) объектда телефон ва бошқа алоқа воситалари (рация, қўнғироқ, селектор ва ш.к.) борми;

6) қидирилаётган нарсалар қаерда бўлиши мумкин;

7) ким тинтув ўтказди;

8) қандай техник воситалар ва материалларни олиш керак;

9) тинтувни қачон ўтказган маъқул;

10) тинтув қанча давом этиши мумкин;

11) тинтилаётган объект чизмаси ва унда тинтув ўтказиш тартибини, ҳар бир мансабдор шахс учун вазифаларни аниқ тақсимлаган ҳолда тузиш;

12) шоҳидларни танлаш масаласини олдиндан ўйлаб кўриш;

13) тергов бўлинмаси билан алоқа усуллари (телефон, радио, селектор) назарда тутиш керак.

Терговчи юқорида келтирилган саволларга тинтув ўтказилгунча қанчалик батафсил жавоб берса, тинтув ўтказиш пайтида кутил-

маган ҳолатлар шунчалик кам ва унинг муваффақиятли ўтиши учун имконият шунчалик кўп бўлади.

Кузатув тинтув ўтказилаётган объектлардан ташқари, ҳайвонлар ва қушларнинг хатти-ҳаракатини ҳам қамраб олиши мумкин. Улар кўпинча яширинган инсон ёки яширилган ашёлар қаерда эканлигидан хабар беради. Маълумки, уй ҳайвонларининг кўпчилиги мурдани сезиб безовталаниб қолади, итлар уларнинг худудида бегона одам бўлганида асабийлашадилар ва ҳоказо.

Муайян иш билан банд бўлган инсоннинг кўпгина хато ва камчиликлари ташқаридан кўпроқ сезилишини назарда тутиш лозим. Ўзини ўзи назорат қилиш руҳий ҳаракат сифатида бошқа шахснинг фаолиятини назорат қилишга қараганда қийинроқ вазифа эканлиги билан боғлиқ. Шу боис тинтув ўтказилаётганида қидираётган шахснинг камчиликларини қайд этадиган ва уларни бировга сездирмай, масалан, қидираётган шахсга яқинлашиб, сездирмасдан, илгаридан келишилган усулда билдирадиган, қўшимча текшириш керак бўлган нарсага эътиборини қаратадиган (кутини суғурадиган, эшигини очадиган ва ҳ.к.) ташқи кузатувчига эга бўлган маъқул.

Тинтув самараси терговчида мақсадга қаратилган ҳаракат ва барқарор диққат бўлишини тақозо этади. Диққат деганда, психологияда онгнинг шахс учун аҳамиятга эга бўлган муайян объектга қаратилганлиги тушунилади. Тинтув вақтида диққат ихтиёрий, иродавий хусусиятга эга бўлади, терговчи ундан кўзланган мақсадга эришиш учун фойдалангани боис, диққатини сақлаб қолиш ва бошқа таъсир манбаларига чалғимаслик учун жамлашга муайян даражада ҳаракат қилади.

Диққатни барқарор ҳолда узоқ вақт сақлашнинг маълум қийинчиликлари мавжуд. Излаш ишларининг ўзига хос хусусияти, чалғитувчи омилларнинг мавжудлиги аста-секин чарчоқ йиғилишига, жумладан диққат чалғишига олиб келади. Шу боис тинтув узоқ чўзилган ва қийин кечган ҳолларда муайян вақт оралиғида қисқа муддатли танаффуслар қилган маъқул. Бироқ тинтув жараёнида чалғимаслик, белгиланган аниқ режага риоя этиш муҳим. Тинтув иштирокчилари вақти-вақти билан излов ишининг хусусиятини ўзгартириб туришлари мақсадга мувофиқ бўлади (масалан, терговчи айбланувчининг шахсий ёзувларини кўздан

кечиргандан кейин мебель нарсалари орасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган яширин жойларни излашга ўтиши ва ҳ.к.).

Тинтув ўтказувчи шахслар жинойтчилар махфий ва турли буюмлар сақланадиган жойлар тайёрлашда баъзан бир қатор психологик омилларни инобатга олишларини назарда тутишлари керак. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) чарчаш ва автоматизм омиллари пайдо бўлишини ҳисобга олиш. Масалан, қидирилаётган хужжатни кўпинча китоб жавонининг ўртасида турган китоб ичига қўядилар. Бунда китоблар жавоннинг у ёки бу чеккасидан бошлаб кўздан кечирилиши, жавон ўртасига борганда эса муайян автоматизм, чарчоқ пайдо бўлиши, терговчи китобнинг ҳар бир бетини варақламаслигига умид қилинади;

2) ҳазар қилишни назарда тутиш (яширилаётган нарсалар гўнг ичига кўмилади, ҳожатхонага туширилади ва ҳ.к.);

3) терговчининг одоби ва бошқа олижанобликларига умид қилинади (объектлар оғир бемор шахснинг кроватига, гўдак кроватига, яқин қариндошларининг қабрига яширилади ва ҳ.к.);

4) нарсани яширишда атайин бепарволикка йўл қўйилади (юзада қолдирилади);

5) бошқа махфий жойлар яшаш орқали эътибор чалғитилади. Бунда биринчи бўм-бўш махфий жой топилганида қолган худди шундай махфий жойлар кўздан кечирилмаслигига умид қилинади;

6) қидирилаётган объектни олиб қайта яшириш учун эътиборни чалғитиш мақсадида тинтув вақтида низо келтириб чиқаришга умид қилинади.

Санаб ўтилганларни синчиклаб таҳлил қилиш терговчига тинтув ўтказиш вазифаларининг биринчи қисмини – тинтилаётган шахснинг ҳаракатларини фикран билиб олиш масаласини муваффақиятли ҳал қилишга олиб келади.

Тинтув ўтказиш учун ҳар бир буюмнинг моҳиятини, вазифасини яхшироқ биладиган, буюмнинг вазифасидан оғишларни сезадиган, унинг хусусиятларини аниқлай оладиган мутахассисларни жалб қилиш зарур. Масалан, адабиётларда тинтувда иштирок этиш учун дурадгор, қурувчи ва сантехник таклиф этилганлиги боис махфий жой топилган тинтув мисоли келтирилади. Терговчининг объектларни идрок этиши ушбу объектларнинг мутахассислар томонидан идрок этилиши билан тўлдирилган. Улар у ёки бу

таъмирлаш қанча вақт илгари ва қайси мақсадда ўтказилганлигини аниқлашга ёрдам берганлар, объектларнинг қисмлари аслида қандай нисбатда бўлганлигини аниқлаганлар ва ҳоказо.

Тинтув ўтказишда вазиятни идрок қилиш учун тинтув ўтказилаётган квартирада шахс одатда фойдаланадиган ёритишга қараганда яхшироқ шароит яратадиган ёритиш мосламаси ўрнатилгани маъқул. Бу ҳол одатдаги ёритишдан тинтилаётган шахс объектни яшираётганида кўрмаган белги ва изларни аниқлашга имкон беради.

Терговчининг тинтув ўтказишдаги фаолияти қуйидаги психологик тузилишдан иборат:

- 1) керакли ахборотларни йиғиш;
- 2) яширувчининг хаёлий моделини тузиш;
- 3) олдига қўйилган қидирув тусмолларини идрок қилиш.

Тинтув ўтказишда турли объектлар ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан:

- тинтув ўтказилаётган хона;
- алоҳида буюмларнинг жойлашиши;
- тинтув ўтказилаётган шахснинг хулқи;
- қуш ва ҳайвонларнинг ўзини тутиши.

Тинтув ўтказилаётган хонадаги вазият гумон қилинувчи шахснинг қандай хусусиятларга эга эканлигини ўзида акс эттиради. Масалан, унинг ижтимоий мавқе, маданият даражаси, диди, эҳтиёжлари, қарашлари, қизиқишлари, мойиллиги, характернинг белгилари ва ҳоказо.

Тинтув қилинаётган хонадаги предметларнинг жойлашиши ҳам ахборот манбаи бўлиши мумкин. Биз ҳаётда типик ҳолатлар тўғрисидаги алоҳида стереотипларни қоидага кўра қўллаймиз. Масалан, у ёки бу категорияларда кишилар хонадондаги предметлар сони, рассом, олимлар, спортчилар, муסיқашунослар, шаҳар ва қишлоқда яшовчиларда бу тўла оқланган. Шунинг учун ҳам гумонланувчи хонадонда унинг моддий ҳолатига ёки яшаш тарзига, қизиқишларига тўғри келмайдиган предметларнинг топилиши терговчининг диққат ва эътиборини ўзига тортиши албатта табиийдир.

Яширилган жой тўғрисида энг зўр манба гумонланувчининг тинтув ўтказилаётган вақтдаги хулқ-атвори ва реакцияси ҳисобланади. Гумон қилинаётган шахснинг руҳий ҳолати қидирилаётган объект қаерда жойлашганлигини аниқлашда индикатор бўлиб

хизмат қилиши мумкин. Шунинг учун унутмаслик керакки, тинтув жуда кучли хавотирга олиб келувчи куч ҳисобланади, шахсда кучли эмоционал ҳолатни юзага келтиради, натижада унинг реакцияси ва хулқ-атвори ҳам тўлиқ ўзгаради. Маълумки, инсон реакцияси ихтиёрий ва ихтиёрсиз турларга бўлинади. Ихтиёрсиз реакция бошқарилмайди ва қуйидагиларда намоён бўлади: юзнинг оқариб кетиши, қизариши, қўлнинг қалтираши, тез-тез нафас олиш, терлаб кетиш, овозининг ўзгариши, ҳаракат йўналишининг бузилиши, дудуқланиши ва бошқалар. Ушбу қайд этилган белгиларнинг тинтув ўтказилаётган шахсда кузатилиши терговчининг қидирилаётган объектга яқинлашаётганини билдиради.

Тергов амалиётида шундай ҳолатлар кузатилганки, қуш ва уй ҳайвонларнинг ҳаракатлари мураккаб ва чигал жиноятларни очишда катта ёрдам берган.

Жиноятчилар кўпчилик ҳолатларда тинтув ўтказилишини олдиндан биладилар ва шунинг учун ҳам жиноят қуролини, предметларни, жинойий йўл билан топилган қимматбаҳо нарсаларни ишончли жойларга яширишга ҳаракат қиладилар. Терговчи қидирилаётган буюмни топиш учун яширувчи шахснинг психологиясига кириши лозим. Яширувчи шахс психологиясининг моҳияти тинтув ўтказиётган шахс яширилган буюмларга етиб бормаслиги шароитини яратишдан иборат бўлади. Ушбу мақсад учта ўзаро боғлиқ вазифаларни ҳал қилишга, яъни мақсадга эришишга шароит туғдиради.

Яширувчининг предмет ва объектларни яширишда ҳал қиладиган вазифалари:

- яшириш жойини танлаш;
- яшириш жойини ниқоблаш;
- тинтув ва уни кузатув жараёнидаги хатти-ҳаракати ва хулқи йўналишини танлаш.

Кўпчилик ҳолларда яшириш жойини танлаш жиноятчининг яшаш шароити, масалан, уйдаги хоналар, уларнинг сони, дала ҳовлиси, транспортлар сони ва бошқалар билан чегараланади. Бундан келиб чиқадики, бундай шароитнинг кўплиги жиноятдан қўлга киритилган буюмни яшириш жойини танлаш имконини яратади. Бундан ташқари, яшириш жойини танлашга алоҳида субъектив омиллар ҳам таъсир қилади.

Яшириш жойини танлашга таъсир қилувчи субъектив омиллар:

- жинси ва ёши;
- профессионал билими ва қобилияти;
- қизиқиши ва машғулоти;
- яширилаётган объектга нисбатан шахснинг муносабати;
- ҳаракатли белгилари;
- маданий ва интеллектуал даражаси.

Эркаклардаги махсус қизиқишлар, яъни билими, қобилияти, техник билимлари электр асбоб-ускуналар корпусида, аёллардаги эса кўпчилик ҳолларда кундалик эҳтиёж предметлари орасида, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тузланган мева-сабзавотлар ичида сақлашига олиб келади.

Криминалистик ва психо-юридик кузатишлар шуни кўрсатадики, яшириш жойини ва усулини аниқлашга касбий билим ва қобилият катта таъсир қилади. Бизга маълумки, касб шахснинг кўп томонларини, масалан, унинг қизиқишлари, йўналишлари, қарашлари, билимлари, эслаш қобилияти, кузатувчанлиги ва бошқа томонларини белгилаб беради. Шундай ҳолат мавжудки, яширилган жой кўғирчоқ қуш (чучело) бўлиб чиққан, бунга сабаб яширувчи шахс овчилик билан шуғулланган, лекин ўзи сантехник бўлиб ишлаган.

Яширилаётган объектга нисбатан шахснинг муносабати, яъни жинойтчи яширилган объект ва қимматбаҳо нарсаларга ҳеч қачон бефарқ бўлмади. Чунки яширилган предмет қанчалик катта миқдордаги қийматни ташкил этса, жинойтчи шунчалик ўзига яқин жойга яширади. Яъни хоҳлаган вақтда уни кўриб туришига имконияти бўлиши керак ёки унинг акси, агар бу буюм жинойт қуроли бўлса, жинойтчи ундан шунчалик тезроқ қутулишга, яъни уни ҳеч қачон кўрмасликка ҳаракат қилади.

Шунингдек, хасис ва бировга ишонмайдиган инсон, шу вақтнинг ўзида қимматбаҳо нарсаларни ўзига яқинроқ жойга яширишга ҳаракат қилади, яъни унинг дахлсизлигини текшириш имкониятига эга бўлади. Қўрқоқ ва хаёлпараст шахс эса бундай предметларни йироқроққа яширишга ҳаракат қилади.

Жинойтчининг маданий ва интеллектуал даражаси ўта муҳим ҳисобланиб юқорида қайд этилганларнинг ҳар бири билан бевосита боғлиқ. Уларнинг маданий ва интеллектуал даражасининг

юқорилиги тинтув ўтказилишини қийинлаштиради. У жинс билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки касб билан ҳам ўзаро боғлиқдир.

Жиноятчининг яшириш жойларини тайёрлашда ҳисобга оладиган психологик омиллари:

- орган ходимининг чарчаш вақти;
- орган ходимини ифлос предметлардан нари юриши;
- терговчининг тажрибасизлиги ва эътиборсизлиги;

Юқорида таъкидлаганимиздек, терговчининг чарчоғи унинг диққатига салбий таъсир кўрсатади. Тинтув узок чўзилган ва катта жисмоний зўриқиш билан кечган тақдирда дам олиш учун танаффуслар қилиш зарур. Шунини назарда тутиш керакки, жиноятчилар кўп ҳолларда айнан терговчининг чарчашига умид қилиб иш кўрадилар.

4. Сўроқ қилишнинг психологик жиҳатлари

Сўроқ – терговчи билан сўроқ қилинувчи ўртасида узок давом этадиган бевосита мулоқот жараёни. Сўроқ диалог шаклида бўлиб, ушбу жараёнда ҳақиқат изланади ва аниқланади. Сўроқ вақтида икки хил дунёқараш, икки хил ирода, икки хил кураш тактикаси ва турли манфаатлар тўқнашади. Кўпинча сўроқда сўроқ қилинаётган шахс ва бошқа одамларнинг тақдири ҳал бўлади. Терговчига бу курашда ғалаба қозонишда психология ва сўроқ тактикаси соҳасидаги махсус илмий билимлари ҳамда суҳбат олиб боришнинг касбий кўникмаларида намоён бўладиган маҳорати ёрдам беради. Шу боис сўроқ натижаси кўп жиҳатдан иштирокчиларининг билимларига, ҳал қилувчи даражада эса терговчининг касби учун зарур бўлган психологик сифатларига боғлиқ. Принципиал, адолатли, ҳалол, хайрихоҳ терговчи сўроқ қилинаётган шахсда ҳурмат уйғотади, тўғри кўрсатмалар бериш ва терговга кўмаклашиш истагини юзага келтиради.

Сўроқнинг самарадорлигини терговчининг бошқа ижтимоий-психологик хислатлари ҳам таъминлайди. Уларга сабр-тоқат, вазминлик, ҳиссий барқарорлик, ҳаётий тажриба, касбий билим, сўроқни мантиқан тўғри олиб бориш маҳорати кабилар киради. Сўроқ қилинувчига керакли индивидуал-психологик ёндашувни топа олиш терговчининг асосий вазифаларидан бири. Бу ёндашув сўроқ қилинаётган шахснинг ёши, жинси, маълумоти, касби, ҳаётий

тажрибасини, маданият даражаси, манфаатлари, қарашлари, сўроқ пайтида ҳис қилаётган руҳий ҳолатини инобатга олишни назарда тутлади.

Терговчининг коммуникативлигига ташқи кўриниши, жисмоний жиҳатлари, ўзини тутиши, кийиниши кабилар киради. Терговчининг батартиблиги, озодалик, оддийлиги, киришимлилиги, кийимининг озодлиги, эътиборлилиги, хайрихоҳлиги – буларнинг бари – ишонч пайдо бўлишига, сўроқ қилинувчининг мулоқотга тайёр бўлишига ёрдам беради.

Сўроққа чақиртирилган гувоҳнинг руҳий ҳолатини ҳам инобатга олиш зарур, чунки аксарият одамлар учун терговчининг ҳузурига чақиртирилиш ноодатий воқеа бўлиб, ҳаяжон ва саросима келтириб чиқаради. Терговчининг айрим психологик хислатлари, жумладан ҳеч кимга ишонмаслиги, одамовилиги, мулоқот қила олмаслиги ҳам сўроқда керакли психологик вазиятни ҳосил қилиш йўлидаги тўсикдир.

Барча ҳолатларда сўроқдан олдин терговчи гувоҳ билан суҳбатлашиши керак. Унинг қарашлари, қизиқишлари, кайфияти, психологик хусусиятларини ҳисобга оладиган суҳбат руҳий зўриқишни йўқотиш, ишончсизликни бартараф этиш, тўғри кўрсатмалар беришга тайёр бўлиш ҳолати пайдо бўлишига ёрдам беради.

Жабрланувчиларни сўроқ қилиш янада катта психологик тайёргарликни талаб этади.

Жабрланувчиларнинг кўрсатма беришда хатога йўл қўймасликлари учун доимо уларнинг жинойт содир этилаётган пайтдаги ҳолатлари ва жинойтчи шахсини идрок этиш хусусиятларини инобатга олиш муҳим. Эксперимент орқали шу нарса исботланганки, улар ҳис қилаётган кўрқув, ғазаб, уят, алам каби ҳиссиётлар идрок этишнинг бузилишига шароит яратиши мумкин. Бундай вазиятда идрок этишнинг ҳажми тораяди, кўпинча бир қатор фактлар, белгилар, тафсилотлар нотўғри баҳоланади.

Психологик алоқа ўрнатиш усуллари жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларнинг танланиши юзага келган тергов вазияти, шахс хусусиятлари, сўроқ қилинаётган шахс ва терговчининг психологиясига боғлиқ. Психологик алоқа жабрланувчи, гувоҳларнинг ижтимоий-психологик хислатларига таъсир кўрсатиш орқали ўрнатилиши мумкин. Баъзан терговчи жабрланувчилар, гувоҳларда

ўзига нисбатан ишонч, қизиқиш уйғотиб, психологик алоқа ўрнатилишига эришади.

Терговчи гувоҳ, жабрланувчига нима сабабдан сўроққа чақиртирилганликларини тушунтириб, улар билан эркин суҳбат олиб бориши керак. Бу сўроқ қилинаётган шахсга фикрини жамлаш, воқеа-ҳодисаларни эслаш, терговчига эса кучли таъсир кўрсатадиган ва жавобга йўналтирадиган саволлар қўйишдан қочиш имконини беради. Гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўрсатмаларини ҳурмат қилиш ва уларга ишониш терговчи учун мажбурий шарт бўлиши лозим. У шахсга нисбатан қўполлик қилиши, унинг устидан кулиш, унга нисбатан кўриниб турган ишончсизлик, эътиборсизлик, шошқалоқлик кабиларни намойиш этишига йўл қўйилмайди.

Сўроқ қилинувчининг нутқий фаоллигини ошириш терговчининг аниқ саволлар бериш маҳоратига боғлиқ. Терговчининг саволлари тизими шахсга ҳуқуқий психологик таъсир этиш воситасидир. Сўроқнинг муваффақияти уни яхши бошланиши ва сўроқ қилинувчи билан алоқани тўғри ўрната олишдадир. Сўроқнинг бошланғич босқичида терговчи сўроқ қилинувчининг шахсини, шахсий хусусиятларини, воқеага нисбатан муносабатини аниқлашга ҳаракат қилади. Терговчи сўроқ тактикаси ҳақида олдиндан хулосалар чиқариб, сўроқ қилинувчи билан коммуникатив алоқа ўрнатади. Коммуникатив алоқа кишилар ўртасида ахборот алмашинуви зарурлигига асосланган.

Сўроқ қилиш ҳаракати ҳамда бутун тергов жараёнининг муҳим муаммоси ёлғон кўрсатмаларни аниқлаш ва фош қилишдир. Ёлғон кўрсатмаларни фош этишнинг универсал усуллари йўқ. Бу борада ёлғоннинг аниқлаш индикатори ва психосаматик реакциялар – қалтироқ тутиш, нафас олишининг ўзгариши, томоқ қуриш, тўқималарнинг торайиши ёки кенгайиши, терининг оқариб кетиши ва қизариши ҳам ишончли восита эмас. Шу билан бирга, кўрсатма берувчининг нутқидаги тўхталишлар, оҳангга ҳам эътибор бериш керак. Лекин ёлғон тез фош қилувчи таассуротдир. Ёлғон кўрсатма берувчи ўзининг ёлғон кўрсатмалари терговчи томонидан қандай баҳоланишини кузатади, тергов жараёнини қўлга олиб, сувдан куриқ чиқишга интилади.

Хўш, терговни самарали олиб бориш учун ёлғон кўрсатмани аниқлаш бошқа мамлакатларда қандай олиб борилади? АҚШда

ёлғон кўрсатмаларни аниқлаш мақсадида полиграф (лай детектор) – тест жараёнида инсонни психологик реакциялари ўзгаришини аниқловчи тизимлар таркиби (пульс, частота, қон босимининг ўзгариши, нафас олишнинг ўзгариши) кенг қўлланилади. Шу қаторда машҳур италиялик криминалист врач Ч. Ломбразо гумонланувчиларнинг сўроқ вақтида қон босимини ўлчаш, ёлғон кўрсатмаларни шу тариқа аниқлаш мумкинлигини илгари сурган. Ҳақиқатда алоҳида физиологик реакцияларни ёлғон таъсири моҳияти билан адаштириб бўлмайди. Лекин ушбу усуллар мутахассисларга шахсларни ҳолатлар юзасидан яширинган воқеаларга ойдинлик киритишига имкон беради. Бунда текширилувчига аҳамиятли ёки аҳамиятсиз саволлар берилади. Сўроқ давомида ёлғон кўрсатмаларни фош этишнинг энг ишончли омили бу мулоқотдир¹.

Мулоқотда инсон одатда нафақат аниқ вазифаларни ҳал қилиб қолмай, балки шахсий хоҳишларини ҳам амалга оширади: ўзи ҳақида яхши таассурот қолдиришга, мустақиллигини, билимини кўрсатишга интилади.

Сўроқ қилиш жараёнини тахминан қуйидагича бўлиши мумкин.

1. (Кириш қисми) Терговчи томонидан оғзаки шаклда керакли маълумотларни олиш, яъни демографик маълумотлар. Бу икки шахснинг бир-бири билан бўладиган ўзаро мулоқоти.

2. Тергов қилишнинг асосий қисми. Бунда терговчи сўроқ қилинувчи шахсдан керакли ҳамма маълумотларни олади, яъни тергов тўғри олиб борилса, у ҳолда керакли маълумотлар олинади. Терговчи сўроқ жараёнида биринчи олинган маълумотлар билан кейинги олинганларини таққослаши, ноаниқларни йўқотиши керак.

3. Тергов қилишнинг хулоса қисмида терговчи олган далилларни ҳар хил усуллар билан кўриб чиқиши керак.

Сўроқ қилинувчи шахслар хотирасидаги ахборот терговчининг тартибли саволлари руҳий таъсир қилиши орқали тикланади. Терговчи сўроқ вақтида турли хил ахборотлар йиғиндисига тўқнаш келади. Унинг вазифаси эса ушбу маълумотларни тартибга солиб, воқеа-ҳодисани очиб берувчи «калит»ни топишдан иборатдир. Сўроқ терговчининг маҳоратидан келиб чиқувчи жараён дир, чунки бу ҳолатда терговчининг малакаси, билими ва сўроқ қилинувчи билан тил топиши муҳим аҳамият касб этади. Кўп ҳолларда

¹ Қаранг: *Еникеев М.И.* Юридическая психология. – М., 2005. – С. 179–180.

терговчи сўроқ вақтида нутқий қобилияти пассив бўлган сўроқ қилинувчига дуч келади. Бундай вазиятда сўроқ қилинувчининг нутқий фаолиятини фаоллаштириш терговчининг коммуникатив вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир киши нутқининг кучли, кучсиз томонлари бўлади, бу психологик нуқтаи назардан сўроқ қилинувчи шахсга таъсир қилувчи омилдир.

Сўроқ қилиш жараёнининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари бор:

1) тергов жараёни жиноят-процессуал қонунлари билан тартибга солинади;

2) терговчи ва сўроқ қилинувчи шахс ўртасида мажбурий мулоқот юзага келади ва бу шахснинг психологик ҳолатига таъсир қилади;

3) сўроқ вақтидаги ҳамма мулоқот сўроқ баённомасида қайд қилинади.

Коммуникатив алоқа ахборот алмашиш жараёни бўлиб, қайта алоқага асосланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари жиноятчи шахслар билан психологик алоқа ўрнатишнинг ўзига хос психологик хусусиятларига эга. Психологик алоқа ўрнатишда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик, алоқа ўрнатишда ижобий яқинлашув бўлажак мулоқотнинг самарали бўлишига замин яратади. Ўрнатилувчи алоқага терговчининг ҳодисага бир томонлама ёндашуви, айблаш ҳолатлари, эътиборсизлиги, вазиятни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи белгиларга эътибор бермаслиги салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Демак, тергов жараёнида терговчи ишга мос алоқа ўрнатиш учун сўроқ қилинувчини коммуникатив алоқа ўрнатишга қизиқтирувчи ҳолатларни ўрганиши зарур. Терговчи жиноятларни тергов қилиш жараёнида териш учун қулай усулларни танлайди. Ушбу усулларнинг энг муҳими психологик алоқа ўрнатишдир. Психологик алоқа ўрнатишга ижобий таъсир этувчи омил эса терговчи нутқининг аниқлиги, мантиқийлиги, ишонарлилиги ва етарлича ёритилишидир.

Юридик адабиётларда сўроқ қуйидаги босқичларга бўлинади:

1) ишнинг ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

2) сўроққа психологик тайёргарлик кўриш;

3) сўроқ қилиш;

4) сўроқдан кейинги хулосалар;

5) сўроқ натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Жиноятчи шахс ўжар, жанжалкаш бўлса, у ҳолда қуйидаги методлар қўлланилади:

- 1) ёлғон (гапириш)га йўл қўйиш;
- 2) фавқулоддаги ҳолат (савол);
- 3) саволнинг кетма-кетлиги;
- 4) диққатини чалғитиш;
- 5) сўроқ суръатини ошириш;
- 6) сўроқ суръатини бирдан пасайтириш;
- 7) шахснинг нозик жойини топиш.

Тергов эксперименти шуни кўрсатадики, 5–7 ёшдаги болалар диққати 15 дақиқадан кўп бўлмайди, 7–10 ёшдагиларники 20 дақиқа, 10–12 ёшдагиларники 25 дақиқа, 12 ёшдан катталарники 30 дақиқа бўлади.

Жиноят қилган шахснинг психологияси фақат ўзини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, буни билдирмасликка ҳаракат қилади.

Сўроқ қилинаётганда гумон қилинувчига айбини тан олиши жазосини енгиллаштиришини айтиш лозим. Гувоҳ ва жабрланувчига ёлғон кўрсатма бергани ва кўрсатма беришдан бош тортган учун жиноий жавобгарликка тортилиши эслатилади.

Гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва терговчи ўртасида доимо психологик тўсиқ мавжуд, терговчининг вазифаси шу тўсиқни йўқ қилишдир.

Терговда терговчи лидерликни ўз қўлига олади, бундан кўзланган мақсад сўроқ қилинаётган одамни эзиш эмас, балки унда психик фаолликни юзага келтириш ва шу орқали шахснинг қандайлигини аниқлашдир.

Терговчи сўроқ қилишда фақат шахснинг оғзаки жавобига эмас, балки унинг мимика, понтомимика, овозидаги ўзгаришларга ҳам эътибор бериш керак. Биринчи учрашувдаги таассурот доимо алдамчи таассурот бўлади.

Терговчи тергов жараёнида шахснинг шахсиятига тегадиган гап айтиш керак эмас. Ҳеч қачон сўроқ қилинаётган шахсга нисбатан салбий муносабатда бўлмаслик терговчиларнинг олтин қоидасига айланиши лозим.

Терговчи сўроқ қилинаётган шахснинг исмини айтиб мурожаат қилса, у терговчининг муносабатини ижобий қабул қилиши мумкин. Терговчи сўроқ қилинаётган шахснинг қуйидаги ўзига хос ички кечинмаларини доимо ёдда тутиши керак:

- 1) жиноят қилиб қўйганидан қаттиқ ҳаяжонда;
- 2) қамаб қуйишларидан кўрқади;
- 3) одатий ҳаёти (турмуш тарзи) бузилади.

Терговчи, шунингдек сўроқ қилинаётган одамнинг ижобий томонлари тўғрисида гапиришни ҳам ҳеч эсдан чиқмаслиги лозим. Сўроқ жараёнида гумон қилинувчининг устидаги кийими, қўлидаги узуги, татуировкаси ёки жарғони терговчига гап бошлаш учун сабаб бўлиши мумкин, лекин шахсиятига тегиш керак эмас.

5. Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш психологияси

Илмий адабиётларда гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг сўроқ қилиш психологиясига қадим замонлардан бошлаб катта эътибор берилган. Бундай қизиқиш, аввало, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўрсатмалари жиноят ишлари бўйича энг керакли далил экани билан изоҳланади.

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилишга тайёрлашнинг психологик жиҳатлари қуйидаги асосий таркибий қисмлардан иборат:

- 1) иш материаллари ҳамда аниқланиши керак бўлган масалалар доирасини таҳлил қилиш;
- 2) сўроқ қилинаётган шахсни ўрганиш;
- 3) сўроқ қилиш муваффақиятли ўтиши учун зарур шарт-шароитни таъминлаш;
- 4) терговчининг ўзини тутиши.

Кутилаётган гувоҳ ёки жабрланувчини сўроқ қилиш бир қарашда осон туйилса ҳам, бари бир жиддий ва пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Сўроқ қилишнинг асосини режа ташкил қилади. Унда аниқланиши талаб этилаётган масалалар доираси, уларнинг мазмуни ва кетма-кетлиги белгиланади. Сўроқдан аввал иш ҳужжатларини ўрганиш, гувоҳ, жабрланувчини сўроқ қилиш чоғида аниқланиши лозим бўлган масалалар доираси билан боғлиқ далилларни таҳлил қилиш зарур. Агар терговчи сўроқ қилишга яхши тайёрланмаган бўлса, уни ишончсизлик билан ва мақсадга қаратилмаган ҳолда ўтказиши деярли аниқ. Терговчининг сўроққа тайёргарлик кўрмаганлигини сўроқ қилинаётган шахс сезмаслиги мумкин эмас, бу эса сўроқ қилинаётган шахснинг ҳаяжонини

кучайтиради, зарур маълумотларни эслаш жараёнини қийинлаштиради, умуман олганда, сўроқ натижаларига салбий таъсир кўрсатади. Била туриб ёлғон кўрсатма бераётган гувоҳ ва жабрланувчиларга келсак, терговчининг яхши тайёргарлик кўрмагани уларнинг устунлигини кучайтиради, холос.

Сўроқни бошлашдан аввал гувоҳ ва жабрланувчиларнинг шахсини ўрганиш зарур. Бунга уларнинг таржимаи ҳоли, касби, маълумоти, иш шароити, турмуш тарзи, ривожланиш даражаси, қизиқишлари, энг муҳим шахсий психологик хислатлари, жиноят ҳодисасини қандай қабул қилиши, жиноий қилмишга, жиноятчига муносабати каби маълумотлар киради.

Терговчи сўроқнинг расмий қисмидан аввал бўладиган бевосита мулоқотда кузатиш орқали гувоҳ, жабрланувчининг ташқи қиёфаси, уларнинг маданият даражаси, нутқи, мимикаси, имо-ишоралари, ўзига хос хусусиятлари, кўзга ташланадиган психофизиологик реакциялари ва ҳолатлари (паришонлиги, ҳаяжонланиши, кўрқиши, хотиржамлиги, бефарқлиги, адовати ва ҳ.к.), терговга ёрдам кўрсатиш истаги ёки, аксинча, жуда кам ва муҳим бўлмаган маълумотлар билан чекланиб қолишга интилиши кабилар ҳақида маълумот олади. Гувоҳ, жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар терговчига руҳий алоқа ўрнатиши, сўроқнинг энг оқилона тактикасини танлашида катта ёрдам беради.

Гувоҳлар ва жабрланувчиларни чақиртиришнинг аниқ вақти ва усули, шунингдек, тергов ҳаракатини ўтказиш шароити ва жойи психологик аҳамиятга эга. Умумий қоидага кўра, гувоҳ ва жабрланувчилар иложи борича сўроқ қилинишлари керак. Бироқ, бунда ҳам истисноли ҳолатлар мавжуд. Агар жабрланувчи, баъзан эса гувоҳлар ҳам содир этилган жиноят натижасида руҳий ҳаяжон, зўриқиш, паришонлик ҳолатида бўлсалар, сўроқни кечиктириш лозим.

Безорилик, босқинчилик, бандитизм, террорчилик, номусга тегиш жиноятларини тергов қилаётганда кечиктириб бўлмас сўров чоғида жиноятчини қидириш ва ушлаш учун маълумотлар олинганидан сўнг, жабрланувчилар ва гувоҳларни такроран батафсил сўроқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, психологияда маълум бўлган реминисценция, яъни такроран хаёлда тиклашни яхшилаш ҳодисасини инобатга олиш

керак. Шу боис кўрсатмаларни терговчи етарлича тўлиқ эмас, тушуниш қийин бўлган жойлари бор, кўрсатмалари иш учун жуда муҳим бўлиши мумкин бўлган гувоҳ ва жабрланувчиларни такроран сўроқ қилган маъқул. Биринчи сўроқ натижасида ассоциатив алоқалар юзага келганидан сўнг ўз-ўзидан эслаш жараёни давом этиши ҳамда гувоҳ, жабрланувчи жиноят воқеаси ҳуқуқбузар шаъни билан боғлиқ муҳим фактлар ва ҳолатларни эслаши ҳам мумкин.

Психологик нуқтаи назардан гувоҳ, жабрланувчини чақиртириш вақтини белгилашда иш манфаатларини чақиртириладиган шахсларнинг имкониятлари ва манфаатлари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилиш керак. Чақирув сўроқ қилинадиганларга ортикча қийинчилик ва нохуш кечинмалар туғдирмаслиги керак. Зеро, бу уларнинг терговчи билан бўладиган муносабатларини қийинлаштириши мумкин. Масалан, чақириладиган одамни ўз вақтини режалаштира олмайдиган тарзда чақиртириш, қабулхонада узоқ вақт кутишга мажбур қилиш, сўроқни бошқа вақтга кўчириш кабилар бўлмаслиги керак. Гувоҳ, жабрланувчини яхшиси ишдан ташқари вақтда, ўқувчиларни эса машғулотдан олдин ёки кейин сўроқ қилиш керак.

Агар чақиртириладиган шахсларнинг кўрсатмалари иш учун жуда муҳим бўлса, уларни чақиртириш учун телефондан фойдаланган маъқул. Телефон қўнғироғи нафақат психологик алоқа ўрнатишга ёрдам беради, балки сўроққа чақириладиган одамларга хос бўлган ва керакли фактларни эслашга тўсқинлик қиладиган ортикча ҳаяжонни йўқ қилишга имкон беради. Терговчи гувоҳ ёки жабрланувчини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига таклиф қилиш фактини унинг қариндошлари, қўшнилари, бегона шахслардан яшириш учун ҳам телефон орқали чақиртириши мумкин. Уларни жабрланувчи, гувоҳларнинг уй манзилига юбориладиган елимлаб ёпиштирилган ва бегона шахслар танишишига йўл қўймайдиган конвертдаги чақирув қоғози орқали ҳам сўроққа чақиртириш мумкин.

Психологик жиҳатдан гувоҳ, жабрланувчини сўроқ қилиш жойи ҳақидаги масалани ҳам ҳал қилиш муҳим. Ушбу масала қонунда ҳал қилинган, гувоҳ тергов ўтказиладиган жойда сўроқ қилинади деб белгиланган бўлса-да, сўроқ қилишга табақалашган ҳолда ёндашиш лозим. Агар, масалан, гувоҳлар, жабрланувчилар жиноят ходисасининг иш учун муҳим бўлган ҳолатларини унутган,

уларнинг механизми, кетма-кетлиги, айрим тафсилотларини эслай олмасалар, уларни воқеа жойида сўроқ қилиш учун асос бўлади. Уйда, тартибни сақлаш жамоат пунктида сўроқ қилиш ҳам психологик жиҳатдан ўзини оқлайди. Бунда тезкор-тактик мулоҳазаларга кўра жабрланувчи, гувоҳни чақиртириш фактини ошкор этмаслик назарда тутилади.

Сўроқ қилиш жойини танлашда ахлоқий масалаларни ҳам унутмаслик керак. Ёши ўтган ёки бемор шахсларни терговчининг ҳузурига чақиртириш тавсия этилмайди. Ушбу ҳолда унинг ўзи мазкур шахсларнинг олдига бориб, уларни сўроқ қилгани маъқул. Бунинг иложи бўлмаганида тегишли терговчи ёки суриштирув органига бу шахсни турар жойида сўроқ қилиш ҳақида алоҳида топшириқ юбориш зарур. Бемор жабрланувчи, гувоҳни фақат шифокор рухсати билан ва бемор даволанаётган жойда (квартира ёки шифохонада) сўроқ қилиш мумкин.

Сўроқнинг муваффақияти кўп жиҳатдан у ўтказилаётган жойдаги шароитга боғлиқ. Гувоҳларни сўроқ қилиш тартибининг психологик асослари қонун нормасида келтирилган. Хусусан, айнан бир иш бўйича чақиртирилган гувоҳлар алоҳида-алоҳида ва бошқа гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинадилар, бунда терговчи айнан бир иш бўйича гувоҳлар ўзаро мулоқот қила олмасликлари чорасини кўриши керак.

«Кўз кўзга тушиб», бегона шахсларсиз сўроқ қилиш энг муҳим психологик қоида ҳисобланади. Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш одатда терговчининг хизмат кабинетида ўтказилади. Кабинетдаги шароит муҳим аҳамиятга эга. Оддийлик, ишга оид ва қатъий услуб кўпинча ишончли ва жиддий суҳбатга шароит яратади. Бутун сўроқ давомида терговчи, жабрланувчи, гувоҳнинг диққатини ҳеч нарса чалғитмаслиги, терговчига телефон кўнғироқлари, кабинетга кирувчи ходимлар халал бермаслиги муҳим.

6. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш психологияси

Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳали жинойтчи эмас. Шу боис жинойтни ушбу шахс содир этганми, деган масалага жавоб излаётганда унинг психологиясини аниқ тушуниш зарур. Айбдор жавобгарликдан бўйин товлаш ва жинойтда иштирокини яширишга интилиб, атрофдагилардан жинойт билан боғлиқ кечинмаларини

яширишга ҳаракат қилади. У ўз хотираларини ташқи кўринишлардан асрайди ва бу билан уларга доимо жонли тус беради, кечинмаларини яширар экан, уларни янада кескинлаштиради. Охир оқибатда ўз ҳиссиётлари ва фикрларини яширишга қаратилган ҳаракатлар унинг руҳий жараёнларида кучли бузилишлар ҳосил қилади.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал ҳолати юридик жиҳатдан жиддий фарқларга эга бўлса-да, психологик жиҳатдан бу фарқлар унчалик муҳим ҳисобланмайди. Жумладан, гумон қилинувчида унинг ҳолати тез-тез ўзгариб туради, гоҳ ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлиши, фаол қаршилик кўрсатишга интилиш, терговчининг имкониятларини етарли баҳоламаслик, ўзига нисбатан ортиқча ишониш, гоҳ аксинча, ғамгинлик, депрессив ҳолат, паришонлик, иродасизлик ҳосил бўлиши билан кечади.

Гумон қилинувчидан фарқли равишда айбланувчи кўпинча ишнинг ҳолати, терговда мавжуд далилларнинг мазмуни ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлади. Бироқ дастлабки терговда гумон қилинувчида ҳам, айбланувчида ҳам кўпгина ўхшаш психологик ҳолатлар, мақсадлар ва мотивациялар кузатилади, бинобарин, уларнинг хатти-ҳаракатларида ҳам булар кўринади¹.

Сўроқ қилинаётганларнинг руҳий ҳолати, ҳаракат мотивлари, шахсий хислатлари уларнинг дастлабки терговдаги хатти-ҳаракатларини ва уларга психологик ёндашувни, энг самарали тактик ва психологик усулларнинг танланишини белгилаб беради. Сўроқда айбланувчи турли-туман ҳиссиётларни бошдан кечириши мумкин.

Жиноят содир этган шахс фош бўлишдан ва, албатта, жазоланишдан кўрқади. Бу ҳолат одатда унинг руҳиятига оғир таъсир кўрсатади, иродасига муайян даражада босим ўтказди, юзага келган ҳолатларни тўғри баҳолаш имкониятини пасайтиради, ўзини назорат қилишини ёмонлаштиради, уни руҳан сиқилган, депрессив ҳолатга солиши мумкин. Кўрқув одатда жиноят содир этган шахсда уни жиноий жавобгарликка тортишдан анча аввал пайдо бўлади. Бундай психологик ҳолатлар сўроқ қилинаётган шахс билан психологик алоқа ўрнатишни қийинлаштиради, сўроқ самарадорлигини пасайтиради.

¹ *Изоҳ:* Шу ўринда ва бундан кейин айбланувчи ҳақида айтиладиган ҳамма фикрлар тенг даражада гумон қилинувчига ҳам тааллуқлидир.

Сўроқда айбланувчи руҳий ларза, юз берган воқеадан қариндошлари ва яқинлари, дўстлари, хизматдошлари, қўшнилари хабардор бўлиши мумкинлигидан хавотирланиб уялиши мумкин. Атрофдагиларнинг баҳоси ва фикрларига ҳаттоки қатъий шаклланган ғайриижтимоий қарашларга эга бўлган шахслар ҳам бефарқ эмасдирлар. Ошкор бўлишни истамаслик жуда кучли мотив бўлиб, кўп жиҳатдан айбланувчининг хатти-ҳаракатини белгилаб беради. Бундай мотив аниқланганида терговчининг вазифаси сўроқ қилинаётган шахсни тўғри ва тўлиқ кўрсатма бериш зарурлигига ишонтиришдир. Фақат шугина, биров бўлса-да, яқин одамларнинг хайрихоҳлигини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Терговчи баъзан бошқаларнинг фикри билан қизиқмайдиган айбланувчилар (кўпинча рецидивистлар) билан учрашишига тўғри келади. Улар «ушланмаган ўғри – ўғри эмас», «пулнинг ҳиди йўқ» каби принципларга асосланадилар.

Айрим айбланувчиларга ўзи эришган ижтимоий, хизмат ва моддий мавқеини йўқотишдан кўрқиш хос бўлади. Шу боис сўроқ пайтида бундай айбланувчи кўпинча тўғри кўрсатма беришдан бўйин товлайди. Бу ўринда терговчи айбланувчининг мазкур психологик ҳолатни енгизиши учун уни ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш орқали ижтимоий мавқеини тиклаш, жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланиши мумкинлигига ишонтириши керак.

Айбланувчининг ҳаракат мотивларини шакллантирадиган кучли психологик ҳолат озодликдан, одатдаги турмуш тарзидан маҳрум бўлиш, жиноятчилар орасида бўлиб қолишдан кўрқиш ташкил қилади. Бундай ҳиссиёт айниқса биринчи марта жиноят содир этган ва жинойий жавобгарликка тортилган шахсларга хосдир. Ушбу вазиятда айбланувчи фақат айбини рад этиш, ёлғон кўрсатма бериш орқалигина ушлаб туриш, ҳибсда сақлаш, қамоққа олиш, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ ҳукм чиқарилишидан қутулиб қолиш мумкин деб ҳисоблайди. Унда тегишли психологик ҳолат юзага келади, терговчи енгизиши зарур бўлган қараш шаклланади. Бунинг учун айбланувчини айбни исботлаш унинг эътирофига унча боғлиқ эмаслигига, ҳал қилувчи даражада бутун далиллар мажмуига боғлиқ эканлигига ишонтириш талаб қилинади. Бу ўринда чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ҳамда жиноятни очишга фаол кўмаклашиш суд учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланишини тушунтириш талаб қилинади.

Амалиётнинг кўрсатишича, гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноятларда айбланувчи гуруҳ иштирокчиларига ҳар хил муносабатда бўлади. Агар у кимгадир кўп жихатдан қарздор бўлса, ушбу шахснинг жиноятга алоқадорлигини яширишга уринади, бунда унинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашидан умидвор бўлади. Кўпинча жиноятчилар гуруҳидаги психологик муносабатлар тизими кучга бўйсунуш, кўркувга, бошқа тубан интилишлар ва инстинктларга асосланади. Шу боис тергов жараёнида жиноий гуруҳ иштирокчилари бир-бирларидан ажратилганда ушбу асосда қурилган муносабатлар бузилиб кетади. Айбланувчида уни жиноий гуруҳга тортган, жиноий жавобгарликка жалб қилинишига сабаб бўлган шахсларга нисбатан адоват мустаҳкамланиб боради. Терговчи айбланувчининг бундай рухий ҳолатидан фойдаланишга, унинг олдида жиноий гуруҳда мавжуд бўлган муносабатлар тизимини очиб беришга, жиноятчилар орасидаги сохта ўртоқлик ҳиссиёти нимага асосланганлигини кўрсатишга, бу билимлардан сўроқ қилишнинг энг самарали тактик усуллари танлашда фойдаланишга ҳақлидир. Бироқ уларни жиноий гуруҳ иштирокчиларининг психологик ўзаро муносабатларини инобатга олган ҳолда танлаш зарурлигини ёдда тутиш лозим, чунки тубан ҳиссиётлар ва интилишларни кўзғатиш, улардан фойдаланишга асосланган усулларни қўллашга йўл қўйилмайди.

Гумон қилинувчи, ҳатто айбланувчига айланиб қолган айбсиз киши бошидан кечираётган психологик ҳолат алоҳида ўрин тутаяди. Шубҳасиз у ғазаб, жаҳл, алам ҳисларини сезади, асосланмаган шубҳалардан тезроқ қутулишга, айбсизлигини исботлашга интилади, шунингдек, чорасизлик, ўзига қарши далилларни рад эта олмаслик, атрофдагиларнинг ўзи ҳақидаги нотўғри фикрларини енгиш ҳисларини сезиши мумкин.

Сўроқнинг самарадорлиги кўп жихатдан сўроқ қилинаётган шахснинг психологик ҳолатига, айбланувчининг ўз айбини англашига, тўғри кўрсатмалар беришга тайёр эканлигига боғлиқ. Терговчи салбий психологик ҳолатларни тактик жихатдан моҳирлик билан сусайтириши ёки зарарсизлантириши ҳамда ижобий томонларни кучайтириши, қўллаб-қувватлаши керак.

7. Юзлаштириш психологияси ва унинг ўзига хослиги

Юзлаштириш тергов ҳаракати бўлиб, айнан вақтда шахсни сўроқ қилишдир. Бу ҳаракатнинг мақсади жиноятга оид муҳим ҳолатлар тўғрисида аввал олинган кўрсатмаларда мавжуд бўлган қарама-қаршилиқни йўқ қилишдан ёки аниқлашдан иборат. Бу тергов ҳаракати иккита айбланувчи (гумонланувчи), айбланувчи (гумонланувчи) ва гувоҳ, айбланувчи (гумонланувчи) ва жабрланувчи, иккита гувоҳ, жабрланувчилар ўртасида ўтказилиши мумкин.

Юзлаштириш маълум маънода руҳий хусусиятларга эга бўлиб, бошқа сўроқ қилиш ҳаракатларидан қуйидагилари билан фарқ қилади.

1) юзлаштириш пайтида мураккаб руҳий муносабатлар вужудга келади. Тергов зиддиятли тус олади, чунки шахснинг биринчи берган кўрсатмалари юзлаштириш пайтида тўғри келмаслиги мумкин;

2) юзлаштиришда сўроқ қилинувчилардан бири ҳақиқий кўрсатма берса, иккинчиси ёлғон кўрсатма беради;

3) юзлаштиришда жиноят ҳодисаси ва сўроқ предметига алоқадор иккита шахс учрашади.

Юзлаштириш қатнашчилари руҳий жиҳатдан унга тайёр бўлишлари лозим. Юзлаштиришдан аввал терговчи қуйидаги тайёргарлик ҳаракатларини ўтказиши керак:

– кўрсатмалардаги зиддиятларга баҳо бериб, улар иш бўйича аҳамиятга эга ёки эга эмаслигини аниқлаши;

– иш бўйича катта аҳамиятга эга зиддиятларни бартараф этиш учун юзлаштириш тергов ҳаракатини ўтказиш ва уни ўтказиш тўғрисида тактик қарорга келиш (зиддиятлар бошқа тергов ҳаракати асосида йўқ бўлиши мумкин эмас);

– юзлаштириш вақтини ва жойини белгилаш;

– юзлаштиришда қатнашувчиларнинг шахсини ўрганиш ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш;

– юзлаштириш режасини тузиш лозим ва унга юзлаштириш предмети, унда иштирок этувчи шахсларнинг юзлаштиришда қиладиган хатти-ҳаракат вариантларини таҳлил қилиш, сўроқнинг, саволларнинг шакли ва кетма-кетлигини белгилаш;

– юзлаштиришда ишлатиладиган қайд қилувчи воситаларни (қалам, қоғоз, компьютер, магнитофон, видеоёзув асбоблари, ёриткичларни ва ҳ.к.) тайёрлаб қўйиш;

– юзлаштиришга чақириладиган шахсларнинг тегишли санада ва вақтда келиши, шунингдек юзлаштиришда бошқа шахсларнинг иштирок этиши зарур деб топилса (масалан, вояга етмаган айбланувчининг ҳимоячиси), бундай шахсларни юзлаштиришга чақириш чораларини кўриш.

Юзлаштириш ўтказилгани тўғрисида баённома тузилади ва унда терговчининг саволлари ва қатнашчиларнинг жавоблари кетма-кетликда қайд этилади. Юзлаштиришда кўрсатмаларни қўшимча қайд қилиш учун магнитофон ёки видео ёзув ускунаси ишлатилиши мумкин ва бу тўғрисида баённомада тегишли белги қўйилади ва уларнинг ишлатилиши ҳақида қатнашувчилар юзлаштиришдан аввал огоҳлантириладилар.

Юзлаштириш жараёни бошланишида аввал юзлаштирилаётган шахсларнинг бир-бирларини қанчалик билишлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўрганилади. Шундан сўнг улар навбатма-навбат содир этилган воқеа, ҳодиса юзасидан ўзларининг кўрсатмаларини берадилар. Терговчи ҳақиқатни аниқлаш мақсадида сўроқ қилинаётганларнинг бир-бирларига савол беришларига рухсат беради.

Ўз-ўзидан маълумки, сўроқ жараёнида юзлаштирилаётган икки шахс бир-бирига қарама-қарши фикрда, низоли вазиятда бўлишади. Шу ўринда терговчи биринчи навбатда диққатини аниқ ва тўғри кўрсатма бераётган шахснинг кўрсатмаларига қаратиши тактик жиҳатдан тўғри ҳисобланади.

Шунингдек, юзлаштириш жараёнида терговчи ўз руҳий, эмоционал-ҳиссий ҳолатини тўлиқ бошқариши ва мураккаб, низоли вазиятларда тинчлик ва хотиржамликни сақлаши ҳамда сўроқ қилинаётган шахсни чуқур ўрганиши натижасида унинг шахсий характеридаги «нозик жойларини» билиши зарур.

Юзлаштириш жараёнини амалга оширишда ижтимоий-психологик эффектлар ингибицияси, яъни бошқа одамларнинг қатнашиши эффектидан самарали фойдаланиш зарур. Ушбу вазиятда шахс хулқ-атвори (модификация) ўзгаради, яъни у қатнашчиларнинг таъсиридан йўналиш олади, натижада сўроқ қилинаётганда ҳимояланиш механизмининг устунлик қилиши кузатилади.

Юзлаштиришдан асосий мақсад тергов жараёнига қарши, ёлғон кўрсатма бераётган шахсни аниқлашдир. Бизга маълумки, аниқ маълумотлар психологик таъсир кўрсатиш омиллари асосида олинади. Шу маънода содир этилган воқеани бирма-бир, тўлиқ тасвирлаш қарама-қарши шахсларга психологик таъсир кўрсатишнинг ҳал қилувчи усулларида бири саналади. Шунингдек, юзлаштириш жараёнида кўрсатма бераётган шахсга нисбатан ҳеч қандай тазйиқ ва бошқа психологик таъсирлар ўтказилиши мумкин эмас.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Тергов ҳаракатларини олиб боришнинг ўзига хос психологик асослари нималардан иборат?
2. Воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш қандай ўзига хосликларга эга?
3. Тинтув ўтказишга психологик таъриф беринг.
4. Терговчи шахсидаги профессионализм сифатларига тавсиф беринг.
5. Яшириш жойларини танлашда ҳисобга олинadиган психологик омиллар нималардан иборат?
6. Сўроқ қилиш жараёнига психологик тайёргарлик кўришда нималарга эътибор қаратилади?
7. Юзлаштириш жараёнида иштирокчиларнинг психологик ҳолатига таъриф беринг.

ХII БОБ. ЖИНОЯТЧИНИ ҚИДИРИШ ВА ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Жиноятларни очиш фаолиятининг психологик хусусиятлари

Юридик психология фанининг криминал психология соҳаси жиноятларни очишда жиноятчи шахснинг ғайриижтимоий хулқи сабабларини икки гуруҳга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратган ҳолда ўрганади. Шу нуқтаи назардан, ижтимоийлик ёки биологиклик омилларига «руҳийлик» номли тизим ҳосил қилувчи омилни киритиш ҳамда инсон хулқининг сабабий боғланишлари (детерминацияси) билан боғлиқ барча муаммолар мажмуини *ижтимоий-психологик-биологик* сабаблар деб аташ тўғри бўлади. Бунда «психологик» жиҳатнинг ўртада жойлашгани унинг ҳам ижтимоий, ҳам биологик омил учун бирлаштирувчи функцияга эгаллигини англатади. Шу боис жиноятларни очиш жараёнида ички ишлар ходими шахснинг *«ижтимоий-психологик-биологик»* тузилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Жиноятларни очиш фаолиятида шахснинг хулқида намоён бўлувчи ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омилли бўлиб, у бир ёки бир қанча сабабларнинг оқибати эмас, балки алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти натижасидир. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва биологик омиллар ўз-ўзича эмас, балки жиноятчи шахс хулқининг ўзига хослигини намоён қилувчи унинг шахсий-психологик хислатлари билан бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

Инсон томонидан жиноят содир этилишида шахс хулқи, эҳтиёжлари, анланган ва анланмаган майллари тизими, қарашлари ҳамда қадриятлари, олдига қўйган мақсад ва унга эришиш истаги биринчи ўринга чиқади.

Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятларининг паст даражада бўлишида, унинг ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади. Яъни, ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан бахрамандлик даражаси билан боғлиқдир.

Инсон хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.

Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятидир) унда биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанчалик чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунчалик катта роль ўйнайди.

Криминолог олим З. С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: 1) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; 2) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилик) билан боғлиқ жараёнлар; 3) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; 4) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар¹.

¹ Қаранг: *Зарипов З.С., Исмаилов И.* Криминология. – Т., 1996. – Б. 130.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёнлари қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳит ўртасидаги алоқанинг натижаси бўлиб, муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини ўзида акс эттиради.

Шу маънода, аксарият жиноятчи шахсларнинг хулқида жанжал-кашлик, тез таъсирланиш, салбий майлларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши, ўз хулқини ижобий қадриятлар ва мотивациялар билан бошқариш механизмининг сустлигини кузатиш мумкин.

Шу маънода, аксарият жиноятчиларда ўз-ўзидан юзага келадиган майлларнинг тасодифий вазиятларга боғлиқлиги хосдир. Шахснинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг тарқоқлиги аксарият жиноятчиларни бир-биридан ажратиб турувчи асосий психологик жиҳатлардан биридир. Жиноятчиларнинг айрим худбинона интилишлари ғайриижтимоий тус олганда уларнинг ахлоқий тизими онг ости майллари даражасида бошқарилади.

Яқин ўтмишда бўлган фрейдизмнинг асоссиз танқид қилиниши бизда «онг ости» тушунчасига салбий муносабатни юзага келтирди. Ҳозирги илмий психология «онг ости омилини» «ўз» ўрнига қайтарди.

Руҳий бошқарувларнинг онг ости механизмлари барча мақсадли ҳаракатларда, ахлоқий қарашларнинг кенг миқёсли тизимида намоён бўлади. Онг даражаси қанчалик паст бўлса (аксарият жиноятчиларга ана шу белги хос), хулқни тартибга солишнинг онг ости механизмлари шунчалик катта роль ўйнайди.

Инсоннинг асосий ахлоқий фонди умум қабул қилган меъёрларга айланиб улгурган. Муайян шахс хулқининг мустаҳкамланган, умумлашган усуллари унинг табиатига хос хислатлардир.

Ижтимоийлашган шахс барча вазият ва шароитларда барқарор ва яхлитдир, жиноятчи шахс эса вазиятга тобе бўлади. Шу билан бирга, ашаддий жиноятчиларга хос барқарор ғайриижтимоий йўналганлик уларда тегишли устунлик қилувчи криминоген мотивлар, жамият учун хавфли анланган, уларнинг ҳаёти ва фаолиятидаги бошқа барча кўринишларни ўзига бўйсундирувчи интилишлар борлигидан далолат беради.

Ўз навбатида, шахс ўзининг руҳий хислатларига кўра жиноятчининг ижтимоий ролига муқаррар маҳкум этилиши мумкин

эмас. Бирок, ҳар бир жиноятда унинг субъектив томони сифатида жиноятчи шахснинг руҳий ҳолатлари доимо намоён бўлади.

Жиноятчилар бир-бирларидан ҳамда ижтимоий ҳаётга мослашган, қонунга итоаткор одамлардан «жиноий жиҳатлари» билан эмас, балки ҳаёти ва фаолиятининг турли шароитларида шаклланган феъли-атвориға хос салбий хислатлари билан фарқ қиладилар.

«Жиноий руҳият» ҳам, «жиноий ворисийлик» ҳам мавжуд эмас. Айни вақтда руҳият ҳам, унинг табиий шарт-шароитлари ҳам ҳар қандай ахлоқий актга, жумладан ғайриқонуний ҳаракатларга «дахлдордир».

Ижтимоий қарашлари қатъий бўлмаган иродасиз инсонда ҳатто унинг табиий майллари ҳам ғайриижтимоий ахлоқ шаклларида, яъни жинсий инстинкт – номусга тегишда; фаол муҳофаа рефлексии – шахсга тажовуз қилишда; ўзини сақлаш инстинкти – дезертирликда намоён бўлиши мумкин. Ҳуқуқий белгиларига кўра бир хил жиноий қилмиш турли руҳий омиллардан келиб чиқиши мумкин. Масалан, ўғрилиқ жинояти айбдорнинг шахсий йўналиши билан ҳам, иродасининг сустиги ва ишонувчанлиги билан ҳам, патологик хусусияти билан ҳам содир этилиши мумкин.

Инсоннинг жиноий қилмишида намоён бўладиган шахсий хислатлари «ҳуқуқий онгдаги қандайдир умумий нуқсонлар»дан эмас, балки аниқ ахлоқий-психологик қусурлари (бахиллик, шафқатсизлик, ижтимоий салбий одатлар)дан далолат беради.

Рус олими А. Р. Ратиновнинг ўтказган тадқиқотида жиноятчи шахслар билан қонунга итоаткор фуқаролар ўртасида жиддий психологик фарқлар борлиги кузатилган. Яъни, шкалалар таҳлилда текширилувчиларнинг қонунга итоаткор гуруҳи барча асосий қадриятларга ўзининг ижтимоий-ижобий муносабатини, ўз ҳаётининг мазмунини баҳолаши бўйича жиноятчи шахслардан анча устун эканлиги маълум бўлган. Жиноятчи шахслар билан қонунга итоаткор шахслар ўртасидаги фарқлар ижтимоий муҳит, фаолият, бадий завқ, никоҳ, севги, фарзандлар, оила каби қадриятларда ёрқин кўринади¹.

Ҳар бир инсонда ижобий хулқ мавжуд бўлиб, бу хулқ анланган ҳамда қарорни эркин, тўғри қабул қилса, вазиятнинг қулиға

¹ Қаранг: *Ратинов А. Р.* Судебная психология для следователей. – М., 1987. – С. 59.

айланмайди, албатта, қонунга итоаткор шахсларда ушбу хислатларни кузатиш мумкин.

Инсон хулқининг руҳий бошқарув даражаси қанчалик паст бўлса, унинг хулқида вазият билан боғлиқ ҳолатлар шунчалик катта аҳамиятга эга бўлади. Кўпчилик жинойтчиларга ҳақиқатан ҳам хулқининг вазият билан боғлиқлиги хос бўлиб, бу унинг феълига хос жиҳатдир.

Инсон ўзи учун муайян қийматга эга бўлган нарса, ҳодиса сабаблигина фаол ҳаракат қилади. Қадриятлар тизими индивидуал бўлиб, у инсоннинг руҳий фаоллигини белгилаб беради: бир киши учун ҳаётий муҳим бўлган нарса, бошқа шахс учун унчалик муҳим бўлмаслиги мумкин.

Жинойтчининг хулқи ҳам қадриятлар асосида йўналган. Аммо жинойтчининг қадриятлари бузилган, улар ижтимоий қадриятларнинг умум эътироф этган тизимига мос келмайди. Шу маънода жинойтларни очиш жараёнида содир этилган жинойтнинг сабабини аниқлаш яхши самара беради. Чунки *жинойт мотиви* жинойий қилмиш содир этишга аҳд қилувчи англаб етган ҳис-туйғудир.

Жинойтларни очишда аввало жинойтчининг интеллектуал-маънавий хислатлари, қадриятлари, руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, жинойтчи шахсининг руҳий ҳолатларини мантиқий таҳлил этиш, у содир этган жинойтни малакали баҳолаш, жумладан индивидуал башорат қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Содир этилган жинойтни очишда жинойтчи тўғрисида ҳар томонлама чуқур тасаввурга эга бўлиш учун жинойий ҳаракатнинг вақти, жойи ва бошқа жиҳатлари тўлиқ психологик таҳлил этилиши, яъни жинойт содир этилишининг яширин мотивлари ва мақсадларини инобатга олиш зарур.

Жинойтчи шахс жинойтни нима мақсадда содир этиши мумкин?

Айнан мана шундай муаммоли савол қўйиш жинойтчиликка қарши курашишда, айниқса, агар у «ўз касби»ни пухта биладиган рецидивист томонидан содир этилса, унга қарши курашиш ўта муҳим ҳисобланади. Бу борада жинойт-қидирув фаолияти мутахассислари шундай хулосага келган: *«Жинойтчиликка қарши кураш бу худди зиддиятдек, яъни икки томон ҳам ўзига хос бир-бирига қарши хабарга эга бўлади ва бу хабарлар натижасида иккала субъект ҳам бир-бирининг энг нозик томонини билган ҳолда кураш олиб боради»*.

Жиноят содир қилган шахснинг асосий мақсади:

- 1) ўз олдига қўйган мақсадига эришиш;
- 2) қилган жиноятининг изини йўқотиш.

Жиноятчи шахсларнинг ички руҳий олами ва анъаналаридан келиб чиқадиган бўлсак, улар кўп ҳолларда жиноятни маҳорат билан (профессионал) содир этадилар, шунингдек, бошқа шахсларни кўрқитиш, алдаш йўли билан жиноят содир этишга мажбур қиладилар.

Жиноятчи шахслар иложи борича ички ишлар идоралари ходимлари билан мулоқотда бўлишни хоҳлашмайди, улардан узокроқ юриш, ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиладилар. Агар улар билан мулоқотга киришадиган бўлса, ўзларининг фақат ижобий томонларини кўрсатишга интиладилар, чунки ижобийлик уларнинг ҳар хил воқеа-ҳодисалардан кейин гумон қилинмаслигини таъминлаши мумкин, деган фаразни юзага келтириш мумкин.

Жиноятларни очиш ва тергов қилишда терговчи оператив қидирув хизмати ходими билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Мазкур ҳамкорлик жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топишда алоҳида ўрин эгаллайди, яъни улар тергов фаолиятини тезкор ахборот билан таъминлайдилар.

Шу ўринда оператив қидирув фаолиятининг алоҳида психологик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- яширин жиноятларни очиш;
- жиноятчининг қарши ҳаракати ва қаршилиқ кўрсатишини енгиш;
- муайян ролга кириш ва айёрликни қўллаш.

«Оперативлик» атамаси муайян амалий шароитларга жавобан амалий ҳаракатларни амалга оширилишини билдиради. Оператив фаолият юқори даражада ҳаракатчан (динамик) моҳиятга эга бўлиб, расмиятлаштирилиши мумкин эмас.

Жиноят қидируви очиқ усул ва воситалардан ташқари, шахсий қидирув, яширин кузатув, ёпиқ манбалардан ахборот йиғиш, махсус ҳисобга олиш, оператив техника каби яширин воситаларни қўллаш ҳуқуқига эга.

Оператив-қидирув йўллари орқали терговчи қуйидагиларни олиши мумкин:

- объектлар тўғрисида маълумотлар, шунингдек ўз ичида исботлаш ахбороти эҳтимоли бўлган ашёвий далиллар;

- далиллар йиғишнинг тактик усуллари белгиловчи шароитларга йўналтирувчи маълумотлар;

- далилларга тўғри баҳо беришга кўмаклашувчи маълумотлар;

- гумон қилинаётган шахслар тўғрисида маълумотлар.

Юқорида кўрсатилган фикрлар исботи сифатида одам ўлдириш каби ўта оғир жиноятларни қидириш, топиш ва тергов қилиш ҳаракатларининг умумий таркибини кўриб чиқамиз.

1. Жиноятчи шахснинг жиноят содир этишга қадар бўлган психологияси таҳлили:

- қонунбузар шахснинг жабрланувчи билан жиноят содир этилишига қадар бўлган алоқаси, жабрланувчининг хулқ-атвори билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларни билиши, жабрланувчи билан низоли муносабатларни ривожлантириш, жиноятнинг асосий йўналтирувчи мотивацияларини, жиноятни амалга оширишнинг дастурини белгилаш ва амалга ошириш шартларини аниқлаб олиш;

- жиноятнинг қурол ва воситаларини олиш ёки ясаш (мутахассислар билан маслаҳат қилиш, адабиётларни ўрганиш);

- жиноятни ҳеч қандай тўсиқларсиз яширин тарзда амалга ошириш учун замин тайёрлаш, келгусида қотилликни яшириш учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Жиноят содир этишнинг индивидуал хусусиятлари механизмини таҳлил қилиш:

- жабрланувчи билан жиний алоқанинг хулқ-атворга боғлиқ хусусиятлари (жиний ўзаро алоқада бошланғич босқичининг хусусиятлари);

- қотилликнинг турли усулларида тан жароҳати етказиш механизмнинг операционал хусусиятлари: қаршидан, ўртача ва узоқ масофадан туриб ўқ отиш, пистирма ёки бинодан туриб ўқ узиш, қўл, сиртмоқ билан бўғиш, турли моддалар ва усуллар билан заҳарлаш, тепаликдан ташлаб юбориш, машинада босиш, юриб кетаётган автотранспортдан улоқтириб юбориш, жабрланувчини ёрдамга муҳтож ҳолатга келтириш ва уни ҳаёт учун хавфли бўлган шароитда қолдириш ва ҳоказо.

3. Жиноят изларини таҳлил қилиш:

- мурдадаги тан жароҳатлари, кийим-кечакдаги шикастлар;

- мурда танасида ва кийимида куйиш аломатларининг борлиги;

- жабрланувчи танасида тирноқ ва тиш излари, шунингдек биологик келиб чиқишга эга бошқа изларнинг борлиги (тупук, қон,

сперма, соч, шунингдек тирноқ остидаги моддаларнинг биологик компонентлари);

- воқеа содир бўлган жойда курашиш излари (жиноятчи тана аъзолари қисмлари (тизза, биллак, кафт), шунингдек жиноятчи пойафзалининг излари;

- жиноятчи томонидан фойдаланилган транспорт излари, унинг танаси, пойафзали ва кийимидаги излар, микроизлар, (кийим толлари, қўлланилган куролларнинг микро зарраларининг борлиги);

- гумонланувчи яшаш жойида микроизларнинг мавжудлиги, жиноятни яшириш аломатлари.

4. Жиноятчининг шахсий хусусиятлари таҳлили ва жиноят содир этиш сабабларини ўрганиш:

- жиноятчининг анатомик-физиологик ва шахсий хусусиятлари тўғрисида эҳтимолли хулосалар (криминллашиш даражаси, хулқ-атворнинг жинойий усулларини билиши, жинойий мақсад қўйиш ва унга эришишда индивидуал-операционал афзалликлар);

- жиноят содир этишнинг эҳтимолли мотивлари (қасд, ўч, рашк, аффектив зўравонлик ва ҳ.к.);

- шахсга оид акцентуациялар ва психик аномалиялар (муайян вазиятга мос келмайдиган тўсатдан юзага келадиган, ноадекват хулқ атвор, хатти-ҳаракатлар, бемаъни шафқатсизлик, садизм, жинсий патология, ҳаракатларнинг тор йўналишда танланганлиги ва ҳоказо).

Жиноят қидирув ходимлари шахсларни профилактика инспекторларининг тавсияси билан текшириши мумкин. Кўп ҳолларда жиноятчи шахслар ички ишлар ходими, яъни профилактика инспекторлари билан муомаласини яхши қилишга ҳаракат қилишади, ўзини ижобий томондан кўрсатиб юради ва бундан фойдаланиб, жиноят содир қилади. Жиноятчи шахслар ўзлари ҳақида бирор-бир ёмон фикр юзага келтирмасликка ҳаракат қилади, асосан ўзларини бой қилиб кўрсатмайди, агар жиноят, масалан, ўғрилик содир қилган бўлса ҳам танишларидан ҳамманинг олдида пул қарз сўрайди.

Ички ишлар идоралари ходимлари турли тоифадаги жиноятчиларнинг психологик хусусиятларига, содир этган жиноятига қараб, содир этилган жиноятнинг асосий мақсади ва мотивларини мукамал билишлари, зудликда эҳтиёт чораларини кўришлари, шунингдек, жиноятчи шахс ҳамда жиноятчи гуруҳларнинг қилган

жинойй хатти-ҳаракатлари, уларнинг психик ҳолатлари, индивидуал психологик хусусиятларини жиноятни очиш жараёнида психологик билимлар ва усуллардан моҳирона фойдаланган ҳолда очиш қобилиятига эга бўлишлари давр талабидир.

2. Қидирув фаолиятининг психологик тузилиши

Жиноят содир қилган шахсларни қидириб топиш ва қўлга олишда тезкор ходим жабрланувчи, гувоҳ, қидирувдаги шахслар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари керак. Чунки олинган хабар, маълумот шахснинг қаерга кетиши, ким билан бўлиши, нима учун бу жиноятни айнан мана шу вақтда содир қилганлиги ҳақида ўйлашга, хаёлий образини яратишга имкон беради. Қайд этиб ўтганимиздек, ҳар қандай жиноий ҳаракат ўзининг динамик хусусиятига эга, сабаби ҳар бир қилмишнинг бошланиш ва охири босқичи бўлиши табиий. Маълумки, фаолиятида жиноий ҳаракат икки босқичга бўлинади:

- 1) мотивацион, яъни бошланғич, тайёргарлик босқичи;
- 2) мақсаднинг қатъийлиги, яъни мақсад йўлида иродавий куч ишлатиш натижасида бирор-бир қилмишнинг содир этилиши.

Ходим қидирувни амалга оширишда содир этилган жиноятга қараб жиноятчининг хулқ-атворини психологик башорат қилиши ва хаёлан унинг психологик портретини онгида тасаввур этиши зарур. Сабаби, жиноят содир этилгандан сўнг қидирувдаги шахснинг руҳиятида ўзгаришлар бўлади ва бу кўп жиҳатдан унинг психологик тузилиши темпераменти, характери, қобилияти ва йўналганлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, ходим қидирув фаолиятини амалга оширишда кўйидаги психологик тизимлиликка эътибор қаратиши зарур:

- 1) содир этилган жиноят онгсиз ёки онгли, режа асосида амалга оширилганлигини ҳисобга олиш ва шу асосда қидирув тусмолларини тузиш;

- 2) жиноят айрим ижтимоий ролларнинг бузилиши натижасида ёки эҳтиётсизликдан содир этилганлиги. Чунки профессионал жиноятчиларда олдиндан тайёргарлик кўриш натижасида ҳиссий эмоционал зўриқиш камроқ бўлади.

Ҳар қандай жиноят содир қилган шахсни психологиясида доимо менинг содир қилган жиноятимни ҳеч ким топа олмаслиги зарур, буни учун мен барча шарт-шароитларни онгли равишда

амалга ошириб қўйдим, деган фикр туради. Кўпинча рецедив жиноятчилар жиноят содир қилишларидан олдин илгари содир қилган жиноятларидаги хатоларини ҳисобга олади, уни ўзича таҳлил қилади ва ички ишлар ходими исботлай олмаслиги керак, деган хаёл билан юради.

Жиноят содир қилган шахсларни қидириш фаолиятини психологик жиҳатдан қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш лозим.

Биринчи босқичда қидирувнинг сабаби, мақсади, жиноятни ким ёки кимлар томонидан содир этилгани, жиноятнинг содир этилиш усуллари ва жиноятчиларнинг жиноят содир қилишдан мақсадлари ва уларнинг вазифалари ўрганилади.

Иккинчи босқич – гувоҳлар ва уларнинг кўрсатмаларида қандай психологик хусусиятлар хослиги. Жиноят содир қилишда жиноятчи шахсларнинг психологик жараёнларини ўрганиш, яъни:

- жиноятчининг ташқи кўринишини идрок этиш;
- жабрланувчининг ташқи кўринишини идрок этиш;
- жиноятчи шахснинг хатти-ҳаракатларини эсда сақлаб қола билиш;
- жиноятчи шахснинг юз тузилишини тасвирлаб бериш.

Учинчи босқич – жиноятчи шахс ҳақида маълумот тўплаш ва уларни таҳлил қилиш:

- жиноятчи шахснинг ташқи кўриниши ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- жиноятчи шахс образини хаёлий тасаввур қила билиш;
- яшириниш жойларини тахмин қила билиш;
- қидирувдаги шахсни қўлга олиш учун қўлланадиган усулларни ўйлаб топиш.

Тўртинчи босқичда ходим қидирув ҳаракатларини амалга оширишда қуйидаги ҳолатларни аниқлашга эътибор қаратади:

- қидирувдаги шахснинг эҳтимолий ҳаракатлари ва яширинишдан мақсади;
- унинг яшириниш ниқоблари;
- одатлари, қизиқишлари;
- характери ва темпераменти;
- қидирувдаги шахснинг яқин қариндошлари, танишлари ҳақида маълумотларга эга бўлиш;
- қидирувдаги шахснинг бошқа шахслар билан ўзаро алоқаси;
- қидирувдаги шахс қидирув ҳаракатларини сезганда ўзини четга олиши ва алдаш усуллари;

– қидирувдаги шахснинг интеллектуал сифатларини ҳисобга олиш ва бошқа шу каби психологик томонларини инобатга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Қидирувдаги шахс хатти-ҳаракати динамик характерга эга. У қидирувда қўлга киритилган маълумотлар асосида вужудга келади ва ўзгариб боради. Ходимда қидирув ишларини олиб бориш учун қуйидаги психологик сифатлар: психологик тайёргарлик, касбий маҳорат, ривожланган хотира, мантиқий тафаккур муҳим ҳисобланади.

Шу маънода яширинган жиноятчининг шахси тўғрисида тусмолларни қуйидаги маълумотларга кўра илгари суриш мумкин:

- жабрланувчи ва шоҳидларнинг жиноятчининг ташқи кўриниши, кетган йўналиши ва у қўллаган транспорт тўғрисидаги кўрсатмалари;

- жиноят усуллари ва мотивлари тўғрисида; жиноий хулқ-атворнинг моддий материаллардан мустаҳкамланган изларидан, жиноят содир этиш натижасида воқеа содир бўлган жойларда қолган излар бўйича;

- жабрланувчининг бедарак йўқолиши ва у билан бирга бўлган ҳамроҳларнинг аниқлаш натижасига кўра.

- мазкур қотилликка муқаддам шахсга қарши жиноятларга, шунингдек қотиллик сабабли мулкнинг ўғирланишига дахлдор шахсларни текшириш бўйича.

Қотиллик билан боғлиқ жиноятларда психологик хусусиятга эга ҳолатларни таҳлил қилиш. Жиноят таркибининг субъектив томонини ташкил қилувчи барча психик ҳолатлар – мотив, мақсад, айб, унинг шакллари, айбланувчи шахсининг психик хусусиятлари ва исботланиши зарур бўлган ҳолатлар ҳисобга олиниши шарт. Бунда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- тергов ҳаракатлари олиб борилаётган воқеаликнинг объектив хусусиятлари (жиноятчи ва жабрланувчининг психик фаоллигининг ташқи намоён бўлиши, қилмишнинг мақсадга йўналиши, қарашлар ва стереотипларнинг ташқи намоён бўлиши, хулқ-атвор, кўник-малар ва ҳоказо);

- жиноятчининг жиноят содир этгунга қадар хулқ-атвори ва руҳий ҳолатлари;

- жиноятчининг жиноят содир этгандан кейинги хулқ-атвори ва руҳий ҳолатлари.

Жиноятдан аввалги шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни олиш жиноятчининг жиноятни содир этишда онгли ёки онгсиз равишда ҳаракат қилиши, унинг шахс сифатида онгли тарзда ўзини ўзи идора қила олиши, хатти-ҳаракатларининг режалаштирилаётган жиноят билан мослиги, шахс криминаллашувининг меъёри, жиноятчи томонидан унинг жиноий қасдини амалга оширишига ёрдам берадиган ёки қийинлаштирадиган ҳолатларни олдиндан кўра олиш, унинг қасди ёки эҳтиётсизлигини аниқлаш зарур.

Жиноят содир этилишидан аввалги ҳолатлардан деярли барча қасддан содир этиладиган қотиллик жиноятлари сабабларини аниқлаш мумкин (ўч олиш, ғараз, рашк, адоват ва ҳоказо.). Жиноятнинг импульсивлиги, аффективлиги кўпинча жиноят воқелигини таҳлил қилишга боғлиқ. Содир этилган жиноятга тегишлилик айбланувчининг жиноят содир этилганидан кейинги хатти-ҳаракатларида намоён бўлади. Психик аномалия (оғиш)лар билан боғлиқ ҳолатларни таҳлил қилишда психологларнинг махсус билимларидан фойдаланилади, бунда суд-психологик экспертиза тайинланади.

3. Жиноятчиларни қўлга олишда психологик омилларни ҳисобга олиш

Қўлга олиш – жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан унинг жиноятга алоқадорлигини аниқлаш ҳамда унга қамоқ тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал қилиш мақсадида қўлланиладиган қисқа муддатли мажбурлаш чораси.

Гумон қилинувчини қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлгандагина қўлга олиш мумкин:

– агар шахс жиноят содир этаётганида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушган бўлса;

– шоҳидлар, жумладан жабрланувчи бу шахсни жиноят содир этган шахс сифатида тўғридан-тўғри кўрсатганларида;

– гумон қилинувчининг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйда жиноятнинг аниқ излари топилганида.

Гумон қилинувчини қўлга олиш шахсга мажбурий (қонун доирасида) таъсир кўрсатиш, унинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракати.

Қўлга олиш вазияти одатда ўзининг жадаллиги, ҳолатларнинг тез ўзгариши билан ажралиб туради. У зудлик билан масъулиятли қарорлар қабул қилиш, вазиятни ҳар томонлама таҳлил этиш, вақт танқислиги шароитида қатъият билан ҳаракат қилишни талаб этади.

Қўлга олишда ушланаётган шахснинг психологик хусусиятларини, унинг муайян вазиятларда эҳтимол тутилган ҳаракатларини инобатга олиш зарур. Буларнинг бари муайян касбий билимларга эга бўлишни, рефлексив, ноодатий вазиятларда тўғри фикр юритишни, ушланаётган шахс хатти-ҳаракатларини олдиндан кўра билишни талаб этади. Бунда ушланаётган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жисмоний ва ҳиссий-иродавий хислатлари (тажовузкорлиги, дадиллиги ва шу кабилар) ҳақидаги маълумотлар муҳимдир. Қўлга олинаётган шахснинг ижтимоий-психологик хусусиятлари – унинг ғайриижтимоийлиги (рецидивлиги), ахлоқсизлиги, психопатик жиҳатлари (аффективлиги) ва бошқаларнинг даражасини ҳам инобатга олиш муҳимдир. Ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушлаш жойи, вақти ва усули ҳақида қарор қабул қилинади. Ушлаш иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун чоралар кўрилиши керак.

Мазкур ҳаракатни муваффақиятли ўтказиш учун ушланаётган шахснинг айна пайтдаги руҳий ҳолатини ҳам ҳисобга олиш лозим. Юқори даражадаги хавфлилик, зўриқиш, умидсизлик, нафрат, аффект, стресс, фрустрация, шунингдек, алкоголь ва наркотиклардан мастлик кескин жисмоний ҳаракатлар қилинишига, тажовузкор қаршилиқ кўрсатиш юзага келишига шароит яратади.

Тажовузкор, қуролланган жиноятчини ушлаш фавқулодда хусусиятга эга бўлмаган ҳолларда (масалан, жиноятчининг йўли тўсилган ва у яшириниш ва атрофдагиларга зарар етказиш имконига эга бўлмаса) ушлашни ҳаддан ташқари тезлаштирмаслик керак – чорасизлик ҳолатини чўзиш ушлаш учун қулай руҳий шароит яратади.

Яширинган жиноятчиларга қаратилган мурожаат қисқа, хушмуомала, хотиржам ва ишонарли бўлиши керак. Мурожаат сўнгида «ушланган вақтингизда сизга инсоний муносабатда бўлинишини кафолатлайман» каби жумлалар бўлиши керак.

Яширинган жиноятчиларни ушлашда кўпинча улар билан руҳий таъсир кўрсатадиган музокараларга киришиш зарурати юзага келади.

Музокара – жиноятчиларни бундан буён жиноий ҳаракатлардан воз кечишга кўндириш мақсадида уларга қонуний-руҳий таъсир кўрсатиш. Музокараларда психологик алоқа ўрнатиш энг қийин вазифа ҳисобланади.

Мантиқий далиллаш билан бирга жиноятчиларнинг ҳиссий-иродавий ўзига хосликларига таъсир кўрсатиш (қариндошлик ҳиссиётларини кўзғатиш, алтруистик ҳиссиётлар, енгилишнинг муқаррарлиги ҳислари ва ш.к.) усулларида ҳам жадал фойдаланилади.

Музокаралар зарур ҳолларда жиноятчиларни куч ишлатиб ушлашдан аввал уни руҳий толиқтириш мақсадида ҳам олиб борилади.

Музокараларни ваколатли шахслар олиб борадилар. Музокарачининг нутқи равон, ишонтириш ва ҳиссий таъсир кўрсатиш қобилиятига эга, оператив ва рефлексив тафаккури ривожланган, симпатияси – шахсий жозибаси бўлиши ва махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши зарур.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ходим ҳаракатларининг йўналишини аниқловчи психологик шарт-шароитлар нималардан иборат?
2. Оператив-қидирув фаолиятининг психологик тузилишини изоҳланг.
3. Қаршилиқ кўрсатаётган шахснинг хатти-ҳаракатини рефлексив бошқариш қандай амалга оширилади?
4. Оператив-қидирув тахминларини ишлаб чиқишда қидирилаётган жиноятчининг хулқ-атвори ва шахси тўғрисида маълумотлар қандай аҳамиятга эга?
5. Жиноятчини қўлга олишга психологик тайёргарлик жараёнини таърифланг.
6. Ҳибсга олиш иштирокчиларининг хулқ-атворига таъсир қилувчи стресс омиллар нималардан иборат?

XIII BOB. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ КАСБИЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлашнинг психологик мазмуни

Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ходимларни психологик жиҳатдан тайёрлашдир. Ҳар қандай касбий фаолият инсонга муайян талаблар қўяди ҳамда унинг шахси ва бутун турмуш тарзида ўзига хос из қолдиради. Ички ишлар идоралари ходими касбий фаолият самарадорлигини белгилаб берувчи қандай шахсий хислатларга эга бўлиши лозимлигини аниқлаш учун ушбу фаолиятнинг ўзини психологик жиҳатдан таҳлил қилиш, унинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, таркибий тузилишини очиқ бериш зарур. Касбий фаолиятнинг қонуниятларини аниқлаш уни нафақат ўрганишга, балки такомиллаштиришга ҳам қаратилган ташкилий тадбирлар тизимини ишлаб чиқишга имкон беради

Ички ишлар идоралари ходимларини психологик жиҳатдан тайёрлашдан кўзланган *мақсад* уларда хизмат фаолиятининг ҳар қандай мураккаб шароитларида касбий жиҳатдан тўғри, аниқ, юқори ишчанлик билан ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Ички ишлар идоралари ходимларининг шахсий, биринчи навбатда, касбий жиҳатдан муҳим хислатларига алоҳида талаблар қўйилади. Ушбу фаолият ходимларда хиссий-иродавий барқарорликни, стресс ҳолатларини вужудга келтирувчи омиллар таъсирига қарши психологик иммунитет шакллантиришни талаб этади.

Психологик тайёргарликнинг асосий *вазифалари* қуйидагилардан иборат:

– ходимларнинг ички ишлар идоралари учун типик бўлган стресс омиллар ва уларнинг таъсирига психологик чидамлилигини ошириш;

– ходимларда психологик хислатларни ривожлантириш, ҳар қандай вазифани оператив хизмат фаолиятининг турли мураккаб ва хавfli шароитларида ҳам муваффақиятли бажаришларига ёрдам

берувчи уқув ва кўникмаларнинг ўзига хос жиҳатларини шакллантириш.

Психологик тайёргарлик ходимлар касб маҳоратининг таркибий қисмидир. У ходимнинг шаклланган ва ривожланган психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, оператив хизмат фаолиятининг ўзига хос ва муҳим психологик хусусиятларига жавоб беради ва уни амалга оширишнинг зарур шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

Психологик тайёргарлик ходимнинг касб маҳоратини кескин оширади. Илмий тадқиқотлар ва мавжуд ижобий тажриба профессионал таълим тизимига психологик тайёргарликни мақсадга йўналган тарзда ошириб боришнинг махсус вазифалари, шакл ва усуллари киритиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда психологик тайёргарлик – ички ишлар органлари касб тайёргарлигининг муҳим таркибий қисмидир. «Шахсий таркиб сифати унинг касбий маҳорати даражаси, ахлоқий-руҳий даражаси, жисмоний тайёргарлиги ва интизоми билан белгиланади»¹.

Ички ишлар идоралари ходимларининг психологик тайёргарлиги ходимларга оператив хизмат вазифаларини муваффақиятли ва самарали бажариш учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш, ривожлантириш ва фаоллаштириш бўйича махсус ташкил этилган мақсадга мувофиқ таъсир кўрсатиш жараёнидир.

Психологик тайёргарлик хизмат фаолиятининг хусусиятларига боғлиқ. Шунга кўра, психологик тайёргарликнинг мазмуни аниқ ифодаланган касбий йўналишга эга бўлмоғи лозим.

Ходимлар психологик тайёргарлигининг мазмунига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– жинойтчиликка қарши курашга психологик жиҳатдан тайёр бўлиш хислатларини шакллантириш;

– махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш;

– касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқув ва кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш;

– оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини таъминлаш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1998. – Б. 128.

– фуқаролар билан мулоқотга киришнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишнинг психологик-педагогик усулларини қўллаш маҳоратини шакллантириш;

– оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш ва психологик барқарорликни таъминлаш;

– шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини тутиш ва бошқариш усулларини ўргатиш;

– иродавий фаолликни ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш;

– ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлаш.

Жиноятчиликка қарши курашда психологик жиҳатдан тайёрлаш. Маълумки, бу психологик тайёргарликдаги энг муҳим жиҳатдир. Бу ўринда асосийси ходимларнинг касбий йўналганлигини шакллантириш, уларда фаолиятга нисбатан барқарор касбий қизиқишни ривожлантириш ҳисобланади.

Шунингдек, бу тайёргарлик ходимларда ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан келишмовчилик, ҳуқуқий нормаларни сўзсиз бажаришдан иборат барқарор одатни, кучли ривожланган ҳақиқат, адолат ва қонунийлик ҳиссини шакллантиришни тақозо этади.

Махсус оператив хизмат фаолиятининг турли жиҳатларига психологик йўналганликни ривожлантириш. Бу ходимларни психология асослари билан таништиришни, уларда ўз ишларида одамлар, гуруҳлар психологиясини инобатга олиш кўникмалари ва одатларини шакллантиришни тақозо этади. Оператив хизмат фаолиятининг психологик жиҳатларини тушуниш ходимларнинг ўтказиладиган тергов, оператив қидирув ва бошқа ҳаракатлардаги психологик хусусиятларни билишлари ва ҳисобга олишларини назарда тутди.

Касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш. Ушбу хислатлар ходимлар билиш фаолиятининг самарадорлигини таъминлайди. Билиш фаолиятига касбий зийраклик, идрок, кузатувчанлик, хотира, тафаккур ва тасаввур хосдир. Ушбу хислатларни ривожлантиришга қаратилган махсус машқлар ходимларнинг касбий жиҳатдан муҳим маълумотларни эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва қайта эсга тушириш самарадорлигини ошириш қоидаларини, мантиқий фикрлаш ва ижодий тасаввурни ривожлантиришнинг асосий усул-

лари ва уларга доир билимларни эгаллашларига йўналтирилган. Ўтказилган тадқиқотлар (А.М.Столяренко, А.А.Волков, О.Е.Сапарин) мазкур хислатларни амалий машғулотлар ва махсус машқлар ёрдамида мақсадли ривожлантириш натижани 2–3 марта яхшилашга имкон беришини кўрсатади.

Турли тоифадаги фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш уқув маҳорати ҳамда кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш. Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини турли тоифадаги фуқаролар (жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар, махсус ҳисобда турганлар ва ҳ.к.) билан доимий мулоқотда бўлишсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Олинадиган оператив жиҳатдан муҳим ахборотнинг сифати ходимларнинг улар билан муомала қилиш, психологик алоқа ўрнатиш, ишончли муносабатга киришиш қобилиятига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, бутун фаолиятнинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Психологик тайёргарлик давомида ходимлар психологик алоқа ўрнатиш усуллари ва йўллари тизимини эгаллашлари керак. Уларда нотаниш кишилар билан тезда алоқа ўрнатиш ва уларни ўзига мойил қилиш, одамларнинг фикрини эшита олиш, мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни енга олиш маҳорати шаклланиши лозим. Психологик тайёргарлик ходимларнинг психологик алоқа ўрнатиш жараёнини енгиллаштиришга имкон берувчи муайян қоидаларни ўзлаштиришларини тақозо этади.

Оператив хизмат фаолиятининг турли вазиятларида ролга киришиш кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маҳоратини ташкил қилувчи муҳим таркибий қисмлардан бири жиноятларни очиш ёки уларнинг олдини олиш учун зарур ахборотни олиш мақсадида фойдаланадиган ролга кириш кўникмаларидир. Шу боис, психологик тайёргарлик давомида ходимлар ўзларининг ички ишлар ходими эканликларини, ҳақиқий ҳолатларни, мулоқотга киришишдан кўзлаган мақсадларини ниқоблай олиш маҳоратини шакллантиришлари керак.

Фуқаролар билан мулоқотга киришишнинг мураккаб, низоли вазиятларида таъсир этишининг психологик-педагогик усуллари қўллаш маҳоратини шакллантириш. Фуқаролар билан муомала қилиш жараёнида юзага келадиган низоли вазиятлар ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида одатий ҳолдир. Шу боис ходимларда низоли вазиятни бартараф этиш маҳоратини шакллантириш,

уларга низоларни ҳал қилиш усулларини ўргатиш жуда муҳим. Ходимлар фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан одамларга психологик таъсир кўрсатишнинг ишонтириш, мажбурлаш, рағбатлантириш сингари муайян усулларида моҳирлик билан фойдаланишларига боғлиқ. Ходимларда низоли вазиятда ўзини тутишнинг турли тактик усулларини қўллаш ҳамда низоли вазиятдан оператив мақсадда фойдаланиш кўникмалари ҳам шаклланиши керак.

Оператив хизмат фаолиятининг оғир вазиятларида ўзини тута олиш ва психологик барқарорликни таъминлаш. Ходимлар ўзларининг кундалик амалий ишларида касбий вазифаларини бажариш сифатига таъсир этиши мумкин бўлган кўплаб ноқулай психологик ҳолатлар таъсирига дуч келадилар. Психологик барқарорлик ходимларнинг салбий ҳолатлар таъсирига тушмаслик қобилиятида намоён бўладиган психологик тайёргарликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида қаралади. Бу ўринда оператив хизмат вазифаларини бажариш чоғида мазкур қийинчиликларни олдиндан кўриш қобилиятини шакллантириш муҳим. Психологик барқарорликнинг шаклланиши ходимларнинг энг катта психологик қийинчиликлар шароитида ўз вазифаларини камчиликсиз бажариш машқини олишига ёрдам беради. Бунга машқлар ва амалий машғулотлар жараёнида оғир вазиятларни моделлаштириш йўли билан эришиш мумкин.

Шахснинг ижобий ҳиссий-иродавий хислатларини ривожлантириш, ходимларга ўзини туттиш ва бошқариш усулларини ўргатиш. Ходимларнинг психологик барқарорлигини ва оғир вазиятларда ўзини тута билиш қобилиятини шакллантириш уларда масъулият, муваффақиятсизликка чидаш, таваккалга мойиллик ва барқарорлик, ўзини бошқара олиш, собитлик каби муайян ҳиссий-иродавий хислатларни шакллантиришни тақозо этади. Ходимлар ўз хатти-ҳаракатларини ва ҳис-туйғуларини назорат қилиш ва бошқариш усулларини эгаллаган бўлишлари керак. Улар машғулот ва машқлар жараёнида ўзларини бошқариш, асабий зўриқишни йўқотиш, ички имкониятларни қўйилган вазифани бажаришга сафарбар қилиш усулларини эгаллайдилар.

Иродавий фаоллик ва иродавий ҳаракат кўникмаларини шакллантириш. Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг амалий фаолиятларида вазифани сифатли бажаришни қийинлаш-

тирадиган, баъзан эса қўйилган мақсадга эришишга тўсқинлик қиладиган турли хил қийинчиликлар ва тўсиқларга дуч келадилар. Бундай вазиятларда улар ушбу қийинчилик ва тўсиқларни енгишга ундовчи иродавий фаолликни намойиш этишларига тўғри келади. Иродавий ҳаракат кўникмаларини ривожлантиришга машғулотлар жараёнига қўйилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқлар киритиш ёрдам беради. Бундай машқлар жараёнида тўпланган иродавий фаоллик тажрибаси шахс иродасини, иродавий хислатларини ривожлантиришга таъсир этади.

Ишдаги руҳий зўриқишларга тайёрлик. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига хос хусусиятлардан бири шундаки, таъсир этувчи омиллар кўпинча стресс ҳолатини келтириб чиқаради, асаб тизимига ҳаддан ташқари катта оғирлик тушади. Бу, ўз навбатида, улар амалга оширадиган фаолиятнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ходимлар ушбу жараёнлар кечишининг асосий қонуниятлари ҳамда қисқа вақт ичида иш қобилиятини тиклашга ва ортиқча асабий зўриқишни бартараф этишга ёрдам берадиган усуллар (чунончи, психологик бошқарув машқларини бажариш усуллари) билан таништирилиши зарур.

Бундан ташқари, хизмат вазифаларни самарали бажаришда махсус полигонлар, тренажёрлар, ҳар хил тўсиқлар, психологик тайёргарлик хоналарининг хизмати беқиёсдир.

2. Касбий-психологик тренинг ҳақида тушунча ва унинг асосий шакллари

Ходимлар психологик тайёргарлигининг моҳиятини белгиловчи марказий бўғин ва ўзак уни ўтказиш усуллари дир. Бу ўринда оператив хизмат вазифаларини самарали бажаришга имкон берувчи психологик тайёргарлик ривожлантириладиган ва унинг зарур даражасига эришишга ёрдам берадиган усуллар назарда тутилади. Сўнгги вақтларда психологик тайёргарликни ташкил этишда ички ишлар ходимларининг касбий психологик тренингдан фойдаланиш борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Касбий-психологик тренинг ходим шахсининг касбий муҳим хислатларини самарали ривожлантиришга имкон берувчи мақсадга қаратилган машқлар тизимидир. Ушбу тренинг ходимнинг касбий фаолияти самарадорлигини оширадиган тегишли психологик усулларни эгаллашини ҳам тақозо этади.

Психологик тайёргарликни амалга ошириш учун куйидаги *касбий-психологик тренинг усуллари* қўлланилади:

- билиш хислатлари тренинги;
- коммуникатив тренинг;
- ролга кириш тренинги;
- психологик бошқарув машқлари;
- психо-техник ўйинлар.

Касбий психологик тренинг усуллари оператив ходим учун зарур бўлган хислатлар, кўникмалар ва маҳоратни самарали шакллантириш ва ривожлантиришга имкон беради.

Билиш хислатлари тренингига касбий хотира, касбий кузатувчанликни ривожлантириш ва касбий идрок тажрибасини тўплаш бўйича тренинглар, касбий зийракликни ривожлантириш бўйича машқлар киритилади.

Коммуникатив тренинг психологик алоқа ва ишончли муносабат ўрнатиш, оператив қизиқиш уйғотувчи шахсларга психологик таъсир кўрсатиш кўникмаларини эгаллашни ўз ичига олади.

Ходимлар оператив хизмат вазифаларини бажариш жараёнида турли ролларни бажаришларига тўғри келади. Бошқа қиёфага кириш, ўз хатти-ҳаракатларини ниқоблаш ва асослаш қобилияти ички ишлар ходимлари касбий маҳоратининг зарурий таркибий қисми бўлиб, унда тегишли хислатларни шакллантириш учун *ролга кириш тренинги* катта аҳамият касб этади. Ролга кириш кўникмалари роль гимнастикалари, яъни нутққа ва нутқсиз воситаларга тегишли ролга мос ташқи ифодали белгилар бағишлаш, ушбу воситаларни қўллашда импровизация қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган махсус машқларни бажариш орқали ривожлантирилади.

Ҳиссий-иродавий жараёнларни бошқара олиш кўникмаларини эгаллаш учун *психологик бошқарув машқларидан* фойдаланилади. Бу машқлар шахснинг ҳиссий ҳолатларини бошқаришга, ортиқча асабийлик, зўриқишни бартараф этишга, ходимнинг фаолиятида муайян ижобий кайфият яратишга имкон берувчи ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усулларидан фойдаланиш кўникмаларини эгаллашга қаратилган. Ушбу гуруҳга аутоген машқлар, иродавий ўзини ўзи бошқариш усуллари эгаллаш ҳам киритилган.

Психотехник ўйинлар ходимларни психологик тайёрлашнинг самарали усули бўлиб, ўйин тарзидаги хатти-ҳаракатларни бажариш

орқали муайян хислатларни шакллантириш учун қўлланилади. Психотехник ўйинлар психологик жиҳатдан амалдаги вазиятларга яқин бўлган, ҳақиқатда мавжуд бўлган вазиятларни қарор топтиришга асос бўладиган муайян ролларни, ўзаро ҳаракатларни бажаришни назарда тутди.

Психологик тайёргарлик усулларига *оператив хизмат фаолияти шароитлари ва қийинчиликларини психологик моделлаштириш* ҳам киритилади. Бу оператив хизмат фаолиятининг ҳақиқий вазиятларига яқин бўлган ташқи ва ички (психологик) шароитларни яратишга имкон берувчи йўллар, усуллар ва воситалар мажмуидир.

Психологик тайёргарлик усуллари орасида *амалий вазифаларни психологик таҳлил қилиш ва бажариш усули* ҳам ажратилиши мумкин. Ушбу усулнинг афзаллиги ходимлар касбий психологик тайёргарлигининг даражасини ҳақиқатда текшириш имкониятидир. Амалий вазиятларни ҳал қилиш ходимларга эришилган амалий билимлар, кўникмалар ва уқувларни оператив хизмат фаолиятида қўллашга имкон беради.

Касбий психологик тренинг вазифалари, мазмуни ҳамда амалга ошириш йўлларининг мураккаблиги ва масъулиятлилиги уни ўтказишни ташкил этишга ва усулларига юқори талаблар қўйилишини белгилаб беради.

Касбий психологик тренингни амалга оширишда уни ташкил этишнинг муайян принципларига суяниш зарур.

Қуйидаги умумий принциплар мавжуд:

- тренингнинг илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги;
- тренингнинг касбий йўналганлиги;
- уни ўтказишда мунтазамлилик ва кетма-кетлик;
- таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги;
- тайёргарлик кўришнинг барча учун осонлиги.

Касбий-психологик тренингнинг қўлланиладиган восита ва усуллари мажмуининг *илмий асосланганлиги ва мақсадга мувофиқлиги* унинг психологик жиҳатдан нозик жиҳатларини чуқур ва аниқ билиш ҳамда юридик психология ва педагогика тавсияларига риоя қилиш зарурлигидан келиб чиқади.

Тренингнинг касбга йўналганлиги тайёргарлик вазифалари ва мазмунининг ходимлар касбий фаолиятининг хусусиятлари ва улар дуч келадиган психологик қийинчиликлардан келиб чиқиб максимал даражада аниқлик киритилишида ифодаланади. Шунинг-

дек, ана шундан келиб чиқиб ўқув вазифалари, усуллари, объектларини танлаш, шарт-шароитлар ва ҳаракатларни имитация қилиш зарур.

Касбий психологик тренингни ўтказишда *мунтазамлик ва кетма-кетлик* янги билим, кўникма ва ўқувлар аввалгилари асосида эгалланганда, аввалгилари эса ривожлантиришни талаб этганда психологик тайёргарликни ўтказишда қатъий мантиқий алоқа бўлишини талаб этади. Бунда оддийдан мураккабга, синалгандан синалмаганга томон бориш; машқ қилувчиларнинг ҳақиқий билимларини ва аввалги машғулотларда эришган натижаларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда катта, аммо бажарса бўладиган қийинчиликларни яратиш зарур. Ушбу машғулот топшириқлари (вазифалари, суръати, шароитлари ва ш.к.)даги қийинчиликлар аввалгиларидан биров кўпроқ бўлгани маъқул. Агар машқ қилувчи, ҳаракат қилишига қарамай, вазифани умуман бажара олмаётган бўлса, қийинчиликни камайитириш лозим.

Машқлар вақтидаги қийинчиликлар талабаларнинг имкониятларини сафарбар қилади, таълим жараёни тезлашади, натижалар ҳам ошиб боради. Вазифалар оддий, осон бажариладиган бўлса, машғулотларга қизиқиш пасаяди, таълим суръатлари секинлашади.

Таълим олувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи ходимларнинг ўз қобилиятларини такомиллаштириб боришлари, билим олишларини фаоллаштириш, психологик тайёргарлик бўйича машғулотларга барқарор қизиқишларини шакллантиришга қаратилган онгли фаолиятини таъминлашдан иборат. Машқ қилувчи нимани ва қандай тартибда бажариш кераклигини аниқ тушуниб олиши зарур. Бунда ҳаракатни эгаллаш суръатлари ва даражаси ҳамда амалиётда бажариш самарадорлиги ошади.

Тайёргарлик кўришининг осонлиги принципи психологик тайёргарликни ходимларнинг зарур билимлар ҳамда талаб этилаётган кўникма ва ўқувларни ўз ақлий ва жисмоний кучларини муайян даражада зўриқтириш эвазига онгли равишда ўзлаштира олишлари учун қулай тарзда ташкил этиш ва ўтказишни талаб этади.

Касбий психологик тренингни самарали ташкил этишнинг муҳим шартларидан бири ходимларнинг ўз имкониятларини, касблари учун муҳим шахсий хислатларининг ривожланганлик даражасини билишларидир. Бу эса ходимга тайёргарлик дастурини тўғри белгилаш, ўз кучларини керакли йўналишда жамлаш

имконини беради. Бу борада ходимга ўз психологик имкониятларини яхшироқ билиш имконини берадиган муайян оддий психодиагностик усуллардан фойдаланиш катта ёрдам бериши мумкин.

3. Психологик тайёргарлик ходимларни касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг асоси

Психологияда шахснинг касбий маҳоратини тадқиқ қилишда С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев ва бошқа психолог олимлар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда ривожлантирилган онг ва фаолият бирлиги тамойилига фундаментал категория сифатида ёндашилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий камолоти муаммосини тадқиқ этишда Т.В.Кудрявцев томонидан ишлаб чиқилган шахснинг касбий камолоти узоқ давом этувчи, кўп жабҳали ва ҳаракатчан жараён эканлиги ҳамда у ўз тараққиёти давомида тўрт босқични босиб ўтишини эътироф этувчи қарашлар назарий асос бўлиб хизмат қилди.

Т.В. Кудрявцев назарияси бўйича касбий камолотнинг босқичларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- 1-босқич – касбий ният;
- 2-босқич – таълим ва тарбия;
- 3-босқич – касбга кириш;
- 4-босқич – касбий маҳорат.

Ҳар қандай мутахассисликда касбий маҳоратга эришиш даври узоқ ва қийин кечади. Мазкур муаммонинг назарий жиҳатлари Б. Г. Ананьев, Е. А. Климов, А. И. Алексеев, Р.З.Гайнутдинов, Э.Ғ. Ғозиев, У. Таджиханов, З. С. Зарипов, С. В. Асямов, Е. Ю. Агзамова, Р. М. Махмудов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ишлаб чиқилган. Мазкур олимларнинг тадқиқотларида касбий фаолиятнинг бошқарувда бевосита иштирок этадиган алоҳида шахс тузилмалари ҳамда уларнинг онтогенези, тузилиши, вазифалари, имкониятлари, шаклланиш қонуниятлари, ҳуқуқий маданияти ва бошқа масалалар таҳлил қилинган. Бир қатор илмий ишларда одам томонидан ўз шахсий сифати, хусусиятларини акс эттириши ва англашининг назарий аҳамияти билан биргаликда, уларни такомиллаштиришда амалиётнинг муҳим эканлиги, яъни шахснинг касбий хусусиятлари ва касбий маҳорати ўртасидаги ўзаро боғланиш ҳам эътироф этилади.

Ходим касбий фаолиятининг асосий психологик хусусиятлари ва таркибий элементларини кўриб чиқиш ҳам унинг фаолияти қанчалик мураккаб ва серқирралигидан далолат беради.

Касбий фаолият ходимга кўплаб турли хил талаблар кўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири – *шахсда касбий хислатларнинг ривожланган бўлиши*. Бунга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

- шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги;
- психологик барқарорлик;
- ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик;
- яхши ривожланган коммуникатив хислатлар;
- турли тоифадаги кишилар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва уни сақлай билиш;
- турли хил профилактик ишларни амалга оширишда фуқароларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти;
- ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим бўлган билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилик, ривожланган хотира, ижодий тасаввур;
- ривожланган тафаккур, ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция;
- зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга туғилганидан хос эмас, уларни шакллантириш ва ривожлантириш – давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар органлари ходимларининг касбий шаклланиши учун зарур шартдир. Ушбу хислатларнинг ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги ўз функционал вазифаларини меъёрида бажаришига халақит беради, фаолиятида хатоларга йўл қўйишига, ўз касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади. Шу боис ходимларда ушбу хислатларни шакллантиришга хизмат қиладиган касбий-психологик тайёргарлик катта аҳамият касб этади.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўлган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний зўриқишлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганда асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, ўтказилган тадқиқотларнинг

кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30 % уйқусининг бузилишидан шикоят қилганлар, 80 % дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда чарчаш (70 %), диққатнинг пасайиши (30 %), тажанглик (20 %), бош оғриғи ва айланиши (10 %), уйқучанлик ва дармонсизлик (10 %)ларда намоён бўлади¹.

Шу боис ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустаҳкамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ходимдаги ҳиссий-иродавий барқарорликка унинг касбий фаолиятга психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ходимнинг касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади. Ҳиссий-иродавий барқарорлик қуйидагиларда намоён бўлади:

– экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ва ноаниқликлар, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

– психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда вазифани беҳато бажариш машқини олганлик;

– касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намоёйиш этиш;

– ишларни қатъий қонун асосида юритишга таъсир этувчи шахсларнинг руҳий таъсирига берилмаслик;

– жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилиқ кўрсатувчи шахсларга қарши психологик кураш олиб бориш қобилияти;

¹ Қаранг: *Асямов С. В., Пулатов Ю. С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б. 35–36.

– психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, иғвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни қуйидаги учта асосий принципга таянади:

- релаксация;
- визуаллаштириш;
- ўзини ўзи ишонтириш.

Релаксация принципининг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш ҳамда ўз организмгиз ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ва одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашгани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи принцип – **визуаллаштириш**. Интуитив тафаккур онгга кириб боришининг турли йўлларида фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгизда образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан сезиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усуллари билдиради. Аслида инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онгда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

Ўзини ўзи ишонтириш принципнинг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс-садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга

эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш – образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

Аутоген машқлар организмнинг аввалдан бошқарилмайдиган функцияларини бошқариш имкониятини оширишга қаратилган машқлар тўпламини ўз ичига олади. Аутоген машқ – немис олими И. Г. Шульс таклиф этган ўзини ўзи ишонтириш усули. Ушбу методда дастлаб ўзини ўзи ишонтириш орқали мушаклар тонусининг бўшашига – релаксацияга эришилади, сўнгра ушбу ҳолатда организмнинг у ёки бу функцияга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

Бугунги кунда ходимнинг касбий-психологик тайёргарлиги ички ишлар органлари фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Ички ишлар идоралари ходимининг инсон ва унинг руҳиятини узвий равишда қамраб оладиган касбий маҳорати нафақат махсус юридик билимлардан, балки касбий-психологик тайёргарликдан ҳам ташкил топади. Агар унинг бундай тайёргарлиги бўлмаса, ҳақиқий маҳорати ҳам бўлмайди. Шу муносабат билан ходимларнинг касбий фаолият самарадорлигини таъминлайдиган зарур, профессионал жиҳатдан муҳим хислатларини ривожлантириш, фаолиятининг ишончлилигини оширувчи, одамлар билан моҳирона ишлашига ёрдам берувчи усулларни ўзлаштиришлари жуда муҳим. Шу боис касбий-психологик тайёргарликнинг жуда истиқболли йўналиши бўлган ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги бугунги кунда катта қизиқиш уйғотади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлашнинг касбий-психологик асослари нималардан иборат?
2. Психологик тайёргарликнинг асосий вазифаларига нималар киради?
3. Ходимларнинг психологик тайёргарлиги мазмунига нималар киради?
4. Касбий-психологик тренинг нима ва унинг қандай усуллари мавжуд?
5. Касбий-психологик тренингни амалга ошириш принципларини айтиб беринг.
6. Касбий камолотнинг қандай босқичлари мавжуд?
7. Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқаришнинг релаксация, визуаллаштириш ва ўзини ўзи бошқариш принципларини тушунтириб беринг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – T., 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. – T., 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури – T., 1997.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – T., 2011.
5. *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – T., 1996.
6. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.6. – T., 1998.
7. *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.10. – T., 2002.
8. *Каримов И. А.* Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – T., 2004.
9. *Каримов И. А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – T., 2005.
10. *Каримов И. А.* Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т. 14. – T., 2006.
11. *Каримов И. А.* Юксак маънавият – энгилмас куч. – T., 2008.
12. *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – T., 2010. – 56 б.
13. *Каримов И. А.* Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – T., 2011.
14. *Каримов И. А.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. T., 2011.
15. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2011 йил 4 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланмани тасдиқлаш тўғрисида»ги 96-сонли буйруғи.
16. *Аванесов Г. А.* Криминология и социальная профилактика. – М., 1980.
17. *Андреева Г. М.* Социальная психология. – М., 1990.
18. *Андреянова В. Е.* Деятельность человека в системах управления. – М., 1974.
19. *Антонян Ю. М.* Изучение личности преступника. – М., 1992.

20. *Антонян Ю.М.* Терроризм. – М., 1998.
21. *Арифходжаева И. Х.* Ички ишлар идоралари ходимлари психологияси. – Т., 2007
22. *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002.
23. *Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.А.* Социальная психология личности. – М., 2001.
24. *Билл Уизерс.* Управление конфликтами. – СПб., 2004.
25. *Васильев В. Л.* Юридическая психология. – СПб., 2005.
26. *Введенская Т. Ю., Дзигумская Е. А.* Международный терроризм: психологический аспект // Проблемы политической психологии. – Киев, 1997.
27. *Вердервер Р., Вердервер К.* Общение. – СПб., 2005.
28. *Гозиев Э. Ф.* Ёш даврлари психологияси. – Т., 1994.
29. *Гозиев Э.Ф.* Умумий психология. – Т., 2002.
30. *Гришина Н. В.* Психология конфликта. – СПб., 2005.
31. *Еникеев М. И.* Юридическая психология. – СПб., 2005.
32. *Жаринов К. В.* Терроризм и террорист. – Минск, 1999.
33. *Зарипов З. С., Кержнер М. Ю.* Профилактика правонарушений. – Т., 1994.
34. *Зельдович Б. З.* Психология и педагогика в профессиональной деятельности юриста. – М., 2003.
35. *Зигерт В., Ланг Л.* Руководитель без конфликтов. – М., 1990.
36. *Исмаилов И.* Жиноятчиликда уюшганликнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш. – Т., 2007.
37. *Исмаилов И., Бурханов Д.* Уюшган жиноий тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар). – Т., 2007.
38. *Каримова В.* Психология. – Т., 2002.
39. *Қобилов Ш., Таджиханов Б.* Ислом Каримов терроризм хавфи тўғрисида. – Т., 2002.
40. *Коган М. С.* Мир общения. – М., 1990.
41. *Қодиров У., Умаров Б.* Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. – Т., 2005.
42. *Кожушко Е.* Современный терроризм. – Минск, 2000.
43. *Курт Бартол.* Психология криминального поведения. – СПб., 2004.
44. *Ле Бон Гюстав.* Психология масс и народов. – М., 2000.
45. *Леонов Н. И.* Конфликты и конфликтное поведение – СПб., 2005.
46. *Лучинин А. С.* История психологии. – М., 2005.

47. *Майерс Д.* Социальная психология. – СПб., 2005.
48. *Мальцева О.А., Ратова И.В.* Профессиональная психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1998.
49. *Мешерекова Б. Г., Зинченко В. П.* Большой психологический словарь. – СПб., 2005.
50. *Минковский Г. М.* Психология личности преступника. – М., 1989.
51. *Михайлов А. Г.* Загадки человеческого «Я». – М., 1991.
52. *Назаретян А.М.* Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. – СПб., 2004.
53. *Ольшански Д. В.* Психология терроризма. – СПб., 2002.
54. *Платонов Ю. П.* Социальная психология поведения. – СПб., 2006.
55. *Плевако Ф. Н.* Избранные речи. – М., 1993.
56. Психология о терроризме (материалы «круглого стола») // Психологический журнал. – 1995. – № 4.
57. Психология террористов и серийных убийц: Хрестоматия. – Минск, 2004.
58. *Рональд Блекборн.* Психология криминального поведения. – СПб., 2004.
59. *Рубинштейн С. Л.* Основы общей психологии. – СПб., 2006.
60. *Самыгин С. И., Столяренко Д. А.* Психология управления. – Ростов на-Дону, 1997.
61. *Селиванов Н.* Этико-тактические вопросы расследования. – М., 1989.
62. *Сельченков К. В.* Психология лидерства. – Минск, 2004.
63. *Семечкин Н. И.* Психология социального влияния. – СПб., 2004.
64. Современный терроризм: состояние и перспективы. – М., 2000.
65. *Тўлаганова Г. К.* Тарбияси қийин ўсмирлар. – Т., 2005
66. *Филонов Л. Б.* Тренинги делового общения сотрудников правоохранительных органов с различными категориями граждан. – М., 1992.
67. *Чуфаровский Ю. В.* Юридическая психология. – М, 2000.
68. *Шеглов А. В.* Анатомия терроризма: проблемно-психологический анализ // Право и политика. – 2000 – №5.
69. *Шейнов В. П.* Психология обмана и мошенничества. – М., 2002.
70. *Шиханцов Г.Г.* Психология следователя. – Воронеж, 1999.
71. *Щекин Г. В.* Визуальная психодиагностика и её методы. – Киев., 1991.
72. *Энтони Гидденс.* Социология. – Т., – 2002.
73. *Якубов А. С., Кабулов Р.* Новое в уголовном законодательстве. – Т., 1995.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
--------------------	---

I БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК ТАЪМИНЛАШ

1. Касбий психология фанининг объекти ва предмети	5
2. Касбий психология фанининг юридик психология тизимида тутган ўрни.....	9
3. Касбий психология фанининг қонуниятлари, методлари ва принциплари.....	14
4. Касбий психология фанининг асосий вазифалари.....	28

II БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМИ ШАХСИГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ

1. Психологияда «шахс» тушунчаси. ички ишлар идоралари ходими шахсини ўрганишнинг психологик муаммолари.....	30
2. Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг психологик тузилиши.....	34
3. Ички ишлар идоралари ходимлари шахсининг билиш фаолиятига психологик тавсиф.....	36
4. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳиссий - иродавий ва шахсий фазилатларнинг ўрни.....	60

III БОБ. КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ ВА КАСБИЙ БУЗИЛИШНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

1. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятига психологик тавсиф.....	72
2. Ички ишлар идоралари тизимида касбий қобилият ва касбий маҳорат.....	77
3. Касбий бузилиш тушунчаси ва уларнинг олдини олиш йўллари.....	83

IV БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ МУОМАЛАСИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида «муомала» тушунчаси ва унинг психологик ўзига хослиги.....91
2. Муомала воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари.....95
3. Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари.....101

V БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА «ЗИДДИЯТЛАР» ТУШУНЧАСИ ВА УЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Психология фанида «зиддият» тушунчаси ва унинг турлари.....105
2. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида зиддиятларнинг пайдо бўлиш сабаблари.....109
3. Ички ишлар органлар ходимлари фаолиятида зиддиятларни бартараф этиш йўллари.....114

VI БОБ. ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ АХЛОҚ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ва уни белгиловчи омиллар.....122
2. Ички ишлар органлари фаолиятида ашаддий ва ғаразли миш-мишлар ва уларнинг олдини олиш.....125
3. Ички ишлар идоралари фаолиятида оломон психологияси ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хослиги.....133

VII БОБ. ҲУҚУҚБУЗАР ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Жиноий хулқ ва унда «нормадан четга чиқиш» тушунчаси.....142
2. Юридик психологияда «жиноятчи шахси» тушунчаси.....151
3. Жиноятчи шахсининг типологияси.....158
4. Алоҳида тоифадаги жиноятчиларнинг психологик хусусиятлари.....164
5. Профессионал жиноятчилар ва рецидивистларнинг психологик хусусиятлари.....174

VIII БОБ. ЖИНОИЙ ГУРУҲЛАР ВА УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ПСИХОЛОГИК ТАВСИФ

1. Жиноий гуруҳлар шаклланишининг психологик сабаб ва шароитлари.....193

2. Жиноий гуруҳ ва уюшган жиноятчилик психологияси.....	198
3. Жиноий гуруҳларда етакчилик (лидерлик) ва унинг психологик тавсифи.....	209
4. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг психологик муаммолари.....	218

IX БОБ. ТЕРРОРИЗМ ПСИХОЛОГИЯСИ

1. Замонавий терроризмнинг психологик хусусиятлари.....	221
2. Террорчи шахси психологияси.....	226
3. Терроризмга қарши курашишнинг психологик муаммолари.....	232

X БОБ. ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Профилактик фаолиятнинг психологик таҳлили	241
2. Профилактик фаолият субъектлари ва улар билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари	249
3. Профилактик хизмат ходимлари фаолиятини такомиллаштиришнинг психологик муаммолари	258

XI БОБ. ЖИНОЯТЧИЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Жиноятларни тергов қилиш фаолиятига психологик тавсиф	264
2. Воқеа содир этилган жойни кўздан кечириш психологияси.....	274
3. Тинтув ўтказиш психологияси	283
4. Сўроқ қилишнинг психологик жиҳатлари	295
5. Гувоҳлар ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш психологияси	301
6. Гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш психологияси	304
7. Юзлаштириш психологияси ва унинг ўзига хослиги	308

XII БОБ. ЖИНОЯТЧИНИ ҚИДИРИШ ВА ЖИНОЯТНИ ОЧИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

1. Жиноятларни очиш фаолиятининг психологик хусусиятлари	311
2. Қидирув фаолиятининг психологик тузилиши	319
3. Жиноятчиларни қўлга олишда психологик омилларни ҳисобга олиш	322

**XIII БОБ. ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
ТАЙЁРЛАШНИНГ КАСБИЙ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ**

1. Ички ишлар идоралари ходимларини тайёрлашнинг психологик мазмуни	325
2. Касбий-психологик тренинг ҳақида тушунча ва унинг асосий шакллари	330
3. Психологик тайёргарлик ходимларни касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг асоси	334
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР	339

ДУШАНОВ Рустам Хўжанович
психология фанлари номзоди; доцент
ФАРФИЕВ Ёқубжон Атхамджанович

КАСБИЙ ПСИХОЛОГИЯ

ДАРСЛИК

Муҳаррир Б. А. Яров
Техник муҳаррир Д. Х. Ҳамидуллаев

Босишга рухсат этилди. 5.01.2014. Нашриёт ҳисоб табағи 20,0.
Адади 50. Буюртма №

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.